

**ХОРАЗМ БАХШИ ВА ХАЛФАЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ**

**НАСИБА САБИРОВА**

**ХОРАЗМ БАХШИ  
ВА ХАЛФАЧИЛИК  
АНЪАНАЛАРИ**

**НАСИБА САБИРОВА**

**ХОРАЗМ БАХШИ ВА ХАЛФАЧИЛИК  
АНЪАНАЛАРИ**  
(генезис, локалик, репертуар, ижро усули)

---

---

*Монография*



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
«Фан» нашриёти давлат корхонаси  
Тошкент – 2021

DOI: <https://www.doi.org/10.36719/2022/250>

УЎК:398.8 (575.171):801

КБК:82.3 (5Ў)

С 74

**Масъул муҳаррир:**

**Жаббор Эшонқулов**, филология фанлари доктори, профессор

**Тақризчи:**

**Шомирза Турдимов** – Филология фанлари доктори, профессор

**Санъат Сариев** – Филология фанлари доктори, доцент

**Абдумурод Тиловов** – Филология фанлари доктори, доцент

**С 74 Насиба Сабирова**

**Хоразм бахши ва халфачилик анъаналари / Монография.** – Тошкент: ЎзР ФА «Фан» нашриёти, 2021. 250 б.

Хоразм эпик ижро санъати ўзига хос ижро йўли ва усуллари, репертуари билан бошқа худуддан тамомила фарқланиб туради. Бу худудда бахши ва халфачилик анъаналари қадим даврлардан буён ёнма-ён яшаб келган. Бахши ва халфачиликнинг қадимий илдизлари, эпик анъанада тутган ўрни ва ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш бугунги кунда долзарб илмий аҳамиятга эга.

Мазкур монографияда Хоразм бахши ва халфачилик санъатининг илк манбалари ва тараққиёт босқичлари, ўзига хос хусусиятлари, дostonчилик мактаблари, қиссахонлик ва унинг оғзаки ижрога таъсири, бахши ва халфаларнинг устоз-шогирдлик анъаналари, худудга хос эпик анъаналар, уларнинг жонли ижрога таъсири, бахши ва халфаларнинг ижро усуллари, репертуари каби масалалар атрофлича тадқиқ этилган.

*Ушбу монография Урганч давлат университети Илмий кенгашининг 2021 йил 27 ноябрдаги 4-сонли йиғилиш қарори асосида нашрга тавсия этилган.*

УЎК:398.8 (575.171):801

КБК:82.3 (5Ў)

ISBN 978-9943-19-624-9

© Насиба Сабирова.

© «Фан» нашриёти, 2021

## КИРИШ

Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари дадил қадам қўйган ҳозирги пайтда “Халқимиз маданиятининг ҳаёт сарчашмаси бўлган бахшичилик санъатини янада ривожлантириш, унинг миллий маданиятимиз ва санъатимиздаги ўрни ва аҳамиятини юксалтириш, ёш авлодни миллий ўзликни англаш, Ватанга садоқат, тарихий меросга ҳурмат руҳида тарбиялаш” долзарб вазифалардан бири бўлиб тургани Президентимизнинг қатор қарорларида ўз аксини топган ва бу соҳада бажариладиган вазифалар кўрсатиб ўтилган.

Шу сабабли “аввал амалга оширилган тадқиқотларни янгидан баҳолаш, илгари мутлақо ўрганилмаган ёки тадқиқ этишга монелик қилинган даврлар, мавзулар, асарлар ва ижодкорлар фаолиятини ўрганиш ҳамда уларни зудлик билан илмий муомалага киритиш каби масалаларни таҳлил-тадқиқ қилиш биринчи ўринга чиқди”. Шу боисдан биз ушбу илмий тадқиқотда Хоразм воҳасида бахши ва халфачилик санъати, Хоразм дostonчилигининг ўрганилиши, дostonчилик мактаблари, анъанавий дostonчиликнинг ғоявий йўналишлари, тарихий ривож, ҳозирги аҳволи ва бахшилар, халфалар репертуарини имконият даражасида, шу ҳудуд бахшилари поэтик мактаблари асосида таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Айни вақтда фақат шу ҳудуднинг бир қисмидагина қадимий анъаналар яшаб келмоқда. Аммо Хоразм воҳасидаги бахши ва халфачилик санъатининг ўрганилиши, илк манбалари, шоира-дostonчи халфалар, қироатхон-қиссахон ва созанда-ижрочи халфалар ижодий фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, дostonчилик поэтик мактабларининг юзага келиши, ривож, ўзаро алоқаси, бахши-шоирлар репертуарида ўзига хос асарлар мавжудлиги, ушбу дostonларнинг ғоявий мундарижаси, айрича жиҳатлари, умумўзбек ва туркий халқлар дostonчилигидаги ўрни ҳамда улар билан муносабати масаласи ҳали алоҳида тадқиқот манбаи бўлган эмас.

Мазкур монографияда илоҳий қобилият эгалари сифатида ўтмишда яратилган ноёб обидаларни бугунги кунгача етиб келишида кўприк бўлиб хизмат қилган ушбу истеъдодли инсонлар ижо-

дини ҳар томонлама ўрганиш, бахши ва халфачилик анъаналарининг илк манбаларини аниқлаш, коҳин-шомон-ўзон-устод – табиб, бахши, котиб, халфа каби турлича юритилиб келган ушбу номларга аниқлик киритиш, бахши ва халфачилик санъатининг тараққиёт босқичларини таҳлил қилиш, уларнинг эстетик принципларига баҳо бериш, ижод сирларини ўрганиш каби қатор муаммоларни Хоразм бахши ва халфалари ижоди, репертуари ва ижро усуллари мисолида ёритиб бериш ишимизнинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги (нечанчи сон?)ПФ-4947-сон)Фармони, 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги –сон қарори, 2018 йил 25 апрелдаги “Бахшичилик ва дostonчиликни янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги –сон қарори, 2018 йил 1ноябрдаги “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги –сон қарори, 2019 йил 14 майдаги “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги-сон қарори ва 2019 йил 6 апрелдаги “Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг очилиши тантаналарида сўзлаган нутқида ҳамда бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу Монография тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Эпик ижро, яънибахши ва халфачилик санъати,дostonларнинг юзага келиши, тарихий тараққиёти, ўзига хос хусусиятлари, эпик анъаналарнинг ривожланиш ва сўниш жараёни, мифологик қатлами, бадиияти ва тематикаси, жонлиижро жараёнда яшаш тарзини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Қирғизистон ҚР УИА ни академияси, Қозоғистон Евросиё миллий университети, Озарбайжон Отатурк маркази, Mongolian academy of Sciences, Татаристон фанлар академияси, Ғози Университети, Садриддин Айний номли Тожикистон педа-

гогика университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университетиде олиб борилмоқда.<sup>1</sup>

Бахши ва халфачилик санъати, дostonларнинг яратилиш тарихи, тараққиёти, ўзига хос хусусиятлари, дostonчиликнинг ривожланиш ва сўниш жараёни, бадий хусусиятлари ва тематикаси, ҳозирги жонли жараёнда яшаш тарзини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of Harvard (USA), University of Bonn (Germany), University of British Columbia (Canada), Academy of Korean Studies Grant (Korean), Ege Universiteti (Turkey), Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети, Жаҳон адабиёти институти, Қозон давлат университети (РФ), Azərbaycan Milli Elmlər Akademiyası Folklor Institutu (Ozarbayjon), Еуразия ўлттық университети (Қозоғистон), Кыргыз улуттук университети (Қирғизистон), шунингдек, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти (Ўзбекистон) каби илмий даргоҳлардада олиб борилмоқда.<sup>2</sup>

Бахшичилик санъатининг қадимий илдизлари, унинг шомонлик анъаналари ва қадриятлари билан чамбарчас боғлиқлиги, эпик санъаткорнинг тарихий тараққиётда тутган ўрни ойдинлаштирилган (University of Bonn, Germany); бахшиларнинг эпик ижро маҳорати – ижрочилик санъати – эпик ижронинг сўз ва мусиқа бирлигидаги синкретик ҳодиса эканлиги исботланган (University of Harvard, USA); Марказий Осиё халқлари эпик ижро санъатининг юзага келиши, ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, локал хусусиятлари ёритил-

<sup>1</sup>Қаранг: **Кыдырбаева Р.З.** Сказительское мастерство манасчи. – Ф: Илим, 1984. – 117 с.; **Кыдырбаева Р.З.** В начале было Слово... – Б., 2013. – 324 с.; Асанканов А., Бекмухамедова Н. Акындар жана манасчылар кыргыз элинин руханий маданиятын түзүүчүлөр жана сактоочулар [Текст] / А.Асанканов, Н.Бекмухамедова // – Б: Мураc, 1999. – 205 б; Кунанбаева Алма Бектурсунова. Проблема казахской эпической традиции (на музыкальном материале 1960–80- годов). – диссертация канд. искусствоведния. –Алмата, 1984. – 192 с.

<sup>2</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий адабиётлар шарҳи: <https://www.uni-bonn.de>; <https://www.harvard.edu>; <https://www.columbia.edu>; <https://www.publishersweekly.com>; <https://www.publishersweekly.com>; <https://warwick.ac.uk/fac/arts/english/currentstudents/undergraduate/modules/f ulllist/special>; <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-razvitiya-i>; [www.dongduk.ac.kr](http://www.dongduk.ac.kr); [www.tdtae-asbu.edu.tr](http://www.tdtae-asbu.edu.tr) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

ган (University of British Columbia, USA); эпик ижодкорларнинг таснифланиши, уларнинг репертуаридаги ўзига хослик, эпик ижрочи-бахшиларнинг дунё тамаддунида тутган ўрни каби масалалар очиб берилган (University of Oxford, USA); фольклор ва ёзма адабиёт муносабати масалалари, фольклорнинг ёзма адабиётга таъсири, бахшичилик санъатининг индивидуал ижодга таъсири, айти пайтда, ёзма адабиётнинг бахши ижодига таъсири масалалари эпик матн таҳлили асосида далилланган (University of Dongook, Корея Республикаси); бахшилар ижросидаги дostonлар сюжетининг шаклланишида афсона ва ривоятларнинг тутган ўрни, сюжетдаги мифологик қатламнинг қадимий тасаввурлар билан чамбарчас боғлиқлиги таҳлил қилинган (Ege universiteti, Turk dunyasi tadkikatleri institusi).

XX асрга келиб бахшичилик ва халфачилик санъати, шунингдек, дostonчилик дунёнинг кўпгина худудларида батамом сўнгани, ҳатто республикаимизнинг маълум биргина худудида сўниш жараёнини бошдан кечираётгани бизни шу тадқиқот орқали сўниш жараёни сабаблари ва шу жараёнга хос хусусиятларни ёриштишга ундади.

Ўзбек фольклоршунослигида бахшичилик, халфачилик, ижро ва бадиҳагўйлик, умуман бахши маҳорати ва халфалар ижроси, уларнинг бадий-эстетик табиати ҳамда ўзига хос жиҳатлари борасида В.М.Жирмунский, Ҳ.Т.Зарипов, М.С.Саидов, Т.М.Мирзаев, С.Р.Рўзимбоев, Ҳ.Ж.Абдуллаев, М.Жўраев, Ш.Турдимов, Ж.Эшонкул, Н.А.Раҳмонов, О.Мадаев каби олимлар муҳим фикр – мулоҳазалар билдирганлар ва монографик тадқиқотлар ҳам эълон қилганлар<sup>3</sup>. Аммо бахшичилик, халфачилик, уларнинг илк манбалари, тадрижий тараққиёти, ижрочилик маҳорати, дostonчилик мактаблари, қиссахонлик ва унинг оғзаки ижрога таъсири, ижрочи репертуари, уларнинг ўзига хос куйлаш манераси каби қатор масалалар ўз тадқиқотини кутиб турибди.

Ўзбек халқ дostonларни ёзиб олиш, нашр этиш, илмий таҳлил қилиш, дoston куйловчи санъаткорлар ҳаёти ва маҳоратини ўрганиш соҳасида фольклоршунослигимиз жиддий ютуқларга эришган. Эпосшунослик учун дostonларга ёзилган сўзбошилар дастлабки замин бўлган бўлса, кейинчалик ўзбек дostonчилигининг умумий

масалаларини, халқ бахшиларининг эпик репертуарини, дostonчиликдаги айрим муаммолар – вариантлилиқ, туркумлиқ, бадий маҳорат, ғоявий-бадий хусусиятлар, маълум бир бахши маҳоратини таҳлил қилувчи алоҳида тадқиқотлар майдонга келди.

Халқ бахшилари репертуари, санъаткорлиги, улар ижро этган дostonларнинг ғоявий йўналишларини таҳлил этиш, дostonларни туркумлаш, таснифлаш ва вариантлилиқ соҳасида эришилган ютуқлар эпосшунослик муаммолари ҳал этилди дегани эмас. Балки эпик ижодиётда барча ўзбек бахшилари учун умумий бўлган услуб элементларини аниқлаш, уларни вилоятлараро ва индивидуал фарқлаш, нисбатан талантили бахшилар маҳоратини ёритиш, эпик асарларнинг ижодий тарихини белгилашдан иборат ўзак масалаларини ҳал қилиш лозимлиги ҳамон кун тартибидан долзарб бўлиб турибди.

Ушбу муаммо юзасидан бир қанча тадқиқот ишлари амалга оширилган бўлишига қарамай, Хоразм бахши ва халфачилиқ санъати, ўрганилиши, локал хусусиятлари, репертуари, ижро маҳорати, жонли жараёнда яшаш тарзи, ўзбек фольклоршунослиги ривожиданги ўрни ҳанузгача ҳудуд нуқтаи назаридан яхлит тарзда тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг мақсади Хоразм бахши ва халфачилиқ санъатининг илк манбаларини ва тараққиёт босқичларини, ўзига хос хусусиятларини, дostonчилик мактабларини, қиссахонлик ва унинг оғзаки ижрога таъсирини, бахшилар ва халфаларнинг устоз-шогирдлик анъаналарини, ҳудудга хос эпик анъаналар, машҳур бахшилар ва халфалар ижодини ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Хоразм дostonларининг нашр қилинган қуйидаги китоблари олинди: “Ошиқнома”. I китоб (Урганч: “Хоразм”, 2006, –Б. 348.), “Ошиқнома”. II китоб (Урганч: «Хоразм», 2006. – Б. 452.), “Ошиқнома”. III китоб (Урганч: “Хоразм”, 2008. –Б. 338.), “Ошиқнома”. IV китоб (Урганч: “Хоразм”, 2009. –Б. 354.), “Ошиқнома”, V китоб (Урганч: “Хоразм”, 2011. – Б.272.), “Ошиқнома”. VI китоб (Урганч: “Хоразм”, 2013. – Б.270.), “Ошиқнома”. VII китоб (Урганч: “Хоразм”, 2018. –Б.219.), “Ошиқнома”. VIII китоб (Урганч: “Хоразм”, 2019. – Б.192.), “Гўрўғли” (Урганч: “Хоразм”, 2004. – Б. 496.).



Шунингдек, тадқиқот объекти сифатида филология фанлар доктори, профессор С.Рўзимбоевнинг шахсий кутубхонасида сақланаётган фольклор архиви материаллари ва фонотекасида 1969-2020 йиллар мобайнида Хоразмлик бахшилар ва халфалардан ёзиб олинган олтмишдан ошиқ дostonлардан танланган.

Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, тавсифий, умумлаштириш усулларида фойдаланилди.

Ушбу тадқиқотда Хоразм бахши ва халфачилик санъатининг тарихий илдизлари ва эволюциясини тадқиқ қилиш, эпик анъаналар ва уларнинг машхур ижрочиларининг ижодий-эстетик тамойилларини ойдинлаштириш, воҳадаги эпик анъаналар ва уларнинг вакиллари ижросидаги локал хусусиятларни аниқлаш, этногенетик жараёнлар асосида шаклланган ҳар иккала дostonчиликдаги эпик репертуарни таҳлил қилиш, икки тиллилик анъанасини, ҳам бахши, ҳам жиров ижрочилигини биргаликда қоришиқ ҳолда олиб бориш, дoston куйлаш жараёнида қўш овозда куйлаш анъанасига баҳо бериш, дотор, гармон тор ва қўбиз ижрочилиги билан боғлиқ жараёнларни ёритиш, бахшичилик, халфачилик ва қиссахонлик анъаналарининг муносабатини очиб бериш каби қатор муаммоларни ҳал қилиш Монографиямизнинг илмий янгилиги ҳисобланади.

Халқ оғзаки ижоди намуналарини, жумладан, бахши ва халфачилик санъатининг юзага келишини ва тарихий тараққиётини, яшовчанлигини ўрганиш ҳамisha илмий-назарий аҳамиятга эгадир. Хоразм воҳаси ўзига хос этнофольклорий минтақа сифатида қаралиб, минтақадаги бахшичилик, халфачилик ва қиссахонлик санъати, дostonчилик мактаблари ҳамда эпик репертуардаги локал хусусиятлар ишончли фактлар мисолида аниқланди;

Дostonларнинг ёзма нусхалари билан оғзаки вариантлар қиёсланган ҳолда бахши бадихағўйлиги ойдинлаштирилди; оғзаки нутқнинг бадий тафаккур маҳсули эканлиги атрофлича кўрсатилди;

Қисса яратиш жараёни, қиссахон ва қироатхон халфалар репертуаридаги ижроларига тавсиф берилди ва қиссахонликнинг бахшиларга ижобий таъсири очиб берилди;

Қисса – дoston ва ёзма адабиёт муносабати таҳлил этилиб, матнга ғазал, мухаммас, мусаддас, туюқ каби жанрларнинг кириб келиш сабаблари ёритилди.

Воҳадаги фаолият кўрсатиб келаётган иккита дostonчилик мактабларининг дoston куйлашдаги умумийлиги ва алоҳидалик хусусиятлари ўрганилди;

Халфаларнинг дostonчи-шоира, қироатхон-қиссахон, ижрочи-созанда тоифалари хусусида сўз юритилди ва уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ойдинлаштирилди.

Монографиянинг назарий хулосаларидан фольклор спецификаси, қиёсий адабиётшунослик, эпик ижодиётнинг юзага келиши, камолоти сари эволюцияси, поэтик мактабларнинг ўзаро муносабатларини, эпик репертуарда халқ этник ҳаёти ва қарашларининг қай тарзда сақланганини тадқиқ қилишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотимизнинг илмий аҳамияти ўзбек фольклоршунослигида кам ўрганилган Хоразм бахши ва халфачилик санъатининг қиёсий-тарихий ва типологик методда биринчи марта монографик аспектда ўрганишда кўринади.

## БИРИНЧИ БОБ.

### ЭПИК САНЪАТНИНГ ҚАДИМИЙ ИЛДИЗЛАРИ

#### Бахши ижрочилигининг юзага келишидаги дастлабки омиллар

Инсоният маънавиятининг туб илдизлари жуда қадимга бориб тақалади. Ибтидодий жамоа давридаёқ инсоният тафаккуридаги эволюция тилнинг ривожланишига, ҳар иккаласи эса маънавиятнинг юксалишига ижобий таъсир кўрсатган.

Маънавият ва маърифат ибтидодий динларнинг келиб чиқишига олиб келган. Уларнинг бир кўриниши тотемизм ва яна бир кўриниши афсунгарликдир<sup>1</sup>.

Диний ибодат инсонни қўшиқ куйлашга, урф-одат, маросим-шеърятга, инончлар эса рақс томон етаклади.

Ҳайвонларга бўлган инонч, уларнинг эврилишлари ҳақидаги мифик тасаввурлар асосида эртақлар, космогоник ва диний тасаввурлар негизида мифология пайдо бўлди, баҳодирлар ҳақидаги ривоятлар эса эпосни юзага келтирди<sup>2</sup>.

Ибтидодий жамоа давридаёқ пайдо бўлган дастлабки фольклор асарларининг яратилиши диний эътиқодлар билан узвий боғлиқдир.

“Авесто” китобига тегишли “Видевдат” мажмуини фақат жрец (коҳин)лар куйлаб, унинг тўлиқ матнини кейинги авлодларга етказишган<sup>3</sup>. “Авесто”даги “гоҳ”лар фақат коҳинлар томонидан ўқилган. “Гоҳ” – Зардушт бадиҳа йўли билан яратган даъват сўзлари бўлиб, “Авесто”нинг “Ясна” китобида 17 та “гоҳ”-қўшиқ сақланган. Уларни ёд ўқиш ўта савобли ҳисобланган<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Косвен М. Ибтидодий маданият тарихидан очерклар. – Тошкент: Фан, 1960. – Б.159. (240)

<sup>2</sup> Колер И., Ранке И., Ратцель Ф. История человечества. (До исторический период), Санкт-Петербург, “Полигон”, 2003. – Б. 78. (329)

<sup>3</sup> Крюкова В. Авестийский жрецкий кодекс “видевдат”, историко-этнографические реалии. / “Авесто” ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. – Тошкент – Урганч: “Фан”, 2001. – Б. 120 (120-124)

<sup>4</sup> Авесто. Яшт китоби. – Тошкент: “Шарқ”, 2001. – Б. 28.

“Авесто” “гоҳ”ларини ёд ўқиш оддий шеър ўқиш эмас, балки куй оҳангида қироат билан матн мазмунини тингловчига етказишдир. Буни фақат мутахассис қоҳинлар ижро этишган. Қоҳинлар эса шамонларнинг илк авлодидир.

Диний маросимларни бажариш, шу жараёнда муқаддас китоблардаги шеърий матнларни речитатив (куй) тарзда ижро қилиш энг қадимги анъаналардан биридир.

Диннинг пайдо бўлиши маънавият билан узвий боғланган бўлиб, инсоният қалбида эзгулик ғояларини камол топтиришдир. Бу вазифа эса қоҳинлар зиммасига тушган. Улар ҳозирги бахши ва халфаларнинг илк авлодидир.

Қоҳинлар оддий ёки тасодифий кишилар бўлишмаган. Улар қобилиятли, юксак иқтидор эгаси бўлган шахслардан танланган. Чунки улар эзгу ғояларни ишонтириш усули билан омма онгига етказишган. Шу сабабли қоҳинлар ва шомонларнинг шахсига оид турли афсоналар учрайди. Бундай шахслар илоҳий қудратга эга бўлиб, уларга ушбу касб, асосан, тушида армуғон қилинади. Бу хусусда кўплаб халқлар фольклорида турли асотирлар яратилган. Жумладан, В.М.Жирмунский биринчи англосакс шоири ва қоҳин Кэдмон (Caedmon) ҳақидаги қуйидаги асотирни келтиради.

Кэдмон VII асрда монастир қоҳини бўлган. У ўзининг қўшиқ айтиш санъати билан машҳурлик қозонган. Аммо шуни айтиш жоизки, у қўшиқ куйлаш санъатини оддий кишилардан ўрганган эмас, балки бу иқтидорни унга Худо ато қилган. Кэдмон катта ёшларга етганда ҳам қўшиқ куйлашдан йироқ киши бўлган. Бир куни катта зиёфат бўлиб, дўстлар йиғилишганда мусиқа авжига чиқиб, қўшиқ куйлаш навбати унга етганда Кэдмон қобилиятсизлигидан уялиб, даврадан қочиб кетади. У шу кечаси ётиб ухлаб туш кўради. Тушида нотаниш киши унинг қошига келиб, қўшиқ куйлашни илтимос қилади. Кэдмон эса қўшиқ куйлай олмаслигини айтади. Аммо нотаниш киши уни оламнинг пайдо бўлиши ҳақидаги қўшиқни куйлашга мажбур қилади. Кэдмон буйруқни бажаради. Эрталаб ўрнидан тургач, қўшиқни эслаб, куйлашни бошлайди. Унинг оламини кашф этган Худога бағишланган гимн-мадҳияси англосакс тилида ҳозиргача сақланган<sup>5</sup>.

<sup>5</sup> Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. – Л.: Наука, 1979. – С.397. (494)

В.М.Жирмунский “Легенда о призвании певца” (“Куйчининг чорлови ҳақида афсона”) деб номланган ушбу мақоласида Кэдмон ҳақидаги ушбу афсонани келтирар экан, ундаги воқеаларни Шарқда тарқалган куйчи-қўшиқчи-бахшилар ҳақидаги ривоятлар билан қиёслайди: “Кўпгина ўзбек бахшилари ҳам Кэдмон каби бирор жойда, аксарият дарахт остида ухлайди. Унинг тушида бирор нотаниш киши (кўп ҳолларда илоҳий шахслар) келиб “Сен бахши бўласан”, деб кўздан ғойиб бўлади. Бўлажак бахши эса тушида куй чалиб қўшиқ айтади. Уйғонган пайтда ёнида ҳеч ким бўлмайди. Аммо шу кунданоқ куйчи-бахшига айланади”<sup>6</sup>.

Бахшиларга тушида талант, идрок инъом этилиши аслида шомонлик давридан қолган анъаналарнинг давомидир. Хоразмда шомонлик вазифасини сўнгги даврларда пўрхон (парихон)лар амалга оширган.

“Шомонликка даъват, аввало тушда кечади. Кишига тушида шомонликка дахлдор асбоблар – доира, қамчи ҳадя этилади. Ўз навбатида унга табиб, таъбирчилик касби ҳам ато этилган”<sup>7</sup>.

Шомонликнинг илоҳий касб эканлиги, у айрим кишиларга тушида туҳфа қилиниши ҳодисалари ўтган асрнинг 30-йилларида Хоразмга келган Л.П. Потаповнинг тадқиқотларида ҳам қайд қилинган<sup>8</sup>.

Соз ва сўз усталарининг қадимги шомонлик, табиблик, афсунгарлик касбкорларига алоқадорлиги Тўра Мирзаевнинг ишларида, айниқса, ишончли далиллар орқали ёритиб берилган. Унинг ёзишича, Қўрғон дostonчилик мактаби вакили Эгамберди Олламурод ўғли (1895–1972), бахшичилик вазифасини “қўшнoч”, “қoқимчи” касби билан қўшиб олиб борган. У айрим беморларни турли усуллар ишлатиб, афсун ўқиб “даволаган”. Ҳатто таниқли бахши Эргаш Жуманбулбул ўғли ҳам айрим қишлоқларга борганида “қўшнoчлик” вазифасини бажарган<sup>9</sup>.

<sup>6</sup> Жирмунский В.М. Кўрсатилган асар, 399-бет.

<sup>7</sup> Снесарев Г.П. Реликты до мусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – Москва, “Наука”, 1969. – С.45 (336)

<sup>8</sup> Потапов Л.П. Порханы. / Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 233-245.

<sup>9</sup> Мирзаев Т. Эпос и сказитель. – Тошкент: Фан, 2008. – С.26. (410)

Ҳар бир касб-корнинг қадимий илдизларига разм солинса, унинг бириккан-синкретик моҳияти ойдинлаша боради. Чунки ибтидоий жамиятда барча мураккаб вазифаларни амалга ошириш онгли, ақлли, истеъдодли, қобилиятли кишилар зиммасига тушган. Бундай тоифа кишилар эса, табиий равишда кам бўлган. Шу сабабли оддий авом халқ бундай шахсларни илоҳийлаштириб, улардаги донолик сифатлари илоҳийдан берилган, деган хулосага келишган. Бундай шахслар ҳақидаги юқорида келтирилган афсона, ривоятлар замирида ҳам ўша ҳодиса ётади.

Тўра Мирзаевнинг қайд этишича, “бахши” атамасининг неғизда ҳам турли қарашлар мавжуд бўлиб, унинг синонимик ифодалари ҳам ниҳоятда кўпдир.

Бахши – ижодкор ва айна пайтда эпик аъъаналарни сақловчи ва келгуси авлодларга етказувчидир.

Бахшичилик санъатини халқ жуда эъзозлайди. Шу боисдан ҳам “Бахшили овул ботир, муллали овул кўрқоқ” деган мақол кенг тарқалган. Бахшиларнинг хотира ва ҳофиза қудрати ҳамisha илоҳийлаштириб келинган. Буюк ўзбек ёзувчиси, академик Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек бахши шахси ҳақида шундай ёзади: “Ривожланган ёзма адабиёт пайдо бўлгунга қадар Ўрта Осиё халқлари ўз она тилида бой ва ранг-баранг фольклор асарлари, кўшиқлар, эртаклар дostonлар ижод қилишди.

Тўйларда, сайилларда, байрамлар ва янги манзилларга кўчишда халқ куйчилари-бахшиларнинг ёқимли овози, кўбиз ва дўмбираларнинг оҳанглари янграб турди. Бахшилар оддий меҳнаткашларнинг машаққатли меҳнатлари, қабила-уруғлар тарихи, элбаҳодирларининг буюк қаҳрамонликларини баланд руҳда куйлаб келишди.

Оғзаки халқ адабиётининг асосини қаҳрамонлик дostonлари ташкил этади. Халқ ижодиётининг буюк ёдгорлиги бўлган дostonлар ўз халқининг буюк қаҳрамонлари амалга оширган мислсиз жасоратларини монументал образлар орқали ифодалаб беради. Дoston қаҳрамонлари халқнинг ҳақиқат ва адолат ҳақидаги ғояларини ташувчи олийжаноб инсонлардир. Халқ ижодиётининг ушбу хазинаси минг йиллар давомида пайдо бўлган халқ донишмандлигининг буюк бойлигидир”<sup>10</sup>.

<sup>10</sup> Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. XIX том. – Тошкент: Фан, 1982. – Б. 152 (310).

Ўзбек халқи орасида дoston куйловчиларни “бахши” деб аташ билан бирга бу атаманинг турли вариантлари учрайди. Республиканинг турли ҳудудларида тарқалган “шоир”, “жиров”, “оқин”, “санновчи”, “охун”, “соқи”, “жирчи”, “созчи” каби атамалар негизида ҳам “бахши” маъноси англашилади. Бундан ташқари, энг машҳур бахшилар халқ орасида ҳурмат юзасидан “чечан”, “жуйрук”, “булбул” каби номлар билан ҳам аталган. Аммо сўнги йилларда “бахши” атамаси асосий ном сифатида мустаҳкамланмоқда<sup>11</sup>. Хоразмда бундай бахшиларни гўянда деб аташади.

“Бахши” атамасига турлича шарҳлар берилган. Алишер Навоий яшаган даврда ушбу атама котиб, мирзо маъноларида ишлатилган<sup>12</sup>.

В.В.Бартольд бахши атамасининг санскритча бҳикшу сўзига алоқадорлигини таъкидлайди<sup>13</sup>.

Таниқли фольклоршунос Ҳоди Зариф эса мазкур атаманинг этимологиясига тўхталиб, уни мўғулча ва бурятча бахша, бағша (устод, маърифатчи), санскритча бҳикшу (қаландар, дарвеш) сўзларидан олинганлигини таъкидлайди.

Олимнинг қайд этишича, бахши атамаси ўзбекларда учта маънода ишлатилади:

1. Халқ дostonчиси, санъаткор.
2. Ибтидоий динга алоқадор шомонликка хос ёмон ва яхши руҳларга таяниб афсунгарлик қилувчи шахс.
3. Мўғуллар даврида будда динидаги қаландарлар, котиблар, Бобурийлар давридаги айрим амалдорлар ҳам бахши деб юритилган<sup>14</sup>.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ҳам ўша фикр такрорланади. Бошқа туркий халқларда ҳам бахши атамаси билан бирга унинг турли муқобиллари қўлланилади. Ўз навбатида уларнинг турлича вазифалар билан шуғулланиши ҳақида маълумотлар учрайди. Бахши атамаси қозоқ ва қорақалпоқларда бақсы, қирғизларда

<sup>11</sup> Мирзаев Т. Эпос и сказитель, 22-23-бетлар.

<sup>12</sup> Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1983. – Б.231.

<sup>13</sup> Бартольд В.В. Сочинения. – М.: Наука, 1968. – С. 501.

<sup>14</sup> Зариф Х. Ўзбек энциклопедияси. Т. 2. –Тошкент: ЎзСЭ таҳририяти, “Фан”. 1972. – Б.98-99.

бақшы, туркманларда багшы шаклида талаффуз қилинса, ёқутларда ойуун, Олтой, хакас туваларда қам, қалмиқларда жангарчи, тунгусларда шаман, туркларда озан шаклида учрайди.

Озарбайжонларда ашуг сўзи биздаги бахши маъносида қўлланилади. Бироқ озарбайжон фольклоршуносларининг ёзишича, қадимда ашуг сўзи ўрнида варсаг сўзи ишлатилган. Бу атаманнинг маънолари қуйидагича бўлган: а) соз соҳиби; б) чолғу устаси; в) актёр. Шу билан бирга, бу атама билимдон, ижодкор маъноларига ҳам эга бўлган<sup>15</sup>. Варсаглар ашуглар аждодидир. Шу нарсани қайд қилиш керакки, Хоразм ўғуз лаҳжасида ашуг ва варсаг сўзлари айрим товуш ўзгаришлари билан сақланиб қолган. Ушбу воҳада тарқалган “Ошиқ Ғариб”, “Ошиқ Маҳмуд” каби дostonларнинг биринчи компоненти ашуг сўзи билан алоқадор бўлиб, қўшиқ куйловчи, бахши маъносига эга. “Ошиқ” сўзи билан “ашуг” сўзини фарқлаш лозим, биринчи атама арабча ишқ сўзидан олинган бўлса, кейинги атама бахши, куйловчи маъносига эга. Аммо ашуг сўзи товуш ўзгариши орқали “ошиқ” шаклига кўчган<sup>16</sup>. Энди варсаг атамасига келсак, Хоразм дostonларида ушбу сўз кўп такрорланади: “Онда Гўрўғлибек йигитларига қараб бир варсоқи айди”<sup>17</sup>.

Дostonларда ишлатиладиган бу сўз ўз асл маъносидан анча узоқлашган. Варсаг сўзи айтувчи, куйловчи шахсни англатса, варсоқи сўзи афсона, сўз, гурунг маъносига кўчган. Бироқ бу икки сўзнинг туб маъноси барибир бир-бирига мос келади. Демак, ашуг ва варсаг сўзлари ўғуз тили туркий халқлар ижодида бир вақтлари фаол ишлатилган. Варсаг сўзлади варсоқи сўзлади бирикмаларидаги маъно ўзаро анча яқин келади.

Бахши атамасининг ўзбекча ва туркманча маънолари кўп жиҳатдан бир-бирига яқин келади.

Туркман фольклоршуносларининг ёзишларича, уларда бахшининг уч тури бор: а) термачи бахши (багшы). Бу тоифа вакиллари мумтоз ва замонавий шоирлар шеърларини мусиқа жўрлигида куйлашади; б) янама бахши (омонат, вақтинча). Бу хилдаги бах-

<sup>15</sup> Нәкимов М. Азәрбајжан ашыг әдәбијяы. Бақы, “язычы”. 1983. – Б. 10 (240)

<sup>16</sup> Рузимбоев С. Специфика типология и поэтика хорезмских дастанов. АДД. – Тошкент, 1990. – С.30. (46)

<sup>17</sup> Ошиқнома, 4-китоб. – Урганч, “Хоразм”, 2009. – Б. 309.



шилар мусиқа асбобисиз куйловчи шахслардир; в) дostonчи бахшилар. Бу тоифа бахшилар дoston ижроси билан шуғулланишади.

Туркман бахшиларининг уч тури худудий фарқларга эга. Термачи ва Янама бахшилар Охал, Лебоб, Мари вилоятларида фаолият кўрсатсалар, дostonчи бахшилар, асосан, Тошовуз вилояти ва Мари вилоятининг бир қисмида фаоллик кўрсатишади<sup>18</sup>.

Туркманларнинг Тошовуз минтақасида яшовчи бахшиларининг репертуари ва мусиқий куйлари Хоразм бахшилариникига жуда ўхшаш келади.

Бахши атамаси масаласида эронлик олимларнинг фикри бутунлай бошқача характер касб этади.

Техрон университетининг муаллими Вавак RHAZRAI фикрига кўра, бахши атамаси хитой тилидан олинган бўлиб, устоз деган маънони англатади. У хитойча икки сўз бирикмасидан иборат. Биринчиси “Пак” (Ҳозирги хитой тилида “по”). Иккинчи компонент “дзҳи” (ҳозирги хитой тилида “ши”). Биринчи сўз “улкан” деган маънони берса, иккинчиси “жаноб”, “олим” деган маъноларга эга. Шундай қилиб, “пакдзҳи” бирикмаси кейинчалик “Бакшҳи” шаклини олган.

Казрай санскритча “бҳикшу” сўзига ҳам тўхталади ва уни “тиланчи”. “диний раҳнамо” тарзида шарҳлайди ва бу атамага ишончсизлик билан қарайди<sup>19</sup>.

Умуман олганда, бахши атамаси хусусида турли-туман фаразлар мавжуд. Айрим манбаларда бу сўз туркий тилга мансуб бўлган “бак” (боқ, қара)маъносига эга, деб қаралади<sup>20</sup> (масалан, шарқшунос олим Радлов ишларида).

А.Н.Самойлович эса “бҳикшу” атамасини тўғри, деб ҳисоблаб, уни “тиланчи” эмас, балки “муаллим” тарзида шарҳлайди<sup>21</sup>. Ушбу фикр кўп жиҳатдан мантиққа мос келади.

<sup>18</sup> Мухаммедов Р. Искусства бахши Туркменистана: История и современность. // Жаҳон цивилизациясида бахшичилик санъатининг ўрни (халқаро илмий-амалий конференция тезислар тўплами) (Термиз, 2019) –Тошкент: 2019. – Б. 37-38.

<sup>19</sup> KHAZRAI Vabak. BAKHSHI. // Жаҳон цивилизациясида бахшичилик санъатининг ўрни. (Термиз, 2019 йил 5-10 апрель). –Тошкент, 2019. – Б. 38-39.

<sup>20</sup> Мередов А. Ахаллы С. Туркмен классыкы эдебиятының сөзлуги. Ашгабат, “Туркменистан”, 1988. – Б. 40 (510)

<sup>21</sup> Ўша манба, 40-бет.

Турклардаги Озан (Ўзон) сўзи ҳам бахши маъносида қадимдан ишлатилиб келади. Бу сўз Алишер Навоий асарлари луғатида чолғу чалиб ялла, ашула айтувчи ва ҳикоя қилувчи кишилар, бахшилар тарзида шарҳланган<sup>22</sup>. Бу сўз ўзбек халқи орасида, хусусан, Хоразмда ҳам ишлатилади. Бахшиларнинг (Бола бахши) айтишларича, бу сўз “ўзғир”, “илғори” маъноларини англатади.

Бинобарин, ўзбекларда, шу жумладан, Хоразм ўғузларида ҳам бахши шомон, ўзон сўзлари деярлик барчага таниш. Эпик бахши образининг тарихан мифология, шомонлик билан боғлиқлигини кўрсатади вабу касбнинг патронимия (патриархал – уруғчилик) билан алоқадор ҳодиса эканини кўрсатади. Бахшичилик санъатида азалдан табиий истеъдод асосий ўринни эгаллаб келган ва эпик анъаналар доирасида устозлик-шогирдлик масаласига қатъий амал қилинган. Шуниси эътиборлики, қадимданоқ эпик куйчининг ижро этган ҳар бир асаридаги воқеалар бахши томонидан ҳам, ишитувчилар томонидан ҳам реал воқеа сифатида идрок этилган.

Бахши ва дoston сўзлари ҳамиша биргаликда намоён бўлади. Аждодлар мероси сифатида асрдан асрга кўчиб сақланиб келаётган эпосни хотирасида сақлаб келаётган бахши бундай олиб қараганда илоҳий хотира қувватига эга. Дostonлар эса инсон маънавиятини ёритишда тафаккур машъали бўлиб хизмат қилади. Уларнинг ижрочиси бўлган бахшиларнинг айрим луғатларда мураббий, муаллим, тарбиячи, етакчи, йўл бошчи тарзида шарҳланиши бежиз эмас<sup>23</sup>.

Бахшиларга илоҳий шахс сифатида қарашнинг замирида ҳам уларнинг ҳофиза қуввати ётади. Айрим бахшилар репертуаридаги дostonлар силсиласи буни яққол исботлайди. Пўлкан шоир 76 та, Фозил шоир 60 та, Эргаш шоир 50 та, Мардонқул бахши 43 та, Бола бахши 20 та дostonни ёд билгани айни ҳақиқат<sup>24</sup>. Агарда айрим дostonларнинг ҳажми 1000 саҳифадан иборат эканини ҳи-

<sup>22</sup> Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати, III том. – Тошкент: Фан, 1984. – Б. 605. (622)

<sup>23</sup> Древнетюркский словарь. – Ленинград: Наука, 1969. – С. 82.

<sup>24</sup> Ҳайдаров А. Бахшилик ва дostonчилик тараққиётининг долзарб масалалари. / Жаҳон цивилизациясида бахшичилик санъатининг ўрни. Қарер? Йил? – Б. 60.

собга олсак, ҳаммадан ҳам бахши чиқавермаслигига амин бўламиз. Афсуски, ҳозирда бундай буюк бахшиларни топиш қийин.

Бахши ижрочилигининг қачон пайдо бўлганлигини, албатта, дoston жанринингшаклланиши билан боғлашга тўғри келади. “X–XI асрларда дostonларни дўмбира жўрлигида айтиладиганлари юзага келган. Дostonнинг бундай намуналари Каспий ва Орол денгизлари бўйларидаги қадимги кўчманчи туркий қабилалар орасида вужудга келган. Эпик дostonларни яратувчи ва куйловчи бадиҳагўйлар кўпайиб борган сари устоз-шоғирдлик анъаналари вужудга кела бошлади”<sup>25</sup>, деб ёзади тарихчи олим Т.Пардаев. Профессional бахшичиликнинг шаклланиши билан боғлиқ ҳолда масалага ёндашилса, ушбу фикрга қўшилиш мумкин. Бироқ бахшичиликнинг қўшиқ шаклидаги турли кўринишлари юқорида таъкидлаганимиз каби ибтидоий жамият даврига бориб тақалади.

Қадимий маданият ўчоқларидан бири бўлган Хоразмда санъатнинг шаклланиши ва тараққий этиши милoddан олдинги даврларга тўғри келади. С.П.Толстовнинг “Қадимги Хоразм цивилизациясини излаб” китобида санъат тарихи учун муҳим бўлган куйидаги сўзлар бор: “Тупроққалъадаги маросимлар зали деворларида ромбсимон катакларга машшоқларнинг расми ишланган. Шу расмлардан бири–арфа чолғу асбобини чалаётган аёлнинг сарғиш рангдаги нафис расми бутунича сақланиб қолган. Шу хонада сурнай ва кум соати шаклидаги қўш ноғора тасвирланган нақш фрагменти ҳам топилди. “Арфачи аёл хонаси” остидан дўмбирара ўхшаш икки торли чолғу асбобининг пардасини ушлаб турган одамнинг қўли тасвирланган нақш фрагменти, яна бир хонадан эса ниқоб билан ўйнаётганаёл тасвири топилди. Буларга ўхшаш расмларни Рим давридаги Сурия-Миср ва қисман Қора денгизнинг Шимолидаги музофоти тасвирий санъатида, Ўрта денгиз воҳаси ҳамда Ҳиндистон, Эрон санъатида яратилган образларда учратиш мумкин. Шу тариқа бу расмларда икки бадиий услуб, икки анъана бир-бири билан уйғунлашиб кетган, бироқ улар қадимги Хоразм санъати негизида ўзига хос ўзгаришларга учраган”<sup>26</sup>.

<sup>25</sup> Пардаев Т. Ўзбек дostonчилик мактабларининг теран илдизлари маънавиятимиз асоси. / Жаҳон цивилизациясида... Қаер? Йил?--Б.117.

<sup>26</sup>Толстов С.П. Қадимий Хоразм цивилизациясини излаб. – Тошкент: “Янги аср

Милоддан олдинги даврдаёқ шундай юксак маданиятга эришган халқ орасида иқтидорли бахшиларнинг етишиб чиқиши ҳам табиий ҳолдир. Зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто”нинг яратилиши ва унинг “гоҳ”ларини қоҳинлар томонидан куйланиши ҳам қоҳинлик, шомонлик, бахшилиқ касб-корларининг<sup>27</sup> пайдо бўлишига замин ҳозирлаган. Зардуштийлик дини ҳукмрон бўлган даврларда ҳар бир Рустакда (қишлоқ, маҳалла) оташгоҳлар бўлиб, унда қоҳинлар “Авесто” китобини тарғиб қилишган. Шу сабабдан бўлса керак, Хоразм достонларида “Авесто” ва “Шоҳнома”га алоқадор мифология ҳамиша ўзини намоён қилиб туради. Е.Э.Бертельс берган маълумотларга қараганда, XI асрнинг 1 ярмида Унсурий деган форсийгўй шоир яшаб, лирик шеърлар ёзиш билан бирга учта достон ҳам яратган. У Беруний билан бир даврда яшаб ижод қилган. Унинг “Вомиқ ва Узро”, “Хинг бут-у сурхбут (Оқ санам ва қизил санам), “Шодбахру Айнул ҳаёт” каби достонларини Беруний араб тилига таржима қилган. Ушбу достонлар орасидаги “Вомиқ ва Узро” асари ҳозиргача етиб келган. Демак, X асрлардаёқ турли асотирлар негизида достонлар ижод қилиш, уларни таржима, тарғиб қилиш фаол ривожланган. Ўша даврда ижод қилинган кўплаб достонлар сюжети турли ўзгаришлар билан ҳозиргача келиб етган. Албатта, уларни ўқийдиган, ижро қиладиган талантли шахсларнинг бўлганлиги ҳам табиийдир.

Беруний давридаги ушбу воқеалар замирига разм солинса, Хоразм достонлари профессионал ёзувчилар томонидан халқ орасидаги миф ва афсоналар асосида ёзилиб, кейин оғзаки ижрога кўчиб, қоришиқ ҳолда фаолият кўрсатган. Оғзаки ижродаги достонлар эса яна ёзувга олиниб китобат қилинган. Ушбу анъана токи XX асргача давом этган. Бу масалага ишимизнинг кейинги фасларида махсус тўхталамиз. Шунини қайд қилиш зарурки, Беруний давридаги бахши-ижрочилар ҳақида бизгача бирорта маълумот етиб келмаган.

Хоразм воҳасида энг қадимги бахши, ўз навбатида бахшилар пири Ошиқ Ойдин ҳақида анча ишонарли маълумотлар сақланиб қолган.

---

авлоди”, 2014. – Б.214-215. (380 )

<sup>27</sup>Бертельс Е.Э. История литературы и культуры Ирана. –М.: Наука, 1988. –С.24. (558)

Шарқ халқларида қадимданоқ ҳар бир касб-хунарнинг усто-зи-пири сифатида бирор шахснинг улуғланиши анъанаси мавжуд.

Хоразмда кўл ва дарёларда қайиқ ва кема ҳайдовчилар ўзларининг пири сифатида Нуҳ пайғамбарни тан оладилар. Темирчилар иш бошлаганда Довуд пайғамбарни ёдга солишади.

Хоразм бахшилари эса ўзларининг маънавий устози сифатида Ошиқ Ойдинни эъзозлашади. Бу табаррук шахс туркман бахшиларининг ҳам пири ҳисобланади<sup>28</sup>.

Тўра Мирзаевнинг ёзишича, Самарқанд дostonчилиги доира-сида бахшилар пири сифатида мулла Ғойиб тан олинади. Ушбу шахс ҳақида шу номдаги дoston ҳам бор<sup>29</sup>. Шунини таъкидлаш керакки, бир пайтлари “Ошиқ Ойдин” номли дoston ҳам бўлган<sup>30</sup>.

Қорақалпоқ ва қozoқларда Сўппасли Сипира Жиров, Озарбай-жонларда Кўрқут ота каби шахслар ҳам бахши, жировлар пири сифатида улуғландилар.

Ошиқ Ойдин пирнинг номи “Хирмондали”, “Ошиқ Нажаб”, “Ошиқ Албанд” каби Хоразм дostonларида кўплаб учрайди. Ай-ниқса, “Ошиқ Нажаб” дostonида унинг фаолият доирасига катта эътибор қаратилган. Нажаб Ошиқ Ойдин пирга хизмат қилиб, унинг доторини совға сифатида олишга муваффақ бўлади. “Хир-мондали” дostonида соз ва сўз борасида ҳеч бир кимса енга олма-ган Хирмондалини Ошиқ Ойдин айтишувда енгиб чиқади.

“Ошиқ Албанд” дostonида Ошиқ Ойдин пир эпик қаҳрамон тақдирининг энг қалтис дамларида Албандга дуч келиб, унга йўл-йўриқ кўрсатади, далда бағишлайди:

*Танисангиз нафас этган пирингман,  
Ошиқларнинг мақсадини билурман,  
Санго дуо этган Ойдин пирингман,  
Кўп йиғлама, севар ёрни кўрарсан<sup>31</sup>, деб кўздан ғойиб бўлади.*

<sup>28</sup>Карриев Б.А. Эпические сказания о Кероглы у тюркоязычных народов. – М.: Восточная литература, 1968. – С.134.

<sup>29</sup>Мирзаев Т. Эпос и сказитель. – Тошкент: Фан, 2008. – С. 66.

<sup>30</sup>Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: ГИХЛ, 1947. – С.294.

<sup>31</sup>Ошиқнома, II китоб.– Урганч: “Хоразм”, 2006, 187-бет.

Достонларда ошиқ-бахшилар, пири бўлган ушбу шахс ҳақида кўплаб ривоятлар тўқилган. Айтишларича, унинг қабрини тунаган бахшиларга пир шароб тутар экан, агарда уни шогирд ичса, улуғ созанда, ошиқ-бахши бўлиб етишар экан. “Ошиқ Маҳмуд” достонининг ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Ҳоди Зарифов номидаги Фолклор архивининг 1431-рақамли инвентарда сақланаётган қўлёзмасида Маҳмуджон ва Нигорхонлар сувга чўкиб ҳаётдан кўз юмганларида Ошиқ Ойдин пир уларни “Жон тана гир” куйини чалиб тирилтиради.

Ушбу ишда Хоразм бахши, созандаларининг тилидан тушмайдиган бу шахснинг ўзи ким, деган саволга жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Айрим манбаларда Ошиқ Ойдин пирнинг Кўҳна Урганчининг жанубий ғарбида жойлашган Вос қалъасининг Диёрбакр деган жойида ва Бағдод шаҳридаги зиёратгоҳлардан бирида қабрлари борлиги қайд қилинади.

Туркман ёзувчиси Нури Олтиевнинг маълумот беришича, ўтган асрнинг 90-йилларида Ошиқ Ойдин пир зиёратгоҳининг шайхи бўлмиш Хўжа отада “Авариф Шариф ас-Салом Ҳад” номли китоб бўлиб, унда улуғ пирнинг ҳаётига ойда қимматли маълумотлар сақланган.

Ошиқ Ойдин пир дастлабки халифа Абу Бакр Сиддиқ (632-634) билан алоқадор силсилага бориб боғланади. Бу силсила ўзига хос ғоявий оқим бўлиб, сўфийлик силсиласи деб юритилган. Бу оқимга Абу Али Ибн Сино, Абул Ҳасан Ҳарақоний, Абу Сайид Махнаий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Мансур Халлож, Аҳмад Яссавий, Юсуф Ҳамадонийлар ҳам кирганлар. Ошиқ Ойдин пир мақбарасининг шайхиди сақланадиган “Тазкират ул Ҳусайин” номли китобда бу ҳақида аниқ маълумотлар битилган. Унда таъкидланишича, “Ҳазрати шайх Абду Қодир Гилонийнинг (1077-1166) суҳбатларидан баҳраманд бўлиб, машҳур бўлганларнинг охири шайх Шаҳобиддин турур. Шайх Чингизхон фитнасининг кейин Абдул Қодир Касирийга мурид бўлдилар. Ошуғиддин ҳар киши машғули мушкул бўлса, бируборга арз қилиб рах ишғол қилур эрди. Шайхнинг вафоти ҳижрий йилнинг 632-сида воқе бўлди. Мудқат муборақлари шаҳри Бўстоннинг Диёрбакр ҳаддида ҳамда Бағдодда икки жойда ҳам зиёратгоҳлари бор турур”.

Е. Э. Бертельснинг “Сўфизм ва сўфийлик адабиёти” китобида ушбу давр билан алоқадор муҳим маълумотлар учрайди. Жумладан, ўша китобда ас-Сухравардий деган муаллифнинг “Аворифул-маориф” деган иши ҳақида сўз юритиб, унинг адабиёт ва санъат ривожига қўшган катта улуши хусусида айтиб ўтади. Унинг Гилонийнинг шогирди эканини таъкидлаб, 1255 (мелодий) йилда вафот этганини қайд қилади<sup>32</sup>.

Ушбу шахснинг Ошиқ Ойдин пир эканлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Чунки биз юқорида таъкидлаб ўтган “Тазкират ул Хусайн” асарида Ошуғиддиннинг ватани шарифлари Сухравардир дейилган. Яна ўша китобда айтилишича, Шайх ҳазратларининг “Авориф шариф ас Салоҳий Ҳад” деган асари ҳам бўлиб, у Маккада чоп этилган.

“Ошиқ Нажаб” достонида Ошиқ Ойдиннинг шаҳри Бўстонда яшаганлиги, 360 сўфиси борлиги, 115 ёшда эканлиги айтиб ўтилган. “Хирмондали” да ҳам шунга яқин маълумотлар берилган. Унинг Чингизхон босқинидан кейин 16 йил яшаганлиги ҳақида маълумот берувчи манбалар ҳам мавжуд.

Сўнгги маълумотларга қараганда, ҳақиқатан ҳам, Ошиқ Ойдин пирнинг шажараси Эроннинг Сухравард шаҳри билан узвий боғланади. Улар уч қариндош Нажиб Сухравардий (1097-1168), Шайх Шаҳобиддин Абу Ҳафс Яҳё Сухравардий (1115-1191) Шайх Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар Сухравардий, (1144-1234) бўлиб, Нажиб Сухравардий уларга устозлик қилган<sup>33</sup>.

Шайх Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар Сухравардий биз сўз юриётган Ошиқ Ойдин пирнинг худди ўзидир. Унинг диний арбоблигига ишора сифатида Ошуғиддин лақаби юзага келган ва халқ тилида Ошиқ Ойдин шаклига кирган. У Сухравардийлик тариқатига асос солган. Умар Сухравардий 35 ёшида Бағдодда “шайхлар шайхи” даражасига кўтарилган. У Ироқ мамлакатининг элчиси сифатида Ироқ, Хоразм, Эрон, Салжуқия орасидаги урушларни тўхтатган. Ўз навбатида Ироқнинг Хоразмдаги

<sup>32</sup>Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965, – С. 485.

<sup>33</sup>Ўзбек миллий энциклопедияси, 8-том. – Тошкент: “Ўзбек миллий энциклопедияси”, 2004, 184-185- бетлар.

элчиси бўлган. Унинг Хоразмга элчи бўлиб келиши воқеалари Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг “Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти” китобида ҳам ҳикоя қилинади. Ан-Насавийнинг ёзишича, Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг обрў-эътибори юксалиб, улуғвор ишларга қўл уриб бошлайди ва Бағдодга юриш мақсадини амалга ошириши маълум бўлиб қолади. Унинг бу мақсадидан қайтариш учун энг обрўли, шайхлар шайхи номини олган Шихобиддин ас-Сухравардий Хоразмга элчи қилиб юборилади. Бироқ Хоразмшоҳ шайхни менсимай кутиб олади. Ҳатто анча навбат кутиб ҳузурига кирганда унга ўтиришга рухсат бермайди. Ниҳоят шайх унга пайғамбар ҳадисларидан сўзламоқчи эканини айтади. Хоразмшоҳ бунга рози бўлиб, пастга тушиб тиз чўкиб ўтириб, шайхни тинглайди. Шайх ҳадис орқали уни уруш қилиш мақсадидан қайтишга ундайди. Бироқ бу ҳаракатлар бекор кетади. Ниҳоят у Бағдодга юриш қилади. Аммо қўшини табиат инжиқликлари туфайли парокандаликка учрайди. Бундан таъсирланган Хоразмшоҳ ас-Сухравардийнинг сўзига амал қилмаганидан пушаймон этиб, шайхни қайтадан Хоразмга элчи сифатида келишга таклиф этади<sup>34</sup>. Сал ўтмай Чингиз босқини юз беради. Шайх Шихобиддин Сухравардийнинг Хоразмшоҳ томонидан яхши кутиб олинмаганлиги, Шайхнинг башорати тўғри чиқиб, Хоразмшоҳнинг хор-зорликда ҳалок бўлиши Ошиқ Ойдиннинг халқ орасидаги обрўси ошиб пир даражасига кўтарилишига сабаб бўлганлиги эҳтимолга жуда яқин. Умар Сухравардийнинг ўғли Шайх Зайниддин (Зайниддин бобо) ҳам диний ва жамоат арбоби бўлган. Ўша соҳа бўйича у Тошкентга ҳам келган. Умар Сухравардий асос солган суҳравардийлик тасаввуф тариқати деб аталувчи бу оқим икки дарё оралиғида зоҳидлик мактаби негизида таркиб топган бўлиб унинг аъзолари хунармандлар ва ўқимишли зиёлилар ҳисобига кенгайиб борган. Суҳравардийлар суннийлик ақойидчилари бўлиб мўътадил сўфийлик қарашларини тарғиб қилганлар. Улар дунёвий илм билан илоҳий илмнинг

---

<sup>34</sup> Ан-Насавий Шихобиддин Муҳаммад, Султон Жалолиддин Мангуберди тафсилоти. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2006, 30-40-бетлар.



узвий боғланишини тан олишган. Умар Суҳравардий ўзининг 63 бобдан иборат “Авориғ ул маориғ” асарида “дунёвий илм-ғўёки сут, илоҳий илм эса-унинг қаймоғидир” деб ёзади. Унинг асарлари араб, форс, немис ва инглиз тилларида нашр этилган. Алишер Навоий ўз асарларида шайхни эъзозлаб тилга олади. Шайх Саъдий Умар Суҳравардийни ўзининг устози деб билган. Амир Темурнинг пири Шайх Шамсиддин Кулол ҳам Суҳравардийлик тариқатига мансуб бўлган.

Ошиқ Ойдин пир туғилиб ўсган жой дostonларда шаҳри Бўстон, шаҳри Бастом тарзида учраса-да, халқ орасида у Вос номи билан машхур. Бир вақтлари унинг ёнидан Амударёнинг Тунидарё деган ирмоғи оқиб ўтган. Унинг ҳудудида Диёрбакр, Шоҳсанам, Ақча келин, Ширвон, Шемох каби кўплаб қалъаларнинг харобалари жойлашган. Ушбу топонимик номларнинг барчаси “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Гўрўғли” дostonларида тез-тез кўзга ташланади. Албатта, дostonлардаги бу маълумотлар Умар Суҳравардийнинг Ошиқ Ойдин номи билан машхур бўлганидан кейинги тафсилотлардир.

Ошиқ Ойдин пирнинг мусиқага оид рисоалари ҳам бўлган. Бироқ улар ҳозиргача топилмаган. Унинг тарихий шахс бўлганлиги инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Ўз навбатида шуни айтиш лозимки, улуғ пир ҳақида тўқилган айрим ривоятлар унинг қиёфасини афсонавий шахс сифатида намоён қилади. Бундай ҳолатлар Қўрқут ота, Сипира жирова каби шахслар ҳаёти ҳақидаги маълумотларда ҳам учраб қолади. Масалан, қорақалпоқ “Эдиге”сида Сипира жировнинг кароматли шахс эканлигига асосий урғу берилиб, 360 ёшга кирганлиги баён этилади.

Қўрқут отанинг ўлмаслиги ҳақидаги ривоятлар ҳам шу тизимга киради. Ошиқ Ойдин пирнинг 115-120 ёшга кирганлиги ҳақидаги ривоятларда келтирилган маълумотлар эса унчалик ишончсизлик туғдирмайди. Чунки у, ҳақиқатан ҳам, 90 ёш умр кўрган.

Хоразмда соз илми ҳақида сўз кетганда Қамбар бобо тилга олинади. “Қамбарнинг дутори” “Али Қамбар” каби иборалар тез-тез қулоққа чалиниб туради. Бу киши ҳам машхур мусиқа устаси

бўлиб, тарихий шахс сифатида фаолият кўрсатган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Мабодо эътибор берилса, Ошиқ Ойдин пир бахшиларнинг, Қамбар бобо эса созандаларнинг пири сифатида машҳурлик касб этади. Ўтган асрнинг 90-йилларида Ошиқ Ойдин пир қабри жойлашган Вос қалъасида Ошиқ-бахшилар мусобақаси ўтказиш анъанага айланган эди. 1991 йилда бу ерда бахшиларнинг халқаро беллашув кўриги бўлиб ўтган. Бу анжуманда Озарбайжон, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон Республикаларидан келган кўплаб бахшилар улуғ пир қабрини зиёрат қилдилар. Айниқса, Хоразм, Тошовуз ва Қорақалпоқ бахшилари бу тадбирда фаол иштирок этишди<sup>35</sup>.

Мазкур анжуманда Бола бахши Қурбонназар Абдуллаев охири марта ўз фарзандлари Норбек, Матёқуб ва Етмишбойлар билан қатнашиб, “Хирмондали” достонини куйлаб беради. Ўша йили бахши 92 ёшда эди.

Восда ўтказиладиган ушбу анъана 1995 йилгача давом этиб келди. Хулоса қилиб айтганда, Ошиқ Ойдин пир тарихий шахс бўлиб, тасаввуф тариқатининг асосчиларидан бири сифатида танилган. Шу билан бирга буюк жамоат арбоби бўлган, ўз навбатида санъаткорлик илмини ўзлаштирган соз ва сўз соҳиби даражасига кўтарилган. Унинг юксак халқпарварлиги, эркин ва фаровон турмуш барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, қирғинбарот урушларни тўхтатиш йўлидаги мардона курашлари халқ онгида муҳрланиб қолган. Натижада асрлар ўтиши билан унинг шахси ҳақида турли ривоятлар ва дoston тўқилган. Шу тариқа туркий халқлар орасида Сипира жирова, Қўрқут ота, мулла Ғойиб, Олланазар Олчинбек каби Ошиқ Ойдин пирга монанд бахши, жирова ҳам дoston ижрочиларининг пири, ҳомийси сифатида улуғланиб келинган.

Ушбу шахсларнинг кароматлилиги, буюклиги ҳомийлиги ҳақидаги ривоятларнинг тўқилишида шомонлик анъаналарининг роли ҳам каттадир.

Ошиқ Ойдин пирдан кейинги бахшилар ҳомийси Қўрқуд отадир. Бу шахс ҳақида жуда кўп туркийшунос олимлар тадқиқот олиб

<sup>35</sup>Ошиқ Ойдин-94. – Дашховуз, 1994. – 3 б.

боришган. Унинг образи билан алоқадор миф ва афсоналарни таҳлил қилишган. Ушбу миф ва афсоналарнинг аксарияти умумтуркий характерга эга. А.А.Диваев, Ч.Ч.Валихоновлар қирғиз-қозоқ чўллари халқларидан ёзиб олиган кўплаб асотирлар Қўрқут ота образининг турли қирраларини ёритишда муҳим аҳамиятга эга.

“Китоби дадам Қўрқут” эпосининг барча шохобчаларида фаол ҳаракат қиладиган асосий образ Қўрқут отадир. Бу образ ҳақида турли олимлар турли фикрлар билдиришган.

В.В.Бартольднинг кўрсатишича, у баҳодир эмас, балки уруғ оқсоқолидир. Унда халқ донолиги мужассамлашган<sup>36</sup>.

Қўрқут ота башоратчи бахши ва афсонавий шахс<sup>37</sup>. Ўз навба-тида у сеҳргар, шомондир<sup>38</sup>. Бинобарин, Қўрқут ота китобнинг бош қаҳрамони эмас. Лекин унинг фикрлари, қиёфаси, жами ҳо-дисалар ва қаҳрамонлар тақдирида тутган ўрнига кўра бутун асарни бирлаштириб турувчи қаҳрамон ролини ўйнайди<sup>39</sup>.

Қўрқут отанинг исми “Китоби дадам Қўрқут”нинг араб алиф-босидаги қўлёзмасида Қўрқуд тарзида ёзилган. Бу ҳолат котиб-лар хатоси ёки англашилмовчиликдан эмас. Х.Г. Кўрўғлининг кўрсатишича, “Китоби дадам Қўрқуд” ёзувидаги учта сўз абжад ҳисобига мослаштирилган. Бу сўзлар абжадга солинса 887 рақа-ми ҳосил бўлади. Уни мелодийга айлантирилса, 1482 йил келиб чиқади. Агарда “Қўрқуд” сўзидаги “Т” ҳарфи “Д” га айлантирил-маса, ҳисоб чиқмайди. Чунки абжад ҳисобида Т-400, Д-4 рақами-ни англатади. Шунга кўра ушбу ҳарфлар йил ҳисобини келтириб чиқариши учун китобни тайёрлаган шахс томонидан атайлаб ўз-гартирилган. Бинобарин, ушбу рақамлар китобнинг ёзувга кўчи-рилган йили бўлиб чиқади<sup>40</sup>.

Қўрқуд ота ҳақида дастлаб фикр юритган шахс Абул Ғозий Баҳодирхондир. Буюк тарихчи олим “Шажараи тарокима” асари-да Қўрқуд отани 14 жойда тилга олади.

<sup>36</sup> Бартольд В.В. Корқуд, соч. т.в-М.: 1968, – С.41.

<sup>37</sup> Бартольд В.В. Корқуд, соч. т.в-М.: 1968, – С.41.

<sup>38</sup>КороглыХ.Г. Взаимосвязи эпоса народов Средней Азии, Ирана и Азербайджана. –М.: Наука, 1983, – С.61.

<sup>39</sup>Назаров Б. “Қўрқут ота китоби” ҳақида. // “Ёшлик”, 1988, №5, 40-бет.

<sup>40</sup>Короглы Х.Г. Новые данные о героическом эпосе огузов//ЎТА. –Тошкент, 1986. –№4. –Б.41.

Унинг кўрсатишича, Қорахўжа ўғли Қўрқуд Инал Йави хоннинг вазири бўлиб, 295 йил умр кечирган, учта хон даврида вазирилик қилган, ғаройиб ишларни амалга оширган. Бутун ўғуз эли унга бўйсунган, бирор фарзанд туғилса, албатта, у келиб исм қўйган<sup>41</sup>.

Албатта, Абул Ғозийнинг берган маълумотларида афсонавий, муболағали ўринлар ҳам кўп учрайди. Шундай бўлишига қарамасдан унинг Қўрқуд ота ҳақидаги қайдлари муҳим аҳамиятга эга.

Бизнинг фикримизча, тарихчи олим ва давлат арбоби бўлган Абул Ғозий яшаган даврда “Китоби дадам Қўрқуд” эпоси Хоразмда машҳур бўлган. Шу сабабдан бўлса керак, Абул Ғозий ўз асарида Қўрқуд отанинг Салор Қозон ҳақидаги қўшиқларидан намуналар келтиради.

Тўра Мирзаевнинг ёзишича, Салор Қозон туркумини ташкил этувчи қаҳрамонлик қўшиқлари Шарқий Туркистондан келган туркий қабилаларга тегишли бўлиб, XI асрда салжуқийлар даврида бу туркум Кичик Осиё ва Кавказга ўтиб, “Китоби дадам Қўрқут” таркибидан жой олди<sup>42</sup>.

Бинобарин, Салор Қозон ҳақидаги қаҳрамонлик қўшиқлари бир вақтлари Хоразмда машҳур бўлган. Қўшиқларнинг Кавказ, хусусан, Озарбайжонга ўтишида бу қадимий ўлка кўприк бўлиб хизмат қилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Аслида “Китоби дадам Қўрқуд”нинг китобий нусхаси Абул Ғозий даврида Хоразмдаги қиссахонлар ва халфалар репертуарида мавжуд бўлган. Унинг таркибидаги айрим қўшиқлар алоҳида ҳолда қуйланган ҳам. Кейинчалик воҳада “Гўрўғли” туркуми дostonларининг оғзаки вариантлари кенг даражада тарқалган. “Гўрўғли” туркумининг устуворлик қила бошлаши билан Қўрқуд ота тўғрисидаги дoston унутилиб кетган. XIX аср бошларига келиб, “Китоби дадам Қўрқуд” эпосининг ёзма нусхаларга кўчирилиши анъаналари асосида “Гўрўғли” туркуми дostonлари ҳам ёзувга олина бошлаган.

<sup>41</sup>Кононов А.Н. Родословная. туркмен.Сочинение Абу-л-Газы хана хивинского, – М., – Л.: Изд. Ан, 1958.

<sup>42</sup>Мирзаев Т. Қаҳрамонлик эпосининг юзага келиши // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари, – Тошкент: Фан, 1981, 43-бет.

Қўрқут ота ҳақида жиддий тадқиқотлар олиб борган Х.Г.Қўрўғли ўзининг “Шаман, полководец, озан” (эволюция образи деде –Коркута) мақоласида Қўрқут ота шахсида шомонлик, ўзонлик (бахши) хусусиятлари мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди, ўз навбатида унинг саркарда (полководец) бўлганлигига шубҳа билдиради<sup>43</sup>.

Қозоқ-қирғиз асотирларида Қўрқут ота шомон образи сифатида талқин қилинади. Этнограф Ч.Ч.Валихонов Қўрқут отанинг ўлимдан қочиши мотивини шомонлик билан боғлайди. Қирғиз шомонларидаги ушбу ривоятда Қўрқут ота биринчи шомонсифатида эътироф этилади.

Ўрта Осиёдаги ёзма ёдгорлик “Дўст Султон тарихи” китобида эса Қўрқут ота бахшилар пири сифатида тасвирланади. Қозоқ бахшилари шу сабабдан дostonни бошлаш олдидан ундан ёрдам сўрашади, илтижо қилишади.

Қадимги даврга оид афсоналарда Қўрқуд ота шомон тарзида тасвирланса, Ислom дини таъсирида яратилган сўнгги афсоналарда у авлиё даражасига кўтарилган. А.Диваев бу ҳақда Қозонли худудидаги Хорхут топоними билан алоқадор афсона борлигини тасдиқлайди. Унинг ёзишича, Хорхутнинг қабри 1880 йилгача сақланган, кейин уни Сирдарё ювиб кетган<sup>44</sup>.

Абулғозий Баҳодирхон Қўрқуд отани донишманд вазир сифатида тасвирласа, Рашидиддин асарларида бахши, Ўзон тарзида берилади. Ўзон атамаси туркманларда ҳам учрайди. Махтумқулининг бир шеърида шундай мисралар бор:

*Давлат эла галар бўлса,  
Бошдан бурун ўзон галар.  
Давлат элдан гетар бўлса,  
Мулла билан тўзон галар*<sup>45</sup>.

Ўзон атамаси илгари Хоразмда ҳам ишлатилган.

<sup>43</sup>Короглы Х.Г. Шаман, полководец, озан (эволюция образи деде –Коркута). // Советская тюркология. –Баку, 1972. –№2. –С.48-62.

<sup>44</sup>Диваев А. Несколько слов о могиле Хорхут-ата-ЗВО РАО, Т.Х.СП.б. 1896. – С.193-194.

<sup>45</sup> Магтымгулы. Ашгабат, “Туркменистан”, 1977. – Б.234. (678)

Қўрқуд отанинг лашкарбоши тарзида берилиши Абулғозийда ҳам бор бўлиб, бу маълумот икки шахснинг исмини аралаштириш натижасида келиб чиққан. Бундан ташқари ўғузларда шу номдаги уруғ ҳам учрайди<sup>46</sup>.

Бу икки шахс ҳақидаги фикр К.А.Иностранев ишларида ҳам учрайди. Қолаверса, лашкарбошининг исми Қўрқуд тарзида ёзилишини А.Н.Кононов ҳам биринчилардан бўлиб аниқлаган эди. Х.Г.Короглининг тахминича, монголларда хон котиби бахши деб юритилган, улар ўз навбатида ҳукмдор маслаҳатчиси ҳам бўлган. Абулғозийнинг Қўрқуд отанинг вазир-маслаҳатчи сифатида қайд қилиши ана шу анъанадан келиб чиққан бўлса керак. Яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш зарурки, Қўрқуд отанинг тарихий асарлардаги образларидан афсона ва ривоятлардаги образи ўзаро фарқ қилади. Фольклор асарларида Қўрқуд-шомон, афсунгар, табиб, унинг мусулмонликка алоқаси расмиятчилик тариқасида қайд қилинади холос.

Тарихий асарларда эса бу шахс мусулмон динининг муқаддас кишиларида бири сифатида таъкидланади.

Х.Г.Короглининг мазкур мақоласида Қўрқуд ота фаолиятига доир масалалар кенг доирада таҳлил этилади. Юқорида келтирилган барча тафсилотлар Қўрқуд ота образининг тўлақонли қиёфасини гавдалантира олади.

Мақола охирида “Китоби дадам Қўрқуд”нинг ғарб ўғузларида тарқалган ёдгорлиги хусусида сўз юритилади.

Бу нусхада Қўрқуд кўп жиҳатлари билан шомон қиёфасига эга. У жасур аскар эмас, балки ўзон бўлиб, ўғуз элининг беклари жасоратини қўшиқ қилиб куйлайди. Асарнинг илк саҳифаларидаёқ у ўқувчи кўз олдида донишманд оқсоқол тарзида намоён бўлади. Шу сабабли унинг тилидан кўплаб афоризмлар келтирилади. Мақолада “Китоби дадам Қўрқуд”нинг 12 шохобчасидаги фаолиятига тўхтаб ўтилади. Пировардида тегишли хулосаларга келади. Қўрқуд ота образи айрим тарихчилар (Абулғозий, Рашидидин) томонидан диний раҳнамо тарзида тасвирланса-да, ўзининг ўғузларга хос ибтидоий диний тасаввурга асосланган қиёфасини тўла йўқотмаган.

<sup>46</sup>Корогли Х.Г. Кўрсатилган мақола, 52-бет.

Айрим Шарқ манбаларида (битта Ғарб манбасида) Қўрқуд ўғузларнинг оқсоқол –лашкарбошиси сифатида тасвирланади. Бироқбу версия “Китоби дадам Қўрқуд”да ўз ифодасини топмаган.

Шарқ манбаларидаги эпик анъаналарга мувофиқ Қўрқудга 295 ёш белгиланган ва у Муҳаммад пайғамбарнинг замондоши тарзида тасвирланган. Аммо “Китоби дадам Қўрқуд”да унинг ёши хусусида бирор аниқ маълумот берилмаган.

Барча афсона ва ривоятларда Қўрқуд-шомон, ўзон, давлат арбоби, ҳукмдор маслаҳатчиси, барча ўғуз элининг донишманд устози сифатидаги эволюцион образ сифатида гавдалантирилади. Унинг бахши сифатидаги фаолияти ҳеч қачон йўқолмаган. Ўз навбатида унинг тарихий прототипини излашга ҳам асос йўқ.

### **Бахшичилик санъатининг тарихий тараққиёти**

Эпос халқ ижодиётида энг мураккаб жанр ҳисобланади. Шу сабабли уни фақат профессионал ижрочигина куйлай олади. Бинобарин, дostonлар ўз ижрочиси билан тирикдир. Уларни халққа етказиш бахшилар зиммасига тушади.

Эпосни куйлаш, бахшилар ижроси ҳақида ёзма манбалар жуда кам. Эпосунос Тўра Мирзаевнинг таъкидлашича, ўзбек дostonчилигининг илдизлари жуда қадимгабориб тақалса-да, унингмуайян сифат ўзгаришига учраши XIX –XX асрга келиб, янги ўзбек эпосига асос солинди. Унинг ижодкорлари Йўлдош булбул, Жуманбулбул, Эргаш шоир, Фозил шоир, Пўлкан, Ислom шоирлардир<sup>47</sup>.

Хоразм бахшичилик санъати илдизлари ҳам жуда қадимийлик касб этади. Айрим тадқиқотларда бу анъананинг милоддан аввалги 6-5 асрларда пайдо бўлганлиги қайд қилинади<sup>48</sup>. Бу даврларда асосан “Авесто”нинг “Яшт” китобидаги Худолар ва қахрамонларга бағишланган алқовлар, дostonлар куйланган. X-XI асрларга келиб Хоразм шоҳлар саройида машшоқлар, созанда ва гўяндaлар жуда кўп бўлган<sup>49</sup>.

<sup>47</sup> Мирзаев Т. Эпос и сказитель. Ташкент: Фан, 2008. – С.41-43.

<sup>48</sup> Матёкубов Б. Хоразм дoston ижрочилигининг зархат саҳифалари. – Урганч: “Хоразм”, 1999. –Б.8. (52)

<sup>49</sup> Рўзимбоев С. Халқ ижодининг ноёб дурдоналари. // “Ошиқнома”. 6-китоб. –Урганч:

“Хоразм пойтахти Кўҳна Урганч шахридаги маъмур ва обод замонларда Чингизхон ҳарб қилмасдан бурун бу шаҳарда сокин бўлгон одамларнинг аксарияти мусиқийни ўзларина бир ҳунар ва касб иттихос қилгонлар. Мунинг орқасида ўз оилаларининг ўнгишиқларини таъмин этгандурлар. Ҳатто маскур асарларнинг муболаға билан кўрсатганларига қараганда ёлғиз Кўҳна Урганч шахринда дотор созина эшак (ҳаррак) йўниб сотиб ўнгишиқларини шул ҳунарлари бирла ўтқарадургон кишиларнинг миқдори бир мингга етишди”<sup>50</sup>.

Ушбу сатрлар ривоятга ўхшаб кетса-да, унинг замирида катта ҳақиқат ётади. Санъат ривожланган жойда адабиёт, шу жумладан, дostonчилик ҳам тараққий этади. Албатта, Хоразм санъати Чингиз босқинидан сўнг тушқунликка юз тутди.

Муҳаммад Раҳимхон I даврига келиб, саройда мақомчилар, машшоқларни тўплаш анъанаси давом этди. Саройда Ниёзжон хўжа, Маҳдумжон қози, Муҳаммаджон Сандиқчи деган мақом усталари етишиб чиқди<sup>51</sup>. Ўша даврдан бошлаб хон саройида бахши сақлаш анъанаси яна давом этди.

1819 йилда Хивага рус зобити Н.Н.Муравьев ташриф буюради. Хон саройидаги бахшилар ижроси билан танишади. У бахшилар шахси ҳақида конкрет маълумот бермаса-да, уларнинг ижроси ҳақида баъзи бир мулоҳазаларни билдирган. Жумладан, у бахшилар ҳақида шундай ёзади: “Куйловчилар овозлари, тана ҳаракатлари билан ўзларидан олдин ўтган авлодларнинг эпчилликларини, қўрқмасликларини ғайрат ҳамда жасоратларини кўрсатишга ҳаракат қиладилар... уларнинг қўшиқлари айрим ҳолларда тун бўйи давом этади, улар баланд ва хириллаган овоз билан куйлашади”<sup>52</sup>.

Н.Н.Муравьевнинг берган маълумотига қараганда, у тинглаган бахшиларнинг жиров эканлиги сезилиб туради. Чунки ўша даврда хонликни Кўрғирот сулоласига мансуб ўзбеклар бошқар-

---

“Хоразм”, 2013. – Б.4. (3-12 )

<sup>50</sup> Мулла Бекжон Раҳмон ўғли, Муҳаммад Юсуф Девонзода. Хоразм мусиқа тарихчиси. – Тошкент: “Ёзувчи”, 1998. –Б.7. (48)

<sup>51</sup> Мулла Бекжон Раҳмон ўғли, Муҳаммад Юсуф Девонзода. Кўрсатилган асар, 7-8-бетлар.

<sup>52</sup> Муравьев Н. Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819-1820. – М.: 1822. – 122 б.



ган ва улар жиров-бахшиларни ўзбеклар тоифасидан танлаб саройга келтиришган. Улар ўша даврларда жиров ва бахши санъатини биргаликда қўшиб давом эттиришган, қўбизда ҳам, дуторда ҳам дoston қўшиқларини ижро этишган. Муравьев жиров ижросини тинглаган бўлса керакки, бахшиларнинг “баланд ва хириллаган овозда” куйлаганликларини айтиб ўтади.

Н.Н.Муравьев хон саройида бўлиб, мақомчилар, турли хонандаларни ҳам тинглаган. Шу сабабли ўз асарида хиваликларнинг мусиқани жуда севишларини ва қадрлашларини, хонандалар қўшиқ матнларига алоҳида эътибор билан қараб, уларни энг талантли шоирлар ижодидан танлаб олишларини ёзиб қолдирган<sup>53</sup>. Айниқса, дoston куйлаган бахшилар унда яхши таассурот қолдирган. Шу сабабли ижрочиларнинг мусиқа асбоблари хусусида ҳам айрим маълумотларни келтирган: “Уларнинг мусиқа асбоби икки торли балалайкадан иборат бўлиб, ярим ой шаклидаги қутига ўхшаб кетади. Уни нохун ёки қаламча билан чалишади. Улардаги яна бир чолғу асбоби тўрт торли, ниҳоятда ёқимсиз товуш чиқарадиган асбоб бўлиб, пастдан чиққан ўқини ерга тираб, скрипкага ўхшаб чалинади”. Рус миссионерининг тасвирига қараганда биринчи чолғу асбоби танбур, иккинчиси эса қўбиздир. Демак, ўша пайтларда хон саройида қўбиз чалиб дoston куйлайдиган бахшилар бир эмас, бир неча бўлган.

Муҳаммад Раҳимхон I даврида дostonчиликнинг фаоллигини Муравьевнинг яна бир ёзувидан билиш мумкин. У Хивага келишда мамлакатнинг ғарбидаги “Шоҳсанам қалъаси”га дуч келади ва маҳаллий аҳолидан ушбу жой ҳақидаги афсонани ёзиб олади. Унинг ёзиб олган тафсилотлари “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” дostonининг сюжетига мос келади. Унда Ғарибнинг етти йил дарбадар кезиши, онасининг кўр бўлиб қолиши, Шоҳсанамнинг тўйи устига келиши, ўз севгилисининг висолига етиши каби воқеалар тасвирланган бўлиб, ҳозирги сюжетдан бир мунча фарқ қилади. Албатта, давр ўтиши, ижтимоий тузум ўзгариши билан дoston воқеалари ҳам ўзгариши мумкин. Энг асосийси, дoston бор жойда бахши ҳам бўлади. Демак, ўша даврда мазкур дoston

<sup>53</sup> Муравьев Н. Кўрсатилган асар. – Б.131.

талантли бахшилар томонидан ижро қилиб юрилган. “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” достонининг Хоразмда машхур бўлганлигини Муравьевнинг ушбу эсдаликлари яна бир бор исботлайди.

Хоразм бахшилари ҳақида айрим қайдлар Ҳ.Вамбери асарларида ҳам кўзга ташланади. Бироқ шарқшунос олим бирорта конкрет бахши ҳақида маълумот бермасдан, улар ҳақида юзаки тарзда сўз юритади. Масалан, ушундай ёзади: “...мазкур хрестоматияда асосан бахшилар томонидан айтилувчи, уларнинг ўзлари яратган, ёки таржима қилган шимолий турк халқларининг барчасига таниш, улар севган, уларнинг тили, фикри ва ўйларини акс эттирувчи материаллар бор... Улар ўзбек халқи ва уларнинг хонликлари билан қўшни яшовчи қирғизлар орасида кенг тарқалган ва ҳамма жойда дутор ёки қўбиз жўрлигида бир хил куйланади<sup>54</sup>.

Ҳ.Вамбери хрестоматия китобига ёзган ушбу сўзбошисидаги фикрлари илмий жамоатчилик учун ниҳоятда қимматли бўлиши билан бирга олимнинг айрим фикрларини тузатиб ўтишга тўғри келади. Чунончи, ушбу сўзбошида олим бахшилар ҳақида сўз юритиб, “бахшилар томонидан айтилувчи, уларнинг ўзлари яратган ёки таржима қилган... материаллар” деган иборани ишлатдики, бу фикр унинг ўзбек бахшилари ҳақида тўла тасаввурга бориб етмаганини кўрсатади. Негаки, энг аввало, бахшилар халқ ижодиётига мансуб бўлган терма ва достонларни ижро қилишади. Уларнинг репертуаридаги асарлар асосан устоздан шогирдга ўтади. Улар достонни қардош халқлар бахшилари репертуаридан олганда ҳам, Ҳ.Вамбери айтгандай, “таржима қилиб” эмас, балки ижодий қайта ишлаш орқали ўзлаштирадилар.

Шунингдек, унинг ўзбеклар орасида тарқалган достонлар қўшни қирғиз ва бошқа халқлар орасида бир хил куйланади деган фикрига қўшилиб бўлмайди. Чунки дутор жўрлигида достон куйлаш билан қўбиз жўрлигидаги ижро бир-биридан кескин фарқланади. Демак, Ҳ.Вамбери Хоразм достон ижрочилари ҳақида сўз юритса-да, мазкур анъана ҳақида тўла илмий тавсиф бера олмаган. Бироқ унинг Қўнғиротлик Мулла Исҳоқ билан қўлёзма достонлар тўплаши, “Бахши китоблари” ҳақида маълумот бери-

---

<sup>54</sup> Вамбери Ҳ. Чиғатой тили дарслиги. – Лейпциг, 1867. – Б.43.

ши, кўплаб дostonларни Ғарб китобхонларига таржима орқали етказгани муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ҳерман Вамбери Хивага келган даврда хонлик бўҳрон гирдо-бида қолган, маданий-маърифий ишлар ривожини сустралган эди.

Муҳаммад Раҳимхон I даврида тараққиёт сари юзланган санъат ва адабиёт Муҳаммад Аминхон даврига келиб янада ривожланиш босқичига кўтарилди. Бахшичилик, қиссахонлик фоллашди. Мақом санъати эса гуллаб-яшнади. Уста Худойберган этикчи, ундан Паҳлавонниёз Мирзобоши Комиллар Шашмақом ниғмаларини тўла ўзлаштириб олишади. Бу мақом усталарининг обрўси шу қадар ёйиладики, ҳатто Қўқон хони Муҳаммад Умархон сарой созандаларига мақом ўргатиш учун Хивадан Худойберган этикчини ўз саройига чақиртириб олади. Кейинги ҳукмдор Мадалихон эса, Худойберган устознинг маслаҳати билан унинг шогирдлари Солиҳбек ва Мўминбекларни ҳам Қўқонга олдиради ва бу санъаткорлар ўша жойда муқим бўлиб қолишади<sup>55</sup>.

Бинобарин, Муҳаммад Аминхондавридаги маданий ҳаётнинг юксалиши бахшичилик санъатига ҳам ижобий таъсир ўтказганлиги табиийдир.

Аммо Муҳаммад Аминхоннинг фожеали ўлиmidан сўнг хонликда юксалаётган маданий-маърифий ҳаёт тушкунликка юз тутта бошлади.

Кейинги Хива хонлиги тахтига ўтирган Абдуллахон ва Қутлимурадхонларнинг ҳар иккаласи 6 ойдан тахтда ўтириб фожеали тарзда ҳалок бўлишди.

1855 йилда тахтга ўтирган Саййид Муҳаммадхон даврида маданий ҳаёт яна изга туша бошлади. Хоннинг ўзи ҳам муסיқага иштиёқ кўйган бўлиб, дутор, ғижжак каби созларни усталик билан чалиш қобилиятига эга эди. Шу сабабли саройга яна санъаткорларни, хос бахшиларни йиға бошлади. Бироқ, адабиёт, санъат илгариги авжда давом этиши қийин эди. Бу даврда китобхонлик негизида қиссахонлик муайян даражада ривожланди.

Худди шу даврда воҳага Ҳерман Вамбери ташриф буюрган эди. Уни Саййид Муҳаммадхон яхши кутиб олиб, хонлик худудидан бемалол юришга рухсат берди.

<sup>55</sup> Хоразм муסיқий тарихчиси, 43-бет.

Ҳ.Вамбери юқорида қайд қилганимиз мулла Исҳоқ билан хонлик худудиди юриб, дostonлар йиға бошлайдилар. Улар Амударё орқали Қўнғирот шахрига йўл олишади. Қўнғирот яқинига келганда зиёлилар билан суҳбатлашиб, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” дostonининг насрий баёнини ёзиб олишади. Мулла Исҳоқнинг қуйидаги шеърий парчалари уларнинг бахши ва қиссахонлар билан учрашиб катта материаллар тўплаганликларини исботлайди.

*Насиб тортиб бизлар бу эла келдик,  
Элу халқнинг иззат-хурматин кўрдик,  
Қисса, дoston йиғнаб уйга жўнадик,  
Бизларни сийлади Мўйтан элинда.*

*Сафарда йўлдошим бул Рашид ҳожи,  
Анинг Қўнғиротда битди муҳтожи,  
Пайтонга юк бўлди китоблар,важи,  
Қисса, дoston совға қилганлар хўш энди<sup>56</sup>.*

Ушбу тўртликлардаги “қисса-дoston” сўзларига разм солинса ўша даврда китобат қилинган қисса-дostonларнинг ниҳоятда кўплигига қаноат ҳосил қилиш мумкин. Ҳ.Вамберининг “Чиғатой тили дарслиги” асари таркибига кирган фольклор намуналари, айниқса, қимматлидир. Унинг “Хрестоматия” қисмига биринчи марта “Юсуф Аҳмад”, “Ойсанам –Шоҳсанам”, “Хурлиқо-Ҳамро”, “Ошиқ Ойдин”, “Хирмондали” каби Хоразм дostonлари киритилган. Мазкур асарга киритилган “Бахши китоби” бизга ўша даврдаги дoston-ижрочилари ҳақида муайян даражада маълумотлар бера олади. Бу ҳақда Вамберининг ўзи шундай ёзади: “У ўзига хос шеърлар тўплами бўлиб, ўргатувчи шогирд-бахшиларнинг ёнида олиб юриладиган кичик китобчадир. Бу тўпламдаги шеърларнинг мазмуни аудиторияга, эл-улус дидига, савиясига қараб ўзгартишга учраб туради. Лозим пайтда бахшилар унга ўзгартишлар киритиб қўйлашади. Менинг қўлимдаги нусха энг оммавий, ҳаммага тушунарли шеърлардан ташкил топган. Уларни мен ўзбеклар ва туркманлар

<sup>56</sup> Рўзимбоев С. Мулла Исҳоқ. – Урганч: “Университет”, 2005. – Б.58. (24 )

орасида кўп тингладим. Бироқ бу шеърлар услуб жиҳатдан содда бўлса-да, уларни кўпчилик киши билмайди. Шу сабабли улар ашула ёки декламация тарзида айтилиши нуқтаи назаридан Ғарбий Осиё халқларига нотанишдир. Ижро оҳангига қараганда уларнинг эронийлар ижодидан олинганлик эҳтимоли бор. Аммо, ҳозирда Эронда куйланадиган кўшиқларга уларнинг алоқаси йўқ”<sup>57</sup>.

Ҳ.Вамберининг “Бахши китоби”га берган ушбу тавсифи ҳар жиҳатдан эътиборга лойиқдир. Чунки Хоразм бахшиларида кейинги даврларда ҳам дoston ва кўшиқ матнларидан иборат махсус кўлёмалар бўлган.

Муҳаммад Раҳимхон – Феруз даврига келиб, дoston матнларини ўзгартирмасдан ижро қилиш ҳақида фармойиш берилган. Ҳатто бир куни Ферузхон Суяв бахшига “Тўрўғли” дostonини куйлашни буюрган ва ўзи дostonнинг китоб қилинган шаклига қараб ўтирган. Суяв бахши бирорта сўзда ҳам янглишмай “имтиҳон”дан муваффақиятли ўтган<sup>58</sup>.

Ҳ.Вамберининг “Бахши китоби”даги “декламация” шаклидаги ижро ҳақида маълумот бериб, бу усул Хоразмга Эрондан ўтган, деган фарази ҳам қизиқиш туғдиради. Бу ерда Ҳ.Вамбери ижрочиларнинг қироат (речитатив) оҳангида ўқилган шеърларни назарда тутган.

Венгер олими “декламация” тарзидаги ижрони қиссахонлар орқали тинглаган бўлса керак. Чунки илгариги даврларда шеърый асарлар тўла равишда қироат билан кўшиқ оҳангида ижро этилган. Бунинг асосий сабабларидан бири “Ибтидоий даврнинг вокал мусиқаси ритм ва речитативдан иборат бўлган. Куй эса анча кейинроқ пайдо бўлган<sup>59</sup>. Маълумки, бахшичилик санъатида анъанавийлик барқарор сақланиб келган. Шу сабабли қироатхонлик ХХ аср бошларигача ўз кучини йўқотмаган. Қироатхонлик халфалар ижросида ҳалигача давом этиб келмоқда.

Хуллас, Вамберининг нигоҳи тушган “Бахши китоби” фақат Хоразм бахши, халфа ва қиссахонларигагина хос бўлган алоҳида бир анъанадир.

<sup>57</sup> Чиғатой тили дарслиги. – Б.33-34.

<sup>58</sup> Айымбетов Қ. Халық даналығы. – Нөкис: “Қарақалпақстан”, 1988. – Б.132. (491)

<sup>59</sup> Косвен М.О. Ибтидоий маданият тарахидан очерклар. – Б.180.

Ҳ.Вамбери “Бахши китоби”даги бир қанча шеърларни “Хрестоматия”сига киритган. Унда “Санобар” достонидан олинган 5 бандлик шеърӣй парча бор. Бу тўртликлар достоннинг бизгача етиб келган қўлэзма вариантыдаги муқобилига солиштирганда жузъӣй ўзгаришларгина кўзга ташланади. Чунки ёзма нусхалар орқали етиб келган достон матнлари барқарор сақланиш хусусиятига эга. Фақат уларни қайта кўчирган котиб ёки хаттотлар матнга айрим ўзгаришлар киритганини кузатиш мумкин.

“Бахши китоби”да “Ойсанам-Шоҳсанам”, “Ошиқ Ойдин”, “Ҳурилиқо-Ҳамро”, “Темим саҳоба”, “Кўрўғли”, “Хирмондали”, “Зарқум шоҳ”, “Юсуф Аҳмад” ва бошқа қатор достонлардан парчалар берилган.

“Бахши китоби”да аниқ бахшилар шахси ҳақида бирор маълумот учрамаса ҳам, достонларнинг турли-туман нусхалари ҳақида сўз юритилиши ўша давр достон ижрочиларининг репертуари хусусида аниқ тасаввур бера олади. Ҳерман Вамбери Хивадан жўнаб кетгандан кейин бир йил ўтгач, Саййид Муҳаммадхон оламдан ўтиб, Хива хонлиги тахтига унинг ўғли Муҳаммад Раҳимхон Феруз ўтирди.

Феруз даврида Хива хонлигида адабиёт ва санъатнинг ривожланиши янги босқичга кўтарилди.

Янги хон шоир, бастакор ва созандалик хислатларига эга бўлган истеъдодли шахс эди. Унинг даврида Комил Хоразмӣй томонидан “Танбур чизиғи” деб аталмиш мусиқа ёзуви-нота ҳам кашф этилди.

“Хоразм мусиқӣй тарихчаси” муаллифлари ўз асарларида Феруз давридаги таниқли бахшилар ҳақида айрим маълумотларни келтириб ўтишган. Уларнинг ёзишларича, “Достончилар иккига айриладур. Бири бахши, яна бири эса жирчилардур. Бахшилар буламон, дутор, ғиржак, илан соз этарлар. Жирчилар эса, ёлғиз қовуз биландур”.

Китобча муаллифлари тубандаги бахши ва жировлар ҳақида баъзи маълумотларни келтирганлар.

**Ризо бахши.** Мазкур бахши гурланлик бўлиб, Ферузхоннинг хос бахшиси ва жирчиси бўлган. Ризо бахши хоннинг уйқуга ке-

тиши олдидан унга қизиқли ривоятлар, ҳикоятлар сўзлаб берган, лапарлар ижро қилган. Унинг “Бежилов” деган лақаби бўлган. Чунки уни хоннинг яқин бахшиси бўлгани учун “бежилов” –жиловсиз, эркин лақаби билан аташган.

“Хоразм мусиқий тарихчаси”да унинг репертуаридаги лапаридан учта банд келтирилган. Уларни биз бахши биографиясини беришда келтириб ўтамиз.

**Суяв бахши.** Суяв аслида туркманларнинг човдур уруғидан бўлиб, ўзбек, туркман ва қорақалпоқ тилларида бемалол дoston куйлай олган. У айни пайтда шоир, бастакор ва дoston ижрочиси бўлган.

“Хоразм мусиқий тарихчаси”да басталаган “Илғор”, “Илғор сарпардаси”, “Кўр қиз”, “Эшвой”, “Шо кўчди”, “Мухаммас”, “Шоҳсанам” каби куйлар қайд қилинган. Муҳаммад Раҳимхон II даврида Эрнафас бахши, Аваз бола, Нурилла бахши (лақаби тандир) каби машҳур дoston ижрочилари ҳам яшаб ўтган. Аммо уларнинг биографияси “Мусиқий тарихча”да берилмаган.

Муҳаммад Раҳимхон II даврида бахшичилик анъаналари юксак чўққига чиққан. Машҳур бахши Қурбонназар Абдуллаев –Бола бахши ҳам ўша даврда яшаган. У ўн ёшлариданоқ дoston куйлашни бошлаган. Кексаларнинг ривоят қилишларича, Бола бахши ўз қишлоғидаги боғида “Ғариб ошиқ”ни куйлаб турганида дутори дастасига булбул келиб қўнади. Аслида булбул унинг мусиқаси ва овозига мафтун бўлиб, дарахтдан пастга тушади. Қурбонназар эса ёш бола бўлганидан масаланинг моҳиятига тушунмасдан, куйлашни тўхтатиб, булбулни ушламоқчи бўлади. Булбул эса қочади, ёш бахши дуторни ташлаб уни қува кетади. Ўша пайтда даврада дoston тинглаб ўтирган қишлоқ оқсоқоли бу воқеага қараб:

– Қурбонназар барибир бола-да, бўлмаса қушни қувиб кетармиди, дейди. Шундан кейин Қурбонназарни Бола бахши деб аташ расм бўлган экан.

Шуниси қизиқки, бахши дуторига қуш қўниши билан алоқадор ривоят Эргаш шоирнинг отаси Жуманбулбул ҳақида ҳам тўқилган: “Жуманбулбул машраб табиатли киши бўлган. Эски одат бўйича, дostonчи чодир ичида айтса, хотин-қизлар ташқа-

рида ўтириб эшитган. Саримсоқ бахши (1872-1938) ўспиринлик чоғларида шўхлик қилиб, Жуманбулбул яхши айтсин деб, чодир ичида дoston айтаётган Жуманбулбулни ташқарида ўтириб ҳар замон аёлчасига туртиб қўйса, шоир қайнаб, чилладаги нордай бўлиб кетар экан... Ана энди Жуманбулбулнинг дostonини эшитинг эди! Ғазалай додлаб, чарх уриб келиб дўмбирасига қўнар эди.

Эргаш шоир отасининг болаликдан қўшиқ айтганини таъкидлайди: Ўн ёшида айтган йиғинга кириб. Одамлар орасида Эргаш шоирнинг бу сўзини тасдиқлайдиган ривоят юради. Жуман бола экан, ўйнаб қолади. Боқиб юрган қўйлари элнинг экинига тушиб кетади. Шунинг учун чўпон бола қўрқиб қочиб қолади. Шу ривоятнинг бошқа бир вариантыда айтилишича, ўғай она зулмидан бешиб, уйдан чиқиб кетади. Хуллас, у юриб-юриб, очиқиб-толиқиб, бир жойда якка тутнинг тагида ухлаб қолади. Ўнгидами-тушидами, бир паст сарғалдоқ деган қуш пайдо бўлиб, Жуманнинг бошида айланиб-ўргилиб, сайрайверади, сайрайверади... Сарғалдоқ бирдан сариқ тўнли, оппоқ соқолли одамга айланади. Болага: “Манглайингга берайми, танглайингга?...” – дейди. Бола бояқиш оч эмасми, танглайингга, дегани таом бўлса керак деб, танглайимга беринг, дейди. “Бўлмаса, юм кўзингни, оч оғзингни...” Бола кўзини юмиб, оғзини очади. Оқсоқол унинг оғзига нафасини уфлайди. Ўша заҳоти Жуман оғзидан кўпик сочиб, маст бўлиб дoston айта бошлайди<sup>60</sup>.

Бахшилар истеъдодининг ғойибдан келиши, уларнинг илоҳий хусусиятларига бағишланган бундай ривоятларнинг тўқилиши бежиз эмас. Ушбу касбнинг қадимий илдизлари шомонликка бориб тақалади. Шомонларнинг илоҳий қудрати ҳозиргача ўз акс-садосини йўқотган эмас.

Муҳаммад Раҳимхон II даври ва ундан кейинги пайтларда яшаб ижод қилган бахшилар ҳақида тўла маълумотни Бола бахши ҳикоя қилиб берган.

Бундан ташқари 1873 йилда Хива хонлигируслар томонидан истило қилинганч, Хивага рус шарқшуносларининг сафарга кели-

---

<sup>60</sup> Қўшмоқов М. Чечакликда сўзга сувдаин оқиб. – Тошкент: “Адабиёт ва санъат”, 1978. – Б.93-94. (168)



ши учун кулай шароит юзага келади. Қолаверса, уларни хонликдаги маданий ҳаёт қизиқтириб қолади. Чунки рус истилоси даврида А.Л.Кунь бошчилигида келган бир гуруҳ шарқшуносларнинг хон кутубхонасидаги энг нодир китобларни олиб кетишлари бошқа кўпгина шарқшунос олимларни қизиқтириб қолган эди. Ўша шарқшунос олимлардан биттаси А.Н.Самойловичдир. У 1908 йилда Хоразмга келиб, воҳада тарқалган “Гўрўғли” ва “ошиқ” дostonлари, уларнинг ижрочилари ҳақида энг муҳим маълумотларни тўплади. У Хоразмда бўлган пайтида дostonчиликнинг энг фаол маркази бўлган Пўрсига боради. (Туркменистоннинг ҳозирги Бўлдимсоз тумани маркази) “Мен Пўрсиди бутун хонликда энг машхур бўлган 58 яшар човдур (уруғноми) Суяв бахшининг айтганларини тингладим”<sup>61</sup>, деб ёзади у.

А.Н.Самойлович Хивада бўлганида бахшилар ижросини бевоcита тинглагани ҳақида қуйидагича маълумот беради “Хивалик бахшининг ўзи дутор чалиб, китобий дostonни ижро этаётганида икки созанда буламон чалишиб, унга жўр бўлиб туришади”<sup>62</sup>. Демак, А.Н. Самойлович бу масалага Ҳ.Вамберига ўхшаб юзаки муносабатда бўлмаган. Шарқшунос олимнинг пўрсилик Суяв бахшидан олган маълумотларига қараганда, Пўрси дostonчилик мактабига ўша пайтда Суяв бахши бошчилик қилиб, атрофига кўплаб ўзбек, туркман ва қорақалпоқ бахшиларини жамлаган ва туркман ўзбек ҳамда қорақалпоқ тилларида дoston куйлаган. Суяв бахши ўз устози ўзбек бахшиси Ғарибниёз ва ундан олдин ўтган ўзбек бахшилари Эшвой, Оташ, Нуржон, Ниёзмат бахшилар ҳақида маълумот беради. Суявнинг ўзи 1850 йилда Пўрсининг Сеитназар гўммачи овулида туғилган. Юқорида номи келтирилган бахшилар XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод қилишган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Абдурахим, Мусо, Отаниёз, Отажон, Ризо бахшилар Суяв билан бир даврда фаолият кўрсатишган. Таниқли фольклоршунос Қалли Айимбетовнинг ёзишича Қўнғи-

<sup>61</sup> Самойлович А.Н. Краткий отчёт о поездке в Ташкент и Бухару и в Хивинское ханства в 1908 году. //Известие русского комитета для изучения Средней и Восточной Азии в историческом, лингвистическом и этнографическом отношениях. СПб., 1909, №9, 21-22-бетлар.

<sup>62</sup> Ўша манба, 25-27-бетлар.

рот, Пўрси, Хўжайли атрофларида бу бахшилардан кейин Одилбой, Ўринбой, Оллаёр, Қутим бахшиларнинг дoston куйлаганликлари ҳақида маълумотлар бор.

Асримизнинг бошларида Хўжез (қипчоқ), Аҳмад, Қўчқор (Манғит), Хўжез гармончи (Шаббоз), Қўшакўр (Тўрткўл), Эшниёз (Қўнғирот), Жуманазар (Янгиариқ), Хўжик бахшилар машҳур бўлганлар. Афсуски, ушбу бахшиларнинг ҳаётига оид батафсил маълумотлар сақланиб қолмаган.

Айрим бахшилар ҳаёти ҳақидаги маълумотлар эса уларнинг замондошлари эсдаликлари орқали етиб келган. Масалан, Мадраҳим Ёкубов Шерозий XIX аср охири XX аср бошларида яшаган қуйидаги бахшиларнинг аянчли тақдири тўғрисида хотиралар қолдирган:

**Эрниёз бахши.** Қўшқўпирнинг Ўзбекёп қишлоғида яшаган. Хоннинг қариндоши Саидабдулланинг тўйига бормагани учун бурнидан ип ўтказилиб қўшиқ айттирилган.

**Жумёз бахши.** Ҳазораспда яшаган. Зиёфатга кечикиб келгани учун Саидмурод божимоннинг ўғли ҳовузга итариб юборган. Ўпкаси шамоллаб ўлган<sup>63</sup>.

Қуйида ҳаётининг фаолияти ҳақида айрим ҳужжатлар сақланиб қолган бахшилар ҳақида қисқача маълумот берилди.

**Ғарибниёз.** Тарих саҳифаларига назар ташласак, Хоразм воҳасида яшаб келган турли миллатлар дўстлигига оид кўпгина фактларга дуч келиш мумкин. Бу нарса халқ эпик ижодиётининг вакиллари бўлган бахшиларнинг устоз-шогирдлик анъаналарида, айниқса, яққол кўзга ташланади. XVIII-XIX асрлар туркий халқлар дostonчилигининг энг гуллаган даври бўлиб, ўша даврларда Хоразм воҳасида жуда кўп талантили бахшилар яшаб ижод қилган. Улардан қирқдан кўпроғининг номи маълум бўлса-да, фаолияти ҳақида жуда кам маълумотлар сақланиб қолган. XIX аср ўрталарида яшаган шоир-бахши Ғарибниёз ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Шоир тақдири ҳақида сўзлашдан олдин унинг шогирди-туркман бахшиси Суяв (суянч,

<sup>63</sup> Аваз С. Мадраҳимов О. Мадраҳим Шерозий. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт –матбаа бирлашмаси, 1991. –Б.31. (182)

таянч, елкадош) ҳақида оз бўлса-да, тўхталишга тўғри келади. Академик А.Н.Самойлович ўз асарларида Пўрсида Тошҳовуз вилоятининг ҳозирги Бўлдимсоз туманида яшаган Суяв бахши ҳақида қимматли маълумотлар беради. Унинг туркман, ўзбек, қорақалпоқ тилларида дoston куйлаганини таъкидлаб, бахшининг 58 ёшда эканлигини айтиб ўтади. Олимнинг Хоразм воҳасига 1908 йилда келганлигини ҳисобга олсак, бахшининг таваллуди 1850 йил бўлиб чиқади. Суяв бахшининг репертуаридаги кўплаб дoston ва термалар туркман, ўзбек, қорақалпоқ бахшилари ижодида ҳозиргача яшаб келмоқда. 1985 йилда вафот этган гурланлик Сакрак бахши (Жумабой Худайберганов), манғитлик Турсун бахши Пўрси дostonчилик мактабининг сўнги вакиллари бўлишган. Суяв бахши репертуарида “Эшвой” кўшиғи алоҳида ўрин тутган. Мазкур кўшиқ XVIII асрда Пўрси атрофларида яшаган ўзбек бахшиси Эшвойга бағишланган бўлиб, унда бахшининг олийжаноб хислатлари таъриф этилади.

*Эшвой бормаи ҳеч ким тўйин кўрмади,  
Юзин кўрмаи қизлар вакил бермади.  
Фиску фужур, ҳаром ишга юрмади,  
Шу қилиғин эллар суйди Эшвойнинг.*

Шу пайтгача бу кўшиқ Суяв бахши ижодига нисбатан берилар эди. Бироқ халқ орасида юрган бу кўшиқнинг турли вариантларини қиёсласак, масаланинг бошқа бир муҳим томони ҳам ойдинлашгандек бўлади:

*Эшвой Оташ, Нуржон билан соз этди,  
Беш кунлик умрини сарафроз этди.  
Ўлгандан сўнг васфин Ғарибниёз айтди,  
Соз-сўз билан умри ўтди Эшвойнинг.*

Шеърнинг мазкур банди унинг Ғарбниёзга тегишли эканлигини тўла тасдиқлайди. Демак, “Эшвой” кўшиғини ижод қилган ва унга куй басталаган киши Суявнинг шогирди Ғарибниёз бў-

либ чиқади. Қорақалпоқ фольклоршуноси, профессор Қ.Айимбетов 1968 йилда Нукусда босилган “Халқ донолиги” китобида Суяв бахшидан бурун ва у билан бир даврда Эшвой, Оташ, Ғарибниёз каби таниқли бахшилар яшаб, ижод қилганликларини кўрсатиб ўтади. XVIII асрда яшаган Эшвой бахши ва унинг шогирди Ғарибниёз тўғрисида кўпгина маълумотлар мавжуд. Шоирнинг “Эшвой”, “Кўзларим” деган кўшиқлари 1963 йилда Ашхободда нашр этилган “Маржон доналар”, 1965 йилда Нукусда босилган “Қорақалпоқ халқ кўшиқлари” китобларига киритилган.

Кузатишларга қараганда, истеъдодли бахши Ғарибниёз ўз устозига бағишлаб “Эшвой” шеърини яратган ва унга махсус куй басталаган. Бу куй баъзан дoston кўшиқлари билан айтилиб ҳозиргача яшаб келмоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Назира Юсупова репертуаридаги “Эшвой” кўшиғи бунинг ёрқин мисолидир. Ўз навбатида бу куй туркман ва қорақалпоқ бахшилари ва хонандалари репертуарида ҳам мавжуд. Суяв бахши бу кўшиқни устозининг мероси сифатида маҳорат билан куйлаб, бизгача яшаб келишида кўприк бўлиб хизмат қилган. “Кўзларим” шеъри мазмунига қараганда шоир умрининг охирида кўр бўлиб қолган. Буни ўз шеърида изтироб билан баён қилади:

*Икки кам элликка борганда азиз ёшим менинг,  
Бунча дardга дуч келибдур бу ғариб бошим менинг.  
Сармалаб-излаб топиб, оғу бўлар ошим менинг,  
Етти жаҳонни кўргали йўқ эрур йўлдошим менинг,  
Қайғу, ғам-ғусса билан йўйган наҳорим кўзларим.*

Кўзи ожизлиги сабабли шоир халқ орасида баъзан Матниёз Қори номи билан ҳам тилга олинади.

Манғитлик Хударган бахши, тўрткўллик Абдулла бахшилар билан бўлган суҳбатда Ғарибниёзнинг “Ўтгандир” номли шеъри борлиги ҳам маълум бўлди. Бу шеър хивалик Шукур Қори репертуарида айрим ўзгаришлар билан сақланиб қолган. Шоирнинг юқорида тилга олинган “Эшвой”, “Кўзларим” каби шеърларининг ўзбекча вариантлари туркман ва қорақалпоқча матнлардан ҳажман

кўплиги, айниқса, “Кўзларим” шеъри арузга кўпроқ мос келиши ва бошқа айрим хусусиятлари билан ажралиб туради. Албатта, халқ орасида унинг бошқа шеърлари ҳам сақланиб қолган бўлиши мумкин. Буни келажакдаги изланишлар тасдиқласа ажаб эмас. Бироқ ҳозирча қўлимизда бўлган икки-уч шеър ҳам Ғарибниёзнинг истеъдодли шоир, бахши бўлганлигидан дарак беради.

Шоирнинг қайси миллатга мансуб эканлигини аниқлаш учун уриниб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Негаки, у ўзбек бахшисига шогирд, туркман бахшисига устоз бўлган. Воҳадаги барча халқларга уч тилда дoston куйлаб, баб-баравар хизмат қилган. Бу эса қадимий дўстлигимизнинг яна бир қудратли тимсолидир. Шоирнинг ўзбек тилидаги адабий меросини излаш, тўплаш ва тадқиқ қилиш фойдадан холи эмас.

**Эшвой бахши.** XIX асрнинг истеъдодли дostonчиси Эшвой бахши 1839 йили Хоразм вилояти, Шовот туманидаги Доричи қишлоғида туғилган. 15-16 ёшларида дoston йўллари бўйича куйларни ўрганиб, қўшиқ айта бошлаган. Илгари яшаб ўтган бахшиларнинг айтишича у шоир, бастакор, хонанда бўлган.

Эшвой бахши машҳур созанда бўлганки, халқ унинг фаолияти ҳақида кўплаб қўшиқлар тўқиган:

*Эшвой бахши овозали,  
Қибла ёнда дарбозали,  
Паловлари кўп мазали,  
Куйла Эшвой, тилларингдан.*

Қарияларнинг эслашига қараганда, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон (Феруз) Эшвой бахшини тўйга таклиф қилган. Бахши отланиб, қўлда дутори билан йўлда бораётганида, Қўшқўпирнинг Тақир қишлоғига етганида, бир камбағалнинг тўйи устидан чиқиб, ўша ерда тутилиб қолади. Натижада Эшвой бахши хон ғазабига учрайди. Ғазабланган хонбахшини Калта минорадан ташлаб ўлдиришга ҳукм қилади. Буни эшитган Хива халқи бахшининг ҳаётини сақлаб қолиш учун минора тагига тўшак сомон, голи-палосларни тўшайдилар.

У ғоли-палос устига йиқилиб, омон қолади. Бу воқеани эшитган хон Эшвой бахшини ҳузурига чақиртириб, “Менинг ўзим ҳам сенинг ўлимингни истамаган эдим”, – деб уни қўйиб юборади. Бу ҳақда бизга етиб келган тўртликлардан бири:

*Эшвой деган доричининг боласи,  
Бахшидан айлансин Хива қалъаси,  
Тагига тўшалди ғоли-палоси,  
Тингла, Эшвой жонларинга бандиман.*

Бахшининг қабри Кўҳна Урганчда жойлашган. Унинг ўғли Ўринбой бахши сифатида танилиб, кўпгина дostonларни куйлаб келган.

Маълумки, Хоразм dostonларининг мусиқа қисми алоҳида-алоҳида мустақил куйлардан иборат. Бола бахшининг маълумот беришича, улар 72 куйни ташкил этган. Шулардан бир қисмини Эшвой бахши яратган: Эшвой I, Эшвой II, Туркман Эшвойи, Урганжий, Қурд Эшвойи, Фарғона Эшвойи ва бошқалар.

Шовот туманида “Эшвой чўли” деган яланглик бор. Айтишлари, бахши ўша чўлни кесиб ўтишда кўшиқ куйлар экан. Ёш бахшилар ўша чўлда тунаб қолишса, тушида устоз бахшининг овози эшитилармиш. Бу ҳодиса уларга Эшвой бахшининг фотиҳа бериши, деб ҳисобланар экан.

Эшвой бахшининг “Тўрўғли” туркумидаги 16 dostonни ёддан билганлиги ҳақида маълумотлар бор. Шунингдек, у “Ошиқ” туркуми dostonларидан ҳам кўпчилигини билган. Эшвой бахши ижоди ва ҳаётини ўрганиш, уни халқимизга етказиш фольклоршунослигимиз олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

### **Боб бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:**

1. Тил ва тафаккурнинг тараққиёти инсон маънавиятининг шаклланиши ва тобора ривожланишига йўл очиб берган. Ибтидоий динларнинг пайдо бўлиши маънавият ва маърифатнинг илк нуқталари бўлиб, ибодат қўшиқ куйлаш ва маросимларни

бошлаб берган. Уларни билимли, иқтидорли коҳинлар амалга оширган. Диний тасаввур негизда турли мифология шаклланиб, афсона ва ривоятлар пайдо бўла бошлади.

Бизга маълум бўлган “Авесто” шаклланиб, унинг гоҳлари мутахассис коҳинлар томонидан ижро этилган. Улар эзгу ғояларни ишонтириш усули билан оммага етказишган. Коҳинлар шомонларнинг дастлабки кўринишларидир.

2. Коҳин ва шомонлар қадимданок илоҳий шахслар сифатида тасаввур қилинган. Уларга кўп ҳолларда ақл-идрок, талант тушида ато этилган. Хоразмда тарқалган парихон-пўрхонлар ҳам шомонларнинг бир кўринишидир. Шомонлик эса бахшичилик санъатининг шаклланишида дастлабки босқичлардан ҳисобланади. Соз ва сўз устаси бўлган бахшиларда дастлаб, табиблик, афсунгарлик касблари ҳам синтезлашган.

Ҳатто Эргаш Жуманбулбул ўғли ҳам “қўшкочлик” вазифасини бажарган. Алишер Навоий яшаган даврда бахши атамаси котиб, мирзо маъноларида ҳам қўлланган. Бу атаманинг Республиканинг турли ҳудудларида “шоир”, “жиров”, “оқин”, “санновчи”, “охун”, “соқи”, “созчи” тарзида қўлланилиши ҳам унинг синкретик маънога эгаллиги билан изоҳланади.

3. Бахши атамасининг келиб чиқишида турли фикрлар мавжуд бўлиб, В.В.Бартольд уни санскритча “бҳикшу” сўзидан келиб чиққанлигини таъкидлайди. А.Н.Самойлович ҳам ушбу фикрни қўллаб-қувватлайди ва бу сўз негизда “муаллим” маъноси мавжудлигини тасдиқлайди.

Хоразмда ҳам шомон, ўзон, бахши сўзлари ишлатилиб келган ва ҳозирда бахши атамаси кенг оммалашган. Бахшичилик шахсининг илоҳийлаштирилиши уларнинг юксак хотираси ва соз, сўз соҳиби эканлиги билан алоқадордир. Ушбу касб эгаларининг дўмбира жўрлигида дoston куйлашлари X-XI асрлар билан алоқадор деган фикрлар мавжуд. Бизнингча, бу ҳодиса анча қадимий бўлиши ҳам мумкин. Қадимги Хоразм қалъаларидаги “Арфачи аёл хонаси”даги расмлар бунга асос бўлиши мумкин.

4. Хоразмда дастлабки бахши вабахшилар пири ҳисобланган тарихий шахс (1115-1191) Ошиқ Ойдин (Ошуғиддин Умар Сухра-

вардий) бўлиб, у ҳозирда ҳам бахшиларнинг ҳомийси ҳисобланади. Унинг шахси ҳам илоҳийлаштирилган. Тарихий манбаларга кўра Ошиқ Ойдин соз ва сўз устаси ва айна пайтда давлат арбоби бўлган. Мусиқа тўғрисида рисола ҳам битган. Унинг хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даврида яшаганини ҳисобга олсак, ўша даврларда бахшичилик санъатининг ривожланган даври бўлганлигини англаб олиш мумкин бўлади. Ошиқ Ойдин пирдан кейин туркий оламда донг таратган ўзон, шомон, бахши Қўрқут отадир.

Ўрта Осиёда битилган “Дўст Султон тарихи”да Қўрқут ота бахшилар пири сифатида тилга олинади. Абулғозий Баҳодирхон уни донишманд вазир деб берса, Рашидиддин асарларида бахши, ўзон сифатида тасвирланади. “Китоби дадам Қўрқут”да у донишманд оқсоқол тарзида намоён бўлади. Бу шахс ҳақида турли афсона ва ривоятлар тарқалган. Уларда Қўрқут ота шомон, ўзон, давлат арбоби, вазир, донишманд сифатида кўзга ташланади. Унинг бахши қиёфасидаги образи ҳамиша ёрқин кўринади. Аммо унинг тарихий прототипини излашга асос топилмаган.

5. “Қўрқут ота китоби” яратилган даврда Чингиз босқини оқибатида Хоразмда бахшичилик санъати таназзул босқичини бошдан кечираётган эди. Айрим маълумотларга қараганда, мазкур китоб ҳам Ўрта Осиёда яратилиб кейин Кавказга кўчган.

Хоразмда бахшичилик санъати XIX асрга келиб яна ривожланиш босқичига қадам қўйди. Хон саройда мақомчилар, машшоқ ва бахшилар сақлаш анъаналарини давом эттирди.

1919 йилда Хивага келган Н.Муравев хон саройида бахшиларни тинглагани ҳақида ёзиб қолдирган. Унинг ёзишига қараганда хон қароргоҳида жировлар бўлганлиги сезилади. Чунки рус зобитининг ёзишича, бахши қўбиз чалган. У ўз ёзишмаларида “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” достони ҳақида, айниқса, муҳим маълумотларни қайд қилиб ўтган.

Муҳаммад Аминхон даврида санъат янада ривожланиш босқичига қадам қўйди.

6. 1855 йилда тахтга ўтирган Саййид Муҳаммадхон даврида санъатга қизиқиш янада кучайди, хоннинг ўзи ҳам моҳир ғижжакчи бўлган. Ўша даврда Хивага келган Ҳерман Вамберининг “Чиға-



той тили дарслиги” китобида ушбу давр дostonчилиги хусусида қимматли маълумотлар берилган. Қўнғиротлик Мулла Исҳоқ унга “Бир пайтон” қисса дoston тўплаб берганини ёзиб қолдирган. Мулланинг ўзи ҳам шоир-бахши-қиссахон бўлган. Муҳаммад Раҳимхон-Феруз даврида бахшичилик санъати гуллаб-яшнади. Унинг саройида хос бахшилар фаолият кўрсатди. Шулардан бири Ризо бахши (бежилов) ҳисобланади. Унинг ҳукмронлик йилларида Суяв бахши, Эрнафас бахши, Аваз бола, Нурулла тандир, Жуманазар бахшилар фаолият кўрсатган. Машҳур Қурбонназар Абдуллаев – Бола бахши ҳам ўша даврнинг кўзга кўринган бахшисидир. 1908 йилда Хивага келган А.Н.Самойловичнинг тадқиқотларида Хоразм бахшиларининг китобий дostonлар куйлаганликларини, дотор, буламон чалганликларини ҳикоя қилади.

Бинобарин, XIX аср ва XX аср бошлари Хоразм бахшичилик санъатининг энг гуллаган давридир.

## ИККИНЧИ БОБ.

### БАХШИЧИЛИК САНЪАТИДА ЭПИК АНЪАНА ВА ЛОКАЛ ХУСУСИЯТЛАР

#### Жанубий Хоразм дostonчилик анъаналари

Дostonчилик халқимиз маънавиятида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. “Уни куйловчи бахшилар нодир маънавий бойликларни мукаммаллаштиришда муҳим вазифани амалга оширишди... Улар юксак инсоний фазилатларни ўзида мужассамлаштирган образларни бадиий қайта ишлаш орқали асарнинг ғоявий мазмунини янада чуқурроқ илдиз отишига замин ҳозирлашади”<sup>64</sup>.

Бахшилар ўзларининг юксак хотираси, хонандалик қобилияти, жонли халқ тилининг хассос билимдони сифатида асрлар оша келаётган эпик анъаналарни, бой ва ранг-баранг эпосни авлоддан авлодга етказишда кўприк вазифасини ўтаб келишмоқда.

“Ўзбек бахшилари ғоявий йўналишда, эпик репертуарнинг ягоналиги, ижро усули ва куй-қўшиқда бир хил анъанага эга бўлсалар-да бари бир улар ўзига хос услуб, ижро йўналишлари, репертуар характери билан ўзаро фарқларга эга. Бу ҳодиса дostonчилик мактабларини келтириб чиқаради”<sup>65</sup>.

Дostonчилик мактабларининг турлича шаклланишига халқнинг этногенетик тарихи ҳам жиддий таъсир этади<sup>66</sup>. Чунки ҳар қандай этник гуруҳ ўзининг қадимий анъаналарини барқарор сақлайди. Бунини Хоразмдаги дostonчилик мактабларида яққол кўриш мумкин.

Санъатшунос олим Б.Матёқубов ўз рисоласида Бола бахши берган маълумотга асосланиб Хоразм дostonчилигини уч дўконга<sup>67</sup> бўлади.

**Юқори дўкон.** Бу дўкон ўз ичига шартли равишда Туркманистоннинг Лебоб вилояти (Чоржўй), Дарғон ота, Питнак туманларини қамраб олади. Бу дўкон бахшиларининг куй йўллари

<sup>64</sup> Чичеров В.И. Школы сказителей Заонежья. –М.: Наука, 1982. –С.132. (196 )

<sup>65</sup> Мирзаев Т. Эпос и сказител. – С.99.

<sup>66</sup> Рўзимбоев С. Хоразм дostonчилиги эпик анъаналари. – Урганч: “Университет”, 2008. – Б.18. (58)

<sup>67</sup> Дўкон-манзил, макон, ҳудуд маъносида.

мўътадил бўлиб, дуторларининг ҳажми ҳам Фарғона-Тошкент дуторларига ўхшашлиги билан ажралиб туради. Мазкур дўкондан Хўжаёз бахши, Амин бахши, Мурод бахши, Эшнӣёз бахши ва бошқалар етишиб чиққан. Унинг марказини шартли равишда Ҳазорасп деб белгилаш мумкин.

Ўрта дўкон ўз ичига Хива, Хонқа, Янгиариқ, Урганч, Қўшқўпир, Шовот туманларини бирлаштиради. Унинг марказини шартли равишда Хива шаҳри сифатида белгилаш мумкин. Ушбу дўкон бахшиларининг куйлари жўшқин ва ўйноқидир. Уларнинг дутори ҳам юқори ва қуйи дўконларникидан кичикроқдир. Уларга хос яна бир хусусият дуторга буломон ва доирада жўр бўлишади. Бу дўконнинг вакиллари Эшвой бахши, Матнӣёз гўржа (Ғарибнӣёз), Нурмамат чўлоқ ва бошқалардир. Нурмамат бахши ҳақидаги бир ривоятда шундай ҳикоя қилинади.

Муҳаммад Раҳимхон –Феруз даврида 12 кунлик сайил ташкил қилиниб, Нурмамат бахши ўша томошада “Бозиргон” достонини ижро қилади. Хос чодирда достон тинглаб ўтирган Феруз бахши ижросига берилиб кетиб беихтиёр “ҳа баракалла, ҳа баракалла” деб аста-секин чодирдан чиқиб бахшининг ёнига келиб қолганини ўзи ҳам билмай қолади. Моҳирона ижро учун хон бахшига катта инъомлар беради.

Хуллас, Ўрта дўкон Хоразмда асосий достончилик маркази бўлиб, унинг намояндалари сифатида Аваз бола, Нурилла чиғатой, Эрнафас бахши, Матёқуб қори, унинг ўғиллари Ҳасан ва Сайид бахшилар, Бекжон бахши, Абдрим бахши, Усмон бахши (Бола бахшининг бобоси), Бува бахши, Жуманазар бахши ва ниҳоят Бола бахшиларни тилга олиш мумкин.

Ошоқ (қуйи) дўкон –Гурлан, Тошовуз, Кўҳна Урганч, Хўжайли каби Амударёнинг қуйи оқимидаги худудларни ўз ичига олади. Унинг марказини шартли равишда Манғит шаҳри деб белгилаш мумкин. Бу худуд бахшилари кўпинча якка дутор жўрлигида достон куйлашади. Дўконнинг ёрқин намоёндаларидан бири Ризо бахши бўлиб, у Ферузнинг хос бахшисидир. Шунингдек, Эрназар бахши, Суяв бахши, Отажон бахши ва бошқалар ҳам ўша дўкон услубида достон куйлашган<sup>68</sup>.

<sup>68</sup> Матёқубов Б. Достон наволари. – Тошкент: “BUILDING PRINT” 2009. – Б.23-26 (342 )

Хоразм дostonчилиги анъаналарининг илдизлари жуда қадимий ва мураккабдир. Чунки бу ўлкада миграция жараёнлари фаол бўлиб, узоқ давом этган форсий ва туркий халқлар аралашуви натижасида дostonчилик анъаналари ҳам эволюцияга учраган. Бу жараён ХХ асргача давом этиб келган. Бу масала махсус тадқиқотларда таҳлил этилган<sup>69</sup>.

Хоразм дostonлари, бахшичилик мактаблари хусусида фольклоршунос С.Р.Рўзимбоев ҳам кўпгина мулоҳазаларни билдирган. Унинг қайд қилишича, воҳада иккита дostonчилик анъанаси мавжуд:

1. Жанубий Хоразм дostonчилиги анъаналари.

2. Шимолий Хоразм дostonчилиги анъанаси.

Ишда ана шу тасниф асосида фикр юритилди.

Ушбу тасниф муаллифининг айтишича, Ҳазорасп маркази бўлган “юқори дўкон” анъаналари ХХ аср бошларида Жанубий Хоразм дostonчилиги анъаналари билан сингишиб кетган.

Жанубий Хоразм дostonчилиги дostonчиликнинг илдизлари жуда қадимийлиги билан ажралиб туради. XI асрга келиб ўғуз туркларининг эрон тилли аҳоли билан чатишувининг кучайиши тилнинг туркийлашиш жараёнини тезлаштирди, ўзини сарт номи билан атовчи субстрат аҳоли туркий тилли суперстрат билан бирлашиб, янги бир этник гуруҳни шакллантирди. Бу гуруҳ вакиллари ҳозирги ўғуз лаҳжасида гапирувчи ўзбек аҳолисининг энг қадимги авлодлари бўлиб, улар Хоразмнинг жанубий томонига жойлашганлар<sup>70</sup>.

Ўша сабабга кўра, бу ҳудуддаги дostonчиликда қадимги хоразмийларга хос анъаналарнинг сақланиб қолганлиги табиийдир.

Х асрлардаёқ бу ҳудудда шаҳарларнинг сони 30 тага етган. Урганчдан кейин Ҳазорасп, Дарғон, Хива шаҳарлари вужудга келган<sup>71</sup>.

Бу шаҳарларда ўтроқ ҳаётнинг барқарорлашуви, шаҳар маданиятининг ўсиши адабиёт ва санъатга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади.

<sup>69</sup> Рўзимбоев С. Хоразм дostonлари. – Тошкент: Фан, 1985. – Б.22-23 (96)

<sup>70</sup> Рўзимбоев С. Хоразм дostonчилиги эпик анъаналари, 4-бет.

<sup>71</sup> Жуманиёзов Р. Қадимги Хоразм тарихи. –Урганч, “Мураббий”, 1993. – Б.45. (122)

Жанубий Хоразм дostonчилик анъанаси асосан ўғуз лаҳжасида гапирувчи аҳоли яшайдиган ҳудудларни қамраб олади. Бунга Амударёнинг чап қирғоғидаги Ҳазорасп, Боғот, Янгиариқ, Хонқа, Урганч, Хива, Қўшқўпир, Туркменистоннинг Тошовуз вилоятидаги жанубий туманларни киритиш мумкин.

С.Р.Рўзимбоев бу ҳудудга ўнг қирғоқда жойлашган Тўртқўл ва Эллиққалъа туманларини ҳам киритади. Бироқ, айрим тадқиқотларда таъкидланишича, бу ҳудудда, хусусан, машҳур дostonчи Қурбонбой жирова репертуарида икки тилда куйланган дostonлар ва фақат ўзбекча ёки қорақалпоқча куйланган дostonлар ўзларида қорақалпоқ дostonчилиги анъаналари руҳини бўрттиргани ҳолда Нурота, Қўрғон, Жанубий Хоразм дostonчилик мактабларига хос анъаналарни ҳам синкретик тарзда мужассам этган фольклор асарлари ҳисобланади<sup>72</sup>.

Шу сабабли Тўртқўл, Эллиққалъа туманлари ҳудудида асосан ўғуз тилли аҳоли яшаса-да, улардаги дostonчилик анъаналарини махсус тадқиқ қилишга тўғри келади.

Жанубий Хоразм дostonчилигига хос асосий хусусиятлар куйидагича:

а) бахши дотор ва гармон (соз) жўрлигида куйлайди, кейинги пайтларда тор асбоби расм бўлди. Бахшига буломончи, ғижжакчи ва доирачи жўр бўлишади. Насрий матнни бахши ҳикоя қилиб, шеърий парчалар ижросида бахшига доирачи ҳам қўшилади. Албатта, қадимда асосий чолғу асбоби дотор бўлган. Соз (гармон) эса XX асрнинг охириги чорагида руслар Хива хонлигини босиб олгандан кейин воҳага кўчиб келган немис меннонитлари томонидан олиб келинган. Уни дастлаб Қурбон созчи – Қурбон Исмоилов, Сафо созчи – Сафо Муғаннийлар қўллашган.

Кейин бахшилардан Қодир созчи, Жумёз созчилар гармон, буламон, ғижжак жўрлигида дoston ижро қилишган.

Бола бахши 1928 йилдан торда куйлай бошлаган, б) Жанубий Хоразм дoston куйлари шўх ва ўйноқи. Унда мақом уфорилари ҳам ишлатилади.

<sup>72</sup> Мадраҳимова Н.Я. “Ширин билан шакар” дostonининг қиёсий-типологик таҳлили. Филол. фан. номз. дисс. автореф. –Тошкент: 1996. –Б.18. (27)

М.Л.Садоков: “Хоразм кўшиқлари латиф, ўзига хос назокатга эга, ритмикаси эса рақсга мойил”<sup>73</sup>, деб ёзганида Жанубий Хоразмга хос куйларни назарда тутган. Куйларнинг шўх, ритмикага бойлиги бахши ансамблида доира асбоби бўлишини тақозо қилади. Хоразмда оғзаки тарқалган халқ кўшиқлари ҳам дoston куйларига мос келади,в) Бу ҳудудда тарқалган дostonлар асосан китобий характерга эга. Шу сабабли уларда ҳажмий мўъжазлик кўзга ташланади. Ижро вақти 2-2,5 соатни ташкил этади.

Вамбери асарида қайд қилинган “Бахши китоби” асосан Жанубий Хоразм бахшиларининг қўлида қўлланма бўлиб хизмат қилган. Ёш бахшилар дostonларни қисса-дostonлар орқали ўзлаштирганлар. Албатта, оғзаки репертуар алмашиш анъанаси ҳам давом этган. Дoston ижросида куй-қўшиққа катта эътибор қаратилган. Дoston матнидаги ҳар бир кўшиқ махсус куйлар орқали ижро этилган.

Жанубий дostonчиликда ишлатиладиган мусиқа куйлари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Улар Ширвоний усули деб юритилади. Хоразм дoston номалари (куйлари) ўзининг тугал шакли, очиқ овозда куйланиши, халқ кўшиқларига яқинлиги, дoston воқеаларига боғлиқлиги, ўзига хос ёрқин услуби билан ажралиб туради. Улар мақом ва ўзга мумтоз куй йўллари каби ўзига хос номланишга ва туркумланишга эга<sup>74</sup>.

Профессор С.Р.Рўзимбоевнинг Бола бахши берган маълумотларга асосланиб қайд қилишича, қадимда Ширвоний услубида 72 куй (нома) ишлатилган. Ҳозирги даврда ўттиздан ошиқ нома қўлланилади. Дoston номаларининг номланиши турли сабаблар негизида рўёбга чиққан бўлиб, бизга куйидаги куйлар етиб келган: 1. Бобохоним. 2. Галалайлим. 3. Гуландом. 4. Зоринжи. 5. Мунгли зоринжи. 6. Илғор I. 7. Илғор II. 8. Қирқ минг илғор. 9. Илғор сарпардаси. 10. Мухаммаси ифтор. 11. Мухаммаси дoston. 12. Мухаммаси бахши I. 13. Мухаммаси бахши II. 14. Нолиш III. 15. Така нолиш. 16. Нома боши. 17. Найларман I. 18. Найларман II. 19. Оромижон. 20. Раҳмайла. 21. Саргардон. 22. Шо кўчди. 23. Ширвоний

<sup>73</sup> Садоков И.Л. Тысяча осколков золотого саза. –М.: Наука, 1981. –С. 164. (210)

<sup>74</sup> Матёқубов Б. Дoston наволари. – Б.41.

I. 24. Ширвоний II. 25. Ширвоний III. 26. Ширвоний IV. 27. Эшвой. 28. Эшвойи курд. 29. Эшвойи Урганжий. 30. Қора дали. 31. Эроний.

Достонни бошлашда нома боши (Муҳаммаси ифтор) чалинади. Кейин дидактик характердаги Машраб, Махтумқули шеърларидан кўшиқ айтилади.

Достон ниҳоясида “Оромижон” ва “Бартавул уфориси” ижро этилади. Бу чолғу куйларида сурнай ҳам иштирок этади.

Охирида қайроқ ўйини авжга чиқади. Ниҳоят “Танги сози” куйи чалинади. Шу билан бахшилар чиқиши яқунланади<sup>75</sup>. Қадимги тўйларда бахшилар хизмат қилишган. Улар билан бирга масхарабозлар, дорбозчилар ҳам иштирок этишган. Бахшилар танаффуси вақтида масхарабозлар, дорбозлар томоша кўрсатишган. Сўнгра достон куйлаш давом этган.

Ўтган асрнинг 50-йилларигача турли бахши жамоалари воҳанинг шарқидаги Дарғонотадан тортиб токи ғарбидаги Кўҳна Урганчгача бўлган ҳудуддаги тўйларда хизмат қилиб достон куйлаганлар, томоша кўрсатганлар. Ўша жараёнда ўзбек, туркман, қозоқ, қорақалпоқ бахши-жировлари ўзаро репертуар алмашган. Икки-уч тилда достон ижро этадиган бахшилар анчани ташкил қилган. Ўз навбатида айтишув мусобақаси уюштирилган. Ғолиб бахшиларга от, туя, хўкиз, пўстин каби совринлар тақдим қилишган.

Юқорида қайд қилинганидек, юқори, ўрта ва ошоқ (қуйи) дўкон бахшиларига хос турли мактаблар ўша даврда фаол ишлаб турган. Барча бахши жамоаларида масхарабозлар гуруҳи бўлган. Ўша гуруҳда иштирок қилган манғитлик Юсуф масхарабознинг ўғли Шукрулла Юсуповнинг ёзиб қолдирган хотирасига кўра, унинг отаси Юсуф масхарабоз Манғитлик Аҳмад бахши Матназаровнинг гуруҳида иштирокчи бўлган.

Масхарабозларнинг репертуарида машҳур бахшиларнинг достон айтишини муқаллид усулида намойиш қилиш одати бор эди.

Қиш кунларининг бирида Кўҳна Урганчда катта тўй бўлиб, унга туркман ва ўзбек бахшилари таклиф этилади. Манғитлик Аҳмад бахши гуруҳи ҳам шодиёнага етиб келади. Тўй бошлангач,

<sup>75</sup> Рўзимбоев С. Хоразм достонларининг спецификаси, типологияси ва поэтикаси докторлик дисс.) – Тошкент, 1990. – Б.45.

туркман бахшиси Назар боға (изоҳ) (1880–1943) дoston бошлаб ярмига келганда тўхтаб масхарабозларга навбат беради. У даврдан чиқиб, хос чодирига кириб дам олаётганда Юсуф масхарабознинг хузурига кириб, пўстини, телпаги ва дуторини беришни илтимос қилади. Назар боға рози бўлади. Масхарабоз Назар боға қиёфасига кириб, даврдан жой олиб дostonни давом эттиради. Бахшининг хатти-ҳаракатлари, овози, дутор чертиши, туркманча нутқини шундай жойига қўядики, халойиқнинг Юсуф масхарабоз эмас, Назар боға қиёфасида тасаввур қилади. Бир вақт Назар боғанинг ўзи даврага келиб, Юсуф масхарабозга:

– Хут ўзимсан, хут ўзимсан (Худди ўзимсан) деб қойил қолади ва тақлидчисига пўстини ва телпагини совға қилиб топширади<sup>76</sup>.

Юсуф масхарабоз ўзбек, туркман, қозоқ ва қорақалпоқ тилларида эркин сўзлай олган. Аммо тоталитар тузум даврида сен бошқа миллат тилларини масхаралайсан, деган айб билан уни қамоққа олишади ва таланти ижодкор у ёқдан қайтиб келмайди. Хоразм бахшилари дoston айтиш жараёнида халойиқни зериктирмаслик учун ҳамиша масхарабозлар жамоасини бирга олиб юришган ва нафас ростлаб олиш пайтларида уларга навбат беришган.

Баъзи тўйларда ўзбек ва туркман бахшиларининг айтишув мусобақалари ташкил этилган. Бундай мусобақа-айтишувлар бахшилар пири бўлмиш Ошиқ Ойдин пир қабри жойлашган Вос-Бўстон шаҳрида (Туркменистоннинг Тошовуз вилояти) Мунтазам равишда ўтказилган. Бу анъана 1994 йилда тўхтаб қолган.

Бу анжуманнинг шиори сифатида “Тўрўғли” туркуми дostonларининг “Хирмондали” шохобчасидан олинган қуйидаги мисралар шиор қилиб олинган эди:

*Бундан борсанг шаҳри Бўстон бориб ўт,  
Ошиқ Ойдин пирдан дуо олиб ўт.*

1994 йилги бахшилар мусобақасида Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон, Қорақалпоғис-

<sup>76</sup> Рўзимбоев С. Юсуф масхарабоз. – Урганч: “Хоразм”, 1995. – Б.8. (22 )



тондан келган бахши-жиров-оқинлар туркман бахшиларига меҳмон бўлиб ўз санъатларини намойиш қилишган. Байрам-мусобақа икки кун давом этиб мингдан ошиқ бахши иштирок этган<sup>77</sup>.

Ушбу анъаналар халқларимизнинг бахшичилик санъатига нақадар ҳавасманд эканлигидан дарак беради. Ўша анжуманда томошобинлар сони 150 мингдан ошиқ бўлган. Бахшиларга ноёб совғалар берилган, олқишлар айтилган. Ушбу тантаналарда Бола бахши ўз ўғиллари Норбек, Матёқуб ва Етмишбойлар билан биргаликда қатнашиб, охириги марта севган дostonларини куйлаган ва сал ўтмай вафот этган.

Турли миллат бахшиларининг ўзаро учрашуви, мусобақалашуви, яқиндан танишуви эпик анъаналарнинг ривожланишига таъсир кўрсатиши табиийдир.

Хоразм воҳасидаги ўзбек, туркман, қорақалпоқ бахшилари азалдан устоз-шогирдлик анъанасига эга. Шу сабабдан ҳам Суяв бахши уч тилда, Бола бахши ва Қурбонбой жировлар икки тилда дoston куйлаш имкониятини қўлга киритишган. Ушбу ҳолат халқлар дўстлиги, маънавий бирдамлик туйғуларини уйғотишда муҳим роль ўйнаган.

Жанубий Хоразм дostonчилигида бахши дотор, гармон, тор воситасида куйлайди. Уларнинг ёнида ҳамиша буламон ва ғиж-жак жўрлиги сақланади.

Дотор жўрлигида дoston куйлаган бахшилардан бири Тўрткўл тумани “Қирққиз” қишлоғида яшаган Абдулла бахши Бобо-жоновдир. У шимолий Хоразм худудида яшаса-да, ўғуз лаҳжаси вакили сифатида Жанубий Хоразм бахшичилик анъанаси доирасида куйлаган. Ундан С.Р.Рўзимбоев 1964 йилда “Хирмондали” дostonини ёзиб олган. Дostonда бахшининг бадихағўйлик иқтидори ўзини намоеън қила олган. “Хирмондали”нинг қўлёзма нусхаси билан Абдулла бахшидан ёзиб олинган оғзаки вариантни қиёслаганда бунга тўла қаноат ҳосил қилиш мумкин.

Бахши бадий нутқда шеърий парчаларни анча қисқартирган. Бироқ уларни қайта ишлаб, мусиқий, ўйноқи мисралар кашф қилган:

<sup>77</sup> Ашык-Айдын-94. – Дашховуз, “Хыял”, 1994. (29-30 август) – Б.7-8. (30 )

**Қўлёзма нусхада:**

*Сув бўйида турган гўзал,  
Нозлим, бир сув бер, ичали.  
Тархиноли қўлларингдан,  
Нозлим бир сув бер, ичали. (“Ошиқнома”. IV китоб, 152-б.)*

**Абдулла бахши вариантида:**

*Сув бўйида дурған гўзал,  
Нозли ёр, сув бер, ичгали.  
Айтишмоққа галдим ғазал,  
Гўзал ёр, сув бер, ичгали. (“Тўрўғли”, 280-б.)*

Бахши оғзаки вариантда шеърни анча сайқаллаган. “Ичали” сўзини “ичгали” тарзда ўзгартирилиши, 1-3 мисраларда қофиянинг сақланиши, “нозлим”, сўзини ҳар бир мисрада янги шаклда берилишини шеърини мисраларни анча жилоланишга олиб келган.

Қўйидаги бандда ҳам ушбу ҳолатни кўриш мумкин:

**Қўлёзма нусхада:**

*Биза Хирмондали дерлар,  
Гўштингни хомлай еярлар,  
Икки кўзингни ўярлар,  
Туш ўзинг, сувдан ичагўр. (“Ошиқнома”. IV китоб, 153-б.)*

**Оғзаки вариантда:**

*Далихирмон дерлар биза,  
Оширолмайсан Чамлибела,  
Қувдирарман чўлдан-чўла,  
Туш, ўзинг сувдан ичагўр. (“Тўрўғли”, 281-б.)*

Бандлар қиёси шуни ойдинлаштирадигани, бахши мазмунни сақлаган ҳолда мисраларни деярлик тўла ўзгартириб, қўшиқнинг пардозланган, эвфемизмга асосланган янги шаклини ярата олган. Чунки қўлёзма нусхадаги мисраларда дағаллик анча бўртиб кўрилади. Бахши эса уни аёллар нутқига мослаб анча юмшата олган.

Шеърий парчаларнинг деярлик барчасида бахшининг бадиҳагўйлик санъати, сўз танлашдаги маҳорати, оҳангдорликни рўёбга чиқариши ўзини намоён қилиб туради:

**Қўлёзма нусхада:**

*Илғора кетганлар ёлғон сўзламас,  
Отинг носоқ, йигит ёроли келдинг.  
Дўст бўлғон дўстидин сирун аямас,  
Отинг носоқ, дўстим, ёроли келдинг.* (“Ошиқнома”. IVкитоб, 155-б.)

**Оғзаки вариантда:**

*Шикора гетганлар ёлғон сўзламас,  
Ёлғон сўзлаб галса марда ярашмас,  
Қуш қанот қоқмаса доғлардан ошмас,  
Оти носоқ ўзинг, ёроли галдинг.*

Мисралар ўзаро бир-бирига қиёсланса, оғзаки вариантдаги банд бадий жиҳатдан анча мукамаллашган. Мисраларда афористик руҳ рўёбга чиққан.

Ушбу шеърий парчанинг финал банди ҳам оғзаки вариантда ижодий қайта ишланган:

**Қўлёзма нусхада:**

*Паризод дер, айтган сўзинг этмайин,  
Яхшизодаларнинг қадрин билмайин,  
Паризодни сен кўзинга илмайин,  
Отинг носоқ йигит, ёроли келдинг.* (“Ошиқнома”. IVкитоб, 155-б.)

**Оғзаки вариантда:**

*Оға Юнус пари пандин олмайин,  
Яхши насиҳатга қулоқ солмайин,  
Ошиқ Ойдин пирдан жавоб олмайин,  
Оти носоқ ўзинг, ёроли галдинг.* (“Гўрўғли”, 287-б.)

Ушбу бандларда Оға Юнус парининг Гўрўғлига таъналари баён этилган. Чунки Гўрўғли Рум шахрига кетиш олдидан паризод унга “Ошиқ Ойдин пирдан жавоб олиб кет”, дея маслаҳат берган эди. Гўрўғли эса бу насиҳатга амал қилмай ўзбошимчалик билан Румга боргани учун муваффақиятсизликка учрайди. Оға Юнус пари ушбу масалани ўз сўзларида алоҳида таъкидламоқчи. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда оғзаки вариантдаги тўртлик тўлақонли мазмунга эга бўлган.

Қўлёзма нусхадаги парчада ноаниқлик, мавҳумлик кўзга ташланади. Бу ерда бахшининг мантиқий фикрлаши устуворлик қилади.

Достонда Ошиқ Ойдин пир образига алоҳида аҳамият берилган. У воқеаларнинг ривожланишида асосий фигура ҳисобланади. Гўрўғли енга олмаган Хирмондалини енгиб, уни шогирдига никоҳлаб беради. Бахши бу борада яхши деталлар топа олган. Айниқса, Ошиқ Ойдин билан Хирмондали айтишуви мукамал ишланган.

Абдулла бахши фақат шеърий парчалардагина эмас, балки достоннинг насрий қисмида ҳам ўз маҳоратини намойиш қила олган.

Матнларни қиёслаганда оғзаки вариантдаги насрий қисм қўлёзма нусхадагига қараганда икки баравар кўп бўлиб, тўлалиги-ча ижодий қайта ишланган.

Достоннинг муқаддима қисмида Хирмондалининг ўзига бас келадиган бир муносиб йигит топиш учун мунажжимларга китоб қаратган эпизоди бор. Шунда мунажжимлар қуррасига йигит эмас, балки бир кампир кўринади. Ўша лавҳада кампир таърифи берилади: “У кампирни баён этсак, тўпписи тўзган, қўҳна касали кўзган, гапга ҳаммадан ўзган, шундай бир кампир”.

Қўлёзма нусхада ушбу лавҳа оддий сўзлар билан ифодаланган. Бахши вариантидаги бадий нутқ аудиторияни дарҳол ўзига жалб қила олиш хусусиятига эга. Матнда кампир таърифи берилгач, унинг қароргоҳини бахши шундай тасвирлайди: “Далихирмон кампирнинг маконина қараб йўл олди. Бориб қараса, кампирнинг чотмасиннан оқ ит кириб қора ит чиқиб турибди”. (“Гўрўғли”, 274-б.)

Бахши нутқи халқона сўзлашув нутқидан ўзлаштирилган турли иборалар, ноёб ўхшатишларни ўз таркибига қамраб олган. Унинг бадиий нутқида юмористик тасвирлар ҳам учраб туради. Ўша кампир Хирмондали илтимоси билан Гўрўғлининг хузурига етиб келади. Шу аснода Гўрўғли билан Сафар Маҳрам тоғ ёнбағрида бирга эдилар. Узоқдан аёл қиёфасини кўрган Сафармаҳрам Гўрўғлига қараб: – Оға, қирқ куннан бери уйим синиб, кучукдай меҳмонхона сақлаб ётмадим, қара, биза бир паризод келди керак, – деди. Гўрўғли эса унга “паризод эмас, онанг келганга ўхшайди”, деб жавоб қайтаради. (“Гўрўғли”, 275-б.) Ушбу тасвир тингловчиларда кулгу уйғотиш билан бирга уларни воқеалар гирдобига олиб киради.

Шу нарсани қайд қилиш лозимки, “Хирмондали” достонининг Қаландар бахши Норматов ижро қилган вариантыда ушбу деталлар учрамайди.

Ҳар бир бахшининг достон муқаддимаси масаласида ўз услуби, ўз мақсади намоён бўлади. Бола бахши ижросидаги “Хирмондали” вариантыда воқеа бутунлай бошқача тарзда берилади. У муқаддимани мифология билан боғлиқ партогенез ҳодисасидан бошлайди. Бахшининг ҳикоя қилишича, Арслонбой (Хирмондалининг отаси) бефарзанд киши бўлган. У авлиёда тунаб, ўзига фарзанд тилайди. Тушида унга бир хурмо меваси беришади ва уни заифанг билан бирга егил, деб буюришади. Арслонбой бу ишни амалга оширгач, қиз фарзанд кўради ва отини Хурмо-паризод деб қўяди.

Бундай олиб қараганда, мазкур вариантда ҳам тингловчиларнинг диққатини воқеага жалб қилишда ўзига хос қизиқарли тугундан бошланади. Аммо Бола бахши вариантыда ҳам Абдулла бахши вариантыдаги юмористик лавҳалар четлаб ўтилган.

Абдулла бахши вариантыда эътиборга лойиқ бошқа кўплаб иборалар учрайди. У кўпроқ кампирни ҳажвга олади: “Хў Хирмондали қизим, ғам ема, олти нонни кам ема, ино Гўрўғли галди, айтишсангенгилади, гўраш тутсанг йиқилади. Хоҳласанг сўй, хоҳласанг қўй, деди кампир пишган калладай тиржайиб”. (“Гўрўғли”, 279-б.)

Ҳақиқатдан ҳам, достондаги кампир айёр, очкўз, ўта хунук қиёфали бўлиб, фольклор асарларидаги ялмоғиз кампирларнинг муайян даражада қайта ишланган тоифасидандир.

Бахши нутқида халқона ташбеҳлар матнга жон киритади: “Гўрўғлининг қаҳри келиб белнинг пуштасидай юмуқчи билан Қаландар сўфининг бошина бир солди, сўфининг боши сопоқи тушган қовундай бўлиб узилиб тушиб, меҳробнинг тейина юмаланиб гириб гетди”. (“Гўрўғли”, 294-б.) “Карам ўғлонни ура-ура, чишмаган жойини танқадай этиб, ҳайдаб юборди”. (“Гўрўғли”, 302-б.) Ушбу ташбеҳларўғуз шеvasи сўзлашув тилидан олинган бўлиб, тингловчида кулги уйғотади. Абдулла бахши бадий нутқни ўғуз шеvasида баён қилади. Унинг нутқида навбати билан мифологик лавҳаларга мурожаат қилиш ҳоллари ҳам тез-тез учраб туради. Айниқса, Гўрўғли образини тасвирлаганда ушбу тамойил яққол намоён бўлади: “Уста Бодом бу сўзни эшитганнан кейин, ҳў Гўрўғли Султон санмисан, данимоғанни сийламас бизни маъзур тут даб, югуриб галиб саломлашди. Дарров қўчқорни сўйиб, мачитнинг етти қулоқли қозонини апкалиб шўрва осиб юборди. Шўрва бир бош қайноғаннан кейин уста Бодом тавоқға калладай гўшт олиб ўтираётгир эди. Гўрўғли галиб, олинг уста даб танглайна отди, шу отишда калладин гўшт дўғри домоқина ўтиб гетди. Уста у ён бу ёнина қараб яна зомчадай галадиган бир бўлак гўшт олвади яна Гўрўғли бир олишда ютиб юборди. Кўкнори устанинг яна қаҳри галиб муюша диқилиб ётаберди. Унда Гўрўғли айтдики, ҳў уста Бодом энди биздан навбат ўтди, қолган гўшт саники, дади. Шунда уста Бодом қозоннан гўшт олиб емак билан бўлди. Гўрўғлипайтини топиб шўрвага дори солди, шўрвадан ичиб олғон уста Бодом ҳушини йўқотиб йиқилди”. (“Гўрўғли”, 308-б.) Тасвирда Гўрўғлининг ҳаракатлари баҳайбат девнинг қиёфасини эслатади. Тингловчи бундай лавҳаларни ҳақиқатдай идрок қилади. Гўрўғлининг ҳаракатлари уларда ҳам завқ ҳам кулгу уйғотади. Бахшининг дoston куйлашдан мақсади ҳам тингловчини воқеаларга ишонтириш ва уларда завқ-шавқ уйғотишдир. Бундай қобилият Абдулла бахши маънавиятида тўла мужассамлашгандир.

Жанубий Хоразм бахшиларининг айримлари гармон жўрлигида куйлашади. Гармон Хоразмга XIX аср охирларида немис меннонитлари таъсирида кириб келган. Дастлаб уни Сафо созчи

(Сафо Муғанний), Қурбон созчи (Қурбон Исмоилов), Хоним халфа каби санъаткорлар ишлата бошлашган.

Кейинчалик бахшилар ҳам гармон жўрлигида дoston куйлашган. Шулардан бири Қодир созчи Каримовдир.

Қодир созчи ижросида “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” дostonи ўтган асрнинг 70-йилларида магнитофонга ёзиб олинган. Ўша ёзув асосида қўшиқ куйлари Ботир Матёкубов томонидан нотага кўчирилган. (“Ошиқнома”. II китоб.)

Дoston ижроси жараёнида гармонга буламон, доира жўр бўлган. Муסיқалар жуда жозибали тарзда ижро этилган. Бахши қўшиқларни самимий ва кўтаринки руҳда куйлаган. Айрим қўшиқ матнларига нақорат қўшган. Натижада қўшиқ таъсирчанлиги янада ошган.

*Этти йилга кетган ёрим,  
Хуш келдингиз сабо билан.  
Кўзим йўлда, куним кечди,  
Ишим жабру жафо билан.  
**Ўзинга жоним, кўзинга  
Жоним ман санго қурбон.***

*Ойға туташди доғлар,  
Булбулнинг ўрниға зоғлар,  
Ёридин айрилған йиғлар,  
Етишақўр ибо билан.  
**Ўзинга жоним, сўзинга  
Жоним ман санго қурбон.***

*Қурбон бўлай ёр бўйиға,  
Қўлимни солай бўйниға,  
Ғариб Санамнинг қўйниға,  
Кирса керак ибо билан.*

Бахши репертуарида “Бозиргон”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Хирмондали”, “Кийик” ва “Жухуд ўғлон” каби дostonлар бўлган.

Унинг дикция қилиш, воқеаларни образга кириб, артистона тусунтириш қобилияти алоҳида кўзга ташланади.

Жанубий Хоразм дostonчилиги вакиллари орасида шоирликда ҳам, бахшичиликда ҳам обрў орттирган ижодкорлар учрайди. Шулардан бири Маҳмуд шоир Юсуповдир. Мазкур шахс ҳақида истеъдодли қаламкаш Исмоил Оллаберганов шундай ёзади: “Маҳмуд бахши – ўз даврининг фарзанди. У олий даргоҳларда ўқиб, мукаммал билим олмаган. Хат-саводи у даражада бўлма-са-да унда Худо берган истеъдод, беғубор қалб бор эди. Умр бўйи ерга меҳр қўйди, деҳқончилик қилди. Ҳалол меҳнат билан рўзғор тебратди. Бироқ ижоддан қўл узмади. Шеърлар ёзиш билан бирга дoston қўшиқларини маромига етказиб куйлар эди. Ўзига хос услуби, ширали овози ва салобати бор эди. Туркман пўстини ва чўғирма уни янада басавлат ва фариштали кўрсатарди. Ҳазил-мутойибанинг пири, ҳозиржавоб ижодкор эди. У ҳажвий шеърларни қоғоз-қаламсиз тўқиб ташлар эди”<sup>78</sup>.

Дарҳақиқат, Маҳмуд шоирда дoston куйлаш ва шеър ижод қилиш истеъдоди камол топган эди. Унинг ижодига назар ташласак, кўз олдимизга Эргаш Жуманбулбул келади. Негаки, Эргаш шоир ҳам дostonчилик ва шеър тўқишда беназир инсон эди. Маҳмуд шоирнинг табиатан шоир эканлигини унинг арузда битган шеърлари яққол кўрсатади. Чунки ушбу вазнда равон шеърлар битиш учун чинакамига Худо берган талант бўлиши керак. Акс ҳолда арузни ҳамма ҳамма ижодкор ҳам эплайвермайди. Бу борада унинг Бухорога бағишланган шеърини мисол сифатида келтириш мумкин:

*Завқланиб ёздим ғазал дўстимга деб тонг чоғида,  
Сайр этиб юрдим Бухоро шахрининг гулбоғида.  
Бармоғимнинг изи қолди ғунчалар япроғида,  
Дуру гавҳар бор экан ҳар бир ҳовуч тупроғида,  
Мен борай, ё сиз келинг дўсти қадрдон бўлсангиз.  
Хивамизнинг боғида салқин шамол, тоза ҳаво,  
Ўлтириб шохсупада чой ичсангиз, дардга даво,  
Маст бўлиб гул атридан булбул қилар минг хил наво,*

<sup>78</sup> Маҳмуд бахши. – Урганч: “Хоразм”, 2008. – Б.44 (46) (Нашрга тайёрловчи: И.Оллоберганов)



*Тозабоғда бирга юрмоқ сиз билан бўлгай раво.  
Хоразмга бир келинг, чиндан қадрдон бўлсангиз<sup>79</sup>.*

Рамали мусаммани маҳзуф баҳрида битилган ушбу мухаммас аруз вазнининг барча қонун-қоидаларига мос ҳолда равон ва ўйноқи ёзилган.

Маҳмуд шоирнинг таъсирчан мисраларда битилган ғазаллари ҳам бор. “Ёр ўйнасанг” ғазалининг матлаъ ва мақтаъсини келтирамиз:

*Сайри боққа мен билан юр эркалаб, ёр ўйнасанг,  
Бахтимиздек шўх очилган янги гулзор, ўйнасанг.  
Гулга монанд қоматингга интизордир Маҳмудий,  
Эй нигоро, икки зулфинг айла зуннор ўйнасанг<sup>80</sup>.*

Рамали мусаммани маҳзуф баҳрида битилган ушбу ғазал оҳангдорлиги мусиқийлиги билан алоҳида эътиборни тортади.

Шоирнинг “Ғиждувон” шеъри ҳам дўстлик, биродарлик ғояларини тараннум этиши билан аҳамиятга молик:

*Садриддин Айнийнинг ўсган қишлоғи,  
Шу даргоҳда тошган илҳом булоғи,  
Устозни эсладим қумуш тонг чоғи,  
Боғинг мева-мастон экан Ғиждувон.*

*Мадҳингни куйладим қўлимда қалам,  
Нурларга тўлибдур бу қўҳна олам,  
Ғиждувон халқига Маҳмуддан салом,  
Улуғ номинг дoston экан, Ғиждувон<sup>81</sup>.*

Маҳмуд бахши ўта ҳазилкаш, аскиячкикиши бўлган. Шу тийнати уни турли ҳажвий шеърлар ёзишга ундаган бўлса керакки, шоир

<sup>79</sup> Маҳмуд бахши. – Б.13.

<sup>80</sup> Маҳмуд бахши. – Б.16.

<sup>81</sup> Маҳмуд бахши. – Б.12.

теварак-атрофидаги турли воқеалардан таъсирланиб юмористик мисралар битган. Шундай шеърлардан бири “Хумбуз” деб аталади. Сифатсиз равишда қурилган хумбузнинг қулаб тушиши ва ортиқча харажатга сабабчи бўлганлиги шоирни қалам олишга чорлаган:

*Ён бўйида хумбуз қурди Қурёзчол,  
Хумбуз ости ер тебранди олти балл.  
Гишт ораси бўлаверди посирди,  
Учқун чиқди, шляпасин босирди.  
Кучли учқун шляпага тиқилди,  
Хумбузининг қибла ёни йиқилди!<sup>82</sup>*

Оддий халқона услубда ёзилган бу шеър унчалик мукаммал бўлмаса-да, халқ орасига кенг ёйилиб кетган. Уни ҳозиргача оддий кишилар ёддан айтиб юришади. Ушбу мисралар ҳам мухлислар тилидан ёзиб олинган.

Маҳмуд бахши машҳур дostonчи сифатида ҳам танилган. Унинг репертуарида, “Ошиқ Маҳмуд”, “Бозиргон” каби дostonлар бўлган.

Фольклоршунос олим Жуманиёз Қобулниёзов ундан “Ошиқ Маҳмуд” дostonини ёзиб олиб, 1970 йилда чоп эттирган<sup>83</sup>.

Маҳмуд бахши дуторни ҳам, торни ҳам иштиёқ билан чалган. Илгари дostonларни дутор жўрлигида куйлаган, кейинчалик тор воситасидаги ижрога кўчган.

“Ошиқ Маҳмуд” дostonи қисқа, ўз навбатида нафис ва нозик мисралардан ташкил топган бадий юксак шеърларни ўз таркибига қамраб олган, мифологик лавҳаларга бой, қизиқарли сюжетга эга бўлган дostonлардан биридир. Қўшиқ матнларини куйлаш учун энг яхши куйлар танлаб олинган.

Дostonда бадий жиҳатдан мукаммал, оҳангдор, мусиқий шеърлар анчани ташкил этади.

Шу нарса эътиборга лойиқки, ушбу дoston партогенез ҳодисаси билан боғланиб кетади. Бу ҳодисани биз “Хирмондали” досто-

<sup>82</sup> Маҳмуд бахши. – Б.24.

<sup>83</sup> Ошиқ Маҳмуд Авазхон. – Тошкент: “Фан”, 1970. (Нашрга тайёрловчи Ж.Қобулниёзов)

нида хурмо меваси билан боғлаган эдик. Мазкур дostonда бефарзанд отага тушида қизил олма беришади. У шундан сўнг заифаси билан ҳамсухбат бўлиб, ўғил фарзанд кўради. Ушбу муқаддима энг қадимги мифологик дунёқараш билан алоқадор бўлиб, асар бошидаёқ тингловчиларни воқеалар оғушига олиб киради. Дostonнинг насрий қисми ҳажм жиҳатидан анча кўламдор. Унинг таркибида оғзаки ижрога хос халқона иборалар, афористик жанрлар кўплаб учрайди. Айниқса, юмористик лавҳалар асарга жило бағишлайди. Жумладан, Маҳмуджон тушида кўриб ошиқ бўлган қизни излаб унинг элига келганда шу юртнинг подшоси ҳузурда бўлишади. Подшо йигитларнинг кўлида дуторни кўриб, улардан Шайх Отойи шеърларидан нома айтиб беришни сўрайди. Шунда Маҳмуджоннинг соддалиги тутиб, биз Шайх Отойини билмаймиз, деб кўяди. Подшо уларнинг тилига яхши тушунмай турганда Аҳмад баққол деган киши Маҳмуджоннинг ёнига келиб қулоғига шивирлайди: – Сен ахир подшонинг сўзини икки қилма, хўп деб ўзинг билган бир шеърни айтиб, изига Шайх Отойининг номини кўшиб юборавермайсанми, подшо Шайх Отойи шеърларига муҳр босиб кўйгани йўққу, дейди. Шунда Маҳмуджон Шайх Отойининг битта шеъри эсимда бор экан, деб кўшиқни бошлайди. Ушбу лавҳа дostonдаги бадий нутқда жуда таъсирчан чиққан. Хуллас, улар подшо олдида обрў қозониб, севган қизига учрашадилар.

Дoston шеърлари ҳам бадий жиҳатдан яхши ишланган:

*Юзларининг холлари бор,  
Лабларининг боллари бор,  
Нозли ёрнинг оллари бор,  
Менинг жоним олasi бор. ("Ошиқнома". II китоб, 117-б.)*

Дoston матнини ҳикоя қилишда Маҳмуд бахшининг барча талант ва иқтидори намоён бўлган.

Жанубий Хоразм дostonчилигида шоир ва бахши сифатида танилган яна бир ижодкор Норбек Абдуллаевдир.

Хоразм дostonчилиги анъаналарининг кейинги бир асрини Бола бахши фаолиятсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўн тўрт ёши-

да дoston куйлаб бола бахши лақабини олган Қурбонназар Абдуллаев 94 йиллик умрининг 80 йилини дoston куйлаш ва истеъдодли шогирдлар тайёрлашга сарф қилди.

Энг асосийси, уч ўғлини ўз ишининг давомчилари қилиб тарбиялади ва оилавий бахшилар сулоласини яратиб кетди.

Ўша сулоланинг йирик вакилларида бири Норбек бахши отаси изидан бориб, ёшлигидан дostonчиликка ҳавас қўяди. Хоразм дostonларининг мусиқаларини, ижро услубларини кунт билан ўзлаштирди. “Бозиргон”, “Ошиқ Ғариб”, “Авазхон” каби дostonларни маҳорат билан ижро этиб келмоқда. Норбек Хивада “Дoston” ансамблини тузиб, бахшичилик ва халфачилик анъаналарини тарғиб қилишда катта ишларни амалга оширди.

Шу жараёнда Хоразм дostonчилиги довруғини жаҳон бўйлаб таратди.

Истеъдодли бахши, талантли хонанда, моҳир мусиқашунос сифатида танилган санъат соҳиби бўлиши билан бирга ажойиб бадиҳагўй шоир ҳамдир. Унинг жарангдор мисраларида Она Ватан олқиши энг биринчи ўринда туради:

*Сўнмас оҳангларни таратган элим,  
Ўлмас сиймоларни яратган элим,  
Илм-фанда, ижод, камолатда ҳам,  
Дунёни ҳайрат-ла қаратган элим.*

Бадиҳагўй шоир шеърларида ҳамиша санъатга, бахши маҳорати, дoston ижросига урғу беради:

*Дўмбира овози, ғижжак ноласи,  
Даврлар ҳақида айтур ривоят.  
Суронли ғазотнинг ур-ҳо-ур саси,  
Куйда қоришибди равшан, бағоят.*

Шоир дoston ҳақида, мусиқий мерос ҳақида жўшиб куйлайди, уларни кўз қорачиғидай эъзозлашини алоҳида таъкидлайди:

*Эй бузрук меросим, табаррук неъмат,  
Боболар яратган туганмас коним.  
Аждодлар тухфаси-бу боқий ҳиммат,  
Қаршингда таъзимда ҳар ўтган оним.*

Норбекнинг иқтидори юксак, бадихағўйлик фаоллияти, тафаккур доираси кенг. Унинг танлаган мисралари мантиқан изчил, фикран теран, маъновий ўткирдир. Шеърят техникасини, бадийлик мезонини, сўз танлаш маҳоратини яхши эгаллаган. Буни юқорида келтирган парчаларимиз тўла исботлайди.

“Жалолиддин нидоси” шеъри ўзининг таъсирчанлиги ва жангаворлиги билан алоҳида кўзга ташланади. Унда қўйма иборалар, ўт чақнаган мисралар қўплаб учрайди:

*Она ер тупроғи қайғуга ботди,  
Бағрига тўкилиб қонли томчилар.  
Аждодим бошингдан не кунлар ўтди,  
Устингда ўйнади юз минг қамчилар.*

*Жасадлар устида қон тумшуқ бургут,  
Поёнсиз чўлларда мотам нидоси.  
Мусибат доғидан титрашиб эл-юрт,  
Дунёни босганда ғазот садоси.*

Норбекнинг шоирлик иқтидори унинг арузда ёзган шеърларида яққол кўринади; “Хива” шеърига разм солайлик:

*Паҳлавон Маҳмуд ётар гумбазлари савлат тўкиб,  
Юрт талашган хону беклар давридин кўнгли чўкиб.  
Ўз замонида кезиб жумла жаҳонни айланиб,  
Топмади зарра ҳақиқат қолди ғамда бойланиб.*

Ушбу мисралар шакл жиҳатидан маснавийда ёзилган бўлиб, арузнинг филотун фоилотун, фоилотун, фоилун рукнига мос тушади. Бу эса рамали мусаммани маҳзуф баҳрига тўғри келади.

Шеърнинг бошқа бандлари ҳам ўйноқи, равон мусиқавий оҳангда битилган:

*Нилуфар гумбазларида бор мақомлардин садо,  
Ҳам сақил, пешрав чалинган ҳамда ферузи наво.  
Полли дузчи куйлаган бечора халқим дардини,  
Далда берган кўп юракларга ювиб, чанг, гардини.*

Норбек Абдуллаевнинг хизматлари ҳукуматимиз томонидан ҳар жиҳатдан рағбатлантирилиб келинаёпти.

1999 йилда у “Маданий-маърифий ишлар аълочиси” нишонини олишга сазовор бўлди. 2000 йилда эса унга “Ўзбекистон халқ бахшиси” деган юксак унвон берилди.

Норбек бахши репертуарида ўнга яқин дoston мавжуд бўлиб, шулардан “Авазхон” дostonи 1980 йилда ёзиб олинган. Уни Бола бахши – Қурбонназар Абдуллаев (тор ва овоз), Норбек (тор ва овоз), Етмишвой (доира) Абдуллаевлар ижро этишган. Дoston ёзуви Ўзбекистон радиоси томонида намалга оширилган. Матн шу асосда 2009 йилда чоп этилган<sup>84</sup>.

Шу ўринда Жанубий Хоразм дostonчилигига хос бўлган яна бир анъана хусусида гапиришга тўғри келади.

Хива бахшилари, хусусан, Бола бахши дoston ижро қилган пайтда насрий қисми ўзи баён қилади. Қўшиққа навбат етганда унга доирачиси ёки шогирди жўр бўлиб, шеър икки овоз бирикувида ижро этилади. “Авазхон” дostonи ижросида барча қўшиқлар ота-бола – Бола бахши ва Норбеклар томонидан биргаликда ижро этилган.

Ушбу анъана “Бозиргон” дostonи ижросида ҳам амалга оширилган. Ушбу ижрода қўшиқлар Бола бахши ва доирачи Солай Ортиқовлар томонидан биргаликда куйланган.

Бундай анъана фақатгина жанубий Хоразм бахшилари ижросига хос хусусиятдир. Икки овозда қўшиқ куйлаш тўй даврасида ашуланинг барча тингловчига эшитарли тарзда рўёбга чиқишига ёрдам беради. Аммо бадиҳагўйликни чеклайди. Қўш овозда қўшиқ

<sup>84</sup> Матёқубов Б. Дoston наволари. Нашр? – Б. 75-104.

қуйлаш анъанаси дostonлар қўлёзмага кўчирилгандан сўнг мунтазам матн асосида келиб чиққан бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Шимолий Хоразм бахшилари ижросида ушбу анъана учрамайди.

## **Шимолий Хоразм дostonчилиги анъаналари**

Шимолий Хоразм дostonчилиги анъаналари ҳақида гапиришдан олдин воҳадаги этногенетик жараёнларга назар ташлаб ўтишга тўғри келади.

Хоразм воҳасида қадимдан бошлаб Хоразмийлар ўтроқ ҳолда яшаб келганлар. Чингиз истилосидан сал олдин бу ўлкага саёҳат қилган Ёқут Ал-Ҳамавий шундай ёзади: “Мен Хоразмни 616 (1219-1220) йили кўрганман. Ери ёмон ва шўроб, шунга қарамай жуда обод, бинолари туташиб кетган, қишлоқлари бир-бирига яқин ва уйлари кўп. Экинсиз, бўш ётган жойлар кам. Обод қилиб юборилган сердарахт жойларда иморатсиз мавзеларни учратмайсиз. Унинг қишлоқларидан ўтсангиз, бозордан ўтгандек бўласиз. Хоразм дунёдаги энг аҳолига бой ва улуғвор ўлка эканига имоним комил. Аҳолисининг аксарияти тадбиркор ва сабр-қаноатли. Ҳар бир шаҳар ва қишлоқнинг тўкин-сочин бозори ва кўплаб устахоналари бор. Бу жойларда буткул маъмурлик ва тўкинлик, тинчлик ва осойишталик ҳукмрон”.

Ушбу бой ва обод ўлка Чингиз галалари томонидан харобозорга айлантирилди. Миллионлаб халқ қирғин қилинди, кўплаб аҳоли бошқа жойларга кўчиб кетди.

Мўғуллар билан Олтой ҳудудларидан кўплаб туркий халқлар Хоразмга кириб келди ва ўлкада туркийлашиш жараёни кучайди.

Аслида Хоразм воҳасига туркий халқларнинг келиб ўрнашиши эрамизнинг бошларига тўғри келса-да, ерли аҳоли билан уларнинг фаол аралашуви X-XI асрларга тўғри келади. Ўша пайтларда бу ўлкага ўғуз турклари келиб ўрнашди. Чингиз босқинчилари билан келган туркий қабилалар эса бу аралашувни янада кучайтирди.

XVI асрда Шайбоний ўзбекларининг кириб келиши билан туркийлашиш жараёни яқунланиб, хоразмийлар тили XVII асрдаёқ қарийб тамомила майдондан чиқиб кетди<sup>85</sup>.

<sup>85</sup> Толстов С.П. Қадимий Хоразм ивизациясини излаб. Нашр?– Б.373.

Хоразмда X асрдан бошланган икки тиллилик ниҳояланиб туркий тил тўлалигича саҳнага чиқди.

XVI асрда кўчиб келган ўзбеклар воҳанинг шимол томони-га жойлашди. Шу сабабдан ҳам этнограф олимларнинг таъкид-лашларича, “Хоразм воҳасидаги ўзбек аҳолиси ўзининг этник келиб чиқиши жиҳатидан бир хил эмас. У шимолий ва жанубий ўзбекларга бўлинади”<sup>86</sup>. Жанубий худудда ўғузлар, шимолий ху-дудда эса қипчоқ гуруҳ вакиллари истиқомат қилишади.

Қипчоқ гуруҳи вакилларининг XI асрдан бери яшаб келаётган уруғлари турли даврларда маҳаллий халқ билан аралашиб ўғуз-лар таркибига кириб кетганлар<sup>87</sup>.

XVI асрда кўчиб келган ўзбек аҳолиси Шимолий худудда ўз тил хусусиятлари, уруғ номлари, аксарият урф-одатларини ҳо-зиргача сақлаб келишмоқда. Шу сабабли мазкур уруғларга ман-суб бахшиларнинг дoston ижро этиш анъаналарида ҳам локал хусусиятлар сақланган<sup>88</sup>.

Хоразмийлар тилининг туркийлашиш жараёни узоқ давом эт-ганлиги, икки тиллилик тамойилининг асрлар давомида сақланиб қолиши эпосга ҳам жиддий таъсирини ўтказган. Айниқса, ўғуз эпо-сида бу хусусият яққол кўзга ташланади.

Ўғуз эпосига алоқадор “Ошиқ” туркуми дostonлари лексикаси-ни таҳлил қилиш ушбу фикримизни тасдиқлайди. Масалан, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” дostonининг Қодирсозчи Каримов варианти-да шундай мисралар берилган:

Бу нотавон гўззим ишқинда зори,  
Ғамзаси жон олур, ширин гуфтори.  
Кўнглима хуш ёқар ажаб рафтори,  
Тиллодан шонаси бордур Санамнинг.

<sup>86</sup> Сазонова М.В. Традиционное хозяйство узбеков Южного Хорезма. –Л.: Наука, 1978. –С.8.

<sup>87</sup> Неразик Е.Е. Об этнических процессах в раннесредневековом и средневековом Хорезме. // Материалы к этнической истории населения Средней Азии. –Тошкент: Фан, 1986. –С.42.

<sup>88</sup> Рўзимбоев С. Кўрсатилган диссертация. –Б.23.



Тўртликда ҳаммаси бўлиб 19 та сўз ишлатилган. Уларнинг 6 таси туркий (бу, кўз, олур, кўнгил, ёқар, бордур); 9 таси форсий (хоразмий) бўлиб, улар (нотавон, зор, жон, ширин, гуфтор, рафтор, хуш, шона, тилло, кўпчиликни ташкил этади. Тўртта сўз (ишқ, ғамза, ажаб, санам) араб тилига мансубдир<sup>89</sup>.

Тўртликда форсий тил лексикаси нуфузининг устувор бўлиши хоразмий тили элементларининг анча барқарор сақланиб келганлигидан дарак беради.

Ушбу тоифа дostonлари тадқиқотларда таъкидланишича, X-XII асрлардаёқ халқ орасида оммавий тарқалган. “Гўрўғли” туркуми дostonлари лексикасида эса туркий тил нуфузи жуда юксак кўринади. “Ошиқ” туркуми дostonларида форсий лексика ва ўғуз эпоси анъаналари барқарор сақланган.

Шимолий Хоразм дostonчилигида ҳам ушбу эпик мерос бахшилар репертуаридан ўрин эгаллаган.

Шимолий Хоразм бахшиларининг дoston куйлаш анъаналари илгари ички (бўғиз) товушида амалга оширилган. Буни илгариги фасларимизда келтирилган Н.Муравёвнинг “они поют хрипким голосом”, деган маълумоти ҳам тасдиқлайди. Уларнинг дoston куйлашдаги ушбу қадимий анъанаси Жанубий дostonчилик таъсирида XX аср бошларида барҳам топган. Бу анъана ўзбекларнинг этногенетик хусусиятига боғлиқ. Ушбу анъанага хос хусусиятлар қуйидагича:

1.Бахшилар ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасида сўзлайдилар ва ташқи товушда куйлашади.

2.Бахши доторда куй чалади. Ёнида буломончи ва ғижжакчи унга жўр бўлади. Доира ишлатилмайди.

3.Ушбу дostonчилик мактаби марказини Манғит шаҳри деб белгилаш мумкин.

Бахши ўз номаларига чалинадиган куйларни эроний йўли деб аташади. Мусиқашунос Б.Матёкубов ширвоний ва эроний мусиқа йўналишларининг фарқи ҳақида гапириб, асосий алоҳидаликлар услубларнинг мусиқий нуқталарида, дoston номларининг номланишидан тортиб оҳанг, услуб, куй тузилиши, мусиқий

<sup>89</sup> Рўзимбоев С. Хоразм дostonчилиги эпик анъаналари. Урганч:2008.– Б.27.

чолғуларнинг қўлланилиши ва вазифаларининг белгиланиши каби жиҳатларида намоён бўлади<sup>90</sup>, деб таъкидлайди. Эроний ва ширвоний номлари ҳақида сўз юритиб, бу атамаларнинг келиб чиқишини Хоразмнинг қадим замонларданок Эрон ва Озарбайжон (Ширвон) мамлакатлари орасидаги тарихий маданий алоқаларга боғлайди<sup>91</sup>.

Кекса санъаткорлар билан мулоқотда улар бошқачароқ фикр билдиришади. Мусиқа ҳеч қачон бошқа мамлакатдан олиб келинмайди. Улар халқ тарихи, менталитети билан боғлиқ ҳолда асрлар оша яшаб келмоқда.

Кўҳна Урганч шаҳрининг ғарб томонида Шемох ва Ширвон деб аталувчи шаҳарлар бўлиб, улар XIV асрларгача гуллаб-яшнаган<sup>92</sup>. Кейинчалик таназзулга юз тутиб, сувсизликдан қуп-қуруқ чўлга айланган. Аҳоли эса Озарбайжонга, бир қисми Ҳозирги Хоразмга кўчган. Хива яқинида Шамохулум (Шемох+улум)Шемох уламолари номли қишлоқ ўша даврнинг акс-садосидир.

Кўҳна Урганч, Шемох, Ширвон каби шаҳарлар гуллаб-яшнаб турган пайтда бахшилар ва уларнинг куй-қўшиқлари ҳам авжида бўлган. Ширвоний мусиқий йўналишини ўша замонлардан излаган маъқул.

Эроний йўналишига келсак, бу номни туркманлар билан алоқадор ҳолда излаш зарур.

Шимолий Эрондан кўчиб келган туркман қабилалари ўзларининг хусусий фольклори билан биргаликда Эрон ва Озарбайжон фольклоридан ўзлаштирилган айрим асарларни ҳам воҳага олиб кирдилар<sup>93</sup>.

Туркман бахшилари дostonлар билан бирга унинг мусиқасини ҳам олиб келишгани табиий ҳол. Бироқ мусиқа куйларининг Эрон ва Озарбайжонга алоқаси жуда кам. Бу мусиқалар туркман бахшиларига алоқадор мусиқий меросдир. Туркман бахшилари репертуари

<sup>90</sup> Матёқубов Б. Хоразм дoston ижрочиларининг зархат саҳифалари. – Б.13.

<sup>91</sup> Ўша манба, 14-бет.

<sup>92</sup> Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам. – Тошкент: Ғ.Ғулом номли нашриёт, 2015. (Нашрга тайёрловчи: О.Пирматов). – Б.329-338.

<sup>93</sup> Рўзимбоев С. Хоразм дostonчилиги эпик анъаналари. УрДУ ноширлик бўлими, Урганч: 2008.-10-б.

эса Шимолий Хоразм дoston ижрочилари репертуари билан узвий алоқадор бўлиб, Пўрси дostonчилик мактабининг асосчиси Суяв бахши билан боғлиқдир. Туркманлар Эрондан кўчиб келганлиги сабабли куй номи эроний шаклини олгани мантиққа анча мос келади.

Шимолий дostonчилик анъаналарига алоқадор куйлар куйидагилардир:

1. Нома боши. 2. Бартавул. 3. Беродам. 4. Бешпарда. 5. Ел пасаланди. 6. Илғор I. 7. Илғор сарпардаси. 8. Қўшим полвон. 9. Кўр қиз. 10. Мухаммаси ифтор. 11. Калта мухаммас. 11. Бош мухаммас. 12. Нолиш мухаммас. 13. Нолиш I. 14. Нолиш II. 15. Нолиш сайқали. 16. Ола қайиш. 17. Патак. 18. Сарпарда. 19. Салтиқ. 20. Табриз. 21. Тўрғай. 22. Шокўчди. 23. Шосанам. 24. Эшвой. 25. Эшвойи туркман. 26. Қорадали. 27. Уч тўп. 28. Қўша даст. 28. Қўшим Полвоннинг гажи. 29. Эшвойининг гажи. 30. Галалайлим. 31. Галалайлимнинг гажи. 32. Эронийнинг гажи. 33. Эронийнинг сайқали. 34. Бартавул уфориси.

Шимолий дostonчиликда бирор куй номи айтилиб, ўша куйнинг “гажи” сўзи ишлатилади. Масалан, Эшвой, Эшвойининг гажи. Машҳур санъатшунос Отаназар Матёкубовнинг бизга шарҳлашича, бу сўз “каж” сўзининг фонетик ўзгаришга учраган шакли бўлиб, “Куйнинг тескараси” маъносига эга.

Бундай номлаш мақом шўъбаларида, сувораларда ҳам учрайди. Масалан, “Каж ҳанг сувора”.

Шимолий дostonчилик анъаналарида ишлатиладиган куйларнинг ўнтаси Жанубий дostonчиликда қўлланиладиган куйлар билан мос келади. Бу куйлар номлаш шаклида ўзаро ўхшаш бўлса-да, куй чалинишида муайян фарқлар мавжудлигини бахшилар эътироф этишади.

Шунингдек, Хоразмдаги ҳар иккала дostonчилик мактабларида ишлатиладиган айрим куйлар туркман, озарбайжон ва қорақалпоқ бахшилари томонидан ҳам истифода этилади.

Жумладан, “Зоринжи”, “Шокўчди”(паша кўчди), “Мухаммас Озарбайжон ашулалари репертуарида, “Қўша даст”, “Салтиқ”, “Мухаммас”, “Кўрқиз”, “Патак”, “Тўрғай” куйлари туркман бахши-

лари репертуарида<sup>94</sup>, айна пайтда ушбу куйлар қорақалпоқ бахшилари ижодида ҳам учрайди<sup>95</sup>.

Куйлардаги бундай ўхшашликлар турли туркий халқлар бахшиларининг ўзаро ижодий алоқалари, устоз-шогирдлик анъаналари билан узвий алоқадордир.

Куйларга берилган номлар дастлаб уни кашф этган бахшилар шахси билан, айримлари мақом шўъбалари билан, баъзилари куй солиб айтиладиган қўшиқ номлари билан боғлиқдир.

Достон қўшиқларига басталанган ҳар бир куй тасодифийликдан холи. Ҳар бири моҳиятан қўшиқ мазмунига мос келади. Қолаверса, Шимолий достончиликда ишлатиладиган куйлар ушбу халқларнинг турмуш тарзи билан чамбарчас алоқага эга.

Турсун бахши Жуманиёзов ижросидаги “Араб танган”, Йўлдош Дўсимбетов ижросидаги “Аваз уйланган” достонлари 1992 йилда профессор С.Р.Рўзимбоев ташаббуси билан видеотасмага ёзиб олинган. Ушбу бебаҳо бойликни томоша қилсангиз унда ижро этилган мусиқа куйлари кишига ҳузур бағишлайди. Унинг ҳар бир оҳангидан халқнинг қадимий ҳаётига оид садолар таралади. Достонда ишлатилган “Нома боши”, “Сарпарда” куйларини тингласангиз, беихтиёр отда чопиб кетаётган чавандоз, отнинг гоҳ чопиб, гоҳ йўртиб илгарилаши, гоҳо кишнаб осмонга сакраши, чавандознинг кайфияти бир-бир кўз олдингиздан ўтади. Бахши гўё дутор чалаётган санъаткор эмас, балки отда чопиб бораётган чавандоз қиёфасида намоён бўлади.

Бахшилар достонни ҳеч қачон мусиқасиз ижро этишмайди. Шимолий достончиликнинг вакиллари ҳатто ғижжак ва буламоннинг битта ижрочиси бўлмаса ҳам достонни ижро қилишдан бош тортишади.

Фольклоршунос олим С.Рўзимбоевнинг бу борадаги битта хотираси ниҳоятда қизиқарлидир. Унда шундай ҳикоя қилинади: “1985 йили биз гурланлик Жумабой Худойберганов – Сакрак бахшидан “Гўрўғлининг ўлими” достонини ёзиб олмоқчи бўлдик.

<sup>94</sup> Успенский В., Беляев В. Туркменская музыка. –М.: Госизд. Музсектор, 1928. –С. 295, 339, 359. (380 )

<sup>95</sup> Мақсетов Қ. Қарақалпақ жырау-бақсылары. – Нукус: “Қарақалпақстан”, 1983. –Б.125. (206)

Биз унинг ҳузурига борганда бахши уйида ёлғиз эди. Илтимосимизга биноан дуторда бир-икки куй чалиб берди. Кейин у бизга “Гўрўғлининг ўлими” достонини ғижжак ва буламон жўрлигисиз куйлаб бўлмади, деган қатъий жавобни берди. Бахшининг бундай қатъий раддиясини фақат достонни дутор, буламон ва ғижжак жўрлигида тинглагандан кейингина тушуниб етиш мумкин бўлди. Маълум бўлишича, Гўрўғлининг ўлими ҳақидаги бу достон ўзига хос бир марсия бўлиб, ундаги ғам-алам ва изтиробни буламон ва ғижжакнинг юракни титратиб юборувчи нолаларисиз тасаввур қилиш мумкин эмас экан<sup>96</sup>.

Демак, достон матни, уни ҳикоя қилиш бир томон бўлса, шеърий парчаларни мусиқа жўрлигида ижро қилиш иккинчи томонни ташкил этар экан. Ушбу икки томон бир-бирига мувофиқ келсагина асардаги бадий-эстетик таъсир ўзини тўла намоён қила олади.

Достон мусиқа куйлари ибтидодан бошлаб аста-секин тараққий қилиб келган. Бахшиларга дастлабки жўр бўлган мусиқа асбобларидан бири қўбиздир. Бу асбоб ибтидодий чолғу қуролларидан бўлиб, жировлар ижросида ишлатилади. Дўриллаган овоз чиқаради. Унинг ибтидодий чолғу қуроли эканлигидан дарак берувчи афсона ва ривоятлар ҳам тарқалган. Шулардан бирида ҳикоя қилинишича, Қўрқут ота ўзига истаган бир куйни чалиш мумкин бўлган мусиқа асбобини яшаш орзусида кўп изланган. Бу борада у жуда қийналган. Кўплаб дарахтларни саралаган, бироқ, қўбиз яшашга яроқлиларини топиш имконияти бўлмаган.

Кунлардан бир кун Қўрқут ота қўбиз яшаш мақсадида дарахт излаб юриб, шайтонлар суҳбати устидан чиқиб қолади. Бир чеккада яшириниб уларнинг сўзига кулоқ солади. Шунда шайтонлардан бири: – Қўрқут ота қўбиз косасини оддий дарахт ёғочидан эмас, балки ёввойи тўнғиз синдирган ёввойи жийданинг қуёшда қуриган танасидан ясаса, унинг қорнига бақироқ туянинг терисини қопласа, харрагини сув қовоқнинг қуриган пўчоғидан ишласа, торларини овози баланд отнинг қуйруғидан боғласа ва унга сассиқ қурай ўсимлигининг елимини суртса, ҳақиқий қўбиз

<sup>96</sup> Рўзимбоев С. Хоразм достончилиги эпик анъаналари. – Б.22.

чиқар эди”, – дейди ва бошқа шайтонлар ҳам унинг сўзини маъқуллашади.

Қўрқут ота эса бу сўзларни тинглаб, худди шайтонлар айтган тартибда қўбиз ясайди. Шу сабабли Қўрқут ота қўбизчилар пири ҳисобланади<sup>97</sup>.

Шу нарса эътиборни тортадики, мазкур афсона қорақалпоқ фольклоршуноси Қалли Аимбетов томонидан Д.Эсемурат деган ахборотчидан ёзиб олинган. Демак, афсона Хоразм воҳаси халқларига тегишли. Соз ҳақида, мусиқа асбобларининг яратилиши хусусида афсоналар жуда кўп.

Озарбайжон олими М.Ҳакимов ўз мамлакатининг Қозоқ туманидан “Қоруннинг интиқоми” номли афсонани ёзиб олган. Ушбу афсона Қ.Аимбетов ёзиб олган афсона мазмунига анча яқин келади. Унинг мазмунини келтирамиз.

“Арронтос вилоятида Қорун деган бир косиб яшаган экан. У камбағал киши бўлса-да, жуда саховатли инсон бўлиб, чўлдан ўтин териб, турли гиёҳлар келтириб сотар ва етим-есирларга ош-нон берар эди. У бир куни чўлга кетаётиб, жинли дарада Мусо пайғамбарга йўлиқиб қолади. Қоруннинг саховатлилиги пайғамбарга хуш келиб у билан дўстлашади. Бу дўстликдан Қорун ўз қаддини тиклаб, бой-бадавлат кишига айланади. Шундан кейин кибрланиб на Оллоҳни, на пайғамбарни ҳис қилмай қўяди. Унинг бу одати Оллоҳга ёқмай, Мусо пайғамбарни чақириб, Қоруннинг мол-давлатига “Бад дуо” ўқишни буюради. Мусо пайғамбар бу вазифани адо этади. Шунда бирдан ер ёрилиб, Қоруннинг бор-давлатини қаърига тортиб кетади. Қорун бу воқеадан кейин сал бўлмаса ақлдан озай деб қолади. Ўзича бир нарсаларни минғирлаб, бойлиги ер қаърига кетган жойга бориб айланаверади. Шу аснода бир куни у оқсоқолларга дуч келиб қолади. Бу кишилар Қоруннинг дардига шерик бўлишади. Уларнинг орасида бир кўр оқсоқол бор эди. У Қорунга ачиниб, унга шундай маслаҳат беради.

– Арронтосдан 40 кунлик масофада жойлашган Бобил шаҳрига борасан. У жойда битта буюк қудуқ бор. Ўша қудуқда Оллоҳнинг қаҳрига учраган икки малак оёғидан пастга осилиб-

<sup>97</sup> Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос. – Л.: Наука, 1974. – С.553. (726 )

турибди. Бирининг исми Хорут, иккинчисиники Морут. Улар Оллохнинг барча сирларини билишади. Дардларини баён қилишга киши ахтаришади. У жойга борган заҳотинг тирноғингни қирқиб қудуққа отасан. Малакларнинг отларини айтиб чақирасан ва Оллохдан дакки еганингни айтасан. Улар сенга йўл кўрсатишади. Уларнинг топшириғини адо эт. Сўнг бизга келиб тафсилотларини баён қиласан.

Қорун бу гапдан сўнг 40 кеча-кундуз йўл юриб, Бобил шаҳридаги қудуқни топиб келади.

Тирноғини олиб қудуққа отади ва Малакларнинг отларини айтиб овоз беради. Улардан имдод тилайди. Малаклар Қоруннинг илтижоларига ишониб унга шундай маслаҳат беришади: – Эй бани инсон! Бил ва уқиб ол! Арронтошга кетар йўлда бир кекса тут дарахтига дуч келарсан, уни кесиб оласан, ичини ўйиб чўмич шаклига келтирасан, учига даста ўрнаштирасан, унинг учидан учта тешик очасан, даста битгач, чўмич устига қўй бағрининг пардасини олиб, уни сақич дарахтининг елими билан ёпиштирасан.

Эй бани инсон! Айтганларимизни ёдингда маҳкам сақла, сўнгра уч яшар айғир от қуйруғидан учта мўй олиб тор қиласан, гўзал овоз янграб чиқар...

Қорун Хорут ва Морутдан маслаҳат олгандан сўнг Арронтошга қайтади. Бу жойда уни оқ соқолу қорасоқоллар кутиб олишади. Кўр оқсоқол Қоруннинг ҳикоясини тинглаб, созни қўлига олади ва уни эгасига бериб шундай дейди:

– Бунинг оти создир! Мусо пайғамбар жамоа ичига келганда уни қўлингга олиб соз ила сўз айт!

Қорун ўз элига келиб етади. Барча жамоа энди пайғамбарнинг Оллохдан келтирган каломларини эшитиш ўрнига Қоруннинг созини тинглай бошлади.

Мусо пайғамбар бу аҳволни Оллохга етказди. Оллоҳ қаҳрланиб деди:

– Лаънатга кўмиласан, кўршайтон! Бу сенинг амалингдир”<sup>98</sup>.

Ушбу афсонадаги тасвирланган сознинг кекса тут ёғочидан

---

<sup>98</sup> Нәкимов М. Азэрбајжан ашаг әдебијәты. – Б.89-91.

ишланиши, ичининг чўмич шаклида ўйилиши, даста тузатилиши, чўмичнинг кўй бағрининг пардасини сақич елими билан ёпиштирилиши, от кўйруғидан тор боғланиши каби тафсилотлар анча мароқли тафсилотдир.

Энг асосийси шуки, ушбу афсонадаги соз тайёрлаш усули Қўрқут ота қўбизининг тузатилишига ўхшаб кетади. Ушбу қўбиз ҳақидаги афсонанинг Хоразм воҳасидан ёзиб олинishi Т.Мирзаевнинг “Қўрқут ота китоби” дастлаб Ўрта Осиёда вужудга келган, деган фикрини тасдиқлайди<sup>99</sup>. Қолаверса, соз ҳақидаги кейинги афсона ҳам Хоразм билан боғланади. Чунки афсонада тилга олинган Хорут ва Морутлар аслида зардуштийлик динидаги Хаур ватат ва Амератат исмли фаришталардир<sup>100</sup>. Бундан ташқари кейинги афсонанинг ислом динидан анча бурун яратилганлиги унинг мазмунидан сезилиб турибди. Ушбу тафсилотлар мусиқа ва соз санъатининг қадимий Хоразмда кашф этилганлигини яна бир бор исботлайди. Бу ўлка азалдан мусиқа ва соз маканидир. Бизнинг кузатишимизча, қўбиз ижросида бирор куйни илғаб олиш қийин. Ҳар ҳолда буни мусиқашунослар эътиборига ҳавола этган маъқул.

Хоразмдаги ҳар иккала дostonчилик мактабида ҳам асосий эътибор дoston куйларига қаратилади. Шу сабабдан бўлса керак жирова ижроси бу ўлкада XX аср бошларида барҳам топган. Унинг охириги ижрочиси Муҳаммад Раҳимхон Сонийнинг саройидаги Ризо бахшидир.

Шимолий Хоразм бахшилари репертуаридаги дoston қўшиқларига ишлатиладиган куйлар ҳар томонлама мукамал асарлардир. Бу албатта, уларнинг ижодига Жанубий дostonчилик вакилларининг жиддий таъсиридир. Қўбизни қўйиб, уларнинг дотор ва буламон, ғижжакларни ансамбл сифатида ташкил қилишлари жараёнида ҳам сезилади. Аммо барибир уларда ўзига хос мусиқий анъана сақланиб қолган. Тор ва доиранинг ансамбл-да ишлатилмаслиги ҳам буни тасдиқлайди. Жанубий Хоразм бахшилари ишлатадиган куйлар профессионал мусиқа асарлари бў-

<sup>99</sup> Мирзаев Т., Жўраев М. “Китоби дадам Қўрқут” ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1999. – №5. – Б.33-38.

<sup>100</sup> Снесарев Г.П. Реликты до мусульманских верований у узбеков Хорезма. –С. 204.



либ, улар ансамблида концертлаштириш усули яққол кўринади. Шимолий Хоразм бахшиларининг дostonни яқунлаш қондасига ҳам Жанубий дostonчилик анъаналарининг таъсири сезилади. Одатда чорвадор халқларда, хусусан, Самарқанд дostonчилик мактаби вакиллари, дostonни ниҳоялагандан сўнг “дўмбира тўнтариш” анъанасини қўллашган<sup>101</sup>.

Бахши дўмбира тўнтаришдан олдин қисқа терма ижро этган. Кейин у дўмбира ёнида тўни ва рўмолини кўйиб ташқарига чиққан. Дoston тинглаган аудитория иштирокчилари бахшининг ўртага ёйилган рўмолига лозим кўрган ақчасини туҳфа қилади.

Шимолий Хоразмдаги бахшиларда ҳам ўзига хос дoston ниҳоялаш анъанаси мавжуд. Улар дoston яқунлангач, “Эронийнинг сайқали” куйини чалишади. Сўнгра сурнайда “Елпасаланди” куйи чалиниб рақс ижро этилади. Бу тамойил Жанубий Хоразм дostonчилиги таъсирида пайдо бўлганлиги эҳтимолга яқин. Чунки эркаклар ўйини асосан Жанубий Хоразмда ривож топган.

Дoston яқунидаги чертиладиган “Танга сози” да, албатта, бахшини ақча билан сийлаш удуми сақланган. Жанубий Хоразмда кўшимча равишда “Кисани кавла, тўйингда қайтсин” кўшиғи ижро этилгач, пул ташлаш бошланади. Кўшиқ, албатта, рақс ҳам-корлигида амалга оширилади.

Туркий халқларнинг барчасида ҳам дostonни бошлаш ва яқунлаш анъаналари мавжуд бўлиб, бир-биридан муайян тарзда фарқ қилади. Масалан, озарбайжонларда дoston бошлашдан олдин “Устоднома” ижро этилади. Унинг “Боғлама”, “Очилма” деган номлари ҳам учрайди.

Дoston ниҳоялангач, “Дувоқгапма” ижро этилади<sup>102</sup>.

Дувоқгапма сўзи қопқоқни ёпиш, ниҳоялаш деган маънони беради. Ўғузларда дувоқ-қозоннинг қопқоғи маъносини беради.

Хоразм воҳасидаги ўзбек, туркман ва қорақалпоқ бахшиларининг дostonни бошлаш ва ниҳоялаш анъаналари бир-бирига жуда яқин келади. Бу ҳодиса бахшиларнинг устоз-шогирдлик анъаналари билан узвий алоқадордир. Академик Тўра Мирзаев бахши-

<sup>101</sup> Мирзаев Т. Эпос и сказитель. – Б.50.

<sup>102</sup> Акимов М. Художественные особенности героических и любовных дастанов Азербайджана. – Баку, “Знание”, 1986. –С.10. (64)

ларни уч тоифага бўлади. 1. Ижрочи бахшилар. 2. Бадиҳагўй бахшилар. 3. Шоир бахшилар. Хоразм бахшиларини тадқиқотчи биринчи тоифага киритади ва мазкур бахшилар ҳар бир чиқишида устозидан мерос қолган бир хил матнни такрорлайди, деб ёзади<sup>103</sup>.

Бизнинг кузатишимизча, ушбу тоифага Жанубий Хоразм бахшилари ижроси бир мунча тўғри келади. Уларда “Бахши китоби”-га риоя қилиш анъанаси ҳозиргача сақланган.

Шимолий дostonчиликнинг йирик вакилларида бири Тўрткўл туманида яшаб ижод қилган Мусо бахшидир. Ишимиз давомида анчагина бахшилар ҳақида сўз юритиб, улар ҳаёти билан боғлиқ ривоятларга ҳам тўхталдик. Шу ўринда яна бир ривоятни айтиб ўтишни лозим топдик.

1854 йилда Тўрткўлнинг Шўроҳон қишлоғида туғилган Мусо бахши ҳақида шундай ривоят юради: Мусо бахши шундай ноёб овозга эга эканки, у дoston куйласа, овозини қўшни қишлоқдаги кишилар ҳам бемалол тинглар эканлар. Ҳатто асов туяларни соғишда қийналган аёллар Мусо бахшининг дoston куйлашини кутар эканлар. Негаки бахши қўшиқ куйласа энг асов туялар ҳам ийиб кетиб, ювошиб мўл-қўл сут берар эканлар. Мусо бахши “Юсуф –Аҳмад”ни куйлаганда даврага халойиқ сиғмай кетар экан. У Эшвой бахшига ўхшаб бир қанча куйлар ҳам ижод қилган. Шулардан бири “Мусо сен ёри” куйидир. Ушбу куйни Шимолий дostonчилик вакиллари ҳозиргача нома боши сифатида ишлатар эканлар.

Маҳорат талант мевасидир. Қайсики бахши талант ва иқтидорга эга бўлса, унинг касб маҳорати юксак бўлади. Мусо бахшининг юксак иқтидор эгаси эканлиги шундаки, у ўзбек, туркман ва қорақалпоқ тилларида эркин равишда дoston айта билган, бадиҳагўйликда унинг билан бахслашадиган бахши кам бўлган. У машхур Суяв бахши мактабининг вакилларида биридир.

Тўрткўл, Шаббоз худудларида яшаб ижод қилган бахшиларга хос бўлган битта анъана борки, ушбу санъаткорларда ҳам бахшилик, ҳам жировлик иқтидори биргаликда мужассамлашган.

XX аср бошларида ушбу худудда Қўшакўр деган бахши гармон жўрлигида дoston куйлаган. Ўз навбатида у қўбиз чалиб жировлик ҳам қилган. Мусо бахши ижодида ҳам ҳар иккала анъана ўз

<sup>103</sup> Мирзаев Т. Эпос и сказитель. – Б.37.

мужассамини топган. Сўнги йилларда яшаган Қурбонбой жирова ҳам бахшилик ва жировликни биргаликда давом эттирган.

Шу сабабдан бўлса керак, Шимолий Хоразм дostonчилиги вакиллари ижодида бадиҳагўйлик анча юқори туради.

Манғитлик бахши Турсунбой Жуманиёзовдан ёзиб олинган “Хурлиқо ва Ҳамро” дostonини унинг XX аср бошида чоп этилган тошбосма нусхасига солиштирганда оғзаки вариантнинг ҳажми деярлик икки бараварга кўпдир. Турсун бахши шеърий парчаларнинг куйга тушиши қийинроқ бўлган мухаммас – мусаддасларни қисқартирган ҳолда асарнинг насрий қисмини икки-уч бараварга кўпайтирган. Насрий баён таркибига оғзаки нутққа хос учирик сўзлар, фразеологик иборалар, ҳикматли сўзлар, диалоглар, монологлар, образли ифодаларни киритган. Натижада дoston мазмуни халқчилик асосида содда ва тушунарли қиёфа касб этган. Шеърий парчаларнинг айримларига янги бандлар қўшган. Тошбосма нусхадаги шеърий мисраларни ижодий қайта ишлаб мазмунига сайқал берган:

#### **Ёзма нусхада:**

*Бир нечани қўрибман, сафо бирла суҳбатда,  
Бир нечани қўрибман, айш бирла ишратда,  
Бир нечани қўрибман, адо бўлмас давлатда,  
Бир нечани қўрибман, қайғу бирла ҳасратда,  
Манки толеи мискин, Чўли Муғон ичинда<sup>104</sup>.*

#### **Оғзаки вариантда:**

*Бир нечалар кезарлар, сафо бирла суҳбатда,  
Бир нечалар кезарлар, қайғу бирла ҳасратда,  
Бир нечалар кезарлар, машаққатли меҳнатда,  
Бир нечалар кезарлар, адо бўлмас давлатда,  
Мен бир бечора мискин, қолдим армон ичинда<sup>105</sup>.*

Бахши мисраларга ижодий ишлов берар экан, уни содда-лаштиради ва рагон муסיқий оҳангга солади.

<sup>104</sup> Ошиқнома. I китоби. – Урганч. “Хоразм”. 2006. – Б.114. (348)

<sup>105</sup> Ошиқнома. III китоб. – Урганч. “Хоразм”, 2008. – Б.288. (240)

Кўпгина бандларда архаик сўзлар ўрнига халқона тил бирликларини киритиб, мисраларга жило бағишлайди:

**Ёзма нусхада:**

*Муножот тоғига чиққан,  
Умматларнинг журмин ёпқон,  
Пайғамбар хирқасин кийган,  
Ваис ҳам ўтди ўғилсиз.* (“Ошиқнома”. I китоб, 10-б.)

**Оғзаки вариантда:**

*Муножот тоғина чиққан,  
Умматнинг чироғин ёққан,  
Пайғамбар жандасин кийган,  
Ваис ҳам ўтди ўғилсиз.* (“Ошиқнома”. III китоб, 263-б.)

Ёзма нусхада айрим сўзлар нотўғри ўқилган ёки нотўғри ёзилган. Юқоридаги бандда “муножот боғи” бирикмаси маъно жиҳатдан нотўғри. Бахши уни “Муножот тоғи” шаклида тўғри ифодалаган.

Қуйидаги бандда ҳам шундай хусусият яққол кўринади:

**Ёзма нусхада:**

*Бу Хусрав аввал бой бўлиб,  
Қарриғанда гадой бўлиб,  
Ҳоло мунда бажой бўлиб,  
Сиз манго шармисор ўлмангиз.* (“Ошиқнома”. II китоб, 105-б.)

**Оғзаки вариантда:**

*Аввал Хисров шоҳ бой бўлиб,  
Сўнгра мунда гадой бўлиб,  
Охири қадди ёй бўлиб,  
Сизлар ҳам хор-зор бўлмангиз.* (“Ошиқнома”. III китоб, 268-б.)

Юқорида келтирилган икки вариантдаги қиёсий таҳлил Турсун бахшининг ҳақиқий бадиҳагўйлигидан дарак беради. Насрий матндаги қайта ишловлар эса шеърини парчаларга қараганда ҳам

устуворлик касб этади. Бахши қипчоқ шевасида воқеани баён қилар экан, дostonдаги насрий матнга янгидан жон бағишлайди. Уни турли иборалар, сажъ элементлари билан бойитиб, таъсирчан бадий нутқ яратади, табиат манзарасининг фантастик тасвирини беради:

“Ана тўйда тамом бўлди. Хисров шоҳ айтди. Энди мен муродимга етдим, бир уйга кириб ухлайин, деди. Шу даврларда подшоҳлар бир уйкуға кирса бир ҳафта мулк этмай ухлар эди. Тиздан тўшак, белдан ёстиқ тўшатиб ётган подшоҳ олти кеча-кундуз ухлаб еттиланчи куни саҳардинг файзли вақтинда бир туш кўрди, тушинда бир иш кўрди. Қараса бир ҳовуздинг бўйинда ётгон эмиш, шосупанинг тўрт ёни гулзор эмиш. Кун ўрта, пешин вақти осмондан қирқ бартавул учиб кела берди. Улар ҳовуздинг бўйина келиб, бир силкиниб қирқ канизга айландилар. Ичинда бириси баланд бўй, оппоқ сутга чайқалгандай хушрўй паризод канизакларни чақирди, ҳей канизлар қафаснинг оғзини очинглар, булбуллар сайрасин, буларға кўшилиб, пахтаклар дам чексин, кумрилар ҳамду сано ўқисин. Булоқлар булкилдаб оқсин, сизлар ҳам нағма қилинглр, базмда бўлинглр, ҳамда бўлинглр, деди. Канизлар қафасни очдилар, ичиннан чиқариб бир қушни кўйдилар. Шу қуш бир сайради осмону замин бир бўлди. Бир вақт фасли баҳор бўлиб, булбуллар сайрай бошлади”. (“Ошиқнома”. III китоб, 281-б.)

Оғзаки вариантдаги насрий матн кўлёзма нусхадаги вариантдан жуда катта фарқларга эга. Бу эса бахши иқтидори билан боғлиқ бўлиб, унинг бадиҳагўйлик қобилияти натижасидир.

Турсун бахши ижросида “Гўрўғли” туркумига кирувчи “Аваз уйланган”, “Араб танған” дostonлари ҳам ёзиб олинган. Бахши оғзаки нутқни мукамал ўзлаштирган. Халқ сўзлашув тилидаги турли иборалар, ўхшатиш ва сифатлашлар, сажъ элементларига фаол муносабатда бўлади.

Қипчоқ лаҳжасининг энг архаик лексикасига муржаат қилади:

*“Йилимдинг кадисиндай”*

*“Мойға тушган сичқондай”*

*“Зарар кўрган бозорчидай”  
“Мамалари кеч куздинг тарнакларидай”  
“Қанорга тўнкани ташлагандай”  
“Хулкар юлдузи тувғандай”  
“Дигирмонға сумак қоққандай”.*

Ушбу халқона ўхшатишлар халқ сўзлашув тилидан олинган бўлиб, маҳаллий халқ уларни дostonдаги бадий нутқ орқали жон қулоғи билан тинглайди. Бахши сажъ тузилмаларига, мақол ва маталларга ҳам эътибор билан қарайди. Дostonдаги сажъ элементлари аксарият ҳолларда жуфт сўзлардан танлаб, оҳангдорликни кучайтиради: “Бир вақт қараса инардинг устинда озик-тулакдан, ароқ-шаробдан, бангдан-тирякдан, чойдан-мойдан, кулча-чўракдан, қурмишдан-бўракдан, юклаган нарсадан асар қолмабди”. (“Гўрўғли”, 134-б.)

Турсун бахши ҳаракат-ҳолат тасвирини оригинал ўхшатишлар орқали таъсирчан ифодалайди: “Ана паризод ўтиз эки нозукарашма билан яна бир коса шароб қуйиб берди”. (“Гўрўғли”, 127-б.)

“Ана Оға Юнус пари ўн саккиз пардали қазма дуторини оқ сийнасининг устина диркиллашиб қуйиб беш калима сўз айтди”. (“Гўрўғли”, 126-б.)

Бахши бадий нутқидаги барча бадий воситалар асар, мазмунини баён қилишда, тингловчилар эътиборини воқеаларга жалб қилишда асосий ролни ўйнайди. Шимолий дostonчилик анъаналарида ишлатиладиган ҳар бир ўхшатиш воситасида юмористик маъно бўртиб туради. Айниқса, салбий образлар қиёфасини тасвирлашда юқорида келтирилган ўхшатишларнинг образ характерига мос ҳолда танлаш бахшидан юксак истеъдодни талаб қилади. Халқни завқ-шавққа тўлдириш бахшининг асосий мақсади ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам шимолий дostonчиликда бахшилар ансамблида ҳамшиша масхарабозлар гуруҳи бирга юради.

Ушбу ҳудуд бахшилари услубида аудитория билан алоқада бўлиши анъанаси кучлироқ хусусият касб этади. Бахши ҳамшиша халойиққа мурожаат, даъват, сўроқ, хитоб тарзида сўз ташлаб уларни дoston воқеаларига жалб қилиш йўлларини излашади.

Шу боисдан улар дoston воқеаларини баён этишда ички медиал формулаларга кўпроқ таянишади.

Бадиҳағўйлик масаласида Шимолий дostonчилик вакиллари орасида Жумабой Худайберганов – Сакрак бахши алоҳида ўрин тутлади.

У 1909 йилда Гурлан туманининг Вазир қишлоғида туғилган. Отаси кураш тушувчи полвонлардан бўлиб, ўғлини ўзи билан тўй-сайилларга бирга олиб борган. Бу тўйлардаги бахшиларнинг чиқишлари Жумабойда ёшлигиданоқ, дostonчиликка ҳавас уйғотади.

У манғитлик машхур дostonчи Аҳмад бахшига, кейинчалик Хўжез бахшига шогирд тушади. Жумабой бахши “Гўрўғли” туркуми дostonларидан йигирмага яқинини тўла билган. Бундан ташқари, “Юсуф ва Аҳмад”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Юсуф ва Зулайҳо” каби дostonларни ҳам маҳорат билан куйлаган. У дoston куйлаганда воқеалар оқимида шундай киришиб кетганки, баъзан ўрнидан туриб, баъзан дуторни таққа ерга қўйиб, қўлини пахса қилиб, асар қаҳрамонлари фаолиятини ҳаракат билан қўшиб ҳикоя қилган. Мусиқа ритмида ҳамоҳанг равишда тебраниб дуторни усталик билан чалган. Ана шу ҳаракатларига кўра, уни “сакрак” бахши деб юритишган. У дилкаш, шўх, юморга мойил киши бўлган. Жумабой бахши Хоразм бахши-шоирларининг 1983 йилги вилоят танловида биринчи ўринни олган. 1985 йилда бўлиб ўтган Республикамиз бахши-шоирларининг VI кўрик танловида эса III даражали диплом билан тақдирланган.

“Гўрўғли” туркумининг жуда кўп шохобчалари унинг ижросида ёзиб олинган. Жумладан, Жумабой бахши ижодига хос бўлган асосий хусусиятлардан бири дostonлар таркибида кўплаб мақолларга ва учирӣқ сўзларга мурожаат қилишидир. Бахши “Гўрўғли” туркумига кирувчи “Тухмат ташлаган” дostonини куйлаганда дostonдаги Оға Юнус парининг аразлаб кетиши эпизодини тасвирлар экан, “Учақда созанда, ошоқда созанда, ҳеч нарса йўқ қозонда” иборасини келтиради. Оға Юнус пари кетгандан кейин Гўрўғли хонадонининг хувуллаб қолганлигини образли ифодалашда бу ибора узукка қош қўйгандай ярашади. “Ҳеч нарса йўқ қозонда” ибораси масала моҳиятини ифодалаш учун шундай мос

танланганки, тингловчи ҳамма нарса бор, аммо асосий нарса йўқ эканини англатадиган бу иборани эшитиши билан эътиборни дарҳол Юнус парига қаратади. “Гўрўғлининг Дарбандга кетиши” дostonида Сафар кўса билан Вали дўникнинг фитна тайёрлашга бош қўшишлари ҳақида гап кетар экан, “Пес песни қоронғуда топади” мақоли келтирилиб, ҳар иккала персонажнинг характер хусусиятларини шу бир мақол замирида яққол кўрсатиб беради.

Жумабой бахшининг нутқида хос асосий хусусият шу нарсаларда кўринадики, у ҳикоя қилиш жараёнида “ана” сўзини кўп келтиради. Бу сўз “ана энди Гўрўғлидан эштайлик”, “ана Ғирот бургутдай учиб Чамлибел томонга йўл олди”, “ана энди сўзни Сафар кўсадан эшитинг” каби инициал формулалар тарзида намoён бўлади. Бахши тингловчи эътиборини ўзида тутиб туриши учун воқеалар давомида “қани, кўрик, не деган экан”, “қани эштайлик, не деб турган экан” каби медиал формулаларни ҳам кўплаб ишлатади. Бу воситаларнинг барчаси бахшининг дoston куйлашдаги юксак маҳоратидан дарак беради.

Жумабой – Сакрак бахши тўйлар ва сайилларда кўпроқ “Гўрўғли” туркуми дostonларини ижро этган.

Сакрак бахшидан туркумдаги “Тухматташлаган”, “Хандон ботир”, “Гўрўғлининг Дарбандга кетиши”, “Гўрўғлининг ўлими” дostonлари ёзиб олинган ва нашр этилган. Улардан айримларининг аудио ёзувлари сақланган. Бахши дуторда буламон ва ғижжак жўрлигида якка овозда куйлаган. Дostonни тингласангиз бахшининг нақадар иқтидорли санъаткор эканлигига иқрор бўласиз. Насрий баёндан кейин кўшиқ бошлаш олдидан санъаткор аудиторияга қараб буйруқ, даъват, хитоб сингари сўзлардан фойдаланиб боради. Дуторторларини уриб-уриб қўяди ва сўз бошлайди. “Ана энди Гўрўғли этган ишидан пушаймон этиб, ҳар вақтдагидай панд-насиҳатдан сўйлаб, минг тимсоллар келтириб, қазма дуторини олиб, ана икки калима сўз айта берди. Қани кўрик, не деган экан”. (“Гўрўғли”, 267-б.)

Шимолий Хоразм бахшиларининг ижро жараёнида қўллайдиган ўзига хос яна бир анъанаси борки, бу услуб Жанубий Хоразм бахшиларида учрамайди. Улар шеърий қисм бошланиши олди-



дан қўшиқнинг қайси куйга солиб айтилишини эълон қилиб, чолғуни бошлашади. Буни санъатшунос Б.Матёкубов ҳам қайд қилади: “Ширвоний услуб намоёндалари дoston номаларининг қандай аталишини яхши билсалар-да, кўпинча бировга айтишдан сир тутадилар. Эроний (Шимолий) услуб намояндалари баъзида ҳикоя давомида шеър матни келган жойда, номанинг номи-ни ҳам қўшиб айтиб кетишади”<sup>106</sup>.

Шимолий дostonчилик вакиллари Турсун бахши, Сакрак бахшиларда ҳам ўша анъана сақланган. Сакрак бахшиҳам ҳар бир шеърий парчани қўшиқ куйига солиб айтишдан олдин даъват ва хитоблардан кейин Гўрўғли қўлина қазма дуторини олиб “Қўшим полвон” номасига солиб, “...Парини таъриф этиб, тўлиб-тошиб, номани баланд пардалардан олиб яна бир-эки сўз айта берди. Қани эшитайлик, не деб турган экан”. (“Гўрўғли”, 269-б.)

Баъзан бахши бевосита тингловчиларга юзланиб: “Паризод Гўрўғлиға қараб, ақл-идрокдан, панд-насихатдан тимсол келтириб, халойиққа юзланиб, бир сўз айта берди. Ана эшитинг, паризоднинг сўзларини”. (“Гўрўғли”, 271-б.)

Дoston ижрочиси томонидан тез-тез такрорланадиган медиал формулалар мунтазам равишда уни аудитория билан боғлаб туради. Ушбу анъана аслида туркий халқлар бахшиларининг барчасида ҳам истифода этилади. Худди ўша формулалар озарбайжон ашуглари нутқида ҳам кўзга ташланади: “Короғлу Нигарын жанина галди, алды, на дэди”<sup>107</sup>.

Ушбу анъана туркман бахшиларида ҳам тез-тез учрайди: “Гөроғлыны гөрүп, гөвнуни жемлөп, Агарыза багып, баш келеме сөз айдар гөрек, гөр, бак, немелер жөшарка”<sup>108</sup>.

Аслини олганда ушбу медиал формулалар қадимдан келаётган анъана шаклида турғунлашиб бахшиларнинг бир авлодидан иккинчисига ўтиб келаётган стилистик воситалардир. Чунки худди шу кўринишдаги формулалар ўғузларнинг қадимий эпо-си “Китоби дадам Қўркүт”да ҳам фаол қўлланилган. Масалан: “Отаси бу сўзларни айтганда Ўруз сўз сўйлади. Кўрайлик не сўй-

<sup>106</sup> Матёкубов Б. Дoston наволари. – Б.30.

<sup>107</sup> Короғлу. – Бакы, “Элм”, 1959. – Б.113. (508)

<sup>108</sup> Гөроғлы. – Ашгабат, “Туркменистан”, 1980. – Б.88. (638)

лади”<sup>109</sup>. “Қирқ йигит бунда сўз сўйлади, кўрайлик не демиш”<sup>110</sup>. “Она ўғлини қиздин сўрамиш, кўрайлик не деб сўрамиш”<sup>111</sup>.

“Китоби дадам Қўрқут” эпосининг XVI асрларда, дастлабки қисмлари эса VI-VII асрларда шаклланганлигини инобатга олсак, юқоридаги келтирилган медиал формулаларнинг тарихи жуда узоқдан бошланишини тахмин қилиш мумкин. Шу нарса эътиборлики, дoston куйлашдаги оғзаки анъаналар асрлар давомида бахшилар нутқида барқарор сақланиб келган.

Ушбу анъананинг шимолий дostonчиликда кўпроқ сақланиб қолганлигининг сабаби оғзаки ижронинг устуворлиги билан боғлиқ.

### **Боб бўйича хулосаларимиз:**

1. Ўзбек фольклорида дoston жанри ўзининг буюк обида эканлиги, монументаллиги ва кўп қирралилиги билан алоҳида ажралиб туради. Шу сабабли уни фақат профессионал ижрочи-бахшигина куйлай олади.

Бахшилар ўзларининг юксак хотираси, хонандалик қобилияти, бурро нутқи, Худо берган таланти орқали ушбу маънавий бойликни минг йиллар давомида сайқаллаб авлоддан-авлодларга етказиб келишмоқда.

Репертуар, ижрочилик, куй-қўшиқлардаги умумийлик кўзга ташланса-да, ҳудудий яшаш тарзи, турли этногенетик омиллар ўзаро фарқларни, дostonчилик мактабларини вужудга келтиради.

Хоразм воҳаси турли этногенетик қатламларнинг чатишуvidан иборат аҳолидан иборат бўлганлиги учун ушбу ҳудудда дoston куйлаш анъанаси бир хил эмас. Уларни асосан икки анъана атрофида бирлаштириш мумкин.

2. Хоразмнинг Жанубий қисмида қадамданоқ ўзларини сарт тоифасига мансуб деб қаровчи ўғуз шеваси вакиллари яшашади. Аслида уларнинг ажод-авлодлари қадимги хоразмийлар авлоди билан чатишиб кетган.

<sup>109</sup> Китоби дадам Қўрқут. – Урганч: УрДУ нашриёти 2019. – Б.50.

<sup>110</sup> Китоби дадам Қўрқут. – Урганч: УрДУ нашриёти 2019. – Б.73.

<sup>111</sup> Китоби дадам Қўрқут. – Урганч: УрДУ нашриёти 2019. – Б.77.

Бу ҳудуд бахшилари ўғуз лаҳжасида гапиришади. Улар дутор, гармон жўрлигида куйлашган, кейинчалик тор асосий асбоб сифатида расмийлашган. Бахши махсус ансамблга эга. Унинг ёнида буламон, доира ва ғижжак каби чолғу асбоблари жўр бўлади.

Ушбу мактаб дoston куйлари шўх ва жозибадор, унда мақом ва унинг уфорилари ҳам ўз мужассамини топган. Дostonларнинг аксарияти китобий характерга эга ижро 2-2,5 соатга мўлжалланган. Мусиқа куйлари махсус номларга эга. Ҳозирча уларнинг 31 таси маълум. Илгари мусиқа куйлари 70 дан ошиқ бўлган. Бахшилар куйларни Ширвоний деб номлашади.

3. Хоразм бахшиларининг ҳомий пири Ошиқ Ойдиндир. Воҳа бахшиларининг устозлик-шогирдлик анъаналари байналмилал характерда бўлиб ўзбек, туркман, қорақалпоқ бахшилари ўзаро яқин алоқада бўлиб, кўп тиллилик хусусияти сақланган. Суяв бахши уч тилда Бола бахши ва Қурбонбой жировлар икки тилда дoston куйлашган. Хоразм бахшилар ансамбли ёнида масхарабоз ва дорбозлар ҳам иштирок этишган.

Бахшилар репертуарида асосан “Гўрўғли” туркуми шохобчалари, “Ошиқ” дostonлари асосий ўринни эгаллайди. Уларнинг аксарияти қўлёзма қисса-дostonлар орқали ўзлаштирилган. Бироқ, оғзаки бадиҳагўйлик ҳам батамом барҳам топмаган. Оғзаки вариантлар халқона иборалар, юмористик лавҳалар, сўз ўйинлари билан бойитилган.

Жанубий Хоразмда шоирлик ва бахшилиқни бирга қўша олган ижодкорлар ҳам учрайди.

Жанубий дostonчиликда яна бир ўзига хос хусусият борки, айрим бахшилар, хусусан, Бола бахши дoston қўшиқларини доирачи ёки шогирдларидан бири билан жўр овозда куйлайди.

4. Шимолий Хоразмда асосан XVI асрда кўчиб келган Шайбоний ўзбеклари истиқомат қилишади. Улар қипчоқ лаҳжасида сўзлашади. Бу ҳудуддаги бахшилар дуторжўрлигида куйлашади. Унга буламон ва ғижжак жўр бўлади, доира ишлатилмайди. Улар куйларни эроний деб номлашади. Ушбу ҳудудда ҳам куйлар махсус номларга эга бўлиб 34 тани ташкил этади. Уларнинг бир

қисми Ширвоний йўллари билан бирхиллик касб этади. Шимолий дostonчиликда дostonни бошлаш ва ниҳоялаш ҳам алоҳидалик хусусиятларига эга. Бироқ ҳар иккала анъанада ҳам томоша рақс билан ниҳоясига етади.

Шимолий дostonчилик вакиллари воҳага кўчиб келгандан сўнг то XX аср бошларигача ички товушда куйлаганлар. Буни 1822 йилда Хивага келган Н.Муравёв кузатишлари ҳам тасдиқлайди. Шу сабабли улар дастлаб кўбиздан фойдаланишган, сўнг дотор жўрлигига ўтишган.

5. Шимолий дostonчиликда бахшиларнинг бадиҳагўйлик санъати анча фаол кўзга ташланади. Ўз навбатида улар репертуаридаги дostonлар ҳажман анча кенг. Буни Турсун бахши ижрочидаги “Ҳурилиқо ва Ҳамро” дostonининг оғзаки вариантини кўлёзма нусха билан таққослаганда яққол кўриш мумкин. Бахши дoston матнига халқ сўзлашув тилига оид кўплаб фразеологик ибораларни, мақол ва маталларни, учирик сўзларни киритган. Айниқса, унинг ички медиал формулалари эътиборга лойиқ.

Шимолий дostonчиликнинг яна бир вакили Сакрак бахши нутқида ушбу хусусият янада ёрқинроқ кўринади. Унинг сажъ элементларига эътибор қаратиш, аудитория билан мулоқотда бўлиб, даъват, буйруқ, хитоб, сўроқ тарзида алоқа қилиши дoston воқеаларининг тингловчига тўлақонли етказишдамуҳим омиллар бўлиб хизмат қилади.

6. Шимолий дostonчиликдаги ички медиал формулалардан фойдаланиш умумтуркий анъана бўлиб, улар озарбайжон, туркман бахшилари нутқида ҳам мавжуд. Аслида бу усулнинг тарихини қадимги эпосдан излаш лозим. “Китоби дадам Кўрқуд” эпосида ушбу анъана тўлалигича намоён бўлади. Шимолий ҳудуднинг Тўрткўл, Шаббоз ҳудудларида яшаган айрим бахшиларда яна бир анъана борки, уларда бахшилик ва жировлик ижроси биргаликда намоён бўлади. Тўрткўллик Қўшакўр ва Қурбонбой жиров, Шаббозда яшаган Мусо бахшилар айна пайтда кўбиз чалиб жировлик ҳам қилишган.

Икки анъананинг қоришиқ ҳолда учраши ўзаро таъсир ва репертуар алмашиш натижасидир.

## УЧИНЧИ БОБ.

### ДОСТОН ИЖРОЧИЛАРИ РЕПЕРТУАРИ ВА ЭПИК МАҲОРАТ

#### Бахшилар репертуари ва ижрочилик маҳорати

Достон халқимиз бисотидаги буюк обидадир. Унинг асрлар оша сақланиб, аждоддан-аждодга ўтиб келишида кўплаб бахшилар шажарасининг ҳиссаси бор. Шу боисдан ҳам "...кенг мундарижали, чуқур мазмунли, хилма-хил образларга, ранг-баранг бадий воситаларга, архаик ва барҳаёт луғатга, тадқиқотчилар ҳали пайқаб ололмаган грамматик хусусиятларга жуда бой халқ достонларининг асрлар оша сақланиб келишида зўр қобилият эгаси бўлган халқ шоирларининг хизмати ғоят катта ва таҳсинга сазовордир"<sup>112</sup>, деб ёзганида талантли фольклоршунос Ҳоди Зариф мутлақо ҳақдир.

Дарҳақиқат, достон ўз ижрочиси билан тирикдир. Бахши ёки халфа, қолаверса, қиссахон матндаги тафилотга жон бағишлайди. Бироқ, бу ижрочилар орасида бахшига тенглашадигани йўқ<sup>113</sup>.

Чунки бахши кўй, қўшиқ ва бадий нутқни жозибали қилиб бирлаштирган ҳолда аудиторияга етказди.

"Бахши ижросида унинг бетакрор ижрочилик иқтидори, таланти ва мусиқий маҳорати намоён бўлади"<sup>114</sup>.

Шу нуқтаи назардан қараганда, профессионал бахши даражасига эришиш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди.

"Ўзбек халқи ва барча бахшичилик мактабларининг эстетик принципига кўра чинакам халқ бахшиси биринчи навбатда табиий талантга эга, яъни халқона таъбир билан айтганда "Худоберган" бўлиши керак"<sup>115</sup>.

<sup>112</sup> Ҳоди Зариф. Улкан халқ санъаткори. // Эргаш шоир ва унинг достончиликдаги ўрни. – Тошкент: Фан, 1971. – Б.8. (8-40).

<sup>113</sup> Рўзимбоев С.Р. Эпос ҳақида қайдлар. // Сайланма. – Урганч: "Хоразм", 2012. – Б.222. (222-295).

<sup>114</sup> Бозоров А. Вопросы авторства и творческой индивидуальности бахши в узбекском народном дастанном сказительстве. АКД. –Тошкент: 1991. –С.15. (18).

<sup>115</sup> Қаҳҳорова Ш. Бахши эстетик идеали ҳақида. / Ўзбек фольклоршунослиги

Шу боисдан ҳам профессор М.Саидов: “Достон мураккаб санъат асари бўлиб, унинг достон бўлиши учун адабий текст, мусиқа бўлиши, куйловчи ҳофизлик санъатини пухта эгаллаган ва соз черта билиши зарур”<sup>116</sup>, деб ёзади. Албатта, достон ижрочиси юк-сак хотира эгаси бўлиши ҳам шарт ва зарурдир.

Айниқса, Хоразмда достон ижросида соз, мусиқага асосий эътибор қаратилиб, ҳар бир нағма-куй махсус номланган бўлган лигидан куйларни эсда сақлаш бахши зиммасига янада кўпроқ масъулият юклайди. Бундан ташқари бахшида ўз касбига эътиқод, куч-ғайрат бўлиши шарт. Акс ҳолда хоразмлик Суяв бахши Муҳаммад Раҳимхон соний – Феруз даргоҳида “Эрўғли” достонини 21 кеча мунтазам куйламаган бўлар эди. Ҳатто пойариқлик Амин бахши “Алпомиш” достонини уч ой мобайнида куйлаган<sup>117</sup>.

Бундай реал маълумотлар ҳозирда афсонадай бўлиб туюлади.

Бахши маҳорати кўп нарсага боғлиқ бўлиб, аввало анъанадан бошланади. Достон куйлаш анъанаси асрлар бўйи авлоддан авлодга ўтиб келган. Иқтидорли бахшилар уни мунтазам такомиллаштириб келишган. Аммо ижрочининг шахсий маҳорати фақат анъана доирасидагина рўёбга чиқади. Достончиликнинг сир-асрорини пухта билмаган ижрочи ўз маҳоратини намоён қила олмайди. Бу сир-асрор асосан достон композициясида намоён бўлади. Фольклоршуносликда бу ҳодисани эпик қолип деб юритишади. Профессор М.Саидовнинг таъкидлашича, эпик қолип ва анъанавий формулалар от таърифи, пойга тавсифи, сафарга отланган қаҳрамонга ота, она ёки бирор ёши улуғ кишининг насиҳати, йўл бўлсин ва унга жавоб, жанг олдидаги фахрия ёки мақтаниш-манманлик кабилар доимий ўринларда ишлатилиб, достончиликда муҳим ўрин тутади<sup>118</sup>.

Эпик қолип бахши учун тайёр андоза бўлиб хизмат қилади. Агар иқтидорли ижрочи бўлса, ўзи томонидан янги лавҳаларни ҳам қўшиб, сюжетни янада бойитади.

---

масалалари. V том, – Тошкент: 2015. – Б.41. (40-44).

<sup>116</sup> Саидов М. Ўзбек халқ достончилигида бадий маҳорат. – Тошкент: Фан, 1969. –Б.21. (264).

<sup>117</sup> Мирзаев Т. Эпос и сказитель. – С.47-48.

<sup>118</sup> Саидов М. Халқ достонларида эпик қолип ва анъанавий формулалар // Ўзбек филологияси масалалари. Научные труды ТашГУ. вып. 362. – Тошкент: 1970. –С.52.

Эпик қолип дoston композицияси билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Стилистик формулалар эса дostonдан дostonга кўчиб юради. Шу жараёнда тобора сайқаллашиб боради.

Хоразм дostonлари романик характерда бўлганлиги сабабли уларда от таърифи, пойга тавсифи кам учрайди. Ушбу лавҳаларни фақат “Гўрўғли” туркуми дostonларидагина учратиш мумкин. “Ошиқ” туркумида эса эпик от образи йўқлиги учун от таърифи ва пойга тавсифи умуман тушириб қолдирилган.

“Гўрўғли” эпосида Ғиротнинг таърифи жуда кўтаринки руҳда мадҳ этилган. Гўрўғли мўъжизали Ғиротга эга бўлиб, эранлардан фотиҳа олгандан сўнг жўшиб кетиб бедовининг таърифини бошлайди:

*Бедов отнинг таърифини бошласам,  
Шунқорлиги уч ёшиннан баллидир.  
Ҳоримас оёқли, тошдан туюқли,  
Кўзи тоғ бошинда, бўйни ёллидир.*

*Уч ёшиннан қадам қўйса бешина,  
Қашлаганда қўллар етмас бошина,  
Олазарақ боқар дегра-дешина,  
Кишнаганда чиққан саси баллидир.*

*Нор туюдай масдир етти ёшинда,  
Ғанимлари қалтирайди қошинда.  
Баланд-баланд тоғ гўринар тушинда,  
Бургут сифатлидур овда баллидур.*

*Бедов отнинг орзу-жони тандадур,  
Пирим Шоҳимардон, дастим сандадур,  
Гўрўғлибек бир Худоға бандадур,  
Таблада бош бедов ёвда баллидур<sup>119</sup>.*

---

<sup>119</sup> Гўрўғли. – Урганч: “Хоразм”, 2004. – Б.41 (476 )

Бола бахши ижросидаги ушбу дostonда Гўрўғли томонидан от таърифи икки-уч ўринда берилган бўлиб, унда эпик қахрамоннинг эпик отга бўлган садоқати, муҳаббати мадҳ этилади. Ўз навбатида эпик қолип таркибидаги фахриялар, мақтанишлар ҳам кўзга ташланади. Бахши ўз ижросида фахрияларни гўё ўзи ҳақида айтаётгандек иштиёқ билан қуйлайди. Фахрия –мақтаниш-манманликнинг ёрқин кўриниши “Гўрўғли” эпосининг “Бозиргон” шохобчасида келтирилган. Унда Гўрўғли ўзини жуда луғлаган ҳолда таърифлаб, манманликкача бориб етади:

*Ўн саккиз арчин от миндим,  
Миндим, армоним қолмади.  
Зардан тўшаклар устинда,  
Ётдим, армоним қолмади.*

*Саваш гуни қуйруқ эшдим,  
Ғаним билан қўп ташлашдим.  
Душман билан қиличлашдим,  
Чопдим армоним қолмади.*

*Ман сурдим ажаб давронни,  
Танда қўймадим армонни.  
Урушғанда ёв қонини,  
Дўкдим армоним қолмади.*

*Умрим ўтар қолмас боқи,  
Ман газдим яқин йироқи,  
Гўрдим Ширвону Ироқи,  
Юрдим армоним қолмади.*

*Доғлардан жайрон қочирдим,  
Дарёдан отни оширдим,  
Эрамнан пари гатирдим,  
Сурдим армоним қолмади.*



*Гўрўғли дер: от чопдирдим,  
Едди филдан ўқўтирдим,  
Дўстлара шароб ичирдим,  
Ичдим армоним қолмади.*

Ўн тўрт банддан иборат ушбу фахрияда Гўрўғли барча фаолиятини бир-бир мақтаб ўтади. Бахши улардаги мақтаниш ифодасини алоҳида урғу билан ифодалашга ҳаракат қилади. Чунки дostonнинг ушбу жойи сюжет тугуни бўлиб, воқеалар ривожини бошлаб беради. Шу сабабли ижрочи фахриянинг, ўзича мақтанишнинг оқибатинималарга олиб келишини кўрсатиш учун Гўрўғлининг фахриясига Оға Юнус парининг муносабатини сўз орқали ифодалашга ўтади:

“Гўрўғли бу сўзни айтиб тамом қилғоннан кейин, Оға Юнус пари қараса, Гўрўғли сувчисиначамақтади, лекин паризодни дила олмади, Гўрўғли бу сўзни айтиб дурғонда паризод долоннинг у ёқиннан бу ёқина ўтиб, ашулани эшитиб: томоша қилиб дурғон ади.

Паризод Гўрўғлини сўзларини эшитганнан кейин, қописини гумбурдатиб очиб юборди: “Эй, Гўрўғли султон сан на даб мақтаниб ўтирибсан, деди. Ўн икки минг уйли такали туркманам бор, йигирма тўрт минг уйли али илим бор, мани на армоним бор, даб айтасан дади. Қирқ йигитим ёнимда бўлса, олғон ерни олдим, чопғон ерни чопдим даб айтасан, зўрдан зўр кўп, дади. Магарам бир ера борсанг, қазонг етиб ўлсанг, изингда оғадан ининг, отадан зурёдинг йўқ, бу санго бир армон амасми”, деди.

Гўрўғли лол бўлиб ўтирвади, зурёд сўзини эшитиб, мазаси қошиб гетаварди. Саистон вилоятинда Салсолни ўғли Бозиргон даган дўраган акан дади, сани талаб қилиб, галиб, қалъангни бир ҳафта қамал қилиб гетди, бу санго бир армон амасми, деди. Агарда мани сўзима ишонмидўвин бўлсанг, дарвозоға бир хат диқиб гетди, чиқиб олиб гўр на даган акан дади. Гўрўғли шатта ўрниннан туриб, хатни гўриб, Бозиргонни галганлигини билиб, йигитларини чақириб ёнина олди. Йигитларина маслаҳат бариб, йигитларини уруша тайёрлаб отларни зардан забардан эгарлаб, ўқ-ёйларини

ни бўйнина осиб, қалқона чўланиб Гўрўғли Бозиргонни изиннан шарпилдаб отланди”. (“Гўрўғли”, 358-359-б.) Бола бахши насрий баёнда эшитувчиларнинг руҳиятига кириб, бош қаҳрамоннинг ички кечинмаларини тасвирлаш орқали уларга таъсир ўтказди.

Оға Юнус пари эрининг мақтанишига қулоқ солиб, ўзининг номига бир оғиз хушомад сўз айтилмаганидан жаҳли чиқиб, Гўрўғлига Бозиргон рақиби ҳақида хабар беради. Айниқса, Оға Юнус парининг бефарзандлик ҳақидаги сўзи Гўрўғлига жиддий таъсир ўтказди.

Бахшининг ушбу баёни тингловчиларда жиддий эътибор уйғотади. Воқеанинг энди қайси томонга йўналишини бахшидан орзиқиб кутишади. Шу тариқа дoston воқеалари ўз ривожига чиқа бошлайди. Бахшининг бадий нутқдаги маҳорати аудиторияни тўла дoston воқеалари ичига олиб киради. Барча дoston ижрочилари ҳам асар воқеаларига аудиторияни тўла ром қила олмайди. Бунинг учун бахши соз ва сўз қудратини ўзида жамлаган бўлиши, юксак талант ва маҳорат эгаси сифатида шаклланиши зарур.

Бола бахши – Қурбонназар Абдуллаев оғзаки бадий нутқда турли стилистик усулларга мурожаат қилади. Айниқса, “Гўрўғли” туркуми дostonлари ижросида бадий нутққа кўпроқ эътибор қаратади.

Диалог персонаж характерини, ички туйғусини очиб беришда асосий омил бўлиб хизмат этади.

“Гўрўғлининг уйланиши” дostonида Оға Юнус пари билан Гўрўғлининг учрашуви эпизоди бўлиб, унда Оға Юнус пари Гўрўғли билан Чамлибелга йўл олмоқчи бўлади. Ўшанда унинг энага кампир билан ўзаро сўзлашув саҳнаси бахши тилидан диалог шаклида жуда таъсирчан ифодаланган. Парча келтирамиз:

“Дарров хизматкор кампирни чақирдилар. Хизматкор кампир дешона чиқиб, Гўрўғлига бир қарадидон ортина қайтаварди. Га-либ паризода айтдики, эй Оға Юнус паризод, душингда гўрган одамзод шуми, дади.

– Топ ўзи, шу, – дади паризод.

– Агар шу бўладовин бўлса, сан мани сўзима қулоқ сол, – дади кампир.

– Аммо лекин сўзимни қабул қилсанг ҳам ихтиёринг қилманг ҳам ихтиёринг ўзингда, дади кампир.

– Қани на гапинг бўлса айтавар, – дади паризод.

– Агар айтсам, – дади кампир, – бу галган одамзоддур, сан паризодсан. Одамзод тупроқдан, паризод нурдан яралган, сизлар бир-биринга ҳеч дўғри галмисан, – деди кампир.

– Йўқ, – деди паризод, ман рост душимда шунго ал бардимми, тупроқми, дошми шунго ўз танимни бахш этаман, дади паризод. Шунда кампир айтдики, одамзоднинг бошқа ҳунарлари ҳам бор. Сан одамзода борсанг, харос қўшасан, ер ағдарасан, нон ёпасан, майдоннан тазак йиғнисан, ўжоқа ўт ёқасан, бу ишлар санинг алигнан галавўлармакин, дади кампир.

– Розиман – дади паризод.

– Агар сан мунга рози бўлсанг, одамзоднинг яна бир ҳунари бор, мунго рози бўлмассан, – дади кампир.

– На ҳунар акан, дади паризод.

– Бу одамзод дагани бир-икки хотина қанот атмиди, устинга ўйланади, ёр сўвади, – дади кампир. Ҳамма гапа рози бўлиб дурган паризод шу ера галганда сал ўйланиб қолди.

Гўрўғли қопида дурип бу гапларни эшитиб дурвади. Охирги гапдан сўнг паризоднинг иккиланганини кўриб, сал мазаси қочди. Кампирни бу гапина ишониб ишни бузжоқ-ов, бу дап, паризода қараб, кўнглини гўтариб” (“Гўрўғли”, 65-б.)

Икки аёлнинг ички кечинмаси диалог шаклида жуда таъсирчан ифодага тортилган. Унда аёлларга хос бўлган андиша, хавотир, эҳтиёткорлик, ташвиш, рашк, севги, изтироб каби турли туйғулар аралашиб, оилавий-маиший ҳаётга оид картина юзага келган. Аммо охир-оқибат севги-муҳаббат буларнинг барчасидан устун келади. Бу лавҳани бахши табиий, равон бадий нутқ орқали баён қилади. Энг асосийси, аёл туйғусига жиддий таъсир этадиган нуқтани ижрочи аниқтопа олган. Оға Юнус пари энаганинг айтган барча эътирозларига бефарқ қарайди. Бироқ, “Одамзоти бир-икки хотинга қаноат қилмайди, устинга хотин олади”, деган сўзини эшитгач, иккиланиб қолади. Ушбу эпизод аёлнинг руҳий ҳолатига алоқадор бўлиб, бахши уни қаҳрамон ички туй-

ғусини ёритиш учун киритган ва реал картинани намоён қилиб, тингловчиларда ҳаётий туйғу уйғота олган. Чунки аудитория аҳли Оға Юнус парининг қайси томонга ризолик билдиришига қизиқиб, унинг Гўрўғли билан бош қўшишига ҳайрихоҳ сифатида қарашади. Бола бахшининг бадий нутқида киноя, қочирим, шама, кесатик каби лексик усуллар ҳам кўп учрайди. Унинг репертуарида “Гўрўғли” туркуми дostonлари асосий ўринни эгаллайди. Оғзаки нутқ негизида намоён бўладиган бадий тасвир ижрочи маҳорати орқали ўзининг рангин қирраларига эга бўлган. Унда Хоразм халқининг оғзаки сўзлашув нутқидаги миллий кесатиқ ва киноялар фақат ўғуз лаҳжаси вакиллари лексикаси билан алоқадордир. “Авазхон” дostonидаги бадий нутқда тилнинг лексик маънодорлиги бахши маҳорати орқали оригинал тарзда намоён бўлган.

Дostonда ҳикоя қилинишича, Гўрўғли Гуржистон подшоси Хунхоршоҳ қўлига асир тушган Авазхонни озод қилиш учун қаландар қиёфага кириб душман элига етиб боради. Хунхоршоҳ билан учрашиб туркий лаҳжада ўз мақсадини баён қилади.

“Подшоҳ сўзни диққат билан тинглаган бўлса ҳам сўзнинг маъносига ета билмас эди. Гўрўғлининг туркий тилда айтган сўзлари унга сира ҳам тушуниксиз бўлди. Шунинг учун “Гўрўғли” менинг илтимосим билан ажойиб бир сўз билан ғазал ўқиди”, – деб фаҳмлаб сўз тамом бўлгач, Гўрўғлига қараб “Баракалло, қаландар, бизни жуда хурсанд қилдинг”, – деб бениҳоя шод бўлди ва Гўрўғлига юзланиб:– Эй қаландар сандан яна бир талабимиз бор, – деди. Гўрўғли айди:– Талабингизни сўранг, – деди.

Анда Хунхоршоҳ:

– Биздан давлат кетмайдиган, ишимиз орқасига қайтмайдиган ҳамма қилган еримиздан олиб, олдирмай қайтадиган, кўнглимиз нимани истаса битадиган қилиб, семиз бир фотиҳа беринг, ундан сўнг сизни қўшингизни қаландархонага жойлаймиз, ёғ еб, яланғоч ёта берасиз, – деди. Гўрўғли деди:

– Тақсир, сиз билан бизнинг орамизда, тушунишимизда анча фарқ борга ўхшаб турибди. Шунинг учун биз сизга фотиҳа берсак, фотиҳани ҳам тесқари бўлиб чиқмоғи ёки сиз у фотиҳани ҳам

қўшиб маъносига тушунмагандай тушуна олмай орамизда хафачилик туғилиб қолмасин, деб қўрқаман, – деди.

– Сиз нима десангиз деяверинг, фақат биз омин деяверамиз, аммо фотиҳангизга биз айтган талабларни қўшиб айтсангиз бас, – деди.

Шунда Гўрўғли “ажаб бўлур” деб қўлини терс ёнини қўтарди: “Ўлингга умр, тиригингга қиргин”, – деди. Хунхоршоҳ ва амалдорлари қўл қўтариб “омин” дедилар”.

Бахши ушбу лавҳани ҳикоя қилар экан, тингловчиларда юмор ҳиссини уйғотади. Подшоҳнинг овсарлигидан кулиб, воқеаларга эътибор билан кулоқ тутишади. Бахши эса давом этади: “Яна: “Бизларга йўл очиқ, санга ич оғриқ”, – деди. Подшоҳ ва амалдорлар ҳам баландроқ товуш билан “омин” дедилар.

Яна: “Бизларга давлат, санга кулфат”, деди ҳаммалари “омин” дедилар. Гўрўғли яна шунга ўхшаш бир қанча сўзларни айтиб, қўлини юзига олиб борган эди, подшоҳ, амалдорлар ва шу ерда тўпланганлар ҳам “омин” деб юзларига фотиҳа тортдилар.

Сўнг подшоҳ хизматкорларга қараб:

– Булар аслзода одамлар эканлар, буларга бош-оёқ сарупо келтиринглар, – деди. Саруполар тездан олиб келинди. Уларга кийгизилгач, яна подшоҳ буюрди: “Буларни қаландархонага олиб бориб хизматларини бажо келтиринглар”, – деди.

“Қаландарлар” қаландархонага олиб борилиб, чандон хизматлар билан меҳмон этилдилар.

Сўнг Гўрўғли йигитларига айтди:

– Еб ичиб, тинч ёта бермоқ ғўч йигитга муносиб эмас. Шунинг учун сизлар ҳозирча фароғатда бўлиб бир оз дам олиб туринглар, мен чиқиб уёқ-буёқни бир борлаштириб келай, – деди. Йигитлар “ажаб бўлғай” дедилар. Гўрўғли Ғиротни миниб чиқиб кетди. (“Гўрўғли”, 121-122-б.)

Ушбу лавҳада Гўрўғлининг Хунхоршоҳни лақиллатгани, кесатиқ сўзлар билан мазах қилгани тингловчиларга ҳузур бағишлайди. Достон куйлашдан мақсад ҳам кишиларда завқ-шавқ уйғотишдир. Достончи бахшининг маҳорати шу ердаки, у халқ сўзлашув нутқида ишлатиладиган учирик ва қочирик сўзларни

яхши билади ҳамда ўз ўрнида санъаткорона қўллайди. Юқоридаги кўчирмада “Бизларга йўл очиқ, санга ичи оғриқ”, “Бизларга давлат, санга кулфат” каби қарғиш мазмунидаги қофиялашган тайёр иборалар ўғуз лаҳжасида сўзлашадиган аҳолига яхши таниш. Шу сабабли тингловчилар иборалар маъносини дарҳол илғаб оладилар ва ундан таъсирланадилар.

“Гўрўғли” эпосида юмористик лавҳалар жуда кўп бўлиб, уларни бахши маҳорат билан ҳикоя қилади. “Қирқ минглар” шохобчасида Авазхон Ғиротни миниб кетиб, душманга асир тушади. Натижада отни Карам дали деган душман саркардаси миниб олади. Отга бир қамчи уради. “Ғирот осмонга зингиб Чамлибел қалъаси томона қараб ўта кетди. Карамдали кўрқиб “дод” деб қичқирмоқчи бўлди. Аммо овози чиқмасдан қолди. Бир вақт эгардан оғиб зангига илиниб боши тўман, оёғи осмон бўлиб келаварди.

Гўрўғли 40 йигити билан Юлдуз тоғини тагига келавериб, бирдан Ғиротга кўзи тушди. Унинг остида бир гавда соллониб галаётир. Авазхонга мангзамайди. От яқин галгандин сўнг қараса, гўрдан чиққан гўлоҳдек бир бало от тагида осилиб турибди. Карам дали Гўрўғлини гўриб дағ-дағ қалтираб айтдики, “Эй оғалар, ино отни олиб қочиб ўзларингизга олиб галдим, соғ-саломат топширдим.

– Ахир сан отни олиб галган бўлсанг, нечун ошоқда осилиб ётибсан, деди Сафар кўса.

– Ай инди оға, Гўрўғлини ўтирган жойина ўтиришни услиб топмадим, – деди дали. (“Гўрўғли”, 180-б.)

Ушбу лавҳадаги тасвирда ҳам бахши юморга урғу бериб, тингловчида кулгу уйғотади.

Бахши нутқида фразеологик иборалар мақол ва ҳикматли сўзлар ҳам катта ўрин эгаллайди.

Достон воқеалари тасвири жараёнида ҳар бир вазиятга мос ибора танланади.

**Ўхшатиш:** “Арининг инини бузгандан” ...муболағалар “Гўрўғлининг ўлиги ўн йигитга той келади”, “Дарёнинг бўйини қора чивиндай лашкар босиб ётибди”.

**Фразеологик иборалар:** “Ичини ит тоталаб турди” (Ташвишланмоқ), кади-кадига қоқилишгандай каллалар юмаланаварди,

ганимлар тут тўкилгандай тўкилса ҳам, қоринжа дориғандай изи адо бўлгани йўқ.

**Ўхшатишлар:** эгасини йўқотган кучукдай, пишик сичқонга тўпилганидай, экинга чигиртга дориғандай, сичқонни қочирган пишикдай.

Достондаги бадий нутқда бахши халқ сўзлашув тилига мансуб турли ибораларни қўллар экан, воқеаларга жон киритади, уларнинг таъсирчанлигини юксалтиради, ўз навбатида тингловчида завқ-шавқ уйғотади. Шуни таъкидлаш лозимки, юқоридаги ўхшатишлар достондаги образлар тийнатиани тасвирлашда унга жуда мос ҳолда танланади. Аксарият ҳолларда масхарали ўхшатишлар салбий образлар қиёфасини ифодалашда ишлатилади. Ўхшатиш маъноси билан алоқадор ибораларда турли конструкцияларга мурожаат этилади. Ижобий образларга нисбатан ўхшатиш воситаси назокатли сўзлардан танланади: “Оға Юнус пари сўзини айтиб тамом қилди. Гўрўғли бу сўзларни эшитиб сариеъ эригандай эриди”. (“Гўрўғли”, 193-б.)

Бола бахшининг бадий нутқида турли иборалар мақоллар билан биргаликда ишлатилиб, маънодорликни янада кучайтиради. “Сафар кўса йигитларга қараб айтдики, бу гапларинг бўлмас, шашап, деб ўтирмасдан турунг, отни эгарланг, ақли ўйлангунча, тентак сувдан ўтади”. (“Гўрўғли”, 253-б.)

Достон матнида халқона ибораларнинг фаол ишлатилиши унинг бадий-эстетик таъсирчанлигини оширади. Аудиториянинг эътиборини тортади. Албатта, бундай услуб бахшидан юксак талант ва маҳоратни талаб қилади.

Хоразм достонларининг аксарияти қўлёзма тарзда оммалашгани сабабли матнда қисқалик мавжуд, ўз навбатида уларда халқона иборалар, мақол ва ҳикматли сўзлар, сажъ тузилмалари анча кам.

Оғзаки тарқалган достонларда шеърий парчаларга қараганда насрий матнларнинг салмоғи катта. Улар таркибида турли тасвирий воситалар кўп ишлатилади<sup>120</sup>. “Гўрўғли” туркуми достонларида ушбу ҳолат яққол кўзга ташланади. Айниқса, бола

<sup>120</sup> Рўзимбоев С. Хоразм достончилиги эпик аъёнаналяри. – Б.13.

бахши куйлаган шохобчаларда тасвирийлик анча салмоқлидир. Уларда сажъ тузилмаларининг ноёб шакллари учрайди: “Жиғолибекнинг... кўнгли бузилиб, юрак-бағри эзилиб, мусофирчилиги сезилиб, гўзларина ёш тизилиб, Худога нола қилиб, бир шеър айтди”. (“Гўрўғли”, 26-б.)

Ушбу сажъ тузилмасида Жиғолибекнинг руҳий ҳолатига мос қофиялашган сўзлар танланиб, матннинг бадиий баркамоллиги таъминланган.

Бундай тасвир Гўрўғли руҳиятини ёритишда ҳам муносиб қўлланилган. “Гўрўғли... ёниб-куйиб, бу дунёдан тўйиб, ҳамма нарсани қўйиб, зулм-зўровонликларга қалбида кек уйғонганини туюб, ҳолини баён, кўнглини аён қилиб, юраклари яро, жигар-бағри пора бўлиб бир шеър айтар бўлди”. (“Гўрўғли”, 35-б.)

Достон ижрочисининг маҳорати яна шу ерда кўринадики, сажъ тузилмасидан кейин айтиладиган шеър мазмуни образ руҳиятини янада тўлдиради. Бунга шеърий парча ижроси учун танланган мусиқа оҳанги ҳам ёрдам беради.

Бахши воқеаларни баён этар экан, насрий баён, шеърий матн, мусиқий оҳангни бир бутун ҳолда намоён этишга ҳаракат қилади. Унинг ушбу маҳорати тингловчилар қалбини ром қилади.

Достон матнини қайта ишлаб, уни бадиий-эстетик томондан юксалтиришда бахшининг ҳиссаси жуда катталиги маълум.

Бола бахши Абдуллаев ижросида ёзиб олинган “Гўрўғлининг дўрайиши” достонида унинг ижрочилик маҳорати айниқса яққол намоён бўлади. Асар 40 саҳифадан иборат бўлса-да, унинг таркибида 31 та тасвирий иборалар, мақол ва ҳикматли сўзлар, сажъ тузилмалари қўлланилган. Уларнинг 13 таси шеърий парчаларга сингдириб юборилган. Бадиий тасвир воситалари бундан мустасно.

Ушбу достонни унинг қўлёзма нусхасига солиштирганда матндаги қайта ишлаш янада яққолроқ кўринади. Тадқиқотларда таъкидланишича, “Гўрўғлининг дўрайиши” достонининг қўлёзма нусхаси жуда қисқа. Унга Гўрўғлининг уйланиши воқеалари ҳам қўшилган ҳолда берилган бўлиб, 30 саҳифага яқинлашади<sup>121</sup>. Демак, оғзаки вариант Бола бахши томонидан му-

<sup>121</sup> Рўзимбоев Х.С. Рўзимбоев С.Р. Хоразм “Гўрўғли” эпоси. – Урганч, “Хоразм”, 2016. – Б.41 (192)



каммал тарзда қайта ишланиб, икки бараварга кўпайган. Энг муҳими дoston халқона талқинга эга бўлиб, ўз таркибига оғзаки нутққа хос бўлган соддалик, халқчиллик, юксак бадиҳагўйлик хусусиятларини ўзида тўла мужассамлаштирган. Ёзма нусхадаги архаик сўзлар, турли айланмалар, ортиқча муножотлар тушириб қолдирилган. Бироқ, дostonларда баъзан қўлёзма нусхага хос лексика ва турли услубий хусусиятлар ҳам акс-садо беради. Масалан, биз сўз юритаётган дostonда 7 байтдан иборат ғазал сақланиб қолган. Шунингдек, “Одибек касал бўлиб, дорилфанодан дорилбақога рихлат қилди”, каби жумлалар, алғараз, орий, деган айрим сўзлар учраб қоладик, бу ҳолат бахшининг қўлёзма нусхадан хабардор эканлигини тасдиқлайди. “Гўрўғли” дostonлари қаҳрамонлик-романик характерга эга бўлиб, эпик от, эпик қаҳрамоннинг бошқа элларга сафарга чиқиши, жанг эпизодлари тасвирланса-да, негaдир қаҳрамоннинг хайрлашув, йўл бўлсин, савол-жавоб каби саҳналар билан боғлиқ фаолияти деярлик берилмайди. Аксинча, “Ошиқ” туркуми дostonларида бундай саҳналар тез-тез кўзга ташланади. “Гўрўғли” туркумида фақат “Хирмондали” шохобчасидагина Гўрўғлининг Рум шаҳрига кетишидан олдин Оға Юнус пари билан хайрлашув саҳнаси берилгангина холос.

Бола бахши репертуаридаги “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” дostonида “Йўл бўлсин” ва “Хайрлашув” саҳналари яхши ва таъсирчан берилган.

Шуни ҳам айтиш керакки, Бола бахши “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” дostonини ҳам қўлёзма қиссадан ўқиб-ўрганган ва сюжетни мухтасар равишда қайта ишлаб унинг оғзаки вариантини яратган.

Мазкур дoston энг қадимги ва энг машхур асарлардан бири бўлиб, Хоразм минтақасида кенг оммалашган.

Биз юқорида тилга олган эпик қолип элементларининг барчаси ушбу дoston композициясида тўла ўз ифодасини топган. Дostonдаги Ғариб образи бахши-ошиқ тимсолида берилган. Шу сабабдан бўлса керак ушбу тоифа дostonларда эпик от образи ҳам учрамайди. Ғариб шу боисдан доимо пиёда кезади. Унинг Шоҳаббос томонидан қувғин қилиниши саҳнасида “йўл бўлсин”,

“хайрлашув” лавҳалари берилган бўлиб, дoston композииясида асосий ўринни эгаллайди. Ушбу анъана асосан экспозициядан кейиноқ воқеани рўёбга чиқара бошлайди. Бахши анъанавийлик доирасида образлар руҳиятини намойиш этувчи бундай шеърини парчаларни мусиқавий қолипга тушириб, таъсирчан оҳангда ижро этади. “Хайрлашув”ни Ғариб бошлайди:

*Хуш қол энди жоним онам,  
Мен бундан кетмали бўлдим.  
Шоҳ Аббос хоннинг дардидан  
Бош олиб кетмали бўлдим.  
Ғариб айтар, қариндошим,  
Куяр бўлди, ичи-дошим,  
Энди ёт элларда бошим,  
Юрт ошиб кетмали бўлдим.*

Эпик асарларда эпик қаҳрамоннинг синглиси образи анъанавий тарзда иштирок этади. Мазкур дostonда ҳам Ғарибнинг синглиси Гулжамила оғасидан йўл бўлсин сўраб, мурожаат қилади:

*Орадан бир сўз ўтмайин,  
Жон оғам, қайга борасан?  
Ўн гулдан бир гул очилмайин,  
Жон оғам, қайга борасан?*

*Юрагимни ўта доғлаб,  
Иқболима қора боғлаб,  
Гулжамила қонлар йиғлаб,  
Жон оғам, қайга борасан?*

Ғарибнинг онаси эса шоҳ Аббоснинг зулмидан юраги пора бўлиб, ноилож равишда ўғлига “оқ йўл” тилайди:

*Ҳасан вазир ўлди, санга сиғиндим,  
Болам сени ўз бахтингга топширдим.*

*Бир неча вақт бўйинг кўриб қувондим,  
Ғариб, сени ўз бахтингга топширдим.*

*Кўзимнинг равшани нурим сен эдинг,  
Қаторда суюнган норим сен эдинг,  
Бахту саодатим, борим сен эдинг,  
Болам, сени ўз бахтингга топширдим.*

*Душман юзи қора бўлсин орада,  
Мени қўйди бир туганмас балода,  
Ободон дер, етолмадим мурода,  
Ўғлим, сени ўз бахтингга топширдим<sup>122</sup>.*

Шу ўринда яна бир нарсани ҳам айтиб ўтишга тўғри келади. Бола бахши биз мисол келтирган оғзаки вариантни ёзма нусха орқали ўзлаштирган ва замона зайли билан айрим мисраларни ўзгартиришга мажбур бўлган. Юқорида Ободон кампирнинг ўғлига қараб айтган шеърининг парчаси ёзма нусхада бошқача тарзда берилган:

*Душман юзи қора бўлсун орада,  
Бизни қўйдинг сан туганмас балода,  
Онанг айтур, етолмадим мурода,  
Болам, сени бир Оллоға топширдим<sup>123</sup>.*

Шўро даври мафкураси бахшиларни жиддий кўрқувга солиб қўйганини ушбу мажбуран “қайта ишлаш”дан ҳам билса бўлади. Бундай ўзгартиришларни бошқа дostonлар матнида ҳам учратиш мумкин. “Бозиргон” дostonида шундай мисралар учрайди:

*Бозиргон олди ҳойимни,  
Уриб синдирди ёйимни,  
Ёд этайин Худойимни,  
Ман Бозиргона учрадим. (“Гўрўғли”, 362-б.)*

<sup>122</sup> Ошиқнома, IV китоб, – Урганч: “Хоразм”, 2009. – Б.20-21. (354)

<sup>123</sup> Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам. – Тошкент: “Ғафур Ғулом” НМИУ, 2015. –Б.44. (355)  
Нашрга тайёрловчи: Отамурад Пирматов.

Архивимизда Бола бахши ижросидаги “Бозиргон” достонининг телевидение орқали берилган аудио ёзуви бор. Бахши уни 1972 йилда ижро этган. Агарда уни тинглаб эътибор берсангиз юқоридаги тўртликнинг учинчи мисрасидаги “Худойимни” деган сўзни айтишга қўрққанлиги шундаёқ сезилади. Негаки, бу сўз “ҳаҳойимни” тарзида талаффуз қилинган. Шўро мафқурасининг таҳликали таъсири шу тариқа кўплаб достонларнинг таркибидаги сўзларнинг ўзгартирилишига ёки тушириб қолдирилишига сабаб бўлган. Шу сабабли шўро даврида ёзиб олинган оғзаки вариантларни нашрга тайёрлашдан олдин ёзма ва тошбосма нусхалардаги матнларга солиштириб чиқиш яхши натижа беради.

Бола бахши “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” достонини куйлар экан, ижрочилик маҳоратини яна бир бор намоиш эта олган. Достон матни жуда қисқартирилган бўлишига қарамай унинг бадий баркамоллигини сақлаб қола олган. Достоннинг қўлёзма нусхаси жуда катта ҳажмга эга бўлиб, унинг 2006 йилда нашр этилган матни 138 китоб саҳифасини эгаллаган. Оғзаки вариант эса атиги 20 саҳифани ташкил этади.

Аслида бу достон монументал характерда бўлиб, унинг ёзма нусхалар асосида О.Пирматов тайёрлаган варианты 330 саҳифадан иборат. Хоразмда ҳажм жиҳатидан ҳам, бадийлик ва оммавийлик жиҳатидан ҳам ушбу достонга тенглашадигани йўқ, десак муболаға бўлмайди. Бола бахшининг С.Рўзимбоев томонидан ёзиб олинган хотираларида айтилишича, қадимда “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” достонини ёддан билмаган бахшини бахши ҳисоблашмаган. Бола бахши эса ушбу достонни жуда маромига етказиб куйлаган. Унинг куйлаган варианты шўро даври мафқураси қонун-қоидалари асосида жуда сиқик ҳолга келтирилган. Бироқ, шуни таъкидлаш жоизки, бахши достоннинг насрий қисмини жуда усталик билан қайта ишлаган. Одатда, Хоразм достонларидаги шеърий парчаларга ўзгартиш жуда кам киритилади. Бу ҳодиса анъанага айланган. Насрий қисм эса ҳар бир бахшининг иқтидорига боғлиқ ҳолда қайта ишланади. Бола бахшининг маҳорати шундаки, достоннинг финалидаги энг драматик лавҳани юморга йўғрилган ҳолда усталик билан тингловчиларга тақдим

қила олган. Бу сахнада 7 йиллик дарбадарликдан қайтган Ғариб Шоҳсанамнинг тўйи устига келади ва ошиқ-бахши қиёфасида ёниб-куйиб қўшиқ айтади. Қўшиқлардаги айрим қочиримлардан Шоҳсанам унинг Ғариб эканлигини таниб, кўшқдан унинг устига ўзини отади:

*Шоҳсанам дер, Шохаббоснинг қизиман,  
Қон йиғлатиб ёш тўқдирдинг кўзима.  
Қарорим йўқ ташлар бўлдим устинга,  
Сенинг келганингни била билмадим.*

Шундан сўнг Шоҳсанам Ғарибжоннинг қучоғига ўзини ташлади. Ҳамма ер талотўп бўлиб кетди. Лекин ҳеч ким буларни бориб ажратишга ботина олмади. Шоҳсанам шунда яна Ғарибжонга, халққа қараб беш калима сўз айтар бўлди:

*Қурбон бўлай ёр бўйига,  
Қўлимни солай бўйнига.  
Ғариб Санамнинг қўйнига  
Кирса керак ибо билан.*

Бу сўздан кейин Шоҳсанам кўшқнинг зинасидан ўзини Ғарибнинг устига отди. Ғарибжон Шоҳсанамни ерга пешини ҳам теккизмасдан икки қўллаб қопчиб олди. Иккиси – бири у ёққа, бири бу ёққа беҳуш бўлиб йиқилиб қолдилар. Ғариб деган ашуланининг устига Шоҳсанам кўшқдан ўзини ташлади, деб дарров подшоҳга хабар бердилар. Боринг, иккаласини ҳам дорга осинг, деб фармон берди подшо. Тўйга йиғилган халқнинг ҳаммаси подшонинг олдига бориб: Подшоҳим, сиз уларни осиб ҳам билмассиз, ўлдириб ҳам билмассиз, улар бир-бирига ошиқ дедилар. Ўзингиз томдан отилган қовунни ҳам қопчиб ола билмассиз. Ғариб қирқ газлик кўшқдан ташлаган Шоҳсанамнинг бир пешини ҳам ерга теккизмасдан қопчиб олди, дедилар.

Тамоми халқ Ғариб билан Санамжон томонда бўлдилар. Подшонинг бир ўзи бир томон қолди. Не қиларини билмаган подшо:

Эй халойиқ, Бу тўй Ғариб билан Санамники бўлсин, деди. Ўртада бир жарчи чиқиб, бу тўй Шоваладнинг эмас, Ғариб билан Шоҳсанамники, деб қичқираверди.

Шунда Ғарибжон энди хотиржам бўлиб, халққа қараб беш калима сўз айтар бўлди:

*Шум рақиблар бизни ёмон бўлдирди,  
Ўлмагимдан айрим қор манго найлар?  
Кечибман жонимдан, гул армонимдан,  
Энди номус билан ор манго найлар?*

Достон финалидаги ушбу лавҳа тингловчиларда юксак оптимистик кайфият уйғотади. Ғарибнинг ўз ёрини ерга теккизмай илиб олиши, икки ёш севгисини халқнинг олқишлаши ва халойиқнинг фикри подшо ҳукмидан устун келиши достонлар финалидаги “мурод-мақсад”га етиш мотивининг рўёбга чиқишини таъминлай олган. Айниқса, финалда Ғариб ва Шоҳсанам томонидан айтилган қўшиқ парчалари истаган қалбни жунбишга келтиради:

*Кечалар қон йиғлаб, кундуз тинмишам,  
Ичиб, ишқнинг шаробиннан қонмишам,  
Ғариб айтар ишқ ўтина ёнмишам,  
Жафолар чекмасам, ёр манго найлар?*

Бу сўздан кейин Шоҳсанам ҳам ёрига қараб, уни боғ сайрига таклиф этиб бир сўз айтган экан:

*Кел, Ғарибим, гашт этали бу боға,  
Булбул кўрсин гулнинг томошасини.  
Қўй лабинг лабима, дудоқ дудоға,  
Тиллар кўрсин болнинг томошасини.*

Ғарибнинг “жафолар чекмасам ёр манго найлар”, деган хитоблари “жафо чекмаганга жонона қайда?” мақолини эсга солади. Шоҳсанам тилидан айтилган қўшиқ эса 5 банддан иборат бўлиб,

унда қизнинг қалбидаги юксак эҳтирос намоён бўлади. Биз юқорида битта бандни келтириш билан чекландик. Бахши ҳам ушбу кўшиқларни кўтаринки ҳиссиёт билан куйлаб, тингловчи қалбига етказди. Шеърлар бадий жиҳатдан жуда мукамал ишланган. Достонни бирорта бахши Бола бахши даражасида маромига етказиб куйлай олган эмас. Ҳар қандай профессионал касб маҳоратни тақозо қилади. Айниқса, санъат масаласида маҳорат асосий омил бўлиб ҳисобланади. Юксак маҳоратга эга бўлмаган санъаткор халқ орасида машҳурлик қозона олмайди. Чунки маҳорат бўлиши учун бахшида илоҳий талант бўлиши керак.

XIX асрда Пўрси достончилик мактабига асос солган Суяв бахши мактабининг машҳур вакилларида бири манғитлик Аҳмад бахши Матназаровдир. Мазкур бахши илоҳий талантга эга бўлган иқтидорли, бадиҳагўй шоир сифатида танилган.

Аҳмад бахши ҳамиша ёнида буламончи Худойберган Ўтаганов, туркман миллатига мансуб ғижжакчи Оллош Муродов, Масхарабоз Юсуф Полвоновлар билан бирга юрган. Унинг ғижжакчини туркманлардан танлашининг ҳам сабаби бор. Аҳмад бахшининг невараси Музаффар Аҳмаднинг айтишича, Оллош бува –Аҳмад бахшининг сўнги икки йиллик ҳаётидаги ажралмас ҳамроҳи бўлган одам. Устози туркман бўлган ўзбек бахшилари ўзларига туркман созандалари ичидан ғижжакчи танлаганлар. Туркман ғижжакчилари нафақат Ўрта Осиё, балки бутун Шарқда –Эрон, Афғонистон, Ироқ, Курдистонда донг таратганлар, уларнинг халқ орасида қозонган шухратлари бахшилар қозонган шухратдан кам эмас. Уч торли туркман ғижжагининг ноласини эшитган мисиз –суяк-суягингизга буров солиб ингратади<sup>124</sup>! Оллош Муродов Аҳмад бахшини акам деб атаган. У киши устозининг қамоққа олинган кунини шундай хотирлайди:

– Манғитдан чиққанимизгаям ўн-ўн беш кун бўлиб қолган эди. Аввал туркман овулларида тўй совуб, шундан сўнг Гурлан томонларга ўтдик. Қайси ой эканлиги ёдимда йўқ, хулласи – Гурланда эдик, изимиздан бир одам бизларни топиб келди: Воқимдаги Йўлдош чўлоқ қизи Ҳалимага оёқ тўй бераётган экан,

<sup>124</sup> Қирқ минги бахшидир, қўлинда сози. “Шарқ юлдузи”, – Тошкент: 1992. –№. – Б.190.

шунга ҳамма бахшиларни чақираётган экан, дарров кўшни кўшиб йўлга тушишимиз керак экан. Бу гапни эшитиб гурланликлар жуда хафа бўлишди: “Ўзларимиз неча ойлардан бери Аҳмад бахши келади, деб тўйларимизни сизларнинг келишингизга қаратиб қўйган эдик, бир ҳафтагача рухсат йўқ, кетмайсизлар”, – дейишди. Шунда акам айтди: “Ҳов Гурланнинг улли-киччи жамоаси, бизнинг ҳам кетиш ниятимиз йўқ, лекин биз бахшиларнинг “Йўлдош чўлоқ тўй берадиган бўлса, ким қаерда бўлишидан қатъи назар, етиб борамиз”, деган сўзимиз бор эди, ваъдамиздан чиқмасак бўлмас, бизга рухсат беринг, бугун кетсак, тўйни совуб, Худо хоҳласа уч кундан кейин қайтиб келиб, яна шу ерда тўй-томошангизни давом эттираверамиз”. Шундан сўнггина гурланликлар қайтиб келиш шарти билан, ноиложликдан рухсат бердилар. Манғитга қараб йўлга тушдик. Воқимга келиб, Йўлдош чўлоқнинг уйига кирганимизда бахшиман деганнинг ҳаммаси тўпланган экан. Гурра туриб акамни тўрга олдилар..

Суҳбатдошим – етмишлардан ошган туркман оқсоқоли Оллош ғижжакчи. Оллош Муродов ўн тўрт ёшида Аҳмад бахшининг ёнига шогирд бўлиб келади. Икки йигит бахшининг ёнида ғижжак чертиб, созандаликдан одамийликдан таълим олади. “Устоз – отангдан улуғ” деган ҳикмат бу инсоннинг қон-қонига сингиб кетган, у ўз устозиҳақида хотирлар экан, худди ибодат қилаётгандай оёқларини тиз букиб, икки кўлини тиззалари устига олади. Мен унинг оғзидан чиққанини қолдирмай ёзиб боряпман.

– Акамнинг келаётганини эшитиб халқ ҳам ўзи йиғилган экан, бундай улкан қурни кўрмаган эдим. Гоҳ акам ўртага чиқиб халойиқни зор-зор йиғлатади, гоҳ Юсуф масхарабоз гур-гур кулдиради. Икки йил бирга юриб, акамнинг бунчалик очилиб айтганини эшитмаган эдим. Бир кўшиқни айтиб бўлиб тўхтатаман деса, қурдагилар “айт!” деб гувуллайди. Ғижжак чалавериб-чалавериб қўлларим увишиб кетди. Бир пайт қарасам – акамнинг бармоқларидан қон томчилаяпти, ипак тор ҳам одамнинг кўлини кесар экан! Ханифа чечам айтарди: “Оллош, кўли қонай бошласа, акангнинг дуторини олиб қўй, кўшиғини тўхтатсин, бугун керак бармоқ эртага керак эмасми” – деб. Сал олдинроқ қачиқиб акамга



имо қилдим. Бармоқларидан томчилаётган қон дуторни ҳам бўйб ташлаган – акам шунга ҳам эътибор бермай қўшиқ айтаётган эди. Акам, ҳалиям айтаверардим, бироқ... – дегандай қўлини кўтарди. Халойиқ шундан кейингина тинчиди. Навбатни бошқа бахшиларга бериб ичкарига кирдик.

– Бир кеча-кундуз томоша бўлди. Созандахонада дам олиб ўтирган эдик. Бир вақтлар Язовми, Язинми деган бир татар начанник милиса бор эди, шу келди машинасини ҳайдаб. Хонага кирмай бўсағада ай бир бир ўн минутча тик турди. Тўрга ўтинг дедик, ўтиринг дедик. Тим-тик тураверди. Акамдан кўзини узмайди. Кейин акам бир пиёла чой узатди. Олди. Тик туриб ичди Юсуф масхарабоз бир чақмоқ қанд ҳам узатган эди, олмади. Чойни ичиб бўлиб айтди: “Бахши, нерларда юрибсан, бир ҳафтадан бери излайман, тўйма-тўй изингни қувиб юрибман. Гурланга борсам, сени буёққа кетди, дейишди. Қани, отлан, қўлингга кишан ураман, машинага чиқ”. Акам айтди: “Юр десанг, кетавераман, мени лекин бу уйдан кишан солиб ҳайдаб чиқма, ташқарида қирқ эллик минг одам ўтирибди, жанжал-панжал чиқмасин. Кишанингни машинага чиққандан кейин солавер”. “Бахши нерга кетишингни биласанми ўзинг? Гап-сўздан қолай демайсан, қўрмайсанми?” “Туноҳи бор одам қўрқади-да, мен Худо деб юрган одамман...” Акамни охирги кўрганим шу бўлди... (1989 йил, ноябрь ойи)

Аҳмад бахши 1936 йилнинг ноябр ойида “эски, диний асарларни тарғиб қилишда айбланиб қамоққа олинади ва 1938 йилда қамоқда (Норпой совхози ҳудуди) вафот этади.

1930 йилда халқ ижоди жонкуяри ёш олим Ҳоди Зариф Манғитга келиб, ундан дostonлар, термалар ёзиб олади. Ўша даврда унинг ижросида “Қирқ минглар” дostonини матнга кўчиради. Бахши дostonни катта даврага йиғилган халойиқ олдида куйлайди. Ижро жараёнида қаҳрамонлар ҳаракати тасвирини баён қилар экан, воқеалар гирдобига шўнғиб, асар қаҳрамонига монанд равишда бирдан ўрнидан туриб кетади. Шу пайт уни тинглаётган барча халойиқ ҳам ўрнидан беихтиёр туриб кетишади<sup>125</sup>.

<sup>125</sup> Жирмунский В.М. Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – С.55.

Ушбу лавҳа бахшининг нақадар юқори маҳоратга эғалигидан, инсон руҳиятини чуқур англаб, унга таъсир ўткази билиш қобилиятини эғаллаганлигидан, дoston воқеаларини идрок эта билишлигидан далолат беради. Аҳмад бахши дoston куйлаш жараёнида ўзини унутиб қўйиш даражасигача борар экан. Юқоридаги кўчирмада Ҳабиба момонинг Оллош ғижжакчидан акангнинг қўли қонай бошлагандан сўнг дуторни қўлидан олиб қўй, деган илтижоси ҳам ўша омил билан боғлиқдир.

“Қирқ минглар” дostonи матнини ўқир экансиз, бахшининг халқ оғзаки сўзлашув тилини мукамал эғаллаганлигига гувоҳ бўласиз.

“Гўрўғли” туркуми дostonларининг Бола бахши вариантларининг муқаддимаси жуда қисқа. Бунга қарама-қарши ўлароқ, Аҳмад бахши вариантларида дoston бошланмаси батафсилроқ берилади: “Чортоқли Чамбил бели, такали туркман эли, Саксон минг уйли юртга Гўрўғлибек султон бўлиб юриб эди. Гўрўғлибекнинг оти овозаси етти иқлимга кетди. Гуржистон шаҳринда Хунхор подшо маслаҳат этди: “Гўрўғлини тирик тутиб ё ўлдириб, калласини кесиб келайик”, – деб яқин ерга от йўллади, узоқ ерга хат йўллади. Саккиз подшо, ўн икки минг араб эли, эллик минг Гуржистон эли, уч юз минг Исфаҳон эли, уч юз минг Рум эли, уч юз минг фаранг, етти минг тўпчи, етти минг қоровул, тўрт минг хон, қирқ тўрт шоҳ тўп-дастгоҳи билан Гуржистондан чиқиб, Чамбилбел юртига қараб бадар кетди. Бу аскар бир неча манзил йўл юриб, Чамбилнинг белига яқин келаберсин, энди Гўрўғлидан сўз эшитинг<sup>126</sup>.

Дoston бошланмасидаги сажъ усулига қурилган ушбу экспозиция тингловчини дарҳол ўзига жалб қилади. Муболағавий тасвир реал воқеадай идрок қилинади. Қолаверса, дoston сюжети воқеалар ривожидан бошланиб, тингловчи хотима қандай бўлишини интиқлик билан кутади. Дostonнинг шеърий қисми ҳам мукамал ишланган. Бахши яна муқаддимадаги сон-саноқсиз душман келганлигига урғу беради.

<sup>126</sup> “Шарқ юлдузи”, 1992. – №2. – Б.193.

*Қирқ минги ботирдир, урушга тайёр,  
Қирқ минги жодугар, қирқ минги айёр,  
Қирқ минги базмгўй, қирқ минги хушёр,  
Доҳо қирқ минг зарбоф тўнли келмишдир.  
Шоҳданам бошқадир, меннанам бошқа<sup>127</sup>.*

Шеър душман лашкарбошиси томонидан айтилган бўлиб, пўписа оҳангида баён этилган. Шеър бандининг анафорага асосланганлиги унинг жарангдорлигини таъминласа, такрорга асосланганлиги оҳангдорликни янада оширади. “Қирқ минг” эса муболағавий сон бўлиб, душманнинг беҳисоб эканлигини қайта-қайта таъкидлайди. Бу сўзларни бошқа қиёфага кирган Гўрўғли эшитиб туради. У душманнинг барча сирларидан огоҳ бўлиб, пухта режа тузади ва ғолиб келиш чораларини кўради. Бу борада у фақат айёрлик қилиш лозимлигини англайди. Бундан кейинги воқеалар юмористик лавҳаларда ўз ифодасини топади. Айниқса, Хон Хунхоршоҳ билан унинг лашкарбошиси Ҳасанхон диалоги таъсирчан чиққан: “Гўрўғли киссасидан дуйма қиличини чиқариб олди. “Ё Шоҳимардон, деб бу ёнга қараб бир силтаб қўяберди. Йигирмасининг калласи кетди пориллаб. У ёнга қараб силтаб юберди. Йигирмасининг калласи кетди зориллаб, Ҳасанхон дуйма қиличнинг тагидан чиқиб қочди. Гўрўғли Ҳасанхоннинг кейинидан қуваберди. Ҳасанхон оёғи сурилиб кетиб устуман йиқилди. Оғзи ер қопди, бурни қумга бир қарич кирди. Гўрўғли Ҳасанхонни тутиб олиб, икки қўлини орқасига маҳкам боғлади. Ҳасанхоннинг қулоқ-бурнини ҳам кесиб олди. Қирқ йигитнинг ҳам қулоқ-бурнини кесиб олди. Ҳаммасини бир чуволга тикди. Бир чувол (тўла) қулоқ-бурун бўлди. Ҳасанхонни отига миндирди. Чуволни ҳам сирига тангди. “Кўрган-билганингни Хунхорингга айтиб бор”, – деб ура-ура қувиб юборди.

Ана сўзни Ҳасанхондан эшитинг. Калласи рўян дугулан сўқининг сопи яли оғзи-бурни қон ялаган итдай, кўзлари авланинг чироғидай қизил-қора қон. Ялт-юлт ўртиб бориб, Хунхорга салом берди.

<sup>127</sup> “Шарқ юлдузи”. – Б.197.

Хунхор айтди:

– Ҳасанхон, хабаринг(ни) бер!

Ҳасанхон айтди:

– Гўрўғлининг ёнига борманг!

– Не бўлди? Қирқ йигитинг нерда?

– Қирқ йигитим қирилиб қолди.

– Қирилган бўлса, нишонаси борми?

– Нишонаси бор, қулоқ-бурнини келтирдим.

– Ўзингнинг қулоқ-бурнинг қай ерда?

– Ўзимники-да шунинг ичида бордир.

Шунда Хунхоршоҳ:

– Занғарнинг қулоқ-бурнини топиб олиб ўзига ёпиштиринг,  
– деди.

Подшоликдан анжомлашиб юрган табиблар бир чувол қулоқ-бурунни четга чиқариб пиёз тўккан яли ( ) этиб, тўкиб ташлади. Ҳасанхоннинг ўзини жинни тутгандай этиб қулоқ-бурунларнинг ёнига олиб борди.

– Қулоқ-бурнингни ўзинг тани, – деди.

Унда Ҳасанхон айтди:

– Шу четда ётган шоликорнинг зоғомаси яли ( ) исли қулоқ бизникидир, келтир бунда.

Ана була қулоқ-бурунни олиб, ёпиштира берсин, энди сўзни Гўрўғлидан эшитинг”<sup>128</sup>.

Гўрўғли ўйин кўрсатиш баҳонасида Хунхорнинг 40 йигитини ўлдириб, 40 отни олиб Чандибелга қайтади. Охир-оқибат душманни тор-мор қилади. Гўрўғлининг фахриялари ҳам гўзал мисраларда ифодаланган:

Гўрўғлибек отим оламга дoston,

Гиротга минганда нор кўзим мастон,

Ҳайбатимдан титрар Курду Гуржистон,

Такали-туркманли элларим бордир (“Шарқ юлдузи”. 199-б.).

Бахши нутқида оригинал ўхшатишлар, муболағали тасвирлар, фразеологик иборалар кўп қўлланилган: “Гўрўғли 40 йигитга бош бўлиб, қизилбош аскарларига қараб от солди. Бир уруш

<sup>128</sup> “Шарқ юлдузи”. –199-б.

бўлди, замину замон, манзилу макон бир бўлди. От чопилди, қон тўкилди”.

“Йигитлар қимматчиликнинг ғалласидай ҳар қайсиси бир ёнга доғишиб кетган экан”. “Қирқ йигит арзончиликнинг ғалласидай ҳар қайсиси бир ёндан етиб келди”.

Бахши сажъ тузилмаларини ҳам маҳаллий сўзлашув тили воситасида ифодалайди: “Бу капчада хислат кўп. Бу капча етти йил ер тагида ётган капча<sup>129</sup>, ер сувини ичган капча. Юзини занг босган капча, саркўпга<sup>130</sup> ҳам етган капча. Қулоч ярим чорак даста солинган капча. Ўзи ғаним учун тузатилган капча, ғанимга қараб силтаб қўйганимда, ғанимнинг қорнига қарич ниш кириб, ғалт-ғалт сас берадиган капча! (“Шарқ юлдузи”, 195-б.)

Хоразмда оғзаки тарқалган дostonларда бундай сажъ тузилмаларини учратиш камдан-кам ҳодиса. Аҳмадбахши тилнинг лексик бойлигини чуқур ўзлаштирган, юксак бадихағўйлик талантига эга бўлган иқтидорли бахшидир. Афсуски, унинг репертуари тўла ёзиб олинмаган. Агарда 1930 йилда Ҳоди Зариф ундан ушбу дostonни ёзиб олмаганда, бахшини фотосуратга туширмаганда, буноёб талант эгаси ҳақида ҳеч нарса билмаган бўлардик. Бахши тоталитар тузум қурбони бўлди. Унинг онаси Ҳабиба момонинг фарзандига бағишланган марсияси истаганбир қалбни ларзага солади. Ундан айрим намуналар берамиз:

*Эккан жийдаларим ири бўлмасма?  
Ноҳақ кетган болам тири бўлмасма?  
Ўзин оқлаб, соқолларин ўстириб  
Келтурғонлардинг бири бўлмасма?*

*Шойи рўмолимди шамол олибди,  
Менинг болам Зарафшонда қолибди,  
Худойнинг олдинда жавобин берсин –  
Бошима ким бу савдони солибди!*

<sup>129</sup> Капча-белкуракнинг томга лой отишга мўлжалланган кичикроқ шакли. Аслида “кафтча” сўзидан олинган.

<sup>130</sup> Саркўп-қалъа.

*Сочим узун бўлса-иккилаб ўрсам,  
Лопо улли бўлса-ичина кирсам,  
Пўйизларға минсам, машинға минсам,  
Боламнинг ўлисин-тирисин кўрсам.*

*Сори матиримни солдим бозора,  
Не тувматлар қўйди мени озора.  
Манглайимди қайси гўрга босойин,  
Менинг улим тушмади бир мозора...*

Аҳмад бахши репертуаридаги дostonларнинг анчаси унинг шо-гирдлари Худойберган Ўтаганов, Турсунбой Жуманиёзов, Йўлдош Дўсимбетовлар ижросида ёзиб олинган. Агарда бахшининг ўзидан ёзиб олинганда дostonлар сифати янада мукамал чиқар эди.

### **Қиссахон репертуари ва унинг эпик анъанага таъсири**

Дostonларни ёзувга олиш, уларни тор даврада қироат билан ўқиб эшиттириш Хоразм воҳасида фаол оммалашган ва ушбу анъана ҳозиргача давом этиб келаётир.

Тожик фольклоршуноси А.Акрамов бу анъанани VIII-IX асрлардан бошланиб, XX асрнинг 20-30-йилларигача давом этганлигини қайд қилади<sup>131</sup>.

Агарда “Авесто” “гоҳ” ларининг коҳинлар томонидан речитатив оҳангда ўқиб келинганлигини эътиборга олсак, қиссахонлик анъаналарининг ибтидоий илдизлари анча қадимдан бошлаб шакланганлигига гувоҳ бўламиз. Албатта, қиссахонликнинг кейинги даврдаги тараққиётини “гоҳ”ларнинг ўқилишидан фарқи жуда катта, лекин, ўша “гоҳ”лар ижроси давридаёқ қиссахонликка тамал тоши қўйилган, десак муболаға бўлмайди.

Қиссахонликнинг фаол ривожлангандаври албатта, сўнги асрларга тўғри келади. Т.Мирзаев ушбу анъананинг юксалиш

---

<sup>131</sup> Акрамов А. Из истории школы сказителей шоҳнома и қисса в персидско-таджикской литературе. Ворас и его “Баҳр-ут-таворих”. АҚД. Душанбе, 1970. – С.4. (24)

даврини XVI-XVIII асрлар деб белгилайди<sup>132</sup>. Чунки Алишер Навоий асарларида бу атама бир неча бор тилга олинган<sup>133</sup>.

Туркман олими Б.Қарриев қиссахонликнинг XIX аср ўртала-рида туркман овулларида фаоллашганини, мўъжаз аудиторияларда қисса ўқувчи саводхон кишиларнинг бахшиларга ижобий таъсир ўтказганлигини, қўлёзма китоблардан бахшилар янги дostonларни ўрганганлигини ёзади<sup>134</sup>.

Бинобарин, XIX асрларда қиссахонлик юксак ривожланиш босқичига қадам қўйган. Туркий халқларнинг аксариятида бу анъана кенг оммалашган. Дostonларни китобат қилиш, уларни бозорларда сотишишлари йўлга қўйилган.

Қорақалпоқ фольклоршуноси Қалли Аимбетовнинг қайд қилишича, XX аср бошларида Чимбойда қиссахонликни ривожлантиришда Каундар-бала асосий ролни ўйнаган. “Ошиқ Ғариб”, “Санобар”, Юсуф ва Аҳмад” дostonларининг ёзма нусхалари бозорларда сотилган<sup>135</sup>.

Қиссахонликнинг узоқ қорақалпоқ овуллари гача етиб бо-риши, унинг фаол равишда оммалашганлигини кўрсатади. XIX асрнинг иккинчи ярмида тошбосма, қўлёзма дostonлар қозоқ овулларида ҳам пайдо бўлди. “Юсуф –Зулайхо”, “Тоҳир –Зухра”, “Қиссаи Гулчеҳра” каби дostonлар қозоқ оқинлари репертуаридан жой ола бошлади<sup>136</sup>.

Қиссахонлик анъаналари татар халқи орасида, айниқса, кенг оммалашган.

“Гўрўғли” эпосининг ёзма шаклдаги нусхаси “Ҳикояти Гўрўғли султон” номи билан дастлаб 1880 йилда Қозонда чоп этилди<sup>137</sup>. Бундан ташқари, татар йирчилари репертуарида “Тоҳир – Зухра”,

<sup>132</sup> Мирзаев Т. Эпос и сказитель. –С.30-31.

<sup>133</sup> Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. –Тошкент: “Фан”, 1985. –Б.56. (364)

<sup>134</sup> Каррыев Б.А. Эпические сказание Кероглы у тюркоязычных народов. –М.: Вост. лит. 1968. – С.128 (258)

<sup>135</sup> Аимбетов Қ. Каракалпакские народные сказители. АДД. – С.30.

<sup>136</sup> Азибаева Б. Казахские народные романтические дастаны. АҚД. – Ташкент, 1984. –С.6.

<sup>137</sup> Ҳикояти Гўрўғли Султон. – Тошкент, “Adabiyot uchgunlari”, 2013. – Б.197. (222) (Нашрга тайёрловчи Т.Мирзаев)

“Лайли–Мажнун”, “Сайфулмулук”, “Идегей” дostonларининг ёзма нухалари ҳозиргача ижро жараёнини бошдан кечирмоқда<sup>138</sup>.

Ўтроқ яшайдиган туркий халқлар орасида қисса-dostonларни ёзувга кўчириш ва уларни махсус аудиторияларда қироат билан ўқиш анъанаси анча қадимийдир.

Бу анъанани аслида мумтоз адабиётнинг йирик намояндалари бошлаб беришди. XVI аср бошларида ёзилган ва халқ китоблари қаторидан ўрин олган Мажлисийнинг “Қиссаи Сайфулмулк” асари бунга мисол бўла олади.

Мажлисидан сўнг XVII асрда Собир Сайқалий “Баҳром ва Гуландом”, XVIII асрда шоир Сайёдий “Тоҳир ва Зухра” дostonларини яратиб китобий дostonлар ривожига муносиб ҳисса қўшдилар.

Хоразмда эса Нурмуҳаммад Андалиб (XVIII аср) биринчи бўлиб, халқ дostonлари андозасида наср ва назм аралаш ҳолда “Юсуф ва Зулайҳо”, “Лайли ва Мажнун”, “Зайнул-араб” каби дostonларни яратди. Бундан ташқари унинг “Ўғузнома”, “Саъд Ваққос”, “Саид Насимий” каби дostonлари бўлиб, “Саъд Ваққос” А.Вамберининг 1867 йилда Лейпигда босилган “Чиғатой тили” хрестоматиясига киритилган. Туркман олимларининг қайд қилишича, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” дostonи ҳам Андалиб ижодига мансуб деб тахмин этилади<sup>139</sup>. Бу дostonлар XX аср бошларида Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Когон ва Хива шаҳарларида тошбосма усулида кетма-кет чоп этилган, қўлёзма тарзида омалаштирилган. Анъанавий сюжетлар асосида дostonларнинг ёзма вариантларини яратиш Хоразм воҳасида яшаган ёки таҳсил олган туркман шоирлари ижодида ҳам кўплаб учрайди. Мулла Нафаснинг “Тоҳир ва Зухра”, Шобанданинг “Гул ва Булбул”, “Саъд ва Ҳамро” каби дostonлари шулар жумласидандир.

Юқорида таъкидлаганимиз – Вамбери қайд қилган “Бахши китоблари” ана шу халқ китоблари таъсирида пайдо бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас.

---

<sup>138</sup> Мухаметзянова Л. О личности “Живою” и книжного сказителя в эпосе. // Жаҳон цивилизациясида бахшичилик санъатининг ўрни. – Б.72.

<sup>139</sup> Ўзбек адабиёти тарихи. III том, – Тошкент: “Фан”, 1978. –Б. 333-335. (378)



Шунингдек, халқ китобларининг бахшилар репертуарига бўлган жиддий таъсирини ҳам эътироф этиш зарур. Бу масалада В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовларнинг қуйидаги фикрлари жуда ўринлидир: “Халқ бахшиларининг феодал ҳукмронлар саройидаги ва турли шаҳарларда фаолият кўрсатувчи мумтоз лирика асарларини куйловчи профессионал ашулачилар, айрим шаҳар ва шаҳар атрофидаги қишлоқларда халқ китобларини оддий халқ орасида қироат билан ўқиб эшиттирувчи қиссахонлар ҳузурига ташриф буюришлари уларга жиддий таъсир кўрсатмасдан қолмади. Ушбу таъсирсиз романик дostonларнинг пайдо бўлишини тасаввур қилиш қийин”<sup>140</sup>.

XIX аср ўрталарида қиссахонлик юсак поғонага кўтарилди. Бунга ижтимоий-сиёсий шароит ҳам имконият яратгандай бўлди. Азалдан ўрта Осиёни босиб олиш мақсадида тайёргарлик кўриб юрган рус империалистлари бу даврга келиб, мақсадига эришдилар. Ушбу ҳудуддаги учта хонлик мустақиллигини йўқотди. Бироқ улар ўртасидаги мунтазам давом этаётган жангу жадаллар тўхтади. Натижада маърифий ҳаёт бир мунча жонлангандай бўлди. Учала хонликда ҳам бошқа соҳалар билан бирга қиссахонлик, дostonчилик ҳам ривожланиш босқичига кирди. Хон саройларида мақомчилар, бахшилар фаолият кўрсатиб, китобат санъати, тошбосмалар пайдо бўла бошлади.

Тожик фольклоршуноси А.Акрамовнинг ёзишича, Бухорода “Шоҳнома” ўқишни ўрганувчи махсус тўғараклар ишлаган. Уларни “Шоҳномахон”, “Корномахон”, “Қиссахон”, “Ноқил” номлари билан аташган<sup>141</sup>.

“Шоҳномахонлик” Хоразмда ҳам анчаилгари бошланган.

Қўнғирот Сулоласининг Муҳаммад Амин иноқ (1762-1790) даврида ҳукмдор Хивада мутамаккин бўлган Нурмуҳаммад Бухорийга “Шоҳнома”ни туркийга таржима қилишни буюради.

Адабиётшунос олим Ҳ.Ҳомидов бу ҳақда қуйидагича ёзади. “Таржиманинг бизгача икки қўлёзмаси сақланиб қолган. Нур-

---

<sup>140</sup> Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: ГИХЛ. 1947. – С. 281. (520)

<sup>141</sup> Акрамов А. Кўрсатилган автореферат. – Б.б.

муҳаммад Бухорий “Шоҳнома”ни XVIII асрнинг 80 йилларида амалга оширган. “Шоҳнома” таржимасидаги ўзбекча, тожикча шеърӣ парчалар, айниқса, “Сиёвуш марсияси” Нурмуҳаммад Бухорийнинг қобилиятли шоир эканлигини кўрсатади: “Маликаи Фарангис Сиёвушнинг фироқида йиғлаб” бир мусибатнома ўқийди:

*Эгилган қомати сарви хиромонимдан айрилдим,  
Жаҳон бўлди қоронғу моҳи тобонимдан айрилдим.  
Кўзимнинг равшани меҳри дурахшонимдан айрилдим,  
Қамар юзли, ширин сўзли суҳандонимдан айрилдим.  
Юроким қуввати, дардимға дармонимдан айрилдим.*

*Ажалнинг дастидин ман нола афғон этмайин найлай,  
Юроким чок этиб, юз оху афғон этмайин найлай.  
Кўзимнинг ёшини дарёи уммон этмайин найлай,  
Бу ҳасрат бирла қолдим, менки армон этмайин найлай,  
Жаҳон боғида битган сарви озодимдан айрилдим”.*

Малика зор-зор, чун абри навбаҳор йиғлайди, бевафо дунё, золим шоҳ, кажрафтор фалак, ҳақсизликдан шикоят қилади, доноларга кулфат, нодонларга иззат келтирган замонни лаънатлайди, золим отаси, умуман, адолатсизликни қоралайди. Бу садоқатли маъшуқанинг нидоси, севгилиси ғуссасида ўқиган марсияси, феодал жамият учун лаънатномасидир.

Таржимада оригиналга алоқаси бўлмаган бир неча байт, рубой, шеърӣ парчалар мавжудки, уларнинг айрими таржимон қаламига мансуб бўлса, баъзилари бошқа шоирлардан ёки халқ оғзаки ижодидан олингандир<sup>142</sup>. “Шоҳнома” таржима қилингандан сўнг унинг қиссахонлар томонидан сарой аҳли доирасида ўқиш ташкил этилган. Сўнг аста-секин унинг қўлёзмалари кўпая борган ва “Шоҳномахонлик” оммавий тус олган. Г.П.Снесаревнинг ёзишича, Кўҳна Урганч ва Кат (Беруний тумани) ҳудудларидан ёзиб олинган афсоналарда “Шоҳнома”даги Кайковус, Заҳҳок,

<sup>142</sup> Ҳомидов Б.Ҳ. Боқий бўстон таровати. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – Б.165. (216 )

Уста Хурдак, Фаридун, Рустам, Сиёвуш, Хорут, Морут образлари фаол тарқалган<sup>143</sup>.

Ушбу ҳолатлар “Шоҳнома” таржимаси билан алоқадор ҳодисалардир.

Хоразмда қўлёзма тарзда кенг оммалашган “Шаҳриёр” достони ҳам “Шоҳнома”нинг Доробшоҳ билан боғлиқ шохобчасига алоқадор бўлиб, қиссахонлар репертуаридан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Бу дoston қўлёзма нусха асосида 2006 йилда чоп этилган<sup>144</sup>.

Бинобарин, “Шоҳнома”нинг таржима этилиши қиссахонликнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатган. Умуман, Хивада Феруз даврида XIX аср ўрталарида ташкил этилган тошбосма китобат санъатини, хусусан қисса-дostonларнинг кўпайишида асосий ролни ўйнаган. Таржима асарлари кўпайган. Шоирлардан Оқил “форсий ва арабий китобларни бемонанд ўз она тили каби ўқиб ҳам таржима этар эрди. Ўзига махсус китобхона қилиб “Ҳайриёти кутуб” деб, кимлар бўлса ҳам ҳамма вақт истеъмолга бериб турар эрди”<sup>145</sup>. Албатта, бу китоблар орасида қисса-дostonларнинг бўлиши ҳам табиий ҳолдир.

Биринчи фаслимизда қўнғиротлик Мулла Исҳоқ ҳақида сўз юритиб, унинг А.Вамберига бир пайтон қисса-дoston тўплаб бергани ҳақида сўзлаган эдик.

Мулла Исҳоқнинг ўзи ҳам қиссахонлик қилган, шеърий ижод билан шуғулланган. Мажористонга боргандан сўнг Вамберининг “Чиғатой тили дарслиги” хрестоматиясига киритилган “Мақоллар”, “Бурқ девона”, “Меърожнома”, “Саъд Ваққос”, “Зарқум шоҳ”, “Юсуф Аҳмад”, “Тоҳир–Зухра”, “Сайфул-мулук” сингари асарларнинг матнини тайёрлаб берди<sup>146</sup>.

Натижада Ғарб китобхонлари ўзбек дostonлари хусусида тасаввурга эга бўлишди. XIX аср охири XX аср бошларида қисса-дostonларни тошбосмада чоп қилиш ва бозорларда сотиш кенг йўлга қўйилди.

<sup>143</sup> Снесарев Г.П. Реликты домусулманских верований... – С.283-285.

<sup>144</sup> Ошиқнома, Шкитоб. – Урганч: “Хоразм”, 2006. – Б.343-431.

<sup>145</sup> Лаффасий. Тазкираи шуаро. – Урганч: “Хоразм”, 1992. – Б.38. (120)

<sup>146</sup> Рўзимбоев Х.С. Хоразм фольклорининг хорижда ўрганилиши тарихидан (XIX аср XX аср боши) Н.ДА. – Тошкент: 1996. –Б.8. (23)

Мажлисийнинг “Қиссаи Сайфулмулк” асари 1849, 1883 йилларда Қозонда чоп этилган. 1916 йилда “Қиссаи шаҳзода Сайфул-мулк” номи остида Тошкентда “Майли ва Мажнун”, Шаҳзода Карам ва Аслхон” асарлари билан бирга босилган. “Саёд ва Ҳамро”, “Гул ва Булбул” дostonлари 1913 йилда Тошкентда нашр этилган. “Бобо Равшан” дostonи 1903 йилда Бухорода, кейин Самарқанд ва Тошкентда босиб чиқарилган<sup>147</sup>.

Ушбу нашрларнинг сероблиги қисса-дostonларга бўлган талабнинг катталиги билан боғлиқдир. Ўша даврда мусулмон агиологияси билан боғлиқ қиссалар билан бирга севги-саргузашт қисса-дostonлари ҳам кўплаб чоп этилган.

“Халқ қиссаларида мумтоз адабиёт анъаналари ҳам, халқ оғзаки ижодига хос бўлган ифода усуллари ҳам намоён бўлади, хоҳ сўфиёна, хоҳ қаҳрамонлик, хоҳ муҳаббат ҳақидаги қисса ва дostonлар бўлишидан қатъий назар уларда пайғамбарлар, азиз авлиёлар, ботир саркардалар ёки ҳақиқий ошиқлар тимсолида халқнинг иймон-эътиқоди, орзу армонлари, ва эзгуликка бўлган муносабатлари акс этади. Яхшилик ва ёмонлик, гўзаллик ва қабоҳат ўртасидаги зиддиятлар очиб берилади. Қисса ва дostonларда халқ тили, халқона ифода ва тасвир усуллари, айниқса, муболаға, ташбеҳ ва сифатлашларнинг ўзига хос ёрқин намуналарини кўраимиз. Баъзан тарихийлик билан бадийлик, тўқима образлар билан ҳаққонийлик бир-бирини тўлдириб, шу даражада чатишиб кетганки, уларни ажратолмай қоласан”<sup>148</sup>.

Дарҳақиқат, халқ қиссалари уни тайёрлаган ижодкорлар томонидан саргузаштларга бой сюжетлар қизиқарли услубда, муסיқий, равон тилда, бадий-эстетик таъсирчан нутқда ифода этилган. Уларни ўқиш ҳам бир санъат бўлганлиги сабабли, фақат профессионал қиссахонлар ёқимли оҳангда, қироатини жойига қўйиб ижро этганлар.

Умуман олганда, XVII- XIX асрлар мобайнида халқ эпоси ёзма эпик анъаналарга ҳам таяндикки, бу нарса халқ эпосидаги анъа-

<sup>147</sup> Маҳмудова Р. Халқ китоблари ва айрим қиссалар. // Адабий мерос. –Тошкент: “Фан”, 1971. – Б.254-258.

<sup>148</sup> Сайфуллоҳ Сайфиддин. Халқ севган қиссалар. / “Иброҳим Адҳам”, “Амири Аҳтам” ва “Бобо Равшан” қиссалари. – Тошкент: “Мовароуннаҳр”, 2005. – Б.4. (208)

наларнинг яна янги шаклларда гуриллаб ривожланишига сабаб бўлди. Халқ эпоси таркибидаги китобий дostonларнинг вужудга келиши фикримизнинг ёрқин далилидир. “Вомиқ ва Узро”, “Санобар”, “Варқа билан Гулшоҳ”, “Тоҳир ва Зухра”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” каби дostonлар ана шулар жумласидандир. Ўзбекистон шароитида қисса тузиш ва қиссачилик қанчалик ривожланган бўлмасин, улар гуркираб давом этаётган дostonчилик анъаналарини тўхтата олмади, балки бахши репертуарига ўтганда, жонли эпик анъаналарга батамом мослашди.

Демак, қиссалар эпик репертуарнинг бойиб бориш манбаларидан бири бўлиб, фольклорда оғзаки адабиёт қонун-қоидаларига мос равишда ўзлашди”<sup>149</sup>.

Бинобарин, қиссахонлик кўплаб дoston сюжетларининг унутилмасдан сақланиб қолишига ва бахшилар репертуарини бойитишда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат этади.

Ҳерман Вамберининг “Бахши китоби” ҳам қиссахонликнинг муҳим кўринишларидан биридир.

В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовларнинг “Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси” китобида шундай қайд учрайди: “Бу ерда (Шимоллий Хоразм)ги бахшиларнинг кўпчилиги саводхон-дoston куйлаётганда қўшиққа навбат етган пайтда улар шеър тўқиб бадиҳагўйлик қилмайдилар, дoston матнини ўқиб, ёд олган бўладилар, баъзи ҳолларда дostonнинг қўлёзма матнларини ёнларида олиб юрадилар ва куйлаётган пайтда ўша матндан фойдаланишлари ҳам мумкин. Дostonларни шундай жўровоз ҳолда ижро қилиб тингловчиларга кучли ҳиссий таъсир ўткази оладилар”<sup>15039</sup>.

Атоқли фольклоршунослар Шимолий Хоразм бахшилари ҳақида сўз юритишади. Аслини олганда бу анъана Жанубий Хоразм ҳудудида шаклланиб, бутун воҳага тарқалган.

Бола бахши ҳам ёнида дostonларнинг қўлёзмаларини олиб юрган. Ҳатто унинг илк устози ҳам қиротхон-қиссагўй Раҳима халфа бўлган<sup>151</sup>. Унинг бобоси Усмон бахши ҳам мадраса

<sup>149</sup> Мирзаев Т., Саримсоқов Б. Дoston, унинг турлари ва тарихий тараққиёти // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: “Фан”, 1981. –Б. 53-94. (9-61.)

<sup>150</sup> Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – С.55.

<sup>151</sup> Рўзимбоев Х., Рўзимбоев С. Хоразм “Гўрўғли” эпоси. –Б.57.

таълимини олган, маърифатли киши бўлиб, қисса дostonларни ўқиб-ўзлаштирган ва неварасини ҳам ўз изидан етаклаган. Муҳаммад Раҳимхон соний даврига келиб, қиссахонлик анъанаси гуллаб-яшнаган. Дostonларнинг тошбосма нусхалари ҳам чоп этила бошлаган. Кўп ҳолларда хон айрим бахшиларни айттириб, ўзи матнга қараб ўтирган. Бахши сўзда, созда янглишса, жазоланган. Шу сабабли бахшилар дoston матнларини ва мусиқий куйларни мукамал эгаллашган.

Ўз навбатида матнлар тўлақонли ва саводли тарзда кўчирилган. Бадий томондан баркамол асарлар яратилган.

Қисса-dostonларнинг тили, муқаддима ва хотималари, бадий нутқ услуби, бадийати оғзаки вариантларникидан муайян даражада ўзгачалик касб этади. Масалан, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” дostonининг муқаддимаси қуйидагича берилган:

“Аммо ровиёни ахбор ва ноқилони осор ва муҳаддисони дostonи бўстони кўҳан,хуша-чинони ҳарки суханро басухан зам куннад, порайи аз хуни жигар кам куннад. (Шундай қилиб, хабар берувчилар ва ўтмиш воқеаларини айтувчилар қадимги чиройли дostonларнинг яхшиларини жамлаб, сўзга сўзни улаб, ўз жигар қони билан безаб ҳикоя қилурлар).

Ушбу клише деярлик барча қисса –dostonларда салгина ўзгаришлар билан такрорланади. Сўнгра дoston экспозициясига йўл очилиб, воқеа бошланади. “Аммо ровийлар андоғ ривоят қилурларким, Диёрбакр шахринда Шоҳаббос деган бир подшоҳ бор эрди. Кўп одил ва раъиятпарвар эрди. Ҳасанхон деган бир вазири бор эрди”<sup>152</sup>.

Қисса-dostonларнинг хотимаси ҳамиша дуо билан якунланади. “Ҳурлиқо ва Ҳамро” дostonи шундай якунга эга: “Алқисса, андин сўнг, бир неча кунлар тўй-томоша қилиб, ўйнаб-кулиб ошиқлар муродиға етдилар.Илоё ҳамма уммати ҳазрати Муҳаммад Мустафо Салиаллоҳи алайҳу вассаламни ҳам муродлариға еткургайсан. Омин ё Оллоҳ раббил оламин ва хайрулнозмин тамматул”<sup>153</sup>.

<sup>152</sup> Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам. – Б.12 (О.Пирматов нусхаси).

<sup>153</sup> Ошиқнома, I китоб. – Б.135.

Ушбу клише бошқа дostonларда ҳам жузъий ўзгаришлар билан такрорланади. “Асил ва Карам” дostonида финал анча қисқа берилади: “...аларни ҳамиша дуо бирла ёд қилғайлар ва Оллоҳу аълам биссаваб, тамматул китоб ба авну маликул ваҳҳоб”<sup>154</sup>.

Дoston муқаддималари асосан форс тили лексикасига оид тантанавор сўзлар билан бошланади. Хотима эса дуо усулига мосланганлиги сабабли унда араб тили лексикаси устуворлик қилади.

Қиссахонлар мадраса таълимини олган, араб ва форс тилларини эгаллаган, ўз навбатида қиротгўйлик қобилиятига эга бўлган иқтидорли шахс сифатида шаклланган кишилар бўлишган. Уларнинг қисса ўқишида аудитория кўпи билан ўн-ўн икки тингловчидан ошиқ бўлмаган. Улар ҳам асосан зиёлилардан ташкил топган.

Аёллар орасида қисса-dostonлар ўқийдиган халфалар давраси эса анча кенг бўлиб, йигирма-йигирма беш киши дoston тинглаган. Улар аксарият маъракаларда агиологик (диний) характердаги “Бобо Равшан”, “Қулхўжа Аҳмад”, “Иброҳим Адҳам” каби дostonларни ўқиб эшиттиришган. Тўйларда эса “Ошиқ Ғариб”, “Ошиқ Албанд”, “Асли-Карам” каби севги-саргузашт дostonлари ўқилган. Қиссахон халфалар шеърий парчаларни “ярим куйлаш” оҳангида амалга оширганлар. Насрий матнлар эса мазмунига қараб, тантанавор, сокин, қайғули тарзда тингловчиларга етказилган. Шу жиҳатдан олганда қиссахонлик ҳам бахшичилик каби ўзига хос бир санъатдир.

Қисса-dostonларнинг матни таркибида ўзига хос турли иборалар истифода этилади. Ҳар бир насрий парчани бошлашдан олдин “Алқисса, андин сўнг”, “Алҳол”, “Алғараз”, “Ҳоло”, “Иттифоқо” каби кириш сўзлар мунтазам қўлланилади. Қиссахон абзацда бу сўзларга алоҳида урғу бериб, тингловчи эътиборини воқеага жалб қилади.

Қисса-dostonларнинг ёзувга кўчирилиш даври XIX аср бошларига тўғри келади. XIX аср ўрталари ва XX аср бошларида бу жараён янада фаоллашган. Айниқса, Муҳаммад Раҳимхон I даврида адабиёт, санъат, хусусан, китобхонликка эътибор кучайди. Бу

<sup>154</sup> Ошиқнома, II китоб. – Б.297.

ҳақда Огаҳий ҳазратлари шундай ёзади: “Анинг айёми давлатида фуқаро ва раоё ориғулбол ва осуда ҳол бўлуб, барча илму фазл ва ҳунар иктисобиға майл кўргуздилар. Сухбати кимё хосиятида ҳаргиз ҳашв ва лағв ва фаҳшу дашном бўлмас эрди. Аксар мажлисда уламо ва фузало, зурафо ва шуаро била ҳамнишин бўлуб, китобхонлиғ, маънишунослиғ ва латифагўйликдин ўзга ишга майл кўргузмас эрди<sup>155</sup>. Дарвоқе, адабиёт ва санъатнинг равнақи шу даврдан бошланиб, таржимачилик соҳасида ҳам катта ишлар амалга ошди. Саройдаги китобхонлик базмларида қиссахонлик ҳам юқори поғонага чиқди.

“Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” достонининг ўша даврда машхур эканини Н.Муравёв асарларида баён қилинганини илк фасллари-мизда қайд қилиб ўтдик.

“Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”достони Хоразмда жуда кенг тарқалган бўлиб, тадқиқотчи О.Пирматов ўз китобида унинг 20 нусхаси ҳақида фикр юритган<sup>156</sup>.

Мазкур достоннинг тил хусусиятлари қиссахонлик қонун-қоидаларига тўла мослаштирилган. Унда форсий, арабий лексикага кўпроқ мурожаат қилинган:

“Кўрдиким, ажиб бир чорбоғ фарҳи афзо экандур”. (“Ошиқнома”. Пкитоб, 28-б.)“Бир хўжа сифатли бўлиб, бир ёниға қаламдон, жузгир олиб дуойи тумор бермиш бўлуб юруб эрди”. (“Ошиқнома”. II китоб, 55-б.)

Достоннинг шеърӣй парчалари айниқса мукамал ишланган, лексикаси ўзлашма сўзларга бой бўлиб, ўйноқи ва равон ўқилади. Баҳор тасвири, табиат манзаралари бўёқдор мисраларда жи-лоланади:

*Гуллар очилибдур фасли баҳорда,  
Кел, Санамжон, боғ сайрина борали.  
Бинафша қўймишам боғи канорда,  
Кел, Санамжон боғ сайрина борали.*

<sup>155</sup> Шермуҳаммад Мунис ва Муҳаммадризо Огаҳий. “Фирдавс ул-иқбол”. –Тошкент: “Ўқитувчи”, 2010. – Б. 355. (382)

<sup>156</sup> Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам. – Б.306-309.



*Жўрбози қўймишлар боғдин қароға,  
Баҳор элчилари тушмиш ораға,  
Сумбуллар сочилмиш тоғдин қиёға,  
Кел, Санамжон, боғ Сайрина борали.*

*Санобар бош чўзмиш кўкка бўйини,  
Сумбулдек олмишдир мушкнинг бўйини,  
Гул изламиш булбул қилса ўйинни,  
Кел, Санамжон боғ сайрина борали.*

*Малаклар қўйибдур бошига лола,  
Соқийлар қўлида майли пиёла,  
Булбуллар ҳаммиша ғунчага вола,  
Кел, Санамжон боғ сайрина борали. (“Ошиқнома”. II китоб, 83-84-б.)*

Шеърдан айрим парчалар келтирдик. Матнда улар 6 банд, О.Пирматов чоп эттирган нусхада 7 банддан иборат. Шеър матни поэтизмларга бой, мусиқага жуда мос тушади. Қиссахон уни “ярим куйлаш” оҳангида ижро қилса, мисралар таъсирчанлиги юксак нуқтага етади.

Қиссахонлар репертуарида бирорта дoston “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” даражасида машхурлик қозона олмаган. Ўз навбатида бу дoston оғзаки вариантларда ҳам деярлик барча бахшилар репертуаридан ўрин олган.

Хоразмдаги қиссахонликнинг диапозони ниҳоятда кенг. “Ошиқнома” рукни остида нашр қилинган саккизта китобда эълон қилинган 41 та дostonнинг 30 таси қисса-дostonлардан иборат эканлиги фикримизни тасдиқлайди. Қиссахонлик, айниқса, қироатхон халфа-аёллар репертуарида кўп бўлган.

Ушбу дostonлардан ташқари, “Гўрўғли” эпоси таркибидаги 18 та дostonнинг 16 тасини ўзида жамлаган қўлёзма ҳам мавжуд бўлиб, у Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида 9590 рақамли инвентар сифатида сақланади<sup>157</sup>. Бинобарин, “Гўрўғли” эпосининг барча

<sup>157</sup> Рўзимбоев Х.С., Рўзимбоев С.Р. Хоразм “Гўрўғли” эпоси. – Б.41.

достонлари ҳам XIX аср ўрталарида ёзувга кўчирилган. Эпоснинг барча шохобчалари ўша қўлёзма нусхалар асосида оғзаки ижрога ўтган. Шу сабабли бўлса керак Бола бахши репертуаридаги айрим “Гўрўғли” достонлари лексикасида “...дорилфанодин дорилбақоға рихлат қилди”<sup>158</sup>, “Ботину зоҳирни билган авлиёдан ўргилай”<sup>159</sup>, каби жумлалар, “Боди хазон”, “Мунаввар моҳ”, “Каж фалак”, “Қаҳбо фалак” каби бирикмалар кўп учрайди.

Қисса-достонлар лексикаси анча мураккаб бўлиб, ҳозирги ўқувчи уларни луғатсиз тушуна олмайди.

“Қаландар бўлиб бошида кулоҳ, эгнида жанда ва сўтаи обдор кўлинда, зор-зор йиғлаб борур эрди”. (“Ошиқнома”. I китоб, 328-б.)

“Зоҳир хабари бор турур, ботин хабарни Олло таоло билур”. (“Ошиқнома”. II китоб, 152-б.)

“Моҳи жабин, маҳлиқо йигит турур, жаҳоннинг тахтига лойиқ. Жабҳасида соҳиби хуруж нишонаси бордур”. (“Ошиқнома”. I китоб, 144-б.) “Ногоҳ бир чаҳор боғға етушдиларким, гўёки жаннатнинг боғидек ризвондин ҳикоят, фирдавсдин ривоят қилур”. (“Ошиқнома”. I китоб, 149-б.)

Қисса-достонларнинг тили унинг қайси даврда ва ким томонидан кўчирилгани билан боғлиқдир. Матн тайёрлашда котибларнинг асосий диққати тантанавор оҳанг ҳосил қилиш мусиқийликни рўёбга чиқаришга қаратилган. Айрим котиблар ижодкорлик қобилиятига эга бўлиб, достонларга ғазал, мухаммас, туюқ каби шеърини шаклларни ҳам киритиб юборишган. Шуни ҳам айтиш керакки, қисса-достонларда фольклорга хос анъанавий услуб ҳам сақланган. Бу ҳолат достонлардаги ички медиал формулаларда кўринади. Воқеадан воқеага ўтишдаги анъанавий формулалар тайёр ҳолда берилади:

“Булар бу ерда айшу ишрат суриб, завқу сафо, аҳду вафо бирлан маст бўлиб, ишқ шаробига тўйиб ётаберсинлар, эндиги сўзни Бибитарлихондин эшитинг”. (“Ошиқнома”. II китоб, 157-б.)

“Эмди сўзни Рум шаҳридин эшитинг”. (“Ошиқнома”. II китоб, 286-б.)

---

<sup>158</sup> Гўрўғли. – Б.17.

<sup>159</sup> Гўрўғли. – Б.31.

Достонлар матнида эртактарга хос бўлган анъанавий сайёр жумлалар ҳам учрайди:

“Кўрса бир чинор эркан. Соясинда бир кампир ўлтириб турур. Албанджон бориб салом берди. Анда момо айди: Саломингнинг ҳаққи-хурмати учун тегмайман, йўқса икки ялмаб бир ютар эрдим. Беш куннан бери карвон ўтгани йўқ эрди, одам гўштига орзу эрдим. (“Ошиқнома”. Икитоб, 180-б.)

“Айдилар: на одамсан? Бу ерга на иш бирлан келдинг? Агар қуш келса қаноти куяр, қулон келса туёғи куяр, деб кўп навозишлар қилдилар». (“Ошиқнома”. II китоб, 227-б.)

Кўчирмаларга разм солинса, уларда эртактарга хос тасвир усули кўзга ташланади. “Одам гўштига орзу эрдим”, жумласи эса эртактарга хос қадимий лавҳаларни эсга солади. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда айрим достонларнинг эртақ сюжетлари асосида қайта ишланганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Бинобарин, “Генетик асослари эртақ сюжети, мотивлари, образлари ва бадиий тасвир воситаларига бориб тақаладиган достонлар эпоснинг романик босқичида пайдо бўлган ҳамда эпик анъаналар доирасида қайта поэтик идрок этилган ўзига хос асарлар типини юзага келтирган”<sup>160</sup>. Эртақ тип сюжетли достонларнинг яратилишида қиссахонлик анъанасининг роли каттадир. Чунки ёзма ва оғзаки адабиёт материалларини яхши ўзлаштирган саводхон ижодкорлар айрим эртақ сюжетларини қайта ишлаб, достон шаклига келтирганликлари шубҳасиздир.

Фольклорда айрим достонларнинг эртақ тарзида айтиладиганлари ҳам мавжудлигини унутмаслик лозим. Масалан, “Шахриёр” достонининг “Маккор хотин”, “Хўжам Сайёд”, “Ҳасан ва Фотима”, “Ҳасан ва Зухра”, “Зорлиқ ва Мунглик” каби эртақ вариантлари мавжуд<sup>161</sup>.

Шунингдек, мазкур достон сюжети асосидаги эртактар турк, осетин, туркман, қозоқ халқлари орасида ҳам тарқалган.

Эртақ сюжетларига мурожаат қилиш қиссахонлик анъанасининг ривожланиши билан боғлиқдир. Қисса ижодкорлари эрта-

<sup>160</sup> Эгамбердиева Г.М. Эртақ тип сюжетли Хоразм достонлари поэтикаси АНДА. – Тошкент: 2005. –Б.11. (22)

<sup>161</sup> Юсупов Ж. Эпик анъаналар генезиси. –Урганч, 2008. –Б.24.

қлар асосида дostonлар яратиш жараёнида уларни ижодий қайта ишлаб, бадий-эстетик жиҳатдан мукамал асарларни рўёбга чиқаришган. Айниқса, бу қиссаларнинг насрий қисми эртақлар таъсирида оҳангдор, мусиқий тарзда қайта ижод қилинган. Бу борада улар вазли насрнинг ажойиб намуналарини яратишган.

Хоразм дostonлари насри ғоятда ранг-баранг бўлиб унинг таркибида вазли ва сажъли насрнинг кўплаб намуналари учрайди. Вазли наср фольклоршунослиқда махсус тадқиқ этилмаган. Шу сабабли вазли насрҳозиргача сажъ сифатида баҳоланиб келмоқда.

Вазли насрда фикр баландпарвоз, дабдабали ифодаланади. Шунинг учун ҳам шоҳлар саройидаги ёзишмалар, ўқимишли шахслар ўртасидаги мактублар, кўпроқ насрнинг мана шу турида олиб борилган<sup>162</sup>.

Хоразм дostonларининг насрий қисмларида вазли насрнинг айрим намуналари учраб қолади. Шу нарса характерлики, вазли насрнинг қўлланилиши оғзаки вариантлардагига қараганда китобат қилинган дostonлар насрида кўпроқ учрайди. Бунинг асосий сабаби шуки, қиссахонлар дoston матнларини қироат оҳангига солиб ўқиганларида ҳамиша баландпарвоз, дабдабали нутқдан фойдаланиб, аудиторияни ўзига жалб қилганлар.

Ушбу услуб ўз-ўзидан вазли насрдан фойдаланишни тақозо қилган. Вазли наср қироатга мос тушиб, бадий нутқнинг пафосини оширади, юксак оҳангдорлигини таъминлайди. “Тоҳир ва Зухра” дostonида вазли насрнинг гўзал намуналари учрайди. Зухра томонидан Тоҳирга хабар етказиш учун юборилган Воҳид Тоҳирга Зухранинг руҳиятини шундай баён қилади:

“Тотор вилоятининг қизларининг шаҳаншоҳи Зухражоннинг юраги қон, жигари бирён, дийдаси гирён, ақли ҳайрон, боғлари бесайрон, ошуфтаи даврон, кўшки ўзина зиндон, иши афғон, чекдиги фиғон, душманлари шодон, кўнгли аламда, кўзлари намда, хотири ғамда, жони ситамда, дунёдан кечиб, кеча-кундуз сенинг йўлингга қараб, сенинг орзуингдадур”. (Ошиқнома. V китоб, 68-б).

<sup>162</sup> Саримсоқов Б. Вазли наср ҳақида мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1975. – №4. – Б.73. (73-77)

Вазнли насрнинг яна бир кўриниши шоҳлар саройидаги ёзишмаларда намоён бўлади. Гарчи дostonларда бу тоифа ёзишмалар учрамаса-да, сарой аёнларига мансуб образларнинг нутқида кўзга ташланиб қолади.

Подшоҳларга нисбатан мурожаатларда вазнли бирикманнинг жуфт шакли кўпроқ учрайди. Масалан, **“Шоҳо сарваро, жаҳонпарваро**, суюнчи берингиз, қизиқингиз юзи гул, кокиллари сунбул, олам анго бир пул йигит бирла ўлтирубдур”. (“Ошиқнома. I китоб, 153-б)

Айрим ҳолатларда бундай мурожаатлар кўп ҳижоли вазнда янада дабдабалироқ тарзда ифода этилади: **“Эй подшоҳи олам, эй султони бокарам**, ўғлингиз шоҳ Олимжон Қайтуснинг бир лак лашкарина босқи берди”. (“Ошиқнома. I китоб, 291-б.)

Кўлёмза нусхалар орқали тарқалган дostonларда Худо ва авлиёларга мурожаат қилинганда ҳам ушбу услуб кўзга ташланади: “Илоҳо, поко парвардигоро, аҳадо, самадо, маъбудо, маскудо...”. (“Ошиқнома”. III китоб, 260-б.)

“Эй, бархудоё! Поки парвардигоро, бу нечук сир бўлди...” (“Ошиқнома”. V китоб, 21-б.) “Даргоҳи илоҳо, ё Парвардигоро! Бу ошиққа ўзинг раҳм эт!” (Ўша китоб, 31-б.)

Дostonларда вазнли наср гарчи оз миқдорда қўлланилса-да, ҳар бир дostonда ўзига хос акс-садо бериб туради. Унинг мураккаб бирикмалари кўпроқ китобий қўлёмза нусхаларда тарқалган дostonларда кўзга ташланса, уларнинг икки бўлақдан иборат қофияланиб келувчи жуфт шакли оғзаки вариантларда фаол ишлатилади. Улар тайёр қолипга тушган ибораларга яқин бўлиб, ҳар бир ижрочи уларга тез-тез мурожаат қилишади. Дoston ижрочилари вазнли насрдан кўп ҳолларда образлар руҳиятини, уларнинг хатти-ҳаракатларини ифодалашда фойдаланишади. Вазнли насрнинг ишлатилиши дostonдаги насрий баённинг гўзал оҳангларда ифодалашга, унинг бадий бўёқдорлигини таъминлашда, тингловчи руҳиятини воқеага жалб қилишда ижрочи бахши ёки қиссахонга жуда катта ёрдам беради.

Бинобарин, қисса-dostonларда ўзига хос тантанавор услуб устуворлик қилади. Бу услуб асардаги бадий нутқнинг таъсирчанлиги ва оҳангдорлигини юксалтиради.

## Боб бўйича келинган хулосалар:

1. Эпос халқимиз маънавиятининг буюк обидасидир. Фольклорнинг бошқа шаклларида унинг асосий фарқи шуки, эпос фақатгина профессионал бахши томонидан ижро этилади. Шу сабабли ушбу буюк обиданинг бизгача сақланиб келишида бахшилар шажарасининг хизмати ниҳоятда каттадир.

Бахши бўлиб шаклланиш жуда мураккаб жараён. Шу боисдан бўлса керак уларни турли даражада илоҳийлаштириш билан боғлиқ афсоналар ҳам тарқалган. Чунки, бахши юксак хотира қувватига эга бўлиши, мусиқани тушуниши, соз чалиш малакасига эга бўлиши вабадий нутқни юқори даражада ижро эта билиши зарур. Ушбу қобилиятларнинг бир кишида жам бўлиши ноёб ҳодисадир. Айрим бахшиларнинг 50-60 дostonни ёд билиши бунга тасдиқлайди.

2. Бахши маҳорати, аввало, анъана билан алоқадордир. Устозлик-шогирдлик анъанасида бахши эпик қолип ва сайёр формулаларни идрок қилади.

Эпик қолип бахши учун воқеаларни ҳикоя қилишда андоза вазифасини бажаради. Қахрамонлик дostonларида от таърифи, сафарга отланиш, хайрлашув, жангдан кейинги фахрия, мақтаниш каби лавҳалар асар композициясида асосий ўринни эгаллайди. Хоразм дostonларида фақат “Гўрўғли” туркумидагина эпик от образи мавжуд бўлиб, ишқий-саргузашт дostonларида эпик қахрамон дотор ушлаб пиёда кезади. Бироқ ушбу тоифа дostonларида ҳам сафарга отланиш, йўл бўлсин ва хайрлашув каби саҳифалар учрайди.

“Гўрўғли” дostonларида от таърифи ва фахриялар кўплаб келтирилган. Дostonларда ишлатиладиган сайёр формулалар, анъанавий тасвир воситалари эса бахши маҳорати билан узвий алоқага эга.

3. Аудитория эътиборини ўзига жалб қилиш учун бахши барча маҳоратини ишга солади. Бола бахши бу борада катта маҳорат мактабини ўтаган. У тингловчилар диққатини ўзига жалб қилиш учун турли усуллардан фойдаланади. Юмористик лавҳаларга, ди-

алогларга, киноявий, кесатиқ ибораларга мурожаат қилади. Ҳйин кўрсатиш баҳонасида душманни лақиллатиб, кўплаб душманларни ўлдирган Гўрўғлининг ҳййла-найранглари хикоя қилади. Фразеологик ибораларга, мақол ва маталлардан фойдаланади.

“Ичини ит таталагандай”, “эгасини йўқотган кучукдай”, “сувга тушган шоғолдай” каби ибораларни воқеалар моҳиятига мос ҳолда истифода қилади.

Бола бахши ижросидаги “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” достонини ёзма нусха билан солиштирганда ҳажм қисқаргани ҳолда бадихагўйликнинг юқори даражага кўтарилганини яққол кўриш мумкин.

4. Оғзаки ижро бахшидан юксак талант ва маҳоратни талаб қилади. Хоразмда Бола Бахши билан тенглашадиган яна бир бахши Манғитлик Аҳмад бахши Матназаровдир. Манғит бахшилари ансамблида масхарабозлар ҳам бирга иштирок қилишган. Манғитда донг таратган масхарабоз Юсуф Шорлама (Юсуф Полвонов) Аҳмад бахши бир давра дoston куйлагандан сўнг ўз шериклари билан томоша кўрсатган.

Аҳмад бахши шундай иқтидорли санъаткор бўлганки, дутор чертганда қўллари қонаб кетганини ҳам сезмай қолар, бу пайтда гижжакчиси уни огоҳлантирар экан. Ўткан асрнинг 30-йилларида бахши 300 кишилик халойиқ олдида дoston куйлаган. Бир кўшиқнинг авжида Аҳмад бахши эҳтиросга берилиб, ўрнидан туриб кетади, унинг изидан ансамблдаги шериклари ҳам ўрнидан туришади. Сал ўтмай кўп сонли томошабинлар ҳам оёққа қалқиб, тикка турган ҳолда кўшиққа қулоқ тутишади.

Аҳмад бахши “Гўрўғли” туркумининг барча шохобчаларини ёд билган. Афсуски, у 1936 йилда қатағон домига тушиб айбсиз ҳолда ҳибсга олинади ва қамоқхонада вафот этади. Унинг ижросидаги “Қирқ минглар” достони бахши иқтидорининг нақадар юксаклигидан дарак беради.

5. Хоразм воҳасида бахши ижрочилиги билан бир қаторда қиссахонлик анъанаси ҳам фаолият кўрсатган.

Т.Мирзаев ушбу анъананинг юксалиш даврини XVI-XVIII асрлар деб тўғри белгилайди. Аммо бу анъананинг дастлабки босқичлари минг йилларга бориб тақалади.

Хоразмда қиссахонлик XIX аср бошларида юксалиш палласига қадам қўяди. Бу юксалишни бошлаб берган ижодкор Андалибдир. У биринчи маротаба наср ва назм аралаш ҳолда халқ дostonлари услубида бир қанча асарлар ижод қилди. Шундан кейин халқ дostonларини қисса шаклида кўчириш анъанасини янада ривожланди.

XIX аср ўрталарида қиссахонлик оммавий тус олди. Бунга Ҳ.Вамберининг Мулла Исҳоқ билан қисса-дoston тўплашлари мисол бўла олади. Қиссахонлар хон саройларида махсус фаолият юритишган. Зиёлилар аудиториясида қисса ўқиб эшиттириш анъанага айланган. Бу даврларга бахшиларнинг ташриф буюришлари уларнинг янги дostonларни ўзлаштиришларига ижобий таъсир кўрсатган.

6. Қисса-дostonлар яратиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Мумтоз адабиётни, халқ оғзаки ижодини яхши ўзлаштирган, ўзи ижодкор, форс, араб тилларини мукамал эгаллаган, мадраса таълимини олган айрим зиёлиларгина бу ишга қўл урган. Шу сабабли қисса-дostonлар муайян андозага солинган. Анъанавий қонуниятларга амал қилинган. Уларнинг ўзига хос муқаддимаси ва хотимаси клише шаклида айрим ўзгаришлар билан берилган.

Қисса-дostonнинг композицияси эса оғзаки дostonларникидан унчалик фарқ қилмайди, эпик қолип анъаналарига бўйсунди. Аммо дoston лексикаси тубдан қайта ишланган. Уларда форсий, арабий ўзлашмалар устуворлик қилади. Шеъррий парчаларда ғазал, мухаммас, мусаддас, туюқ каби мумтоз адабиётга хос жанрлардан фойдаланилган. Услубида тантанавор бадий нутқ намоён бўлади. Қиссаларни махсус тайёргарликка эга бўлган қиссагўйлар қироат билан ўқиганлар. Шеърлар эса “ярим куйлаш” оҳангида ижро этилган.

6. Қиссахонлар эркак ва аёл ижрочиларга бўлинади. Эркак қиссахонлар қадимда ўн-ўн икки кишидан иборат мухлислар дaрасида дунёвий ва агиологик қисса-дostonларни ўқиб эшиттирганлар. Баъзан улар қишлоқларга чиқиб, махсус аудиторияларда қисса ўқиб мухлислар ортдиришган. Бу давраларга бахшилар



ҳам келишган. Аёл қиссаҳонлар Хоразмда халфа деб юритилади. Улар хотин-қизлар даврасида қиссаҳонлик қилишган. Тўйларда дунёвий, азаларда агиологик дostonларни тарғиб қилишган.

Қисса-дostonлар матни мукамал ишланган. Бадий нутқ таркибида сажъ, вазнли наср, учириқ сўзлар, мақол-маталларга кўпроқ мурожаат этилган. Асар мазмунига қараб тантановор, сокин, мунгли оҳангларда ўқилган.

Хуллас, қиссаҳонлик ҳам халқ маънавиятини юксалтиришда муҳим маърифий восита сифатида хизмат қилган. Аммо баҳши ижроси ўзининг оммавийлиги ва таъсирчанлик билан алоҳида ажралиб туради.

## ТЎРТИНЧИ БОБ.

### ЭПИК АНЪАНАДА ХАЛФАЧИЛИК САНЪАТИ

#### Хоразм халфачилик санъатининг ўрганилиши

Хоразм халфачилиги ўзининг қадимий илдизларига эга бўлса-да, уларнинг мазмун-моҳияти, ўзига хос анъаналари ва йирик намояндалари ҳақида жуда кам маълумотлар сақланиб қолган.

Халфаларнинг “ярим куйлаш” – (речитатив) тарзида ижро қилиш усули дастлаб Ҳ.Вамбери асарларида тилга олинади. Унинг қайд қилишича, Хоразмда тарқалган “Бахши китоби”, деб аталадиган дostonлар ва қўшиқлар тўпламидаги асарлар декламация-речитатив тарзда ижро этилади. Шарқшунос олим ушбу анъанага баҳо берар экан, мазкур ижро усули халқ ижрочиларига форсий халқлардан ўтган бўлса керак, деган тахминни билдиради<sup>163</sup>.

Агарда қадимий хоразмийларнинг форсий тилнинг шимолий лаҳжасида сўзлашганлиги ва форсий халқлар билан яқин алоқада бўлганлигини ҳисобга олсак, “декламация”- речитатив усулининг тасодифий анъана эмаслиги маълум бўлади. Халфалар ва қиссахонлар бу усулдаги анъанани ҳозиргача давом эттириб келишмоқда. Чунки речитатив ижро “Авесто”даги “Видевдат” матнларини ўқиш билан алоқадордир<sup>164</sup>.

Бундан ташқари, “Авесто”нинг “Ясна” китобида 17 та “гоҳ”-қўшиқ сақланган. Уларни ёд ўқиш ўта савобли ҳисобланган<sup>165</sup>.

Хоразм халфачилик санъати XX асрнинг 30-йилларидагина профессионал фольклоршуносларнинг назарига туша бошлади.

Йирик фольклоршунос олим Ҳоди Зариф биринчилардан бўлиб, Хоразмлик машҳур халфа Хоним сувчини кашф қилди. Бу жараёни фольклоршунос шундай хотирлайди:

<sup>163</sup> Вамбери Ҳ. Чиғатой тили дарслиги. Лейпиг, 1867. – Б.33-34.

<sup>164</sup> Крюкова В. Авестийский жреческий кодекс “Видевдат”. Историческо-этнографические реалии. / “Авесто”ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. – Тошкент – Урганч, “Фан”, 2001. – Б.120.

<sup>165</sup> Авесто. Яшт китоби. – Тошкент: “Шарқ”, 2001. – Б.28.

“1930 йил, ёзнинг иссиқ кунлари. Хивада, Дошҳовлидаги Хоразм музейи биносида тадқиқот ишларини бошлаб юбордик. Ўзбекистон халқ комиссарлари совети ҳузуридаги Ўзбекистон давлат илмий-текшириш институти (УЗГНИИ) Хоразм экспедициясининг базаси шу бинода эди. Экспедициянинг вазифаси жуда катта ва кенг миқёсда. Чунки бундай экспедиция Хоразмдек қадимий диёрга биринчи мартаба борган. Мақсад – фанга янгилик киритмоқ.

Экспедиция аъзолари ўз ихтисосликлари бўйича фанда маълум бўлмаган материал ва маълумотларни Хоразм бўйлаб халқ орасидан ўзлари тўпламоқлари, тўплаган материални ўз ўрнида қайта-қайта текшириб кўришлари шарт эди. Экспедиция раҳбари Ғози Олим Юнусов ҳайъатнинг барча аъзолари вазифаларини белгилаш ва текшириб туриш билан бирга, асосан, диалектологик тадқиқотлар билан шуғулланарди. Машҳур тилшунос Евгений Дмитриевич, Қаюм Рамазоновлар ҳам шу соҳада тадқиқот олиб борардилар. Этнограф Леонид Павлович Потаповнинг рафиқаси Идит Густовна, аспирант Собир Салимий Хоразм халқининг этнографияси билан шуғулланар, машҳур реалист рассом Павел Петрович Бенков шу халқ ҳаётининг маҳнат процессларини бадиий лавҳаларда қайд этиш билан шуғулланарди. (Бу ажойиб рассомнинг қалами билан тасвир этилган ҳақиқат лавҳаларига мафтунман-у, унинг маҳоратини тасвирлашга ожизман).

Экспедициянинг ишлари кутилгандек бўлишида хивалик олим, Самарқандда Давлат музейининг илмий ходими Бекжон Раҳмонов жуда катта ташаббускорлик кўрсатди. Биз Хоразм ҳақида умумий тасаввурга эга бўлсак ҳам, бу диёрга биринчи марта борганмиз. Ўзбекчилик, ҳар қаерга кириб боришга тортиниб ҳам турамыз, баъзан истиҳола қиламыз. Бизга истакларимизни тўғри англаб, тўғри маълумотлар берувчи шахслар керак.

Мен бу вақтга қадар халқ ижодчиларининг зўр вакилларини кўрганман, асарларини қайд этганман, дostonчилар мафтун бўлиб қолганман. Аммо аёл халқ шоирлари билан шахсан учрашмаган эдим. Хивада шунга муяссар бўлдим. Бекжон Раҳмонов хивалик Хонимжон аяни Дош-ҳовлига етаклаб келди”. (Мирзаев

Т. Ҳоди Зариф суҳбатлари. – Тошкент: “SHAMS- ASA” 2013.–Б.262. (380) Ҳоди Зариф ушбу учрашув жараёнида Хоним халфадан “Асилхон” достонини ва кўпгина халқ қўшиқларини ёзиб олади. Шунингдек, Хивадаги бошқа халфалардан ҳам анчагина қўшиқ, лапарлар матнга кўчирилади. Ушбу материаллар ҳозирда Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти фольклор архивида 501, 519, 521, 534, 536 рақамли инвентарларда сақланади.

**Ушбу экспедициядан сўнг Хоразм халфалари ва уларнинг репертуарлари ҳақида аста-секин турли тадқиқотлар юзага келиб, турли манбаларда эълон қилина бошлади<sup>166</sup>. Анча танаффусдан сўнг фольклоршунос Ж.Қобулниёзов Хоразм халфачилиги санъати борасида жиддий иш бошлади. У Анаш-халфа – Онажон Собирова, Ожиза-Онабиби Отажоноваларнинг ҳаёти ва ижодий репертуари ҳақида тадқиқот ишларини эълон қилди.**

Фольклоршунос олимнинг ёзишича, юқорида номлари тилга олинган икки машхур халфалар сафига Розия Матниёзова, Сафаргул Отамуродова, Шарифа Эшжонова, Саодат Худойберганова, Бикажон Бобожонова ва бошқалар ҳам келиб кўшилган. Тадқиқотда ушбу халфалардан ташқари, турли-туманлар ҳудудида яшовчи йигирмага яқин халфаларнинг номлари тилга олинган.

Анаш халфанинг 4 та, Ожизанинг 7 та шеъри илк маротаба китобхонларга ҳавола этилган<sup>167</sup>. Ж.Қобулниёзов томонидан нашрга тайёрланган икки нафар халфанинг шеърлари замонага мос тарзда танланган бўлишига қарамасдан, уларни эълон қилиш фольклоршунослик учун қимматли материаллар бўлиб ҳисобланади. Чунки бу соҳа ўша даврда фан учун очилмаган кўриқ эди. Энг муҳими халфалар репертуарида яшаб келган кўплаб достон ва халқ қўшиқлари илк маротаба кенг кўламли ва кўп нусхада чоп этилди. Натижада халқ қўшиқлари бўйича ада-

<sup>166</sup>Қаранг: Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: ГИХЛ, 1947; Отажон Ҳошим. Ўзбек фольклори тўғрисида. // Совет адабиёти. 1935. № 7-8. – Б.95-98.

<sup>167</sup> Хоразм халқ қўшиқлари. – Т.: Фан, 1965. (Нашрга тайёрловчи: Ж.Қобулниёзов) – Б.3-27, 356-368, 394-397.

биётшунослик ва тилшунослик соҳаларида номзодлик диссертациялари тайёрланиб ҳимоя этилди<sup>168</sup>. Ўз навбатида ёш халфалар кўшиқларни ўз репертуарларига киритиб куйлашди ва тарғиб қилишди.

Халфа кўшиқларининг ушбу мажмуасига хос асосий камчиликлардан бири уларнинг шўро замонаси мафқурасига мослаб таҳрир қилинишидир. Буни нашрга тайёрловчи эътироф қилгани ҳолда китобнинг дастлабки саҳифасида “Таҳрир қилиб, нашрга тайёрловчи” жумласини қайд қилган. Чунки ўша даврларда анъанавий кўшиқларни чоп қилиш жуда қийин бўлиб, уларнинг айрим мисраларини замонабоп қилиб ўзгартиришга тўғри келарди.

Ж.Қобулниёзовдан кейин Хоразм халфалари ҳақида талайгина тадқиқотлар рўёбга чиқа бошлади.

1967 йилда М.Муродов ва Н.Сабуровлар ҳазорасплик Розия Матниёз қизидан ёзиб олинган, “Гулруҳ пари” дostonини чоп этилди. Ўша китобга ёзилган сўз бошида таъкидланишича, Розия халфа Матниёз қизи (1889-1951) репертуарида кўплаб халқ кўшиқлари, мумтоз адабиёт вакилларининг шеърлари ва “Бозиргон”, “Гулруҳ пари”, “Шобаҳром”, “Ғариб ошиқ”, “Завриё”, “Юсуф-Аҳмад” каби дostonлар бўлган<sup>169</sup>.

Ж.Қобулниёзовдан кейин илк бора Хоразм халфачилиги ҳақида тадқиқот ишларини бошлаган олим Насрулло Сабуровдир. У ўзининг “Халфалар репертуаридаги янги кўшиқлар” мақоласида ҳазорасплик халфаларнинг шўро давридаги яратган кўшиқларини таҳлил қилади ва халфаларнинг ижрочилик санъатига нисбатан икки гуруҳга: махсус ансамблга уюшган санъаткор-ашулачи халфаларга ва бирор дostonни мусиқасиз, ёқимли оҳангда ўқиб эшиттирувчи халфаларга ажратиш мумкинлигини таъкидлайди<sup>170</sup>.

<sup>168</sup> Қаранг: Рўзимбоев С. Хоразм воҳаси ўзбек халқ кўшиқларининг ғоявий-бадий хусусиятлари. – Тошкент: 1972. (номзолик дисс); Жуманиёзова М. Хоразм халқ кўшиқлари лексикаси. НДА. – Тошкент: 1999. – Б.22.

<sup>169</sup> Муродов М., Сабуров Н. Сўз боши. // Гулруҳ пари. – Тошкент: “Фан”, 1967. –Б.7.

<sup>170</sup> Сабуров Н. Халфалар репертуаридаги янги кўшиқлар. // Ўзбек совет фольклори масалалари. – Тошкент: “Фан”, 1970. –Б.70-77.

С.Рўзимбоевнинг “Хоразм воҳаси ўзбек халқ қўшиқларининг ғоявий-бадий хусусиятлари” номли номзодлик диссертациясида ҳам халфалар ижоди ва репертуарларига мурожаат қилинган. Диссертациянинг иккинчи бобида Онажон Собирова ва Онабиби Отажонова –Ожизаларнинг айрим шеърлари ва улар репертуаридаги баъзи қўшиқ, термалар таҳлил қилинади. Уларнинг замонавий шеърларига алоҳида урғу берилади<sup>171</sup>.

Халфа қўшиқлари, умуман халқ орасидаги қўшиқларни ёзиб олишда мусиқа фольклоршуносларининг ҳам хизматлари катта бўлди.

“Ўзбек халқ музыкаси” рукнида чоп этилган китобларнинг VII, VIII, IX томларида халфа қўшиқларининг катта бир қисми куйлари билан ёзиб олиниб, китобхонларга тақдим этилди<sup>172</sup>. Уларнинг орасида Ожизанинг “Хуршиди жаҳон келди”, “Тунинай” каби шеърлари ва биографияси берилган<sup>173</sup>. “Оға дарам”, “Хива дудори”, “Лачак” каби халфа қўшиқлари ва юзга яқин дoston қўшиқларининг матни нота ёзувлари билан биргаликда чоп этилган.

Ушбу рукннинг давоми сифатида 1978 йилда нашр қилинган китобда ҳам халфа қўшиқларининг энг яхши намуналари матнлари нота ёзуви билан бирга эълон қилинган. Улар орасида Ожизанинг “Арқа қизлар чаққонлашинг”, “Эй дилбарим”, “Ёдингда йўқманми магар”, “Қалбим уёнади”, “Галмади-галмади” каби қўшиқлари берилган. Шунингдек, ўндан ошиқ турли қўшиқлар куйлари билан биргаликда чоп этилган<sup>174</sup>.

1971 йилда чоп этилган О.Собировнинг монографиясида ҳам Хоразм халфаларидан иккитаси тилга олинади. Улардан бири Саодат халфа Худойберганова 1905-1972 бўлиб, мазкур халфа Ҳазорасп шаҳарчасида яшаган. Ундан Н.Сабуров 1956-1961 йиллар мобайнида юзлаб қўшиқларни ёзиб олган. Уларнинг барчаси Ж.Қобулниёзов чоп эттирган “Хоразм халқ қўшиқлари” мажмуа-

<sup>171</sup> Рузимбоев С. Идейно-художественные особенности Узбекских народных песен Хорезмскою оазиса. АКД. – Тошкент: 1971. – С.22 (30)

<sup>172</sup> Ўзбек халқ музыкаси, VII, VIII, IX томлар. – Тошкент: Бадий адабиёт нашриёти, 1959. –62 йй. (590)

<sup>173</sup> Ўзбек халқ музыкаси. IX том. – Тошкент: Бадий адабиёт нашриёти, 1962. – Б.12.

<sup>174</sup> Ўзбек халқи музика мероси. – Тошкент: “Адабиёт ва санъат”, 1978. (154)

сига киритилган. Қўшиқлар орасида анъанавий ашулалар билан бирга замонавий термалар ҳам анчани ташкил этади.

Иккинчи халфа Ҳазорасп шаҳарчасида яшаган Маҳфира Собирова (1909-1966) бўлиб, ундан Н.Сабуров 1916-1965 йилларда кўплаб қўшиқларни, “Илон қуйруғи ва фарзанд доғи”, “Мард йигит”, “Подшонинг уч ўғли”, “Тўрабек хоним” каби эртактларни, “Баҳром ва Гуландом” достонидан парчаларни ёзиб олган. Маҳфира халфа ижодкор шоира сифатида танилган, замонавий қўшиқлар ва янги ёр-ёрлар яратиб тўй ва сайлларда куйлаб юрган. “Боғимда ўсар гуллар” ва “Ой ойдиндир ёқтидир” қўшиқлари эл орасида кенг тарқалган.

О.Собиров ушбу халфаларнинг ижодий портретларини ярата олган<sup>175</sup>.

Ушбу тадқиқот Хоразм халфачилик санъатини республика доирасида тарғиб қилиши билан муҳим илмий-амалий аҳамият қозонади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гавҳар Раҳимованинг “Қутлуғ йўлда” китобида ҳам Хоразм халфалари ижоди ва репертуари ҳақида қимматли маълумотлар учрайди. Айниқса, у Онажон Собирова – Анаш халфа фаолияти, унинг санъаткорлик услуби хусусида кенг ва атрофлича тўхтаб ўтган. У шундай ёзади: “1936 йил ёзида Хоразм гармончилар ансамбли ташкил этилди. Ўша йили апрел ойида Хоразмга жўнадик. Сафардан кузатилган мақсадга эришдик. Гармончилар ансамблининг сафи Сорахон Оллаберганова, Раима Ҳакимова, Ўғилжон Машарипова, Пошшахон Матчонова каби истеъдодлар ҳисобига кенгайди”. (“Қутлуғ йўлда”, – Тошкент: “Ёш гвардия”, 1973. –Б.91. (182)

Гавҳар Раҳимова ўша даврда тузилган гармончилар ансамбли аъзоларининг репертуари ва гастрол манзиллари ҳақида батафсил маълумотлар бериб ўтган. Устоз санъаткорлар М.Ёқубов –Шерозий, М.Харратовларнинг кўрсатган катта ёрдамларини эътироф этади. Гармончи қизлар ансамбли репертуари асосан халфа қўшиқ –лапарларидан иборат бўлганлиги таъкидланади.

<sup>175</sup> Собиров О. Ўзбек совет фольклори очерки. – Тошкент: “Фан”, 1971. – Б.109-115. (200)

Хоразм халфалари хусусида муайян маълумотлар берувчи яна бир тадқиқот этнограф олим Тўра Қиличевнинг “Хоразм халқ театри” асаридир. Унинг ёзишича, халфачилик санъатини ўрганиш ҳам ўзига хос мактаб услубига эга бўлган. Эски мактабда хат-савод чиқарган, билимга ихлосманд қизлар таниқли халфаларга 4-5 йил шогирд тушганлар. Улар шогирдлик даврида устозларидан тўй вабошқа маъракаларда айтиладиган қўшиқ, дoston ва ғазалларни ўрганганлар. Халфалар шогирдларини ўзларига эргаштириб тўй-маракаларга олиб боришган, бирга куйлашган, рақсга тушишган. Шундай синовларда жамоатчиликнинг олқишига сазовор бўлган шогирдлар устозларидан фотиҳа олиб халфа номига эга бўлганлар<sup>176</sup>.

Т.Қиличев ўз китобида XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ўтган кўплаб халфаларнинг номлари ва репертуарлари ҳақида маълумот беради. Ўша халфаларнинг айримларининг номларини келтириш ушбу санъат турининг XIX аср охири XX аср бошларида фаол ривожланганлигини кўрсатади: XIX аср охири XX асрнинг бошларида хивалик Шукиржон халфа (1851-1950), Шарифа халфа (1900-1972), Жони халфа (1870-1920), Анаш Маърам (1882-1917), Бибижон халфа Қосимова (1875-1920), хонқалик Дурхоним халфа Қурбондарозова (1881-1936) Киш халфа Ҳасанова (1881-1948), Айтжон халфа Сафаева (1875-1955), Гулжон қори халфа (1874-1935), Ойша кулол халфа Искандарова (1880-1949), Ёқуб халфа Вафаева (1844-1914), Шарифа Нўғой Оташева (1892-1960), Ўғил Нўғай Қураёзова (1859-1949), Ёқут халфа Сейтниязова (1903-1972) ва бошқаларнинг номи халқ орасида танилган эди<sup>177</sup>.

“Хоразм халқ театри” монографияси муаллифи Хоним халфа Саидамат қизи фаолияти ҳақида ҳам яхшигина фикрларни баён қилади. Шу билан бирга шўро даври мафкурасига мос ҳолда тўқилган айрим далилларни ҳам ўртага ташлайди. У ёзувчи Жуманиёз Шириповнинг “Хоразм” романидаги айрим лавҳаларга таяниб

---

<sup>176</sup> Қиличев Т. Хоразм халқ театри. -Тошкент: “Адабиёт ва санъат”, 1988. -Б.114-115. (182)

<sup>177</sup> Қиличев Т. Кўрсатилган асар. -Б.117.



шундай фикрларни таъкидлайди: “Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) Хонимжон халфа билан Момо Талмин халфани қопга солиб ичига мушукни ҳам тиқиб, юз қамчи урдиради. Бехуш бўлиб қолган халфаларни кигизга ўраб, аравада уйларига олиб кетишади”<sup>178</sup>.

Жуманиёз Шарипов бу лавҳани бадий асариди баён қилган. Шу сабабли воқеа тўқима бўлиши ҳам мумкин. Аммо бизга Хоним халфанинг чевараси, Ўзбекистон халқ рассоми Тўра Курёзов бутунлай бошқача маълумот беради: “Хонимжон момам 14-15 ёшларида араб, форс тилларини мукамал билган. Бу қизнинг доврўғини эшитган хон Муҳаммад Раҳим II – Феруз уни саройга ишга таклиф этади ва ўзининг яккаю ягона қизи Чинни бикага мураббий қилиб тайинлайди. Кейинчалик хон саройининг бош халфаси этиб тайинлайди. 1875-1876 йилларда Феруз Хонимжонни ўзининг жияни Қутлигалдига тўй-томоша қилиб турмушга чиқаради”<sup>179</sup>.

Ушбу хотиралардан кўринадикки, Феруз Хонимжонни бош халфа қилиб тайинлаб, келин қилиб олади. Шундай маърифатли хоннинг юқорида келтирилган жазони қўллаши (яна ўз келинига) мутлақо асоссиздир. Хоним халфанинг ҳаёти ҳақида сўнги йилларда ишончли тадқиқотлар яратилди<sup>180</sup>.

Т.Қиличевнинг тадқиқотида Анаш халфа, Ожизалар ижоди хусусида ҳам яхши фикрлар билдирилган. Улар тайёрлаган шогирдлар репертуарига эътибор қаратилган. Ушбу монография ҳар жиҳатдан мукамал далилларга эга. Бироқ, Шўро даври мафкураси унда ўз таъсирини яққол кўрсатиб туради. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас, чунки бу ҳолат ўша давр учун табиий эди.

Ҳ.Абдуллаевнинг “Халфалар репертуари ва фольклор алоқалари” мақоласи ҳам анча қизиқиш туғдиради. У халфаларни ижрочи ва ижодкор (шоира) халфаларга ажратади. Мақолада кўпроқ ўзбек ва қорақалпоқ халфалари алоқалари ва уларнинг репертуаридаги алоҳидаликларга эътибор қаратилади. “Қорақалпоқ халфалари репертуарида асосан қаҳрамонлик дostonларидан

<sup>178</sup> Қиличев Т. Кўрсатилган асар. – Б.119.

<sup>179</sup> Курёзов Т. Нотекис йўллар. – Тошкент, 2014. – Б.3-4. (126)

<sup>180</sup> Қаранг: Рўзимбоев С. Хоним халфа ҳаётининг янги саҳифалари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2017.–№1. – Б.84-87.

олинган кўшиқлар кўпчиликни ташкил этса, Хоразм халфалари ижро этадиган кўшиқлар кўпинча ишқий-лирик (ошиқлик) дostonларидан олинади”<sup>181</sup>, деб ёзади муаллиф.

Шунингдек, мақолада Анаш халфа, Ожиза каби халфаларнинг репертуаридаги термалар таҳлил этилиб, Анаш халфанинг қорақалпоқ халфаларига таъсири хусусида сўз юритилади.

Халфалар ҳаёти ва ижоди хусусида С.Рўзимбоевнинг талайгина ишлари эълон қилинган. Унинг “Халқ дostonлари ва халфалар ижоди”<sup>182</sup> мақоласида Ожиза, Шукур Оллақули қизи каби халфаларнинг индивидуал ижодига дoston кўшиқларининг таъсири масаласи ёритилади.

Фольклоршунос олимнинг “Хоразм дostonлари”<sup>183</sup> монографиясида эса халфалар ижоди анча кенг доирада таҳлилга тортилган. Дoston куйловчи халфалар репертуари, қиссахон халфаларнинг ижрочилик услуби хусусида сўз юритилиб, улар уч гуруҳга ажратилган. 1. Ижодкор шоира халфалар. 2. Ижрочи –созанда халфалар. 3. Дostonларни соз ва куйсиз қироат билан ўқиб эшиттирадиган халфалар. Бу тасниф юқорида қайд қилиб ўтганимиз Н.Сабуровнинг халфаларни икки гуруҳга ажратиб қилган таснифини яна бир йўналиш билан тўлдиради. Кейинги таснифда шоира-дostonчи халфалар алоҳида олинган. Чунки бу тоифага кирувчи ижодкорлар фақатгина санъаткор ашулачигина эмас, балки дoston матнларини тўла ўзлаштириб, уларнинг шеърий ва насрий қисмлари билан биргаликда бахшиёна услубда аёллар даврасида куйлай олганлар ва айни пайтда шоира сифатида ҳам танилганлар. Хоним халфа, Анаш халфа ва Ожизалар ижоди бунга мисол бўла олади. С.Рўзимбоевнинг таъкидлашича, ушбу тоифага кирувчи санъаткорлар ҳозирда учрамайди. Шу сабабли Н.Сабуров ҳозирги ҳолат юзасидан уларни санъаткор-ашулачи халфалар сифатида баҳолаган.

<sup>181</sup> Абдуллаев Ҳ. Халфалар репертуари ва фольклор алоқалари // Адабий мерос, 1982.- №2. - Б.30-37.

<sup>182</sup> Рўзимбоев С. Халқ дostonлари ва халфалар ижоди. // Адабий мерос. №2, 1984. - Б.9-13.

<sup>183</sup> Рўзимбоев С. Хоразм дostonлари. -Тошкент: Фан, 1985. -Б.27-33 (96 )

Ҳ.Абдуллаев эса халфаларни ижрочи ва ижодкор (шоира) тарзида икки гуруҳга ажратади. Қироатхон-қиссахон халфаларни ҳам ижрочи санъаткорлар қаторига қўшади.

Умуман олганда, халфа ижрочилигини, уларнинг ижро йўналишларини тасниф қилиш мураккаб масала. Академик Т.Мирзаев С.Рўзимбоевнинг таснифига қўшилган ҳолда унда учинчи гуруҳга кирувчи халфаларнинг бадиҳагўйлик санъати чекланганлигига эътироз билдиради<sup>184</sup>. Ўз навбатида С.Рўзимбоев қироатхон-қиссахон халфаларнинг бадиҳагўйлик санъати масаласига бошқа бир тадқиқотида алоҳида эътибор қаратади<sup>185</sup>. Унинг таъкидлашича, қиссахон халфалар репертуаридаги дoston матнлари айнан бир хил эмас. Ҳар бир нусха ўзининг айрим томонлари билан муайян қимматга эга. Баъзи нусхаларда битта шеърий банд уч хил тарзда намоён бўлади:

*Эй Дастагул, савдо тушар бу сарга,  
Келиб дурсан, ихтиёринг кетарга.  
Бетаҳорат босмас оёғин ерга,  
Озодалик мудом Шоҳсанамдадур.* (Ниёзжон халфа варианты)

*Эй, Дастагул савдо тушиди бу сарга,  
Келиб дурсан, ихтиёр эт, кетарга,  
Бетаҳорат босмас оёғин ерга,  
Мудомо таҳорат Шоҳсанамдадур.* (Онабиби халфа варианты)

*Эй, Дастагул, савдо тушиб бул сарга,  
Келибдурсан, ихтиёринг кетарга,  
Бетаҳорат босмас оёғин ерга,  
Мудомо таҳорат Шоҳсанамдадур.* (Шукур халфа варианты)

Ушбу парчалар таркибига киритилган ҳар бир янги сўз ёки таҳрир шеър маъносига таъсир қилмасдан қолмаган. Биринчи банднинг

<sup>184</sup> Мирзаев Т. Эпос и скзитель. – Тошкент: “Фан”, 2008. –С.30.

<sup>185</sup> Рўзимбоев С. “Ошиқ” туркуми дostonларининг ғоявий-бадий хусусиятлари. – Тошкент: ТДПИ нашриёти, 1987. –Б.21-24 (52)

тўртинчи мисраси ҳар иккила банддагига қараганда муваффақиятли чиққан. Иккинчи банддаги иккинчи мисра эса маъно жиҳатдан аниқлик касб этган. Учинчи банд эса янгилик бера олмайди.

Баъзи ҳолларда форсча, арабча сўзлар тушунарли шаклга ўтказилган:

*Дастагул дер, аё Ҳилола пари,  
Оти Ғариб, Ҳасан вазир писари.* (Ниёзжон халфа варианти)

*Дастагул дер, аё Ҳилола пари,  
Оти Ғариб хусн элининг сарвари.* (Розия халфа варианти)

Айрим бандлар эса шеърий парчалар таркибидан тушириб қолдирилган.

Бинобарин, ҳар бир нусха бир-бирини тўлдириб, муайян қимматга эга бўла олади<sup>186</sup>.

Демак, қироатхон-қиссахон халфалар ижрода ёзма матнга таянсалар-да, китоблар маълум даражада ўзгаришларга эга экан. Бу ҳолат, албатта, бадиҳагўйлик масаласига бориб тақалади. Шу жиҳатдан олганда Тўра Мирзаевнинг эътирози ҳақ бўлиб чиқади.

Бизнинг кузатишларимизда ҳам ушбу ҳолат кўплаб учради: Масалан, “Ошиқ Ғариб ва Ҳилола пари” дostonининг О.Пирматов нашр қилган вариантыда шундай банд учрайди:

*Энди билмам ёлғиз қаён бораман,  
Юртидан айрилган бир бечораман,  
Булбулдек тинмайин гулузораман,  
Қушдек қафас ичра қолған Ғарибман*<sup>187</sup>.

С.Рўзимбоев ўз рисоласида келтирган Онабиби халфа вариантида ушбу банд анчагина ўзгаришларга учраган:

<sup>186</sup> Рўзимбоев С. “Ошиқ” туркуми дostonларининг ғоявий-бадий хусусиятлари. – Б.23-24.

<sup>187</sup> Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам. – Тошкент: “Ғафур Ғулом”НМИУ,2015. –Б.135. (355)  
(Нашрга тайёрловчи: О.Пирматов)

*Энди билман, ёлғиз қаён борурман,  
Юртдин ошуб гирён-гирён борурман,  
Булбулдек тинмайин афғон борурман,  
Қуш каби қафасда қолган Ғарибман. (Кўрсатилган рисола, 22-б.)*

Онабиби қори – Ожиза репертуаридаги матнда ҳам анчагина фарқларни кузатиш мумкин:

*Энди билмам ёлғиз қайға борарман,  
Юртиннан айрилган бир бечораман,  
Булбулдек тинмайин гулузораман,  
Қушдек қафас ичра тушган Ғарибман<sup>188</sup>.*

С.Рўзимбоевнинг таъкидлашича, ушбу ўзаро фарқлар китобларни кўчирган иқтидорли котибларнинг ижодкорлигига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Тўра Мирзаев халфачилик, уларни ижро турларига қараб таъниф қилиш, халфа ансамбли, унинг аъзоларининг вазифалари, кўшиқ репертуари хусусида “Фольклор ижодкорлари ва ижрочилари” мақоласида ҳам анча батафсил маълумот беради. У С.Рўзимбоев қиссахон халфалар сифатида номлаган китоб ўқувчи аёлларни “Якка халфалар” номи билан атайди<sup>189</sup>.

С.Рўзимбоев халфа шоирлар ижодини тўплаш ва нашр қилиш ишларини ҳам амалга оширди. 1987 йилда Ожизанинг шеърлари икки босма тобоқ ҳажмида “Хуршиди жаҳон келди” номи остида чоп этилди<sup>190</sup>. Натижада шоира халфа ижодини тадқиқот этишига йўл очилди. Қолаверса, эълон қилинган шеърлар ёш халфалар репертуарини бойитди.

Хоразм халфачилигининг XX аср бошларидаги фаолияти таърихчи олим О.Собиров асарларида ҳам анча тузук ёритилган<sup>191</sup>.

<sup>188</sup> Ожиза (шеър ва дoston)– Тошкент: “Golden Pages”, 2003. –Б.89 (122)

<sup>189</sup> Мирзаев Т. Фольклор ижодкорлари ва ижрочилари. // Ўзбек фольклори очерклари. I том. – Тошкент: “Фан”, 1988. –Б.16-17.

<sup>190</sup> Хуршиди жаҳон келди. –Тошкент: “Адабиёт ва санъат”, 1987. (Ожиза шеърларини тўплаб нашрга тайёрловчи: С.Рўзимбоев)

<sup>191</sup> Собиров О. Хоразм воҳаси театрлари 1917-1941 йиллар. – Тошкент: “Адабиёт ва санъат”, 1991. – Б.64, 88, 93, 105, 135. (176)

Унинг китобида Анаш халфа ва унинг гармончилар ансамбли, Со-  
рахон Оллоберганованинг театр санъатини ривожлантиришдаги  
жонбозликлари, Хўжайли шаҳрида яшаган Қутли халфа Саиджо-  
нованинг санъат соҳасидаги хизматлари аниқ далиллар орқали  
ёритилган ва уларнинг расмлари китобдан ўрин олган.

Хоразм халфачилик санъати Т.Жалоловнинг “Ўзбек шоирала-  
ри” китобида ҳам муайян таҳлилга тортилган<sup>192</sup>. Ушбу китобга  
Хоним сувчи, Шукур Оллоқули қизи, Онабиби Отажонова – Ожи-  
заларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар берилиб, Ожиза-  
нинг бешта шеъри илова этилган. Бироқ, ушбу китоб ёзилган ва  
чоп этилган даврда юқорида номлари тилга олинган ижодкор  
халфаларнинг биографияси ва ижодий мероси тўла аниқланма-  
ган, аксарият шеърлари топилмаган, топилганларнинг анчасини  
ўша даврда эълон қилиш имконияти ҳам йўқ эди.

Т.Жалоловни қўлидаги мўъжазгина материаллар ҳам қувон-  
тирган бўлса керакки, кекса адабиётшунос “ўзларининг юксак  
зако ва истеъдодлари билан санъатнинг кўп турларида из қол-  
дирган бу улуғ оналарнинг ижодлари ўрганилмаган”, дея таас-  
суф билдиради.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, халфалар  
ижодини, хусусан, шоира халфаларнинг индивидуал ижодини ўрга-  
нишда ва тарғиб қилишда масалага жиддий ёндошиш лозим. Негаки,  
айрим халфалар дostonлар таркибидаги шеърларни ҳам ўз ижоди  
сифатида тақдим қилишади. Баъзан уларнинг шогирдлари устозла-  
рининг индивидуал ижоди билан дoston қўшиқларини алмаштириб  
юборишади. Т.Жалоловнинг ушбу китобида хонқалик Шукур Ол-  
лоқули қизининг айрим шеърлари берилганки, уларни шоиранинг  
ўз шеърлари сифатида эътироф этиш анча қийин. Масалан:

### **Шукур халфада:**

*Бу дунёда тортдим жафо,*

*Ёрим учун кўнглим хафа,*

*Тегма ёрга, жоним опа,*

*Ёр мениким, ё сеники? (“Ўзбек шоиралари”, 227-б.)*

---

<sup>192</sup> Жалолов Т. – Тошкент: “Адабиёт ва санъат”, 1980. – Б.223-237. (344)

### **“Ошиқ Албанд” достонида:**

*Арзим эшит мени опа,  
Анинг учун бўлма хафа,  
Тур, кетавер чопа-чопа,  
Ёр меники, йўл сеники*<sup>193</sup>.

Ушбу бандлар қиёсланса, уларнинг муайян вариант берувчи дoston қўшиқлари сифатида баҳолаш мумкин. Бу ҳолатни юқорида кўриб ўтганимиз қисса-dostonларнинг вариантлари ҳам тасдиқлайди.

Хоразм dostonлари мамлакатимиз мустақиллигидан кейингина нашр қилина бошлади. Шу сабабли илгари халфалар репертуаридаги қўшиқларни doston матнларига солиштириш имконияти йўқ эди. Бу эса айрим англашилмовчиликларнинг туғилишига сабаб бўлар эди. Doston қўшиқлари таъсирида яратилган қўшиқлар ҳам учрайди, бироқ уларда жиддий ўзгачаликлар бўртиб туради. Бу ҳолатни Ожиза ижодида кузатиш мумкин. Ишимизнинг кейинги фаслларида бу масалага яна қайтамыз.

Бинобарин, Т.Жалолов келтирган намуналар бевосита шоира-халфадан ёзиб олинмаган. Шеърларни баён қилган унинг шогирди ва қизи эса бу борада янглишган бўлишлари табиий ҳолдир. Шукур халфадан бирорта ёзма манба қолмаганлиги ишни янада қийинлаштиради.

Хоразм халфачилиги бўйича тадқиқотлар орасида Г.Эшжонова-нинг “Хоразм халфачилиги ҳақида қайдлар”<sup>194</sup> мақоласи ҳам қизиқиш туғдиради. Мақола муаллифининг ёзишича, халфалар қадимий маросим ва ибодат куйларинигина эмас, балки энг қадимий “Лазги” йўлларини ҳам ўзларидан кейинги авлодларга етказишда катта рол ўйнаганлар. Тадқиқотчининг ушбу фикрида муайян ҳақиқат ётади. Негаки, машхур Анаш халфа “Лазги” ижросини энг юқори савияда ўйнай билган. Халфа ансамблларида профессионал қайроқчи раққосаларнинг иштирок этиши ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди.

<sup>193</sup> “Ошиқнома”. I китоб. – Урганч: “Хоразм”, 2006. – Б.161. (454)

<sup>194</sup> Эшжонова Г. Хоразм халфачилиги ҳақида қайдлар // Хоразм фольклори. – Урганч: УрДу нашриёти, 1999. – Б.47-49.

Н.Қуронбоеванинг “Хоразм тўй қўшиқлари” номли номзодлик диссертациясида ҳам халфалар репертуаридаги “Тўй муборак” қўшиқлари таҳлилига кенг ўрин берилган, унда аллалар, ёш тўйи, суннат тўйи, никоҳ тўйи каби кўплаб маросимлар билан боғлиқ терма ва қўшиқлар тадқиқ этилган<sup>195</sup>.

Н.Қуронбоева тўй қўшиқларининг мукамал вариантларини халфалардан, эл кайвониларидан ёзиб олган. Совчиларнинг мурожаат шеърлари, қиз томоннинг жавоб тариқасидаги мисралардан намуналар таҳлил этилган. Халфалар репертуаридаги мумтоз ёр-ёрлар, келин саломлар билан биргаликда “белбоғ бойлар”, “белбоғ ечар” жараёнида айтиладиган қўшиқлар ва фотиҳа матнлари тадқиққа тортилган.

Ушбу тадқиқотдан шу нарса англашиладики, халфалар тўйларда қўшиқ айтиш, китобий дostonлар ўқишдан ташқари, кўплаб маросимларнинг амалга ошишида фаолият кўрсатишади, эзгу тилакларга йўғрилган таъсирчан фотиҳалар ўқишади<sup>196</sup>.

Н.Қуронбоеванинг “Бешик тўйи” қўшиқлари ва ушбу маросимда халфаларнинг тутган ўрни масаласини ёритиши ҳам анча қизиқиш туғдиради. “Бак-бавак” айтиш, исириқ (исвант) тутатиш жараёнида ижро этиладиган қўшиқ намуналари эътиборга лойиқдир. Маросим қўшиқларини айтишда эл кайвонилари билан бир қаторда китобий дostonлар ўқувчи халфаларнинг иштирок этиши маърака-маросимларни ташкил этишда асосий ролни ўйнаши ушбу тадқиқотда мисоллар билан ёритилади<sup>197</sup>.

Халфалар санъати, уларнинг куйлаш манерасига қизиқиш тобора ортиб борди. Шу жараёнда Хоразм мусиқашунослари ҳам халфа қўшиқларини тўплаш ва унинг мусиқавий куйларини ногага тушириш устида ишлай бошладилар.

<sup>195</sup> Қуронбоева Н. Хоразм тўй қўшиқлари. Филол. Фан. номзоди. Дисс. Автореферати. – Тошкент, 1998. Ўша муаллиф. Тебранади бешик Хоразмда. – Тошкент: “Чўлпон”, 2002. (87)

<sup>196</sup> Қаранг. Қуронбоева Н. Хоразм тўй қўшиқлари ҳақида // Республика ёки адабиётшуносларининг анъанавий илмий конференцияси материаллари. – Тошкент, 1993. – Б.74-76.

<sup>197</sup> Қаранг: Қуронбоева Н. “Хоразм бешик тўйи маросими фольклори. // Ўзбекистон ёш адабиётшуносларининг анъанавий илмий конференцияси материаллари. – Тошкент: 1995. – Б.64-65.



1999 йилда З.Мадраҳимов ва С.Нурметовларнинг “Тарғунча” китоби босмадан чиқди<sup>198</sup>. Унда мухтасар сўзбоши берилган бўлиб, халфаларнинг XIX асрдаги фаолиятига тўхтаб ўтилган. Бу борада З.Мадраҳимов бобоси Мадраҳим Шерозий хотираларига асосланиб, анчагина янгиликларни ёритиб бера олган. Шунингдек, машхур санъаткорлардан Хонимжон Саидамат қизи, Онабиби Отажон қизи – Ожиза, Назира халфаларнинг ҳаёти ва ижоди хусусида сўз юритилган. Ўз навбатида Назира халфа гуруҳи (Назира Бойжонова, Амина Қуриёзова) ижросида 14 та қўшиқ нотага олинган ва уларнинг матни илова этилган. Матнлардаги айрим камчиликларни мустасно қилганда китобнинг чоп этилиши ҳар жиҳатдан эътиборга лойиқдир. Айниқса, халфаларнинг “Тўй бошлар” ва тўй охиридаги “Хайрлашув” қўшиқларининг берилиши халфачилик анъаналарининг моҳиятини очиб беришда ўзига хос янгиликдир. Китобда берилган нота ёзувлари эса халфа куйларини қоғозга муҳрлаши билан сўнгги авлодларга қолдирилган буюк тухфадир.

Хоразм халфачилик анъаналарини тарғиб қилиш, оммалаштиришда Хивалик профессионал санъатшунослар София Собирова ва Ҳожибой Солаевларнинг ҳам ҳиссалари каттадир. 2000 йилда уларнинг “Хива булбуллари” китоби чоп этилди<sup>199</sup>. Унда Хивада яшаб ижод қилган 34 нафар санъаткорнинг ҳаёти ва ижодига оид қимматли маълумотлар берилган. Улардан 8 нафари таланти халфалардир.

Онажон Собирова – Анаш халфа, Онабиби Отажонова – Ожиза, Сорахон Оллаберганова, Сора Аҳмедова, Шукуржон халфа, Назира Собирова, Уллибиби Бойжонова, Раъно Оллаберганова каби халфаларнинг устоз – шогирдлик анъаналари, репертуарларидаги қўшиқлари, уларнинг ҳаётидаги турли қизиқарли воқеа-ҳодисалар китобда ўз ифодасини топган. Халфалар куйлаган қўшиқлардан намуналар келтирилган. Ушбу китоб халфалар ҳаёти ва ижодига оид янги маълумотлар бериши билан аҳамиятлидир.

<sup>198</sup> Мадраҳимов З., Нурметов С. Тарғунча. – Урганч, 1999. (Муҳаррир: С.Рўзимбоев, мусиқа муҳаррири: Қ.Раҳимов) (40)

<sup>199</sup> Собирова С., Солаев Х. Хива булбуллари. – Хива, 2000 йил. (64)

Шунингдек, 8 нафар халфа ижоди ва репертуари ҳақида сўз юритилиши жараёнида ўнлаб устоз халфалар ҳақида йўл-йўлакай турли маълумотлар қайд қилинган. Халфалар репертуари таҳлилига профессионал санъаткорлар нигоҳи билан таҳлилга тортилган.

Хивалик олима Гавҳар Дурдиеванинг “Хива аёллари”<sup>200</sup> рисоласида ҳам халфалар ҳаёти ва ижодини ёритишга алоҳида эътибор қаратилган. Рисолада Хивалик таниқли аёлларнинг биографияларини ёритиш жараёнида ўндан ошиқ халфалар ҳаёти ва ижодига оид янги маълумотлар қайд қилинган.

Хоним халфа Саидамат қизи, Онажон Собирова – Анаш халфа, Онабиби Отажонова – Ожиза, Роҳатой Жўжаниёзова, Холжон халфа Ёқубова, Назира Собирова, Уллибиби Бойжонова каби етук халфалар ижодига чизғилар берилган. Онабиби Аҳмедова. Дилбар Девонова, Зумрад ва Дилором Қурбонниёзовалар каби ёш, ҳаваскор халфаларнинг ижодий репертуари атрофлича таҳлил этилган. Ушбу халфаларнинг анчаси илк бора кашф этилган. Уларнинг устоз-шогирдлик аънаналари ёритиб берилган. Бироқ, айрим халфалар. Хусусан, Хоним халфа тақдири шўро сиёсати доирасида бир томонлама баҳоланган. Уни Муҳаммад Раҳимхон – Феруз зўрлаб саройга олдирган<sup>201</sup>, деган қайдлар нотўғри бўлиб, тоталитар тузум давридаги бир ёқлама фикрдир. Ҳолбуки, Хоним халфани Ферузхон ўз жияни Қутлимурод сувчига никоҳлаб берган. Шу жиҳатдан у хоннинг келинидир.

Анаш халфа биографиясидаги айрим қайдлар ҳам шўро даври мафқураси доирасида ёритилган.

Шундай бўлса-да, рисола янги халфа қизларнинг ижодий портретларини бериши билан фойдали манбадир.

Ижодкор санъат аҳли ҳақида рисола ёзиш сўнгги даврда анча фаоллашди. Журналист Болтабой Муҳаммад Қурбон томонидан ёзилган “Ғозовотлик навозандалар” рисоласи шулар жумласидандир<sup>202</sup>. Рисолада Ғозовот қишлоғида яшаб ижодий фаолият

<sup>200</sup> Дурдиева Г. Хива аёллари. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2002. – Б.97-108. (144)

<sup>201</sup> Дурдиева Г. Ўша китоб. – Б.98.

<sup>202</sup> Муҳаммад Қурбон Б. Ғозовотлик навозандалар. – Урганч: “Хоразм”, 2015. – Б.46-71. (120)

кўрсатган кўплаб бахшилар, халфалар, масхарабозлар, хонанда-созандалар, дорбозлар, шоирлар ҳақида қизиқарли далиллар воситасида сўз юритилади.

Шулар орасида Хоразмда танилган таланти санъаткор Сора халфа Машарипова ҳаёти ва ижодига алоҳида эътибор қаратилган. Унинг устозлари, шогирдлари санъаткор фарзандлари ҳақида лавҳалар берилган.

Рисолада ёш халфа Санамжон Содиқованинг ҳаёт йўли ҳам ёритилган. Унинг Сора халфага шогирд тушиши, устози репертуаридаги анъанавий кўшиқларни ўрганиши ва маромига етказиб ижро этиши, Хоразм сози ўрнига мусиқавий имконияти кўп бўлган аккардеондан фойдаланиши хусусида ҳикоя қилинган.

Х.Рўзимбоев ва С.Р.Рўзимбоевларнинг “Хоразм “Гўрўғли” эпоси”<sup>203</sup> монографиясида ҳам дoston ижрочилари хусусида сўз юритилиб, мазкур эпоснинг фаол тарғиботчилари бўлган айрим халфалар ҳаёти ва репертуари ҳақида қайдлар берилган.

Дostonчи-шоира халфалардан Хоним халфа, Анаш халфа, Ожиза, Назира халфалар; қироатхон-қиссахон халфалардан Ниёзжон халфа, Сўна халфалар репертуаридаги “Бозиргон”, “Хирмондали”, “Эрҳасан” каби “Гўрўғли” туркумига кирувчи дostonларнинг ижро тамойиллари белгилаб берилган. Айниқса, Назира халфанинг “Гўрўғли” туркуми дostonларининг кўшиқларини фаол ижро этиб тарғиб қилганлиги алоҳида таъкидланади.

С.Р.Рўзимбоевнинг халфалар ижодини ўрганиш ва репертуарларидаги дostonларни чоп қилишда фаоллигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Унинг “Хоразм дostonчилиги эпик анъаналари” рисоласида ҳам Хоразмнинг таниқли халфалари репертуари хусусида тўхтаб ўтилган<sup>204</sup>.

Дostonчи-шоира халфаларнинг индивидуал ижодига дoston кўшиқларининг таъсири борасида оригинал фикрлар билдирилган.

---

<sup>203</sup> Рўзимбоев Х.С. Рўзимбоев С.Р. Хоразм “Гўрўғли” эпоси. – Урганч: “Хоразм”, 2016. – Б.61-64 (192)

<sup>204</sup> Рўзимбоев С. Хоразм дostonчилиги эпик анъаналари. – Урганч: “Университет”, 2008. – Б. 29-33 (58)

Истиқлол йилларида халфачилик анъаналарини тарғиб ва тадқиқ қилиш фаоллашишда давом этди. Айрим таниқли халфаларнинг шеърлари ва репертуаридаги қўшиқлар сўзбошилар билан бирга алоҳида китоб сифатида чоп этила бошлади.

2003 йилда “Ожиза” номи остида Онабиби Отажонованинг шеърлари ва репертуаридаги қўшиқлардан намуналар мажмуа шаклида эълон қилинди<sup>205</sup>.

Шоира халфанинг 1987 йилда чоп этилган шеърлари тўлдирилиб, 14 тага етказилган, кўплаб дoston ва халқ қўшиқларидан иборат репертуари жамланган, замондошлари хотиралари илова этилиб, Ожиза куйлаган “Ошиқ Ғариб ва Ҳилола пари” дostonи матни ҳам мажмуадан жой олган.

Сўзбошида шоира халфа биографияси янги маълумотлар билан тўлдирилган. 2006 йилда Онажон Собирова –Анаш халфанинг шеърлари ва репертуаридаги қўшиқлар мажмуаси чоп этилди<sup>206</sup>. Мажмуа сўзбошисида шоира халфанинг биографияси ва ижоди таҳлил этилиб, 12 та шеъри, репертуаридаги 50 та халқ қўшиқ, лапар, ёр-ёр ва аллалари, 8 та дoston қўшиқлари ҳам халфа ижро этган “Ошиқ Маҳмуд” дostonи жамланган. Ушбу мажмуа шоира халфа иқтидорининг нақадар кенг эканлигини кўрсатади.

Мажмуага шоира халфа замондошларининг хотираларининг берилиши ва қийин сўзлар луғати илова этилиши унинг илмий-амалий қимматини янада оширган. Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Раҳимованинг Анаш халфа ҳақидаги хотиралари ўзининг реаллиги ва самимийлиги билан алоҳида қимматга эга. Унда халфанинг тўлақонли қиёфаси намоён бўлади.

Халфалар репертуаридаги қисса-дostonларни табдил қилиш ва нашрга тайёрлаб чоп этиш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилди.

2006 йилдан 2019 йилгача “Ошиқнома” рукни остида Хоразм дostonларининг 38 таси чоп этилди, уларнинг 30 таси халфалар тилидан ёзиб олинган ёки улар қўлидаги китоблардан табдил қи-

<sup>205</sup> Ожиза. – Тошкент: RUTAPRINT, 2003 (нашрга тайёрловчи: С.Р.Ўзимбоев) (122)

<sup>206</sup> Анаш халфа. –Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. (Нашрга тайёрловчилар: С.С.Ўзимбоев, Н.Э.Собирова). (86)

линг. Ушбу далилнинг ўзи Хоразмдаги дoston куйлаш ва тарғиб қилишда халфаларнинг салмоқли ўрнини белгилай олади.

Хоразм халфачилиги анъаналари вилоятдан ташқаридаги тадқиқотчилар томонидан ҳам эътироф этилиб, ўтган асрнинг 30-йилларидаги қизиқиш янгича тамойилда давом этди.

А.Мусақуловнинг “Ўзбек халқ лирикаси”, М.Ёқуббекованинг “Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари” монографияларида ҳам халфа кўшиқларига мурожаат этилган<sup>207</sup>.

Халфачилик санъати, унинг туб моҳияти, йўналишлари, йирик вакиллари ҳақида махсус тадқиқотлар ҳам яратилди. Бу борада Санобар Оллаберганованинг “Халфалар ижодининг ўзбек фольклоридаги ўрни<sup>208</sup>” номли номзодлик диссертациясига алоҳида тўхталишга тўғри келади.

Энг аввало, тадқиқотчи “халфачилик”, “бахшичилик” атама-ларидаги “чилик” кўшимчасининг номантиқийлиги хусусида сўз юритади<sup>209</sup>. Аслида бу фикр Ҳ.Абдуллаевнинг ишларида талқин қилинган бўлиб, унинг фикрига қараганда “...Халфачилик анъанаси” иборасида “чи” кўшимчаси ортиқчадир. Чунки –чи ясовчи кўшимчаси одатда эпосга хос жанр номига кўшилиб, касб оти маъносини англатади: “дostonчи, эртақчи”, “кўшиқчи” каби халфа, бахши, оқин сўзлари шу маънони билдиргани сабабли уларгачи кўшимчаси кўшилмайди.

Анъанага нисбатан эса “бахшилик”, “халфалик”, “оқинлик” дейиш тўғридир<sup>210</sup>. Ушбу муаммони ечиш борасида бошқача фикрлар ҳам мавжуд. Фольклоршунос С.Рўзимбоевнинг таъкидлашича, “...бу ерда кўшимча -чи эмас, балки –чилик кўшимчасидир. Грамматик қоидада -чилик мураккаб кўшимча бўлиб, у иккига ажратилмайди. Қолаверса, “бахор”, “кўшни” сўзларига ҳам -чиқўшимчасини кўшиб маъно ҳосил қилиб бўлмайди. Би-

<sup>207</sup> Қаранг: Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: “Фан”, 2010 (308); Ёқуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари. –Тошкент: “Фан”, 2005. (162 )

<sup>208</sup> Оллаберганова С.Х. Халфалар ижодининг ўзбек фольклоридаги ўрни. Филол. фан. ном. дисс. автореферати. – Тошкент: 2007 (23)

<sup>209</sup> Оллаберганова С. Халфалик анъанаси ва локал хусусиятлар. // Бадий тафаккур ва адабий жараён. – Тошкент: ТДПУ нашриёти, 2003. – Б.41 (41-43)

<sup>210</sup> Абдуллаев Ҳ. Сўз сехри. – Тошкент: ТДПУ нашриёти, 2005, – Б.13.

роқ “баҳорчилик”, “қўшничилик” сўзлари лексикамизда фаол қўлланилади”<sup>211</sup>.

Шуни айтиш керакки “халфачилик”, “бахшичилик” атамалари фольклоршунослигимизда кенг доирада ишлатилади. Бизнинг фикримизча, “халфалик”, “бахшилик” атамаларини ҳам қўллайтириш мумкин. Ўз навбатида ҳозирда ишлатилаётган “халфачилик”, “бахшичилик” атамаларидан ҳам воз кечмаслик лозим. Негаки биринчи икки атамада якка кишилар қўзда тутилса, кейинги икки сўзда умумийлик тушунчаси мавжуд.

С.Оллаберганованинг халфачилик йўналишларини тасниф қилиши ҳам унчалик мукамал эмас. Унинг шомон халфа, янга халфа<sup>212</sup> каби бирикмаларига айрим эътирозлар билдирилди: “Кейинги йилларда юзага келган тадқиқотларда халфаларни яна қанчалаб гуруҳларга бўлиб қарашлар пайдо бўлди. Жумладан, шомон халфа, янга халфа каби.

Шомон халфа қиссахон халфаларнинг ибтидоий кўринишидир. Чунки аза ва тўйларда ҳозир ҳам жаҳр қилиш удуми сақланган. “Янга халфа” атамаси эса “кашф” қилинган бўлиб, бундай халфалар умуман йўқ. Келин тушишида “Салом” айтадиган кишилар халфа эмас, балки ходим деб юритилади. Халфа атамаси замирида эса профессионаллик ётади. Ҳар қандай “келин салом” айтадиган шахсга нисбатан халфа атамасини қўллаш ножоиздир”<sup>213</sup>.

Дарҳақиқат, ҳар қандай бадихағўй шахсларни ҳам халфа сифатида баҳолаш ушбу санъатнинг профессионаллик хусусиятига путур етказди.

Тадқиқотда таъкидланишича, шомон халфалар парихон (пўрхон) сифатида муайян ҳаракат магиясини қўллашади<sup>214</sup>. Тадқиқотчи ушбу фикри билан халфа ва пўрхонни аралаштириб юборади. Ҳолбуки, бу касб эгалари бир-биридан жиддий фарқ қилади.

<sup>211</sup> Рўзимбоев С.Р. Сайланма. – Урганч: “Хоразм”, (60) 2012. – Б.198. (266)

<sup>212</sup> Оллаберганова С. Қўрсатилган автореферат. – Б.12.

<sup>213</sup> Рўзимбоев С. Хоразм дostonчилиги эпик анъаналари.

<sup>214</sup> Оллаберганова С. Халфа айтимларининг бир хусусияти ҳақида // Филологик айтимларининг бир хусусияти ҳақида. // Филологик тадқиқотлар. – Тошкент: ТДПУ нашриёти. 2004. – Б.26-27. Яна қаранг: Халфа айтимларининг бир хусусияти ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2006. – №3. – 60-61-б.

Г.П.Снесаревнинг ёзишича, қозоқ ва қирғизларда шомонлик қилувчиларга нисбатан ишлатиладиган “бахши”, “бақсы” атама-лари учрамайди.

Хоразмда шомонларга нисбатан “пўрхон” ва “фолбин” атама-лари ишлатилган. Бу вазифани бу ерда эркаклар ҳам аёллар ҳам бажаришади. “Даволаш” жараёнида доира баъзан қамчидан фойдаланишади<sup>215</sup>. Демак, пўрхоннинг халфага мутлақо алоқаси йўқ бўлиб, улар профессионал сеҳр-жоду соҳибларидир. Пўрхонларга бу касб тушларида ғойибдан тухфа этилади. 1930 йилда Хоразмга келган этнограф олим Л.П.Потаповнинг ёзишича, пўрхонлик айрим шахсларга тушида инъом этилади. Уларни бу касбни эгаллашга жинлар мажбур қилади. Этнограф олим бунга мисол қилиб Хива тумани Пишканик қишлоғида яшаган Ёқут пўрхонни кўрсатади. Шунингдек, Қўшкўпир тумани худудидаги Уйғур қишлоғида яшаган Худоёр пўрхон ва ўша қишлоқлик Ражаб пўрхонлар ҳаётидаги туш кўриши ва пўрхонлик касбини эгаллаш жараёни ҳақида маълумот бериб, улар репертуаридаги айтимлардан намуналар беради<sup>216</sup>.

Пўрхон айтимлари париларни чорлаш билан алоқадор бўлиб, халфалар айтимидан кескин фарқ қилади. Шу сабабли ушбу йўналишни халфачилик анъаналари билан аралаштириш мутлақо асоссиздир.

Тадқиқотдаги кинна ва бадик айтиш билан шуғулланадиган халфалар мавжуд, деган фикрга ҳам қўшилиб бўлмайди. Хоразмда афсун айтиб турли эмлаш воситаларини қўллаш табиблар томонидан амалга оширилади. Бунга биз кекса халфалар билан бўлган суҳбатларимизда амин бўлдик. Аммо бу жараёнда бадик айтилмас экан. Уларнинг айримлари “чўпчи”, деб аталар, айримлари элас-элас қилиш, бошни ип (нох) билан ўлчаш ва жойига тушириш, исириқ тутатиш каби амалиётларни қўллашар эканлар.

Шунингдек, С.Оллаберганованинг тадқиқотларида Хоним халфа ҳақида юритилган фикрлар эски андозалар доирасида қо-

<sup>215</sup> Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – С.44. (336)

<sup>216</sup> Потапов Л.П. Узбекские народные поверья и приметы. // Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. III том. –Тошкент: “Фан”, 2010. – Б.230-245.

либ кетган. Ҳозирда эса унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида янги маълумотлар топилди.

Диссертантнинг “Адабий анъана ва ижодкор аёллар” мақоласида ҳам номантиқий хулосалар учрайди. Унинг Хоним халфа ижоди хусусидаги тадқиқотида: “Халфа дostonларни мусиқасиз куйлагани сабабли унинг ижросида асосий эътибор асарни сўз билан жозибали ва таъсирчан ифодалашга қаратилган”<sup>217</sup>, деган қайд учрайди. Бу жумладаги “мусиқасиз куйлаш” бирикмасини тушуниш қийин. Чунки куйлаш мусиқани талаб қилади. Агарда дostonни қироат билан мусиқасиз ижро қилиш, деса тўғрироқ бўлади. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, Хоним халфа дostonни мусиқасиз ижро қилмаган. Унинг замондоши шоир Юнус Юсупов – Айёмийнинг ёзишича, Хоним халфа 1895 йилдан бошлаб дostonларни гармон жўрлигида ижро қила бошлаган<sup>218</sup>.

Шунини эътироф этиш лозимки, тадқиқот халфалар ижодининг ўзига хос томонларини, ушбу санъатнинг юзага келиш шарт-шароитларини, халфаларнинг ижтимоий-эстетик қарашларини, уларнинг репертуар бойлигини, шоира халфалар ижодининг ёзма адабиёт билан уйғунлашганлиги каби қатор муаммоларни ёритиб бериши жиҳатидан илк монографик иш бўлиб ҳисобланади.

Илгари таъкидлаганимиздек, мустақиллик йилларида халфачилик санъатига қизиқиш ва унинг моҳиятини очиб бериш анча кучайди.

Ў.Ўтаев ва Отаёрларнинг “Дунёга тенгдош хазина” (эсселар, адабий ўйлар) китобида ҳам ушбу санъат вакиллари ҳақида анча-мунча тафсилотлар баён этилади<sup>219</sup>. Бундай китобларнинг чоп этилгани, уларда кўпчиликка маълум бўлмаган, фақатгина воҳасида тарқалган халфачилик анъаналарининг ёритилиши яхши нарса. Бироқ ушбу китобдаги халфалар ҳақида берилган маълумотлар С.Рўзимбоевнинг “Хоразм дostonлари” китобидан айнан кўчирил-

<sup>217</sup> Оллаберганова С. Адабий анъана ва ижодкор аёллар // Бадий тафаккур ва ижодий жараён. –Тошкент: ТДПУ нашриёти, 2003. – Б.25-27.

<sup>218</sup> Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. – Тошкент: “Адабиёт ва санъат”, 1967. –Б.115.

<sup>219</sup> Ўтаев Ў, Отаёр. Дунёга тенгдош хазина (эсселар, адабий ўйлар) – Тошкент: “Ёзувчи”, 1994. – Б. 47-49. (111)



ган<sup>220</sup>. Бунинг устига иқтибос берилмаган. Китоб муаллифлари бу борада бирор янгилик айта олмаганлар. Айрим атамалар бузиб талқин этилган. “Саётхон ва Ҳамро” достонидаги қиз исми “Сай-ёдхон” тарзида “тузатиб” берилган. Ҳолбуки, “Саёт” атамаси этноним бўлиб, уруғ номини билдиради. Саётхон исмининг маъноси ўша уруғ номи билан боғлиқ бўлиб, “Сайёд” сўзига алоқадорлиги йўқ. Чунки бу сўз “овчи” маъносига эга. Қиз эса овчи эмас, балки жангчидир. Қуйидаги мисралар ҳам нотўғри берилган:

*Кўзу қоши бинолининг,  
Ўнг бармоғи хинолининг...*<sup>221</sup>

**Унинг ҳақиқий матни қуйидагича:**

*Кўзу қоши бинолининг,  
Ўн бармоғи хинолининг...*<sup>222</sup>

Одатда хинага ўн бармоқ ҳам бўялади. “Ўнг бармоқ” бирикмаси ғализ бўлиб, “ўнг қўл” тушунчасига тўғри келади. Шунингдек, Ҳоди Зариф асаридан иқтибос олинганда “даврлар оша” бирикмаси “давралар оша” тарзида берилиб, маънога путур етган.

Биобарин, ушбу китоб юқоридаги қусурларидан қатъий назар, Хоразм халфа ва бахшилар репертуарини тарғиб қилиши, баҳолаши жиҳатидан аҳамиятлидир.

Хоразм халфачилик санъати бўйича яна бир қатор илмий-тадқиқотлар ҳам мавжудки, уларга келгуси фаслларимизда муносабат билдириб ўтамыз.

### **Халфачиликка оид манбалар талқини**

Хоразм минтақасида дostonларни қироат билан ўқиб эшиттирадиган ёки оғзаки равишда гармон жўрлигида қуйлайдиган шундай бир ижрочилар борки, уларни воҳада халфалар деб юритишади.

<sup>220</sup> Қаранг: Рўзимбоев С. Хоразм дostonлари. – Тошкент: “Фан”, 1985. – Б.32-33.

<sup>221</sup> Ўтаев Ў, Отаёр. Кўрсатилган китоб. – Б.50.

<sup>222</sup> Ошиқнома, Икитоб. – Урганч: “Хоразм”, 2005. – Б.24.

Хоразм воҳасида халфачилик анъаналари қадимдан бошлаб кенг оммалашган. Ҳозирги кунда халфа деганда дастлаб, тўйларда хизмат қиладиган, гармон чалиб ашула айтадиган аёл ва унинг ёнидаги доирачи билан раққосадан иборат кичик ансамбл тушунилади. Қолаверса, тўй ва азаларда диний ва дунёвий китобларни қироат билан ўқийдиган аёллар ҳам халфа деб юритилади. Республикамининг бошқа минтақаларида учрамайдиган бу анъана хусусида кўпгина тадқиқотлар эълон қилинган<sup>223</sup>.

Ушбу эълон қилинган тадқиқотларнинг аксарияти бир-бирини такрорлайди. Айримларида эса тўла кўчирмакашлик яққол кўзга ташланади. 2012 йилда Хивада чоп этилган китоб бунга мисол бўла олади. Халфалар ҳақида гап кетганда, асосан, Хоним халфа, Ожиза ва Анаш халфалар кўпроқ тилга олинади. Уларнинг соз чалиб дoston ва дoston кўшиқлари, термалар ижро қилганликлари ҳамда ўзларининг ҳам шеър тўқиганликларига урғу берилади.

Айрим тадқиқотларда эса Хоразм халфалари ҳақида тахминий фикрлар баён қилинади. Жумладан, Ҳ.Абдуллаевнинг “Махтумқули ва ўзбек адабиёти” рисоласида шундай фикрлар учрайди. Кўчирма келтирамир: “Хотин-қиз санъаткорлар-халфалар революцияга (1920 йилги инқилоб назарда тутилмоқда) қадар чолғу асбоби ёрдамида эмас, балки икки пиёла ёки ликопчаларни бир-бирига уриб (чўқиштириб демоқчи), ундан чиққан овозга жўр бўлиб ишқий-романик (романик) ва қахрамонлик дostonларидан лирик ва социал мазмунга бой **баётларни**, шунингдек Навоий ва Махтумқули каби классик шоирларнинг асарларини куйлаганлар<sup>224</sup>.

<sup>223</sup> Қаранг: Қобулниёзов Ж. Хоразм халқ кўшиқлари. – Тошкент: “Фан”, 1965. – Б.23-27; Жалолов Т.Ўзбек шоирлари. I китоб, – Тошкент: Ғ.Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриёти, 1970. – Б.239-241; Қиличев Т.Хоразм халқ театри. –Тошкент: Ғ.Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б.114-124; Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Тошкент: “Фан”, 1979; Абдуллаев Ҳ, Сўз сеҳри. – Тошкент: ТДПУ нашриёти, 2005. – Б.4-11; Рўзимбоев С. Халқ дostonлари ва халфалар ижоди // Адабий мерос. – Тошкент: Қўлёмалар институти нашриёти, 1984. – Б. 9-13; Яна ўша. Ожиза. – Тошкент: 2003. – Б.3-8; Яна ўша. Анаш халфа. – Тошкент: Миллий кутубхона нашриёти, 2006. – Б.3-6; Яна ўша. Хоразм дostonлари. – Тошкент: “Фан”, 1985. – Б.27-33; Жуманиёзов О. Халпа // Илм сарчашмалари. Урганч, 2002.– №4. – Б.71-72; Ражабова Х. Аёл бахшилар ҳам бўладими? // Маърифат” газетаси, 2002 йил, 2 феврал ва бошқалар.

<sup>224</sup> Абдуллаев Ҳ. Махтумқули ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: “Фан”, 1983. –Б. 32.

Пиёлаларни чўқиштириб қўшиқ куйлаш қадим замонларда бўлган. Аммо Хива халфаларидан Хоним халфа Саидамат қизи 1895 йилдан бошлаб қўшиқ ва дostonларни гармон жўрлигида куйлаган<sup>225</sup>. Анаш халфа (Онабиби Собирова) ҳам 1900 йиллардан бошлаб гармон чалиб ашула айтган.

Мазкур кўчирмада “баётларни... куйлаганлар” деган ибора ишлатилганки, унинг маъносини англаб бўлмайди. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “Баёт” сўзининг икки маъноси берилган. Биринчиси, мақом куйларидан биттасининг номи. Иккинчиси, Баёт уруғининг номи (этноним). Аммо бу икки сўз маъноси ўша жумладаги фикрга мос тушмайди. Мабодо байт деб оладиган бўлсак, Хоразм дostonлари ва қўшиқларида байт шакли йўқ. Шунингдек, С.Оллаберганованинг “Халфалар ижодининг ўзбек фольклоридаги ўрни” мавзуидаги номзодлик диссертациясида ҳам юқоридагиларга ўхшаш асоссиз фикрлар кўплаб учрайди<sup>226</sup>.

Тадқиқотчи халфачиликни тасниф қилар экан, уларни шомон халфа, янга халфа, дostonчи-қиссахон халфа, хонанда халфа, шоира халфа каби турларга ажратади. Аввало шуни таъкидлаш жоизки, халфачилик йўналишлари Ж.Қобулниёзов, Т.Мирзаев, Н.Сабуров ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган. Барча олимларнинг таснифи бир-бирини тўлдиради. Аммо С.Оллаберганова бу таснифларни бутунлай ўзгартирмоқчи бўлади. Унинг таснифида тилга олинган шомон халфа умумий гаплар билан тавсифланган. Хоразмда касалларни даволовчи аёлларни халфа эмас, балки пўрхон (парихон) деб юритишади. Улар доира жўрлигида турли айтимларни ижро қилиб, афсунгарлик қилишади. Бу тоифа аёллар ўтган асрнинг 50-йилларида ҳам фаолият кўрсатиб келишди. Ҳозирда бу касб барҳам топди. Халфаларни пўрхонлар билан аралаштирмаслик керак. “Янга халфа” атамаси янги “кашфиёт” бўлиб, ажабланиш туғдиради. Чунки янга янгалик вазифасини бажаради. Келин тушганда “Келин салом” айтиш вазифасини маҳалладаги истаган бир сўзга чечан аёл бажараверади. Бу тои-

<sup>225</sup> Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. – Тошкент: “Адабиёт ва санъат”, 1988. –Б. 117.

<sup>226</sup> С.Оллаберганова. “Халфалар ижодининг ўзбек фольклоридаги ўрни”. НДА – Тошкент, 2007.

фа аёлларнинг профессионал халфаларга алоқаси йўқ. Хонанда халфа, шоира халфа, дostonчи халфаларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Масалан, Хоним халфада шоиралик, хонандалик, дostonчилик йўналишлари тўла мужассамлашган, Анаш халфа ва Ожиза халфалар ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин.

Халфачиликнинг тарихий илдизлари ҳақида ёш тадқиқотчи А.Матниёзовнинг кузатишлари ҳам эътиборни тортади. Унинг таъкидлашича, *Xalpa* номи хоразмий тилига оид бўлиб, паҳлавийча “кичик қоҳин” маъносидаги *Hulpt*, ‘*slwn*’*n* сўзига яқин туради. “Дадестан-и меног-и храд” китобида халпаларнинг (‘*slwn*’*n* (бирл. ‘*slwn*) мажбуриятлари куйидагича келтирилган: “Зарур йўсинда динини сақлаш; зарур йўсинда маъбудларни шарафлаш ва уларни алқаш; қоида, низом, одат ва удумларга риоя қилиш; одамларга ҳидоят йўлини кўрсатиш орқали уларни дўзах азобидан қутқариш”. Бизнингча, хоразмий тилидаги *Xalpa* ва паҳлавий тилидаги *Hulpt*, ‘*slwn* –авесто тилида “қоҳин” маъносида келувчи *karab* сўзидан келиб чиққан. Авесто тилидаги *karapan* –эски қабилавий удум қоҳинларининг номи бўлиб, “айтиб йиғламоқ, саннамоқ; марсия айтмоқ, йиғламоқ, йиғи-сиғидан иборат маросим кўшиқларини ижро этмоқ” ва “минғилламоқ, тушуниб бўлмайди-ган тарзда сўзламоқ” маъносидаги *karapā* феълидан ясалган.

Қадимги ҳинд тилидаги нола, ҳасрат қилмоқ; аза тутиб йиғламоқ’ маъноларидаги *kārapāna* сўзи ҳам юқоридаги асослардан ясалган<sup>227</sup>.

Бинобарин, дostonчи-қиссахон халфалар энг қадимдан келатган анъаналар давомчиларидир. Уларнинг ибтидоси “Авесто” гоҳларини ижро этган “Қалпа” ларга бориб тақалади.

Улар аза маросимларида “Иброҳим Адҳам”, “Бобо Равшан”, “Қул хўжа Аҳмад” каби дostonларни ярим куйлаш оҳангида қироат билан ўқиб келганлар. Тўй маросимларида эса “Ошиқ Ғариб”, “Ошиқ Албанд”, “Асли-Карам”, “Тоҳир Зухра” каби ишқий дostonларни мухлисларга ёқимли овозда ярим куйлаш оҳангида ўқиб эшиттирганлар. 1862 йилда Хоразмга келган Ҳерман Вам-

<sup>227</sup> Матниёзов О. Халфа номининг этимологияси хусусида // Хоразм Маъмур академияси ахборотномаси, 2016. –№4. – Б.44.

бери бу тоифа халфаларни тинглаган ва мазкур ижро анъанаси уларга Эрондан ўтган бўлса керак, дея таъкидлайди<sup>228</sup>.

Ҳ.Вамберининг бу фикрига тўла қўшилиш мумкин эмас. Чунки бу анъананинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Чунки ибтидоий даврнинг воқал музыкаси ритм ва речитативдан иборат бўлган. Куй эса анча кейинроқ пайдо бўлади<sup>229</sup>. Бундан уч минг йиллар олдин хотин-қиз халфалар “Авесто” “Гоҳ”ларини худди ўша ярим куйлаш (речитатив) охангида ўқиб эшиттиришган:

*“Гоҳ”ни қироат қилиб,  
Аслида ишонмаган  
Ўзин имонда санаб,  
Лекин “Гоҳ” куйламаган  
На халажу на хотин  
Менга эҳсон қилмасин<sup>230</sup>.*

“Авесто” китоби таржимони М.Исҳоқовнинг таъкидлашича, “Гоҳ” –Зардушт бадиҳа йўли билан яратган даъват сўзлари. “Авесто”нинг “Ясна” китобида 17 та “гоҳ” қўшиқ сақланган. Уларни ёд ўқиш ўта савобли ҳисобланган<sup>231</sup>. “Гоҳ”ларни ёддан ўқийдиган хотин-халажлар ўша даврдаёқ “Қалпа” номи билан юритилган<sup>232</sup>. Албатта, бу атама минглаб йиллар ўтиши билан фонетик ўзгаришга учраган ва “халфа”шаклига кирган.

“Халфа” атамаси ҳақида ҳам турли қарашлар мавжуд. О.Жуманиёзов ушбу атамани арабча “халифа” сўзидан келиб чиққан деган фикрни билдиради<sup>233</sup>. Ҳ.Абдуллаев эса биз юқорида тилга олган ишида бу фикрни қатъиян рад қилади. Бизнинг фикримизча, “халфа” атамасининг арабча “халифа”га бевосита алоқаси йўқ. Бироқ бу атаманинг семантик доираси анча кенг бўлиб, шариаат

<sup>228</sup> Вамбери Ҳ. Чиғатой тили дарслиги. – Лейпциг, 1867. – Б.33-34.

<sup>229</sup> Косвен М.О.Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. – Тошкент: “Фан”,1960. – Б.180. (240)

<sup>230</sup> Авесто. Яшт китоби. – Тошкент: “Шарқ”, 2001. – Б. 28.

<sup>231</sup> Ўша манба, ўша саҳифа.

<sup>232</sup> Абдуллаев Ҳ. Сўз сеҳри. – Тошкент: ТДПУ нашриёти, 2005. – Б.6.

<sup>233</sup> Жуманиёзов О. Халпа // Илм сарчашмалари. – Урганч, 2002.–№4. – Б.71-72.

қоидаларини яхши биладиган, ўқимишли одам, мактабдор дом- ланинг ёрдамчиси, хунар-касб ўрганувчи шогирдлар бошлиғи каби маънолари ҳам бор<sup>234</sup>. Ушбу нуқтаи назардан қараганда бу атама раҳбар, йўлбошчи тушунчаларини ҳам ўзида мужассам- лаштирган. Туркман халқи орасида мураббийларни ҳозирда ҳам халипа деб юритишади<sup>235</sup>.

Академик шоир Ғафур Ғулом атоқли фольклоршунос олим Ҳоди Зарифга халфа деб мурожаат қилар экан<sup>236</sup>. Араб тилига бу атама ўзлашма сўз сифатида санскрит тилидан ўтиб, раҳбар маъ- носида ишлатилган бўлиши мумкин. Санскрит тили эса хораз- мийлар учун бобо тил ҳисобланади.

Хоразмда ҳозирда ишлатиладиган “халфа” атамасининг ўқи- мишли аёл, устоз маънолари ҳам бор. Шу жиҳатдан олганда, О. Жуманиёзовнинг фикрида озми-кўпми ҳақиқат элементлари мавжуд.

Бинобарин, халфачилиқдаги устозлик-шогирдлик анъанала- рининг тарихи ниҳоятда қадимийдир.

Агарда инсоният тарихига разм солсақ, кишилар ибтидоий ҳаёт давридаёқ маънавий озиққа эҳтиёж сезганлар. Диннинг пайдо бўлиши ана шу маънавий эҳтиёжнинг қондирилишида дастлабки омиллардан бири бўлди. “Ибодат қўшиқ айтиш эҳти- ёжини рўёбга чиқарган бўлса, маросимлар шеъриятнинг пайдо бўлишини, инонч ва сиғинишлар эса рақс санъатининг юзага ке- лишини тақозо этди<sup>237</sup>.

Демак, шеъриятнинг пайдо бўлиши ва қўшиқларнинг куйла- нишида ибодат ва маросимларнинг роли катта.

“Авесто” “гоҳ” ларининг куйланиши ҳам ўша омиллар билан узвий боғлиқдир.

Кўпгина қўшиқларнинг ва рақсларнинг диний маросимлар билан чамбарчас алоқадорлиги ушбу фикрни тасдиқлайди. Ўт-

<sup>234</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5 жилдлик, 4-жилд. – Тошкент: “Ўзбек миллий энциклопедияси”, 2008. – Б.381.

<sup>235</sup> Халыпа (методик журнал). Ашгабат, 2003. – Б.2.

<sup>236</sup> Мирзаев Т. Ҳоди Зариф суҳбатлари. – Тошкент: “SHAMS-ASA”, 2013. – Б.369.

<sup>237</sup> Колер И., Ранке И., Ратцел Ф. История человечества (до исторический период) Санкт-Петербург, 2003. –С.78.

ган асрнинг 90-йилларида машхур санъаткор Бола бахши – Қурбонназар Абдуллаев қизиқ бир нарсани ҳикоя қилиб берган.

Ҳозирда “жоқу-жоқу” сўзларини айтиб ўйналадиган рақс бор. Бу рақс бахшининг айтишича, XXI аср бошларигача меҳржон байрами маросимида ижро этилган. Ундаги “жоқу” сўзи аслида “Аё Ку” дир. Яъни бу сўз “Эй қуёш” деган маънога эга “Ку” сўзи ҳозирда “Кун” шаклида қуёш маъносини билдиради. “Аё” – “Эй”, деган мурожаат сўзидир. Бу сўз халқ орасида қўлёзма тарзда оммавийлашган дostonларда мурожаат сифатида жуда кўп ишлатилади:

*Аё шоҳим, эшит ушбу жавобим...*<sup>238</sup>

*Аё жоним, бу сўзлара қулоқ сол...*<sup>239</sup>

Демак, бу қўшиқ зардуштийлик динига алоқадор қуёшга мурожаат тарзида ижро этиладиган ритуал (маросим) тарзидаги ашула ва рақснинг қоришиқ кўринишидир. Ислom дини пайдо бўлгандан кейин бу рақсдаги “Аё Ку” бирикмаси “Ёху” тарзида дарвешлар репертуарига ўтиб, яна диний ритуал сифатида истифода этилган. Бу сўзнинг “жоқу” шакли кейинги даврлар маҳсули бўлиб, унинг “ж” ловчи ўзбеклар талаффузига мослашувининг натижасидир. Бу қўшиқ ҳозирги санъаткорлар репертуарига халфалардан ўтганлигини ҳисобга олсак, масала янада ойдинлашади.

Яна шу нарсани ҳам таъкидлаш зарурки, рақсдаги ҳар бир тактда икки қўл осмонга кўтарилиб “жоқу” сўзи икки-уч марта такрорланади. Ушбу ҳаракат дастлаб қуёшга илтижо қилишга қаратилган. Ислom дини пайдо бўлгандан кейин осмонга – Оллоҳга мурожаат қилиш, илтижо қилишга мослаштирилган. Дарвешларнинг зикрга тушиб “Ёху” лаб қўлларини осмонга кўтаришлари ҳам ўша маъно билан боғлиқ. Хоразмда тарқалган “чиппиро далли”, “зумлоқ” рақслари ҳам ритуал характериға эга. Бу масала алоҳида тадқиқотни тақозо этади. Дарвоқе, халфачиликнинг дастлабки шаклланиши дин ва маросим билан боғланади. “Авесто” “гоҳ”ларини, Қуръон оятларини қироат билан, қўшиқ оҳангида тинглов-

<sup>238</sup> Ошиқнома. IV китоб. – Урганч: “Хоразм”, 2009. – Б.43.

<sup>239</sup> Ўша китоб. – Б.59.

чига етказиш анъаналари сал ўзгаришга учраган ҳолда ҳозиргача халфалар воситачилигида барҳаёт сақланиб келмоқда.

Халфачилик анъаналари Хоразмшоҳлар даврига келиб, созанда халфаларга ажралиб чиққан бўлиши мумкин. Чунки бу даврда Хоразмшоҳлар саройида бахшилар, созанда ва хонандалар, раққос ва раққосалар, масхарабозлар, қўғирчоқбозлар, дорбозлар, ҳатто профессионал йиғловчиларгача бўлган. Мусиқа асбобларидан: дутор, рубоб, чанг, най, руд жуда оммалашган<sup>240</sup>. Демак, санъат, маданият юксак даражада ривожланган. Афсуски, бу ривожланишни Чингиз босқини ер билан яксон қилган. Халфалар ижрочилиги ҳақида бирорта манба сақланиб қолмаган. Шу сабабли биз фақат Хоним халфа Саидамат қизининг 1895 йилдан бошлаб гармон чалиб, созанда халфа сифатида танилгани ҳақида юқорида маълумот бериб ўтдик. Хоним халфа ҳам илгари доира жўрлигида, ликув (ликоб), пиёла жаранги жўрлигида қўшиқ куйлаган. Дарвоқе, Хоним халфага фольклоршунос Ҳоди Зариф юқори баҳо беради: “Катта қобилият эгаси, санъаткор, шоира, халфа Хонимжон аядан “Асилхон” дostonини ёзиб олдим<sup>241</sup>. Ўша йили ундан Буюк Каримий “Тоҳир ва Зуҳра” дostonини ёзиб олган.

Руслар Хива хонлигини босиб олгандан кейин Янгиариққа кўчиб келган немислар таъсирида Хивага гармон, фотоаппарат, киноаппарат, патефон каби маданий моллар кириб кела бошлаган. Соз-гармоннинг санъат оламига кириб келиши халфачиликнинг ривожланишига юксак ижобий таъсир қилди. Ўша даврларда фаолият кўрсатган йигирмадан ошиқ таланти халфалар ҳақида маълумотлар мавжуд<sup>242</sup>. Бу халфалар орасида элга машҳур бўлганлари Ожиза – Онабиби Отажонова, Онажон Собирова (Анаш халфа) каби талант эгалари бор. Бу иккала халфа Хоним халфанинг шогирдлари бўлиб, айни пайтда шоиралик қобилиятига ҳам эга бўлишган. Шунингдек, “Ошиқ Ғариб”, “Ошиқ Албанд”, “Ошиқ Маҳмуд”, “Асли Карам” каби ишқий-романик дostonларни ҳам маромига етказиб куйлаганлар.

<sup>240</sup> Бу ҳақда қаранг: Тимофеев И. Бируни. – Москва, “Молодая гвардия”, 1986. –Б. 41,42,88, 107,167,198.

<sup>241</sup> Мирзаев Т. Ҳоди Зариф суҳбатлари. – Б.262.

<sup>242</sup> Қиличев Т. Хоразм халқ театри. – Тошкент: “Адабиёт ва санъат”, 1988. – Б.117.



Бинобарин, халфачиликнинг дастлабки босқичи ибодат ва маросимлар билан қоришиқ ҳолда ёддан ўқиш тарзида шаклланган. Қўшиқ, шеърият ва рақс билан синкретик тарзда бирлашган бу санъат асрлар оша такомиллашиб келган. Ҳозирги маълумотларга қараганда XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб, халфалар репертуарига дунёвий дostonлар кириб кела бошлаган. Аср охиридан бошлаб созанда, дostonчи халфалар фаолият кўрсатиб бошлайди. XX асрнинг 30-йилларидан эътиборан ҳозирги ансамбли созанда халфалар фаолияти оммавийлаша бошлайди. (Бу тоифа халфалар балки хоразмшоҳлар даврида шаклланган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас). Созанда халфа сифатида танилган дастлабки санъаткорлардан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Сорахон Оллабергановадир. Қироат билан диний ва дунёвий дostonлар ўқийдиган саводхон-қиссахон халфалар ҳам ўз йўналиши бўйича тўй ва азаларда хизмат қилишда давом этишади. Хоразмда қиссахон-қироатхон халфалар кўп бўлган. Буларга Ниёзжон Мусаева, Сўна Эшматова, Розия Оллаёрова ва бошқаларни киритиш мумкин<sup>243</sup>.

Инсоният ҳамisha маънавий эҳтиёжга интиқ яшаган. Шу сабабли адабиёт ва санъатнинг илдизлари ибтидоий ҳаёт қадар қадимийдир. “Кўчманчи ҳаётдан ўтроқ ҳаётга кўчиш, инсоният, ҳаётидаги буюк бурилишлардан биридир”<sup>244</sup>. Ўтроқ ҳаёт маънавий юксалишни янги поғонага кўтарди. Бадий ижод ривожланди. Диний эҳтиёж, ибодат юзага келди, Ибодат эса инсонни қўшиқ куйлашга, шеъриятга етаклади<sup>245</sup>.

Бинобарин, шеърият насрга нисбатан анча олдин пайдо бўлди<sup>246</sup>. Чунки маросим учун шеърият ва рақс асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилди.

Диний ақидалар, шеърият, ибодат, маросим профессионал санъаткорларни етиштирди. Шомон, бахши, ўзон, халфаларнинг шаклланишидаги илк илдизларини ўша даврлардан излаш ло-

<sup>243</sup> Қаранг: Ошиқнома. IV китоб. – Б. 353-354.

<sup>244</sup> Колер И., Ранке И., Ратцель Ф. История человечества (до исторический период). – СПб., Полигон, 2003. – С.50. (329)

<sup>245</sup> Ўша манба, – С.7-8.

<sup>246</sup> Стеблин-Каменский М.И. Мир саги. Становление литературы. – Л.: Наука, 1984. – С.47. (246)

зим бўлади. Диний ақидалар тарғиботида аёллардан чиққан халфалар фаолияти, айниқса, характерлидир. Шу сабабли халфалар шажараси тарихи жуда қадимга бориб тақалади.

Маълумки, Хоразм–азалдан санъат ўлкаси. Эрамизнинг I-III асрларида Кат шахридан олдин Тупроққалъа Хоразм давлатининг пойтахти бўлган. Аввалги фаслларимизда таъкидлаганимиз каби қалъада 120 дан кўпроқ турар жой, хўжалик ва 8 та сарой зали бўлган. Сарой хоналаридаги нақш ва тасвирлар орасида мева терувчи аёллар, ярим яланғоч, рақсга тушаётган аёл, айниқса, арфа чалаётган аёл ва қўш ноғора чалаётган эркак тасвири характерлидир. Расмлар оқ, қора, кўк, қизил, сариқ, зангори, пушти оч ва тўқ яшил, жигарранг ва бошқа рангларда жуда нафис дид билан ишланган<sup>247</sup>.

Адабиёт ва санъат анъанавийлик характерига эга. Юқоридаги кўчирмадан маълум бўладикки эрамизнинг I-III асрларидаёқ қадимги Хоразмда архитектура, чолғучилик, рақс, рассомлик, наққошлик каби ҳунарлар профессионал даражада ривожланган. Бу тараққий қилган санъат турларининг авлоддан-авлодга анъана сифатида ўтиши табиийдир.

Арфа чалаётган аёл, ноғорачи ва раққоса тасвири бизга созанда халфалар ансамблини эсга солади. Чунки ҳозирда ҳам гармончи, доирачи ва раққосадан иборат учлик ансамбли фаолият юритаяпти. Ишонч билан айтиш мумкинки, қадимги арфа асбобининг гармонга айланиши узоқ йиллар давом этган, бироқ уни анъана сифатида қабул қилиш мумкин.

Г.П. Снесарёв Хоразм этнографияси соҳасида қарийб 30 йил давомида иш олиб борар экан, шундай хулосага келади: “Патриархал-феодал тузум кичикнинг каттага, аёлнинг эркакка сўзсиз бўйсунлигини қонунлаштирган. Бу анъана асрлар давомида амалда бўлиб, ҳозиргача яшаб келган, авлоддан-авлодга ўтган. Ушбу сабаблар энг қадимги ибтидоий удумларнинг ҳам авлоддан авлодга ўтиб келишига сабабчи бўлган. Бу ҳодиса ҳунармандчиликда ҳам кўзга ташланади”<sup>248</sup>.

<sup>247</sup> Исмоилов С. Қадимги Хоразм қалъалари. –Тошкент: А.Навоий номидаги миллий кутубхона нашриёти, 2007. –Б. 48 (96)

<sup>248</sup> Снесарев Г.П. Хоразмликларнинг мусулмонликдан аввалги маросимлари ва урф-одатлари. – Урганч:УрДУ нашриёти, 2018. – Б.16. (348)

Халфаларнинг маиший ҳаётдаги маросимларда қатнашиши унинг оилавий анъаналар доирасида яшаб келишини таъминлаган. Қолаверса, санъат ҳам ўзига хос ҳунар бўлиб, устоз-шогирдлик анъаналарига эга. Ушбу омиллар арфа чалаётган аёлга нисбатан билдирган фикримизни тасдиқлагандай бўлади. “Оташпарастлик дини ва зардуштийлик таълимотига асосланган урф-одатлар ва маросимларни турмушда ислом дини ва ақидалари билан уйғунлаштириш жараёни ҳам айнан халфалар фаолияти билан боғлиқ”<sup>249</sup>. Буни қироатхон-қиссахон халфалар фаолияти яққол кўрсатади. Чунки, созанда халфалар тўйларда хизмат қилишса, қисса ўқийдиган халфалар азада ҳам хизмат қилишади. Демак, ҳар иккала соҳа ҳам урф-одатлар, анъаналар билан узвий боғлиқ. Қироатхон-қиссахон халфалар “Авесто” гоҳларини тарғиб қилишдан аста-секин Қуръон оятларини ўқишга кўчганлар. Албатта, бу жараён бирданига амалга ошмаган, балки узоқ йилларни, баъзан улкан тазъийқларни бошдан кечирган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Тупроққалъа сир-синоатлари бахшиларга алоқадор анъаналарга ҳам боғланиб кетади. “1947 йилда “арфачи аёл хонаси” остидан дўмбирага ўхшаш торли чолғу асбобининг пардасини ушлаб турган одамнинг қўли тасвирланган нақш фрагменти қазиб олинди”<sup>250</sup>. Ушбу ашёвий далилларга разм солиб фикр юритиладиган бўлса, демак ўша даврлардаёқ ушбу минтақада санъат гуллаб-яшнаган. Дўмбира асбоби бор жойда уни чала биладиган санъаткорнинг ҳам бўлиши табиий ҳодисадир. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, бахшилар, хонандалар ҳам фаолият кўрсатишган. Анъана эса давом этади. Бахшилар шажарасига ижобий таъсир қилади. Аммо жамият бир хилда тараққий этмайди, таназзулга юз буради, ташқи душманлар тажовузига дуч келади. Санъат, адабиёт ҳам ўша пайтларда тушкунликка учрайди. Бироқ, қаердадир унинг ўчмас излари сақланиб қолади. Жамиятда осойишталик, иқтисодий баркамоллик юз кўрсатиши билан

<sup>249</sup> Матниёзов А. Халфа номининг этимологияси хусусида // Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. 2016. – №4. –Б.43-47.

<sup>250</sup> Толстов С.П. Қадимги Хоразм цивилизациясини излаб. –Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2014. – Б.215. (378)

яна ривожланиш босқичига қадам қўяди. Одатда, бахши ижроси кўнгил очиш, завқланишни, халфа ижроси поклантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Поклантириш эса ўз-ўзидан ибодатга боғланиб кетади.

Бундай олиб қараганда, ҳар иккала ижро ҳам ҳаёт тақозоси натижасида рўёбга чиққан. Бироқ халфалар таъсирчанлиги анча устувор. Чунки улар ўз ғояларини аёллар даврасида тарғиб қилишади. Аёллар эса оила тарбияси, биринчи навбатда фарзанд тарбияси билан алоқадордир. Фарзанд оила даврасида нимага ўрганса ўша ғоя унинг маънавиятини белгилайди. Фарзанд (ўғил) фақат вояга етгач, бахши ижросини тинглаб, завқ олади. Шу сабабдан ҳам аёл халфалар “Авесто” гоҳлари ғояларини, сўнгра қуръон оятларини тарғиб қилишда давом этишган. Бизга ҳозирда маълум бўлган қироатхон-қиссахон халфалар ўша “гоҳ”ларни ўқувчи халфалар (жрец) аждодларининг давомчиларидир. Фақат сўнги даврларда социал-ижтимоий шароитлар натижасида уларнинг фаолият доирасида муайян эволюция юз бериб, жамият қонуниятларига мослашиш тенденциялари кўзга ташланади.

Қиссахон халфалар репертуарини асосан уч тоифага ажратиш мумкин:

**1. Ишқий-романик мавзусидаги дostonлар:** “Тоҳир ва Зухра”, “Юсуф ва Зулайҳо”, “Лайли ва Мажнун”, “Қумри ва Тўти”, “Маликаи Завриё”, “Асли-Карам”, “Ҳилола-Ғариб”, “Ошиқ Ғариб”, “Саёд-Ҳамро”, “Ошиқ Албанд”, “Ошиқ Нажаб”, “Мискин ва Гулқанд”, “Хиромон пари”, “Фарҳод ва Ширин”, “Зайнулараб” ва бошқалар.

**2. Жангнома, қарамонлик-романикмавзусидаги дostonлар:** “Юсуф-Аҳмад”, “Тулумхўжа”, “Шаҳриёри олам”, “Гўрўғли” туркумидан: “Бозиргон”, “Хирмондали”, “Авазхон”, “Гўрўғлининг ўлими” “Рустами дoston” ва бошқалар.

**3. Диний-тасаввуфий мавзусидаги дostonлар:** “Қулхўжааҳмад”, “Бобо Равшан”, “Иброҳим Аҳмад” “Нурнома”, “Саъд Ваққос” (Дошқин бобо ҳикояти), “Жухуд ўғлон”, “Кийик”, “Меърожнома”, “Боқирғон китоби”, “Имом Аъзам қиссаси” ва бошқалар.

**4. Одоб ахлоқ, ҳикматнома мавзусидаги дostonлар:** “Дево-ни ҳикмат”, “Қиссаи Машраб”, “Махтумқули”

**5. Мифологик-эртақ тип сюжетли дostonлар:** “Ройи чин”, “Гул-Санобар”, “Хурлиқо-Ҳамро”, “Маликаи Дилором”.

Ушбу таснифни янада кенгайтириш мумкин. Чунки қиссахонлар репертуаридаги китобларнинг сони ниҳоятда катта доирани қамраб олади. Албатта, ушбу китоблар кейинги даврлардаги репертуарни белгилайди. Халфаларнинг энг қадимги вазифаси муқаддас китоблар “Авесто” ва “Қуръон” тарғиботи билан боғлиқдир. Жамият тараққиёти натижасида дунёвий адабиёт ҳам халфалар репертуарига келиб кирган, аммо диний руҳдаги асарлар улар томонидан ўқиладиган китобларнинг бир қисми сифатида ҳозиргача сақланиб келмоқда.

Халфаларнинг ҳар иккала тоифаси ҳам қадимийлик характериға эга бўлиб, муайян ўзгаришлар билан ўз фаолиятларини давом эттирмоқдалар. Бахшилар ҳам генезис жиҳатдан халфалар билан бир қаторда туради.

Уларнинг қиссахон тоифаси диний ва дунёвий дostonлар тарғиботи билан шуғулланишади. Бахшилар фаолияти ўз оммавийлиги ва бадий-эстетик таъсирчанлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шу билан бирға уларнинг илдизи халфалар билан бир нуқтаға бирлашиб, инсон маънавиятини бойитишға хизмат қилади.

Хоразм қадимий ва этнографик жиҳатдан мураккаб минтақалардан биридир. Бу ўлкада шомонлик билан боғлиқ маросимлар, урф-одатларнинг қадимий қолдиқлари сақланган бўлиб, уларнинг айрим тафсилотлари элшунос Г.П.Снесарев томонидан тадқиқ қилинган<sup>251</sup>. Ушбу маросимларнинг халфалар билан алоқадор томонлари ҳақида ҳам айрим илмий ишлар амалға оширилди<sup>252</sup>.

Дарвоқе, илгари таъкидлаганимиздек, халфалар деганда ҳозирги даврда асосан, гармон чаладиган халфа, унинг ёнидаги доирачи ва раққоса аёллар тушунилади. Шунингдек, азаларда диний руҳдаги китобларни ўқувчи кекса аёллар ҳам халфа номи билан юритилади. Ушбу икки тоифа халфалар қадимда сал бошқачароқ фаолият юритишган. Ўтган асрнинг ўрталарида қиссахон-

<sup>251</sup> Снесарев Г.П. Хоразмликларнинг мусулмонликдан аввалги маросимлари ва урф-одатлари. – Урганч:УрДУ нашриёти, 2018. – Б.19-69.

<sup>252</sup> Оллаберганова С. Халфалар ижодининг ўзбек фольклоридаги ўрни. НДА – Тошкент: 2007. – Б.23.

қироатхон халфалар баъзан пўрхонлик-шомонлик вазифасини ҳам бажаришган. Улар табобат билан ҳам шуғулланишар эдилар. Ўша даврдаги воқеалардан айрим лавҳалар профессор С.Р.Рўзимбоевнинг эсдаликларида қайд қилинган:

“Шу нарса яхши эсимда қолган. Ўша даврда руҳий касалга ча- линган беморларни жаҳр воситасида даволашарди. Кечқурун мах- сус хонада 7 та шам ёқилар, кўк куйлак, катта оқ даканани боши- га ташлаган халфа кўлида китоб билан кириб келиб, тўрдан жой олар, ҳар томонидан учтадан жаҳрчи ўтирар, улар ҳам оқ даканада париларга ўхшаб халфа ишорасига боқиб сукут сақлашарди. Ўрта- да бемор ҳам оқ даканани бошига ёйиб, юзини кўрсатмасдан бо- шини қуйи солиб жим кузатарди. Ҳамма ёқни исванд тутуни қо- плаган. Халфа китоб ўқишни бошлар, (чамамда “Иброҳим Адҳам” қиссаси бўлса керак, ўша ном эсимда қолган) бошлаганда ҳам қи- роат билан, ярим куйлаш оҳангида, ҳар бир сўзни таъкидлаб ёқим- ли нутқда ижрога киришар, атрофдагилар оҳанг сеҳрига берилиб, бош тебратишар, шеър ўқиганда баъзи бировлар йиғлаб ҳам оли- шарди. Ўша пайтда мен момам пинжига янада жипслашардим. Ан- чадан сўнг халфа оҳангни баландроқ кўтарар, икки ёқдаги жаҳр- чилар ишга тушишарди. Халфа ҳар мисра шеърни айтиб тугат- гач, “ҳаҳ-ҳей-ҳо-ҳа, ҳаҳ-ҳей-ҳох” нақаротини такрорлашардилар. Мазкур машғулотдан сўнг сут оши тарқатиларди. Иккинчи сеанс янада қизгин ўтарди. Энди халфа кўлига ликопча олиб, бармоғига ўймоқ (ангишвона) кийиб муайян куй асосида диний айтимларни ижро этар, жаҳрчилар эса “хов-хо”, “хов-хо” тарзида товуш чиқариб бошларини икки томонга ташлаб жазавога тушишар, ҳатто оғзи- дан кўпик сочиб ҳушидан кетар, мен кўрққанимдан юзимни бе- китиб олар эдим. Беморга ўша пайтда сув сеипб, теварагидан шам айлантиришар, исванд (исирик) тутатишарди”<sup>253</sup>.

Эсдалик муаллифининг таъкидлашича, ўша халфалар тўй- ларда ҳам хизмат қилишиб, шўх-шўх шеърларни ёқимли оҳангда ўқишган, жаҳрчилари унинг оҳангини қараб ўзига хос товушда иштирок этишган, баъзан рақсга ҳам тушишишган, даврани қи- зигандан қизитишган.

<sup>253</sup> Рўзимбоев С.Р. Халфа ва халфачилик ҳақида // “Тафаккур зиёси”. – 57-том. – Б. 3-4.

Ушбу лавҳаларга эътибор қаратилса, шундай бир ўйга келиш мумкинки, ушбу маросимлар айнан шомонликнинг қолдиқларидир. Бироқ бу удумлар илгари пўрхонлар вазифасига кирар эди. 1950 йилларга келиб пўрхонлар ўз-ўзидан тазъийқлардан кўрқиб, таназулга юз буриб, батамом йўқолиб кетишгандан сўнг юқоридаги саҳналар уларнинг вазифасини бошқачароқ йўсинда такрорлашмасмикан?

Халфаларнинг қадимги аждодларини шомонлик билан шуғулланганликларини инкор қилиб бўлмайди. Уларнинг бир қисми пўрхонлик соҳасига, бир қисми халфачилик анъанасини танлаб, тўй ва азаларда пўрхон асбоб-ускуналарисиз маданий тарзда хизмат қилишга ўтган бўлишса керак.

Мусиқа жўрлигида ижро сўнгги давр маҳсули сифатида баҳоланиши керак. Сўнгги давр деганимиз ҳам кейинги минг йилликни ўз ичига олади. Чунки Хоразмшоҳлар давридаёқ аёл санъаткорлар, раққоса, хонандалар бўлганлиги ҳақида айрим маълумотлар сақланган. Ўз навбатида шуни таъкидлаш керакки, китоб ўқийдиган қироатхон халфаларнинг пайдо бўлиши “Авесто” даврига бориб тақалишини айтиб ўтдик. Ҳарқандай санъат, ҳар қандай анъана эволюцияга учрайди. Буни ҳаётнинг ўзи тақозо қилади. Масалан, ҳозирги даврда пўрхонларга эҳтиёж йўқ. Чунки тиббиёт юксак даражада ривожланиб кетди. Жаҳр билан алоқадор маросимлар ҳам тўхтаб қолди. Мусиқа, рақсга эса эҳтиёж катта. Шу сабабли созанда халфаларга талаб кучайганича қолмоқда. Шомон халфаларнинг ҳозирги давомчилари фақат аза маросимларидагина қатнашишади. Ушбу халфаларнинг қиссахонлик фаолияти жуда оз даражада айрим қишлоқлардагина онда-сонда учрайди.

Халфалар, пўрхонларнинг бундан 50-60 йиллар олдинги фаолиятини кекса авлод вакилларигина билишади. Бу эсдаликлардан иқтибос келтиришимиздан асосий мақсад халфалар ҳақида ҳозирда олиб борилаётган тадқиқотларнинг тобора сохта тус олиб бораётганлиги сабаблидир. Ҳар бир ҳодисага фанда тўғри баҳо берилиши зарур.

Айниқса, сўнгги йилларда билиб-билмай дostonчилик, халфачилик, бахшилар анъанаси ҳақида китоб ёзадиган “олим”лар

кўпайиб кетди. Бунга мисол қилиб, С.Худойбергановнинг ўқув қўлланмасини кўрсатиш мумкин<sup>254</sup>. Қўлланмада буюк ҳофиз Комилжон Отаниёзов репертуаридаги дoston қўшиқлари таҳлил этилган бўлиб, сонсиз эътироз туғдирадиган ўринлар учрайди.

Китобга истеъдодли санъаткорнинг бутун умри давомида куйлаган қўшиқлари, басталаган мусиқа асарларининг 75 таси киритилган ва уларнинг нота ёзувига матнлар илова этилган. Китоб дебчасида устоз санъаткорнинг биографиясига оид янги маълумотлар берилган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, китобни нашрга тайёрлашда анчагина камчиликларга йўл қўйилган. Бу камчиликлар асосан қўшиқ матнларига тегишлидир. Маълумки, буюк санъаткор ўз репертуаридаги қўшиқларнинг аксариятини халқ дostonларидан, халфалар репертуаридан танлаб олган. Ўша қўшиқлар матни биз таҳлил қилаётган китобга ҳофиз ижро қилган аудио ёзувлардан тинглаб кўчирилган. Натижада айрим товушлар ўзининг аниқ ифодасига эга бўлмаган. Шу сабабдан матнларда кўплаб хатоларга йўл қўйилган. Биз қуйида ўша хатолар юз берган мисраларни келтирамиз ва уларнинг тўғри шаклини ҳам кўрсатиб ўтамыз:

*Ман сандан айрилиб **канда** бўлайин.*

**Тўғри шакли:**

*Ман сандан айрилиб **қанда** бўлайин. (119-б.)*

“Саётхон ва Ҳамро” дostonидан олинган ушбу мисрадаги **қанда** сўзи эски ўзбек тилида **қаерда** сўзи ўрнида қўлланилган. Лирик қахрамон: мен сандан айрилиб қаерга борайин, демоқчи.

**Канда** сўзи форсча бўлиб, **узиб ташламоқ** маъносига эгаллиги сабабли, мисрадаги фикр оқимига мос келмайди.

***Арғумоқ** юбордим дўста. (125-б.)*

**Тўғри шакли:**

***Арғувон** юбордим дўста.*

**Арғумоқ** минадиган отни англатади, **арғувон** эса гул (дахт) маъносига эга.

Одатда ошиқ маъшуқасига от эмас, балки гул юборади.

***Қирқланчи** қизларнинг сардори. (153-б.)*

<sup>254</sup> Худойберганов С. Соз ва сўз соҳиби. – Тошкент: “ILM ZIYO”, 2015.



**Тўғри шакли:**

**Қирқинжа** қизларнинг сардори.

Одатда қирқланчи, ўттизланчи деган бирикма инсонга нисбатан ишлатилмайди. Бу ерда лирик қаҳрамон Саётхонни қирқ инжа (гўзал, нафосатли) каниз-қизлар сардори сифатида тилга олган.

*Бу нотавон **чашминг** ишқида зори.* (146-б.)

**Тўғри шакли:**

*Бу нотавон **чашмим** ишқинда зори.*

Мисра I шахс бирликка оид бўлганлиги сабабли кейинги мисра мантиқан тўғридир.

*Гўзаллар ичида сансан **ўдоға**.* (157-б.)

**Тўғри шакли:**

*Гўзаллар ичинда сансан **ўтоға**.*

Эски туркийда ўдоға шакли йўқ. Ўтоға сўзи раҳбар, бошчи, сардор маъносига эга.

***Сан сизим** ҳеч ерда бўлмас қарорим.* (171-б.)

**Тўғри шакли:**

***Сансизин** ҳеч ерда бўлмас қарорим.*

Мисра Тоҳир тилидан иккинчи шахсга нисбатан айтилаётганлиги сабабли биз таъкидлаган шакл тўғридир.

*Ошиқ манам ишқим **ила** ошқора.* (171-б.)

**Тўғри шакли:**

*Ошиқманам ишқим **эла** ошқора.*

Мантиқан ишқ элга ошқора бўлиши мумкин. **Ила** сўзи эса боғловчи туркумга оид бўлганлиги сабабли маънога мос тушмайди.

***Не ҳоллар**-не хатлар нақшли нигор.* (195-б.)

**Тўғри шакли:**

***Не холлар**- не хатлар нақшли нигор.*

Мисрада маъшуқанинг ҳоли эмас, балки юзидаги холи ҳақида сўз кетаётир.

Қуйидаги мисрада ҳам ушбу хато такрорланган:

*Занахдон **холларинг** ҳилола душмиш.* (204-б.)

**Тўғри шакли:**

*Занахдон **холларинг** ҳилола душмиш.*

***Душманим** айролиқ ўтина.* (259-б.)

### **Тўғри шакли:**

*Душмишам айролиқ ўтина.*

Мисрада душман ҳақида сўз бормаётганлиги сабабли, биз таъкидлаган шакл тўғри.

Қуйидаги мисрада сўз алмашганлиги сабабли мантиқ ғализлашган ва қофия бузилган:

**Хумойларитумор** каби (259-б.)

Аслида тўртлик қуйидагича:

*Ўн тўрт кечалик ой каби,*

*Туморлари хумой каби,*

*Улли давлатли бой каби,*

*Галар соллона-соллана.*

*Эронийлар тушда билгусин берар.*

### **Тўғри шакли:**

*Эранлар тушида билгусин берар.*

Мисрада эронийлар ҳақида эмас, балки дostonлардаги ҳомий кучлар-эранлар ҳақида сўз юритилаётир.

**Ақлин** олган оху кўзли **маролинг.** (290-б.)

### **Тўғри шакли:**

**Ақлим** олган оху кўзли **маролим.**

Мисра I шахс томонидан II шахсга мурожаат тарзида айтилаётгани учун кейинги шакл тўғри. Қолаверса, биринчи мисра қарорим сўзи билан тугалланганлиги сабабли қофия талаби билан биз келтирган сўз ҳам маролим шаклида бўлиши шеърият қонуниятларига мос келади.

*Иккимизни гунбади ҳазрат элтди.* (290-б.)

### **Тўғри шакли:**

*Иккимизни гунбази ҳазрат элтди.*

Мисрада Али Шохимардон гунбази ҳақида сўз кетаётганлиги боис биз таъкидлаётган шакл маънога мос тушади. Китобга киритилган матнлардаги имловий хатоларга биз тўхталмадик. Чунки уларни санаб чиқиш амримаҳол. Айрим ҳолатларда дostonларнинг номи чалкаштирилган. Масалан: “Саёт ва Ҳамро” “Юсуф ва Ҳамро” (204-б.) тарзида берилиб, кўпол хатога йўл қўйилган. 243-саҳифадаги “Найлайн” кўшиғи “Оға Юнус пари” дostonига нисбат берилган. Бу кўшиқни яхшиси “Тўрўғли” дostonидан деб берилса, дуруст бўлар эди.

Биз ушбу китоб ҳақида гапираётганимизнинг асосий сабаби хатолари тузатилган қўшиқларнинг барчаси халфалар репертуарига алоқадорлигидандир. Қўшиқларга нисбатан бундай эътиборсиз қараш, буюк санъаткорнинг обрўсига путур етказишидан ташқари, илмга ҳурматсизликдир. Халфалар репертуаридаги ушбу қўшиқлар матнига разм солинса, улардан биронта хато топиш амримаҳол. Чункиқўшиқ матни тўғри талаффуз қилингандагина унинг бадий-эстетик таъсирчанлиги тингловчига етиб боради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Хоразм халфачилиги тарихи жуда қадимий бўлиб, унинг хусусиятлари ҳақида дастлабки маълумотлар XIX аср ўрталарида Хивага келган венгер олими А.Вамбери асарларида учрайди.

Биринчи марта Хоним халфани кашф этиб, ундан дoston ёзиб олган олим эса Ҳоди Зарифдир. Бу пайтлар ўтган асрнинг 30-йиллари эди. Шундан кейин тоталитар тузум қатоғонлари, кейин эса иккинчи жаҳон уруши бошланиб, тадқиқотлар тўхтаб қолди. 1960 йилларга келиб бу мавзунини давом эттирган олим Ж.Қобулниёзов бўлди. У Хивалик халфалардан бир қанчасининг шеърларини “Хоразм халқ қўшиқлари” тўпламига киритди ва улар ҳақида маълумотлар эълон қилди.

1967 йилда М.Муродов ва Н.Сабуровларнинг ҳазорасплик халфалар ҳақида мақоллари чоп этилди. Шунингдек халфа қўшиқларидан бир қанчаси “Ўзбек халқ музыкаси” антологиясига киритилди.

2. Ўткан асрнинг 70-йилларидан бошлаб халфачилик санъатига қизиқиш кучайди. Фольклоршунос О.Собиров, Элшунос Т.Қиличев, С.Рўзимбоев, А.Абдуллаевларнинг мақолалари ва монографиялари эълон қилина бошлади.

С.Р.Рўзимбоевнинг номзодлик ва докторлик диссертацияларида халфалар ижодига йўналишига қараб тасниф қилинди.

Кейинчалик бу тасниф Ҳ.Абдуллаев, Т.Мирзаевларнинг ишларида давом эттирилди. Халфалар ижоди, асосан, С.Р.Рўзимбоевнинг тадқиқотларида кўпроқ тилга олиниб, Ожиза, Анаш халфа каби ижодкорларнинг шеърларига дoston қўшиқларининг таъ-

сири масаласи ёритилди. 1987 йилда “Хуршиди жаҳон келди” номи остида Ожизанинг шеърлари мажмуасини эълон қилди.

Шунингдек, О.Собиров, Т.Жалоловларнинг китобларида ҳам халфалар ижоди тарғиб қилинди. Н.Қуронбоеванинг тўй қўшиқлари бўйича ёзган диссертациясида ҳам халфалар репертуаридаги тўй қўшиқлари таҳлил этилган.

3. Хоразм мусиқашунослари ижодида ҳам халфа куйларини но-тага олиш ишлари жонланди. З.Мадраҳимов ва С.Нурматовларнинг “Тарғунча китоби Қ.Раҳимов ва Р.Юнусовларнинг “Олти халфа” тўпламларига киритилган нота ёзувлари шулар жумласидандир.

Сўнгги йилларда вилоятимизнинг турли минтақаларида ҳам халфалар ва уларнинг ҳаёти ижоди хусусида рисолалар чоп этилди. Бунга Хивалик Г.Дурдиева, Қўшқўпирлик Б.Муҳаммадқурбонларнинг асарларини, Хивалик С.Собирова, Ҳ.Солаевлар томонидан ёзилган. “Хива булбуллари” китобини шу қаторга қўшиш мумкин.

Истиқлол йилларида бу борадаги ишлар янада жонланди. Ожиза ва Анаш халфаларнинг тўлдирилган шеърий мажмуалари чоп этилди.

С.Оллаберганованинг халфалар ижодига бағишланган диссертацияси юзага келди. Ў.Ўтаев ва Отаёрларнинг “Дунёга тенгдош хазина” китобида ҳам халфалар ижодига оид маълумотлар учрайдики, бу китоб ўзининг юзакилиги билан кўзга ташла-ниб туради.

Бинобарин, ушбу ишларга фикр билдириш ва халфалар ижо-ди, халфачилик генезиси ҳамда тараққиёти хусусида махсус тадқиқот юзага келтириш зарурати туғилди.

4. Халфачилик бахшичилик анъаналари билан бир вақтда шакллана бошлаган. Дастлаб бу икки анъана параллел равишда фаолият кўрсатиб шомонлик билан боғланиб кетади. Халфа ата-маси хоразмий тилига, тўғрироғи санскритчадан олинган бўлиб, паҳлавийча “кичик қоҳин” маъносига тўғри келади. Ҳинд тили-даги кяграпуа сўзидаги нола қилмоқ сўзи ҳам унга яқин келади.

Аёл халфаларнинг пайдо бўлишини муайян динларни тарғиб қилиши билан боғлиқ эканлиги ҳақиқатга яқин. Чунки уларнинг “Авесто” “гоҳ”ларини, кейинчалик Қуръон оятларини қироат билан ўқишлари бу фикрни тасдиқлайди. Хоразмий тилидаги кара-

па, карпа сўзларининг халфа атамасига айланиши фонетик ўзгаришнинг бир кўринишидир.

Халфалар илгари ҳам ҳозирда ҳам маиший турмуш, маросим ва урф-одатлар доирасида хизмат қилишади.

5. Хоразм азалдан санъат, адабиёт тараққий қилган, ўтроқ ҳаётга қадимдан кириб келган маданият ўчоқларидан биридир.

Эрамизнинг I-III асрларидаёқ бу ўлкада маданий ҳаёт гуллаб-яшнади. Хоразмнинг кўҳна пойтахти Тупроққалъа саройидан топилган ҳайкаллар орасида рақсга тушаётган аёл, айниқса, арфа чалаётган аёл ва қўш ноғора чалаётган эркак тасвири, ўша жойдан топилган дўмбирага ўхшаш торли асбобнинг топилиши фикримизга далил бўла олади. Арфа чалаётган аёл, ноғорачи ва раққоса бизга ҳозирги халфа (гармончи), доирачи ва раққоса аёллардан иборат учлик ансамблни эслатади. Демак, ўша пайтлардаёқ халфалар вазифаларида дифференция ҳодисаси юз бергани кўзга ташланади. Динни, ибодатни тарғиб қилувчи, шомонлик анъаналарининг пайдо бўлиши эса янада қадимийроқдир. Чунки маънавиятни, одоб-ахлоқни тарғиб қилиш халфа ва бахшилар учун муқаддас вазифадир.

6. Феодализм шароитида анъаналарнинг барқарор етиб келиши ўз қонуниятига эга. Айниқса, халфаларнинг маросимлар (асосан, маиший маросимлар) ташкилқилишдаги етакчилик салоҳиятини ҳисобга олсак, бунга янада амин бўламиз. Халфачилик анъаналарида жамиятга, мафкурага мослашиш тамойилларини ҳам эътироф этишимиз зарур. Бир вақтлар зардуштийлик таълимоти тарғиб қилиб келаётган қироатхон халфаларнинг мусулмон дини қонуниятлари тарғиботига мослашиши бунга яққол мисолдир. Аммо халфаларнинг оилавий маросимлар билан боғлиқ анъаналарининг аксарияти ўзгармас, барқарор ҳодисалардир. Никох тўйлари, азадаги айрим ақидаларнинг баъзилари зардуштийлик динидан ҳам аввалги урф-одатларга алоқадордир. Буни Г.П.Сенсарёв маълумотлари ҳам тасдиқлайди.

7. Халфаларнинг қироат билан китоб ўқишлари ҳам анъанавий ҳодисалар бўлса-да, унда айрим эволюция ҳам учрайди. Дарвоқе, диний китоб ўқиш, ибодатга чорлаш, маънавият тарқатиш

халфаларнинг дастлабки профессионал вазифасидир. Шомонлик, кишиларни даволаш каби таъбат анъаналари ҳам улар фаолиятига киради. Шунини айтиш керакки, давр, жамият ҳар қандай ҳолатда ўзгариб боради. Шу жараёнда халфалар фаолияти ҳам эволюцияга учраши табиийдир. Шомонлик йўналиши пўрхонлар вазифаси сифатида дифференциацияга учраган. Китобларни қироат билан ўқиш, динни, ахлоқни тарғиб этиш эса ҳозиргача қироатхон халфалар зиммасида қолмоқда. Шу билан бирга диний китобларёнига дунёвий (достон) китоблар ҳам кириб келган. Созандалик, хонандалик эса сал кейин пайдо бўлса-да, ҳозирда фаол кўринишга эга. Бу жамият талабидир.

## БЕШИНЧИ БОБ.

### ХОРАЗМ ХАЛФАЧИЛИГИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

#### Шоира – дostonчи халфалар ижодий фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари

Инсон ҳамиша маънавий озиқланишга эҳтиёж сезган, одоб-ахлоқ, тарбиянинг илк манбалари ҳам маънавият билан узвий боғлиқ. Шеър тўқиш, уни таъсирчан, ифодали ўқиш санъати ҳам ана шу қадимги маънавий озиқланишнинг бир сарчашмасидир. Қадимги исланд сагалари ҳам ёзув пайдо бўлмасдан аввал шаклланган бўлиб, бу сўзнинг замирида ҳикоя маъноси яширинган. Сагалар XIII асрга келиб махсус китобларга кўчирилиб “китобий наср сифатида махсус кишилар томонидан мадҳия сифатида ўқилган”<sup>255</sup>. Бу кишиларни sagmads – “моҳир ҳикоя ўқувчи” деб юритишган.

Қанчалик қадимийлик сари ичкари кирсак инсоният маиший турмуши, яшаш тарзининг шунчалик бир-бирига ўхшаш келишига гувоҳ бўламыз.

Бизнинг дoston атамамиз замирида ҳам ҳикоя қилмоқ, мадҳ-этмоқ маънолари мавжуд. Исланд сагалари XIII асрларда ёзувга олинган бўлса, бизнинг “Авесто” китобимизнинг уч минг йилга яқин тарихи бор. Ушбу китоб айнан халфалар фаолияти билан боғлиқдир.

“Авесто” кўп қатламли, мураккаб манба бўлиб, узоқ даврлар давомида шаклланиб, ёзувсиз замонларга оид тасаввурларни ҳам сақлаган. Унда зардуштийлик динига қадар бўлган қадимги диний анъаналар ҳам мавжуд. Заратуштра (зардушт) шу анъаналар муҳитида тарбияланган ва улар табиат кучларига эҳтиром кўрсатишга, кўёшга, юлдузларга, оловга топинишга чорловчи қадимги мадҳиялар, халқ оғзаки ижоди намуналарининг улкан тизими бўлиб, диний маросимларда, байрамларда ижро этилган”<sup>256</sup>.

<sup>255</sup> Стеблин – Каменский М.И. Мир саги. Становление литературы. – Л.: Наука, 1984. – С.45-51.

<sup>256</sup> Сагдуллаев А. “Авесто” да акс этган илк диний маросимлар тарихини ўрганишда археологик маълумотлар. // “Авесто” ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. – Тошкент. –Урганч: “Фан”, 2001. –Б.20.

Ушбу ижрочилар иқтидорли, қобилиятли, билимли, сўзамол кишилар бўлишган. Улар муқаддас китобдаги эзгу эътиқод қоидаларини маҳорат билан куйлашган.

Бу кишилар “жрец-коҳин” номи билан юритилган<sup>257</sup>. Албатта, коҳинлар орасида эркаклар ҳам аёллар ҳам бўлган.

Эркаклар кўпроқ кенг давраларда, омма орасида, аёллар эса кўпроқ маиший-оилавий маросимларда фаолият кўрсатишган.

“Авесто” қонун-қоидаларини тарғиб қилиш турли усул ва кўринишларда амалга оширилган, турли маросимлар доирасида бажарилган.

“Зардуштийларнинг маросимлари ибодатхоналарда жамоа бўлиб, махсус либосларда якка ва жўр овоз ҳолда куйлаш, диалог ва монолог шаклида қироат қилиш, тартибли ҳаракатланиш ва рақсга тушиш воситасида олиб борилган. Бора-бора “Авесто” қасидалари, ривоятлари, дуоларини саҳналаштирувчи, ижро этувчи малакали кишилар-муғлар майдонга келган. Муғлар орасида маълум даражада ихтисослашиш рўй бериб, сўз усталари, қироатхонлар, ҳофизлар, ўйинчилар, ҳар хил қиёфаларда чиқувчи ўзига хос актёрлар пайдо бўлди”<sup>258</sup>.

Профессор М.Қодировнинг ушбу фикрлари замирида кўплаб воқеа-ҳодисалар жамланган. Халқ оғзаки ижоди, унинг мусиқа фонди, томоша санъатида юқоридаги тафсилотлар ҳозиргача ўз акс-содисини бериб келмоқда. Шулардан бириси “Ашшадарози” ўйини бўлиб, узун хўққа-ёғоч оёқларга эга бўлган дароз-узун бўйли киши турли айтимлар айтиб наврўз байрамларида томоша кўрсатган. Бу ўйин ҳозиргача давом этиб келаётирки, айтимлари форс ва ўзбек тилларида ижро этилади. Унинг матнини биз “Анаш халфа” мажмуасида тўлиқ келтирганмиз<sup>259</sup>. Бу ўйиннинг қадимийлиги ҳақиқат, аммо айтимлари замона зайли билан ўзгарган бўлиши табиийдир.

Иккинчи бир томоша санъати Хоразмдаги “Чаманчи”лар ансамблидир. Бу сайёр ансамбл тўйларда чаман (гул) кўтариб келиб,

<sup>257</sup> Крюкова В. Авестийский жрецкий кодекс “Видевдат”: Историко-этнографические реалии. Ўша манба. – Б.123.

<sup>258</sup> Кодиров М. “Авесто” ва томоша санъати // “Авесто” ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. – Б.44.

<sup>259</sup> Анаш халфа. – Тошкент: “Миллий кутубхона”, 2006. –Б.41-44. (Нашрга тайёрловчилар: С.С.Рўзимбоев ва Н.Э.Собирова.)



(кўпроқ суннат тўйларида) тўй уйи тепасига қистириб, қўшиқ бошлашади. Улар уч кишидан иборат бўлиб, созчи, доирачи ва раққос (эр киши) иштирокида турли томошалар кўрсатишади, таълимий характердаги ашулаларни куйлашади, охирида тўй сабабчисига фотиҳа бериб, махсус тугунчани олиб қайтиб кетишади. Бу ансамбл ҳақида Г.П.Снесаревнинг “Хоразмликларнинг мусулмонликдан аввалги маросимлари ва урф-одатлари” китобида батафсил фикр юритилган.

Чаманчиларнинг дуо-фотиҳалари ҳам бир вақтлар “Авесто” фаргардларидан олинган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Хоразмдаги дорбоз ўйини ҳам энг қадимги томоша санъати бўлиб, унга халқ сеҳр-жоду кўзи билан қарайди.

Г.П.Снесаревнинг ёзишича, дорбозлар устунларни тикиб, уларга арқон тортганларидан кейин, дарҳол фарзандсиз аёллар келиб, дор (арқон) остидан ўта бошлашади<sup>260</sup>. Чунки халқ тушунчасида бу томоша ўзига хос ритуал характерда бўлиб, унинг негизида сеҳр-жоду ётади. Бу хусусият мазкур томошанинг қадимги диний ақидаларга бориб тақалишини исботлайди. Дорбозлар талантли, сўзамол, ашулачи шахслар бўлиб, яқинларгача, дор устида турли айтимларни ижро этишарди. Демак, бу томоша негизида ҳам муқаддас китоб тарғиботига боғлиқ ҳодисалар мавжуд.

Масхарабозлар ансамблида ҳам худди ўша мақсад намоён бўлади. Юқоридаги иқтибосда берилган “ҳар хил қиёфада чиқувчи” шахслар айнан масхарабозлардир. Уларнинг репертуарида ҳам қизиқчилик билан бир қаторда таълим-тарбияга, тарғиботга мўлжалланган кичик драматик асарлар учрайди. Раққос эркаклар эса турли диний-афсонавий қиёфага кириб пантомимик томоша кўрсатишади. Айрим масхарабозлар ўта сухандон бўлиб, халқни сўз воситасида эътиборини тортиб муайян мақсадни амалга оширади. Иқтибосда санаб ўтилган қироатхонлар эса эркак ва аёл қиссахонларнинг илгариги аждодларидир.

Халфаларнинг ҳозирги вакилларининг илдизлари ҳақида гапириш ниҳоятда қийин масала. Лекин бир нарса аниқки, улар

---

<sup>260</sup> Снесарев Г.П. Хоразмликларнинг мусулмонликдан аввалги маросимлари ва урф-одатлари. – Б.96.

фаолиятининг асосида диний ақидалар ётади. Бу ақидалар доираси ниҳоятда кенг бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳам ислом динига алоқадор бўлмай, кўплаб архаик динлардаги ақидаларни ўз доирасига қамраб олади. Шу сабабли аза ва тўйларда қатнашадиган қиссахон-қироатхон халфаларнинг тармоғи мунтазамлик – давомийлик характериға эға. Улар ҳозирда ҳам ўзларининг қадимги бурчларини бажариб келишаётир. Тасаввур қилиб кўрайлик. Ҳозирда ҳар бир маҳаллада, боринги, икки маҳаллага бирдан деб ҳисобласангиз, барча ҳудудларда аза ёки тўй ўша халфалар иштирокисиз амалға ошмайди. Инсон кўп нарсани унутади, аммо диний ақидаларға ҳамиша содиқ қолади. Дин маросим, урф-одат, анъаналар билан шу даражада чатишиб кетганки, ушбу удумларни бир-бирдан ажратиб олиш жуда мураккабдир.

Халфаларнинг тўйда ёр-ёр, келин салом айтиши, азада диний оятларни ўқиши бардавом ҳодиса, улар маиший ҳаёт, турмуш тарзи билан узвий боғланган. Шу сабабли ҳаёт давом этар экан, ушбу анъана ҳам биргаликда илгарилайди. Халфалар ҳам инсон фарзанди, аммо оддий кишилардан идроки, ақл-заковати билан, айниқса, эътиқодға содиқлиги билан алоҳида ажралиб туришади. Уларнинг тийнати, қобилияти ҳам бир хилда эмас. Масалан, Хоним халфа Қуръонни ёд билган, ўнлаб дostonларни оғзаки ижро қилган. Шеърлар, қўшиқлар ёзган, баъзан тўқиган. Гармон, орган чалиш қобилиятиға эға бўлган. Яхшигина хонанда сифатида танилган. Бир сўз билан айтганда, халфаликда унга тенглашадиган киши бўлмаган. Ўзига тегишли барча ақидаларни беками кўст бажарган. Муҳаммад Раҳимхон сонийнинг эъзозига мушарраф бўлган.

Анаш халфа – Онажон Собированинг ҳам ўзига хос томонлари мавжуд. У гармон чалиб қўшиқ куйлаш санъатини, рақсға тушишни профессионал даражада мукамал эгаллаган. Шеърлар ёзган, дoston ижро этган. Бирокдиний ақидаларни бажарганлиги ҳақида маълумот сақланмаган. Ўзига яраша ташкилотчи аёл сифатида танилган. Шўро тузуми қонун-қоидаларини қабул қилишға мажбур бўлган. Бошқа иложи ҳам йўқ эди.

Ожиза – Онабиби Отажонова эски араб ёзувини, Қуръон оятларини яхши билган, кўзи ожиз бўлганлиги ишора сифатида та-

халлус танлаб, яхшигина ғазал ва қўшиқлар ижод қилган, кўплаб дostonларни ёд билган ва маромига етказиб ижро қилган. Бошқа маросимларга алоқаси бўлмаган. Кўплаб шогирдлар тайёрлаган.

Шукур халфа Оллоқули қизи яхши шоира бўлган, дoston куйлаган. Қуръон оятларини яхши билган ва тарғиб қилган.

Кўрамизки, ҳар бир халфа ўзига хос тийнатга, ўзига хос фаолиятга эга. Уларни бирлаштирадиган асосий нуқта халқ дostonларини тарғиб қилиш ва бадий ижод билан шуғулланишларидир. Ушбу шоира-дostonчи халфалар фаолиятида азалардаги маросимларга қатнашиш ҳоллари учрамайди. Бу шоира-халфалар фаолияти икки давр воқеалари таъсирида кечган. Шўро давридаги воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдиришган. Хоним халфа ва Шукур халфалар ижодида шўро даврини қўллаб-қувватлашда бетарафлик кўринса, Онажон ва Онабиби халфалар ижодида янги даврни улуғлаш тенденциялари устуворлик қилади. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасдир.

**Хоним халфа Саидамат қизи.** Хоразм халфачилигининг илк забардаст сиймоларидан бири шоира Хоним халфа Саидамат қизи бўлиб, у Хивада Хоним сувчи лақаби билан машҳурлик қозонган. Шоира-халфа саводхон, хонандалик ва созандалик қобилиятини тўла эгаллаган. Қисса-дostonларни махсус оҳангга солиб (речитатив) куйлаган. 1895 йилдан бошлаб дoston ва қўшиқларни гармон жўрлигида ижро қила бошлаган<sup>261</sup>.

Дастлабки, ўзбек фольклоршунослигининг дарғаларидан бўлган Ҳоди Зарифнинг шоира-халфа ҳақидаги хотираларига эътибор қаратамиз: “1930 йил, ёзнинг иссиқ кунлари. Хивада, Дошҳовлидаги Хоразм музейи биносида тадқиқот ишларини бошлаб юбордик. Илмий ходим Бекжон Раҳмон хивалик Хонимжон аяни Дошҳовлига етаклаб келди. Мендан анчагина катта ёшли бу аёл таъзим билан, улуғ камтарлик, ҳурмат ва икром билан кўришганда, мен ўзимни мусофирликда онам ўз бағрига олаётгандек ҳис этдим. Биз суҳбатлашиб, тезда она-боладек бўлиб қолдик... маълум бўлишича, бу олижаноб аёл хонлар хонадонининг қулларидан, Исфандиёрхоннинг чўриларидан бири бўлган экан...”

<sup>261</sup> Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. – Тошкент: “Адабиёт ва санъат”, 1967. – Б.115.

Мен бу шоиранинг “Хон зулми”, “Бевафо золим” каби инқилобий руҳдаги шеърларини ўз оғзидан ёзиб олганим билан фахрланаман.

Мени эпос ҳам қизиқтирар эди.

Катта қобилият эгаси, санъаткор, шоира Хонимжон халфадан “Асилхон” (“Асил Карам”) достонини ёзиб олдим. Ўша йили ундан Буюк Каримий “Тоҳир ва Зуҳра” достонини ҳам ёзиб олган.

Мен халқ ижодчиларининг зўр вакилларини кўрганман. Аммо аёл халқ шоирлари билан шахсан учрашмаган эдим. Хивада шунга муяссар бўлдим”<sup>262</sup>.

Биз фольклоршунослар – ҳаммамиз шўро даврида Хоним халфа ҳақида юқорида қайд қилингандек мубҳам, ноаниқ тасаввурда эдик.

Энди бу жабрдийда аёлнинг ҳақиқий ҳаёт саҳифаларини варақлаш учун мозийга қайтамиз.

XIX асрнинг қоқ ўртаси. Муҳаммад Аминхон даври. Кунларнинг бирида хон саройи дарвозаси олдига номаълум аёл янги туғилган чақалоқни ташлаб кетади. Боланинг йиғиси дарвозабонлар қулоғига эшитилгач, улар чақалоқни кўриб, эшик оғасига хабар беришади. Эшик оғаси эса болани кўтариб хоннинг олдига киритади. Ҳукмдор дарҳол олиму уламоларни чақириб, уларга воқеани баён қилади. Йиғилганлар: “бу болани сизга Худо етказди. Кечагина жангу жадаллардан омон-эсон қайтиб келдингиз. Бу бола сизга Худонинг юборган мукофоти илтифотидур”, дейишади.

Хон бу сўзлардан кейин кайфи чоғ бўлиб, болага исм қўйишни таклиф қилади. Кўпгина мунозаралардан кейин унга Қутлигалди исмини маъқул топишади. Аммо болани кўпроқ Қутлимурод деб аташган. Бола вояга етгач, уни хон саройни сув билан таъминлаш гуруҳига бошчи қилиб тайинлайди.

Ўша йиллари Хиванинг жанубий қисмида Паҳлавон Маҳмуд мақбарасининг орқасида Саидмуродбий оиласида бир қиз дунёга келади. Унга Хонимжондеб исм қўйишади. Бу қиз зеҳнли, илму урфонга иштиёқманд бўлиб, етти-саккиз ёшларида кўплаб халқ

<sup>262</sup> Мирзаев Т. Ҳоди Зариф сабоқлари. –Тошкент: “SHAMS ASA”, 2013. – Б.262-263.

қўшиқлари, эртақ ва дostonларини ёд олади. Шунингдек Навоий, Фузулий, Огаҳий, Машраб каби буюк шоирларнинг ғазалларини мутолаа қилади. 14-15 ёшларида форс ва араб тилларини ўрганади, ўзи ҳам шеърлар машқ қила бошлайди. Бу даврга келиб, хонлик тахтига Муҳаммад Раҳимхон соний – Феруз чиққан эди. У Хонимжоннинг таърифини эшитгач, бу қизни саройга олдириб, ўзининг суюкли қизи Чинни бикага мураббий қилиб тайинлайди. Кейинроқ сарой халфаларининг бошчиси қилиб қўяди. Феруз тахтга ўтиргандан кейин ўн йиллар ўтгач, Хонимжонни биз юқорида тилга олган Қутлигалдига никоҳлаб, катта тўй ўтказди. Хоним халфа шу сабабдан бўлса керак, кўп шеърда Хоним сувчи тахаллусини қўллайди. Бу тахаллус эрининг касби-корига хурмат юзасидан танланган бўлса керак.

Хоним халфа иккита ўғил кўрган. Биринчиси Раҳимберган Петербургда ўқиб, “Ёш хиваликлар” ташкилоти фаолига айланган. Инқилобдан кейин Самарқандда шўро ҳукуматининг масъул лавозимларида ишлаган. Кейинги тақдири номаълум. Уни қатағон тегирмони домига тортиб кетган.

Иккинчи ўғил Каримберган ўқишга унчалик қизиқмай савдо-сотик билан шуғулланган. Чорсуда дўконлари бўлган. Унинг Бикажон бика исмли қизидан ҳозирда элга машҳур бўлган Ўзбекистон халқ рассоми, истеъдодли ижодкор Тўра Қурёзов туғилган.

Шу тариқа 1920 йил ҳам келиб, Хивада хон ағдарилади. Шўро тузуми айғоқчилари хонга алоқадор кишилар атрофида изғий бошлашади. Бу исковучлар Хоним халфани ҳам эсдан чиқармадилар. Хоним халфа жуда бой-бадавлат яшар эди. У хавфни сезиб гилам ва бошқа ашёларни қўшниларга тарқатиб улгура олди, холос. Аммо иккита кичик қути сандиқчада олтин, кумуш ва бриллиантлар бор бўлиб, улар айвон саҳнидаги устунлар тагига кўмилган эди. Исковучлар ҳаммасини тортиб олиб кетишди. Хоним халфанинг катта кутубхонаси бор эди. Қўрққанидан барча китобларини қабристонга олиб бориб кўмиб ташлайди. Элакчилик кўчасидаги уйини мусодара қилиб, давлат тасарруфига олишди. У ерда баландлиги икки қаватли уйга тенг келадиган мусиқа асбоби бор эди. Уни фақат оёқ ва қўллари ҳаракатида

Хоним онанинг ўзигина чала олар, кўплаб ёш халфаларни ўша ерда тарбиялар, уларга мусиқа ва хонандаликдан таҳсил берар эди. Бизнингча, бу асбоб Феруз Петербургдан олдирган орган мусиқа асбоби бўлиши керак. Ёки бўлмаса, Янгиариқнинг Чиқирчи қишлоғида яшаган немислар уни ясаб беришган ёки Европадан олиб келиб хонга туҳфа қилишган.

Соз жойлашган уй икки-уч оиллага бўлиб берилган. Улар қиш бўйи созни бўлаклаб, ўчоққа ўтин сифатида ишлатишган.

Хоним халфага тазйиқ тўхтамаган. Охир-оқибат у келини ва қизи билан Пишканик қишлоғига кўчиб ўтган. Шундай бўлса-да, у 5 йилга қамалган. Қамокда Хоним халфа Исфандиёрхоннинг биринчи хотини Бикажон бика билан бир камерада ўтирган. Бикажон бика унга бир вақтлари кўп яхшиликлар қилган эди. Чунки Феруз вафотидан кейин Исфандиёр барча шоиру созанда, халфаларни саройдан ҳайдаган, ўша пайтда Бикажон бика Хоним халфани хондан илтимос қилиб, саройда олиб қолган эди.

Анча кексайиб қолган Хоним халфа турмадан чиққач, кўп яшамай 1936 йилда вафот этади<sup>263</sup>.

Хоним халфа шўро ҳукуматига хизмат қилишга ҳам уриниб кўрган.

Машхур хонанда Мадраҳим Шерозий билан ҳамкорлик қилиб, янги даврга мос кўшиқлар ҳам куйлаб юрган. Тамарахоним билан танишган. Тамара хоним унинг бир дафтар тўла шеърларини чоп қилдираман, деб олиб кетган, аммо шеърларнинг кейинги тақдири номаълумлигича қолган.

Хоним халфанинг “Найлайн армонли кетдим”, номли шеъри бор:

*Эй ёронлар, биродарлар,  
Найлайн, армонли кетдим.  
Қараб турган қиз-жувонлар,  
Найлайн, армонли кетдим.*

*Жойим, айвоним йиқилди,  
Уйимга қора тикилди,*

<sup>263</sup> Қурёзов Т. Нотекис йўллар. – Тошкент: 2014. – Б.3-13.

*Болаларим етим қолди,  
Найлайн, армонли кетдим.*

*Энди менинг чиқар жоним.  
Оқар бўлди қизил қоним,  
Йўқдир турмоққа мадорим,  
Найлайн, армонли кетдим.*

Ушбу парчадан маълум бўладики, Хоним халфанинг умри хор-зорликда кечган. Биз бу шеърни шу пайтгача шоиранинг хонлар давридаги аянчли ҳаёти тарзида шарҳлаб келдик, ваҳоланки, шеър ижодкорнинг шўро даври ҳаётининг ифодаси экан<sup>264</sup>. Ушбу шеър шоиранинг ўлими арафасида ёзилган. Унинг Исфандиёрхонни лаънатловчи “Бевафо золим” шеъри шўро даврида ёзилган. Бунинг асосий сабаби Исфандиёрхон ўз қилмишлари сабабли лаънатлашга лойиқ ҳукмдор. У бошқа санъаткорлар қатори, Хоним халфани ҳам саройдан бадарға қилади. Қолаверса, шоира шўро сиёсатидан жуда қўрқиб қолган. Ҳатто, отасининг исмини ҳам Саидмуродбий тарзида айтишга ҳадиксираб Саидмат, туғилган жойини ҳам Хива шаҳри эмас, Пишканик деб айтишга мажбур бўлган. Ҳоди Зарифга ўзини хоннинг чўриси деб таништирган. Шу сабабли айрим шеърларида эски тузумни қоралашдан бошқа илож топа олмаган.

Шоиранинг кўпгина шеърлари илгари айтганимиздек, Тама-рахоним қўлида қолиб кетган. Аксарият шеърлари Анаш халфа, Ожиза, Назира халфа каби шогирдлари тилидан ёзиб олинган. “Ўзбек шеърляти антологиясида”<sup>265</sup> иккита, “Ўзбек педагогика антологияси” да учта шеъри чоп этилган.

Хоним халфа репертуаридаги “Асил ва Карам” достонида кўпгина ғазаллар мавжуд бўлиб, ушбу ғазалларнинг муқобили ёзма нусхаларда учрамайди. Шу жиҳатдан олганда, дoston таркибидаги ғазаллар халфанинг бадиҳагўйлиги билан алоқадордир. Битта мисол келтирамиз:

<sup>264</sup> Ўзбек педагогикаси антологияси. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1995. – Б.415.

<sup>265</sup> Ўзбек шеърляти антологияси. 1-том. – Тошкент: Ўздавнашр, 1961. – Б.50-51.

Хастаман, ҳаж/рингдаман эй/ шаҳи султо/ним, эшит,  
—V—V—V—V—

Ўлгудекман кўрмасам сарви хиромоним эшит.

Фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун, парадегмасига тушадиган ушбу мисралар арузнинг рамали мусаммани маҳсуфрукнига тўғри келади.

Ҳозирги даврда халфалар ижро этаётган тўй-маросим ва дoston қўшиқларининг деярлик барчаси Хоним халфа мусиқа анъаналари асосида яшаб келаётир. Афсуски, унинг оёқ билан попишакларини, қўл билан клавишларини босиб чаладиган “Катта сози” бизгача етиб келмаган ва унинг номини ҳам бирор халфа, чевараси Тўра ака ҳам эслай олмайди.

Замон ўткинчи, аммо Хоним сувчи каби хонлар ҳукмронлиги давридаёқ гармон, “Катта соз” чалган илғор фикрловчи ижодкорлар кам топилади. У яратган Хоразм халфачилик санъати мактаби эса ҳамisha барҳаёт ва боқийдир.

Хоним халфа жуда иқтидорли, бадиҳагўй, ҳофизаси кучли ижодкор. Унинг репертуарида ўнга яқин дoston бўлган, аммо фақат “Асли-Карам” дostonи ёзиб олинган. Дoston матнини Хоним халфа яшаган даврдан 100 йил олдин кўчирилган нусха билан қиёслаганда шоиранинг нақадар бадиҳагўй бўлганлигига қаноат ҳосил қилдик. Шеърлар ниҳоятда нафис қилиб қайта ишланган. Кўплаб шоира ижодига мансуб шеърлар дoston таркибидан жой олган. Дostonнинг Хоним халфа варианты ҳозирда ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Ҳоди Зариф номидаги фольклор архивида №42 рақамли хазинада сақланмоқда.

**Онажон Собирова – Анаш халфа.** Хоразм халфачилик санъатида ўзига хос ўрин эгаллайдиган таниқли халфалардан бири Онажон Собировадир. Шу сабабли ушбу санъаткорнинг номи кўплаб тадқиқотларда тилга олинган. Талантли халфа 1885 йилда Хива шаҳрида ҳунарманд-наққош оиласида таваллуд топган. Маърифатли оилада дунёга келган қизалоқ иқтидорли ва зеҳли эди.

Шу боисдан ота-онадан эртaroқ жудо бўлса-да, хат-савод чиқаришга улгуриб қолди. Ўша пайтларда Хоним сувчи лақаби билан элга танилган санъаткор халфанинг эл орасида дон тарат-



ган пайтлари бўлиб, Онажон унга шогирд тушиш орзусида учрашишга журъат этади. Хоним халфа ёш қизалоқдаги талантни пайқаб Онажонга устозлик қила бошлайди. Онажон ноёб овозга эга бўлиши билан бирга истеъдодли раққоса ҳам эди.

Устози Онажонга ҳар иккала соҳада ҳам тарбия бера бошлади.

Хоним сувчини бу пайтда Муҳаммад Раҳимхон-соний –Феруз саройидаги маликаларга хизмат қилувчи бош халфа қилиб тайинлаган ва жияни Қутлимурадга никоҳлатиб келин қилган эди<sup>266</sup>. Онажон ҳам устози ёнида гармон чалишни, қўшиқ айтиш ва рақсга тушиш сирларини ўрганишда давом этади.

Шу ўринда битта муаммога эътиборни жалб қилиш лозимки, хонлик тугатилиб, шўро ҳукумати ўрнатилган ўтиш даврида яшаган маданият ва санъат арбобларининг биографияси ниҳоятда мураккаб. Онажон Собированинг биографияси устоз олимлар томонидан ҳам кўп марта эълон қилинган. Шулардан дастлабкиси Ж.Қобулниёзовнинг тадқиқотларида кўзга ташланади. Унинг ёзишича, Онажоннинг қўшиқ айтиб юриш руҳоний ва амалдорларга ёқмайди ва уни Муҳаммад Раҳимхон – Ферузга ёмонлашади. Натижада хон унинг устози Хоним халфани ва Момо Палминларни қопга солиб калтаклашга фармон беради, Онажонни эса ёшлиги учун битта амалдор кафолатга олиб жазодан сақлаб қолади<sup>267</sup>.

Ж.Қобулниёзовнинг ушбу маълумоти сўнгги йилларда яратилган деярлик барча тадқиқотларда қайта такрорланган. Биз олдинги фаслларимизда Хоним халфа ҳаёти ҳақида сўз юритаётиб ушбу масалага тўхтаб ўтдик ва бу маълумотнинг асоссизлигини далиллаган эдик. Анаш халфанинг ҳам ушбу воқеага иштироки бўлгани учун масалага янада ойдинлик киритишни лозим топдик.

Бундай маълумотларнинг пайдо бўлишига асосий сабабчи шўро даври мафкурасидир. Қолаверса, хонлик даврида яшаб, унинг саройида санъат соҳасида хизмат қилган шахслар қувғинга, қатоғонга учрашдан қўрқиб, ўзларини ўзлари жабр кўрганлар қаторига қўшишган.

<sup>266</sup> Қурёзов Т. Нотекис йўллар. – Тошкент: 2014. – Б.4. (126)

<sup>267</sup> Қобулниёзов Ж. Онажон Собирова (Анаш халфа) // Хоразм халқ қўшиқлари. – Тошкент: “Фан”, 1965. – Б.395. (394-396)

Хоним халфа ҳам 1930 йилда Ҳоди Зариф билан учрашган пайтида ўзини “хонлар хонадонининг қулларидан, чўриларидан бири”, деб таништирган<sup>268</sup>. Агар масалага шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, Онажон опа ҳам Ж.Шарипов билан суҳбатда ўзини хондан жабр кўрганлардан бири сифатида кўрсатган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Бироқ хон билан хоннинг фарқи бор. Муҳаммад Раҳимхон II вафотидан кейин Хива хонлиги тахтига ўтирган Асфандиёр саройдаги барча санъаткорларни ҳайдаб юбарди, Онажон Собировага ҳам қаттиқ тазйиқ ўтказди. У Тошовуз, Тўрткўл томонларида хон тазйиқидан қочиб юрди. Бу ҳодисаларни Муҳаммад Раҳимхон II номи билан боғламаслик лозим.

Онажон Собирова Хоразмда шўро ҳукумати ўрнатилгандан кейин турли маданий тадбирларда фаол иштирок эта бошлади.

Кўп ҳолларда тазйиққа учради. Хоразмнинг чекка ҳудудларида кўшиқ куйлаб халқ орасида машҳурлик қозонди.

20-йиллар ўртасида ташкил этилган Хива хотин-қизлар ансамблида етакчи хонанда сифатида фаол қатнашди<sup>26915</sup>.

Хоразм – азалдан санъаткорлар диёри. Бу ҳолат Республика раҳбарларининг эътиборини тортмасдан қолмади.

30-йиллар бошида воҳага фольклор экспедицияси келиб кўплаб халфалар ижодини ўрганди. Сал ўтмай марказдан санъаткорлар ҳам келиб воҳадаги талантили созанда ва хонанда аёл-қизларни излай бошлашди.

“1939 йилда Хоразм гармончилар ансамбли ташкил этилди. Ўша йили август ойида Мадраҳим-Шерозий Ёқубов, таниқли созанда Матюсуф Харратов, раққоса ва ашулачи Онажон Собирова, доирачи Раима Бекжонова, раққоса Ровия Отажонова ва бошқалардан иборат ансамбл Тошкентга келди”<sup>270</sup>.

Ушбу воқеадан кейин Онажон она ҳаётида янги саҳифа очилди. У санъатга бор кучи билан шўнғиб кетди. Ансамбл тузиш учун келган Гавҳар Раҳимовага яқиндан ёрдам берди. Бунга Гавҳар она шундай эътироф этади: “Хоразм ансамбли тузиш

<sup>268</sup> Мирзаев Т. Ҳоди Зариф суҳбатлари. – Б.262.

<sup>269</sup> Собиров О. Хоразм воҳаси театрлари. 1917-1941 йиллар. – Б.88.

<sup>270</sup> Раҳимова Г. Кутлуг йўлда. – Тошкент: “Ёш гвардия”, 1973. – Б.90 (182)

ҳақидаги гапни эшитган Онажонбийи менга учрашди. Бу аёл ўзининг хушчақчақ феъли, хотиржамлиги ва зукколиги билан санъаткорлар коллективини тузишда менга жуда катта ёрдам берди. У ўз феъл-атвори билан мени ҳам қийинчиликларни енгиб ўтишга ўргатди”<sup>271</sup>.

Хоразм гармончилар ансамбли таркибида Онажон она Республиканинг барча ҳудудларида, қўшни қардош республикаларда ҳам қўшиқ айтиб, рақсга тушиб халқ дилини хушнуд қилди.

Шу орада иккинчи жаҳон уруши бошланиб кетди. Онажон она Хоразмга қайтиб халққа хизмат қилишни давом эттирди. Хивада Қурбон созчи Исмоилов ташаббуси билан тузилган “Кексалар” ансамблида фаол қатнашиб, қишлоқларда гастролда бўлишди. Томоша натижасида тушган пул маблағларини фронтдаги жангчиларга жўнатишди<sup>272</sup>.

Онажон Собирова қўшиқ айтиш, дoston ижро қилиш билан бирга бадиий ижод билан ҳам шуғулланди. “Кексалар” ансамблида ишлаб юрган пайтларида жангчиларга бағишланган қўшиқлар тўқиб, мусиқа басталаб, ўзи ижро қилиб, олқишларга сазовор бўлди. “Жангчи қаҳрамонлар” шеъри шулар жумласидандир. Шеърда жангчи йигитларнинг халоскорлик сифатлари юксак ватанпарварлик туйғулари билан уйғунлашиб кетади:

*Душманни тору мор айлаб,  
Анга жаҳонни тор айлаб,  
Жасоратни шумор айлаб,  
Яшанг жангчи қаҳрамонлар*<sup>273</sup>.

Онажон Собирова шеърларини оғзаки тўқиб, ўзи ижро қилиб юрган. Дастлаб унинг учта шеъри Ж.Қобулниёзов томонидан ёзиб олиниб, “Хоразм халқ қўшиқлари” мажмуасига киритилган<sup>274</sup>. Ушбу қўшиқларнинг деярлик барчаси шўро даври воқеалари билан узвий боғлиқдир.

<sup>271</sup> Раҳимова Г. Ўша китоб. – Б.89-90.

<sup>272</sup> “Хоразм ҳақиқати” газетаси. 1914 йил, 4 июн.

<sup>273</sup> Анаш халфа. – Тошкент: Миллий кутубхона”, 2006. – Б.9. (86)

<sup>274</sup> Хоразм халқ қўшиқлари. – Б.356-358.

Шоира-халфанинг ўнга шеъри “Хуршиди жаҳон келди” мажмуасига киритилган<sup>275</sup>.

2006 йилда Онажон Собированинг шеърлари алоҳида тўплам ҳолида нашр этилди. Ушбу нашрда унинг 12 шеъри жамланган бўлиб, уларнинг биттаси ғазал, иккитаси мусаддас, қолганлари мураббаъ шаклида битилган. Ижодкорнинг ғазал ва мусаддасларига юксак талаб қўйиб бўлмайди. Уларда муайян сакталиклар учраши табиий.

Аммо ғазал анча тузук чиққан:

*Аё дўстлар ватан ишқи мени девона этмишдур,*

V---V---V---V---

*Шумо айлаб бу аҳзанда масту мастона этмишдур.*

Ғазал арузнинг ҳазажи мусаммани солим баҳрига тўғри келади. Унда мафойилун рукни айнан такрорланади.

Шоира-халфанинг барча шеърлари халқона услубда мусиқага мосланган ҳолда яратилган. Уларда соддалик, самимийлик жилоланиб туради. Шеърларда асосан севги-муҳаббат мавзуси устуворлик қилади.

*Тамонно айлайин ёрим,*

*Мани мунча зор айлама.*

*Нозик бадан, зулфи торим,*

*Мани мунча зор айлама.*

Шеърлар таркибида халқ ижодига хос ифодалар алоҳида жилоланиб туради. Улар орасида оригинал метафоралар, сифатлаш, ўхшатиш ва рамзлар тасвирийлик, бўёқдорликни оширишда асосий фигуралар бўлиб хизмат этади:

*Икки юзи олма, норим,*

*Сенсан менинг номус –орим,*

*Булбулим, лочин шунқорим,*

*Мунчалик озор айлама. (“Анаш халфа”, 7-б.)*

<sup>275</sup> Хуршиди жаҳон келди. – Тошкент: “Адабиёт ва санъат”, 1987. (Сўзбоши муаллифи ва нашрга тайёрловчи С.Р.Ўзимбоев). – Б.58.

Шоира халфалар ижодига хос энг муҳим хусусиятлардан бири уларга “Ошиқ” дostonлари шеъриятининг кучли таъсиридир. Улар дostonлар таркибида ишлатиладиган шеърий парчаларни ёд олишган. Шу сабабли шеърларидаги кўплаб иборалар, хусусан, услуб дoston кўшиқлари руҳига мос келади. Онажон Собирова “Тоҳир ва Зухра”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Ошиқ Маҳмуд”, “Ошиқ Албанд” каби дostonларни яхши билган, улар таркибидаги кўшиқларни, баъзан дostonнинг ўзини ёи бир қисмини аёллар йиғинларида ижро этган.

Шу сабабли аксарият шеърларида ўша дostonлардаги кўшиқлар таъсири яққол кўринади. Унинг “Саргардонман” шеърисида шундай сатрлар учрайди:

*Бормикан сочи сунбулим,  
Тар очилган тоза гулим,  
Боғда сайраган булбулим,  
Гулзор учун саргардонман. (“Анаш халфа”, 6-б.)*

“Тоҳир ва Зухра” дostonида ўша мисраларга ҳамоҳанг қуйидаги бандга эътибор беринг:

*Боғларда битган сунбулим,  
Тар ғунчадек тоза гулим,  
Гулдан айрилган булбулим,  
Гулзор учун саргардонман<sup>276</sup>.*

Дoston таркибидаги кўшиқ 8 банддан иборат бўлиб, унда ёр изтироблари атрофлича баён этилган. Шоира эса барча дил изҳорларини тўрт бандда ифода этган.

Шоира-халфанинг “Кўринди” шеъри ҳам ўша дoston таркибидаги шеърий парчалар билан уйғун келади.

*Ёрим ўзи эрур бир пари пайкар,  
Икки чеккасида иккидан ҳайдар.*

<sup>276</sup> Ошиқнома.V китоб. – Урганч: “Хоразм”. 2011. – Б. 61. (272)

*Қошлари қародир, киприги ханжар,  
Ёрсиз манго охир замон кўринди. (“Анаш халфа”, 8-б.)*

Достондаги вариант:

*Зухра қиз дейдилар бир пари пайкар,  
Қора киймиш ўз бўйига баробар,  
Санчадур бағрига қўлида ханжар,  
Тоҳир деб кўзлари гирён кўринди. (“Ошиқнома”.V китоб, 129-б.)*

Ушбу икки банднинг қиёси аввалги бандлар қиёсидан анча фарқ қилади. Ушбу бандларда умумий ўхшашликгина қолган. Шеър муаллифининг достон кўшиғидан илҳомланганлиги сезилади. Бироқ услуб сақланган ҳолда асар мазмуни бутунлай янгиланган.

Достондаги банд фақат Зухра шахси билан боғланган бўлса, шоира ижодидаги мисралар тўлалигича лирик қаҳрамон образига кўчирилган. Иккинчи мисра янгидан кўшилган. Учинчи мисрадаги ханжар сўзи достонда қурол маъносида ишлатилган бўлса, ижодкор мисраларида метафорик кўчимга айлантирилиб ёр гўзаллиги тасвирини беришга сафарбар этилган.

Бинобарин, ижодкорнинг бирор асардан илҳом олиб, шеър битишида унинг иқтидори асосий ролни ўйнайди. Агар шундай бўлмаганда унинг шеъри достондаги кўшиқнинг иккинчи вариантга айланиб қолган бўлар эди.

Шоира-халфа шеърларининг бадиияти масаласи ҳам эътиборни тортади. Шеърый мисралар халқона оҳангга бой, анъанавий халқ кўшиқларига жуда ҳамоҳанг ўз навбатида унда индивидуал ижодга хос омиллар ҳам кўзга ташланади:

*Жоду кўзинг жон оладур,  
Икки юзинг гуллоладур,  
Лабинг бол, кўзинг оладур,  
Бахт уйимни бозор айла. (“Анаш халфа”, 8-б.)*

Банддаги ифода воситалари халқ кўшиқларидаги анъанавий сифатлаш, ўхшатиш, муболағаларга бой. Аммо шоира-халфа мис-

ралардаги сўз семантикасига эътибор қаратиб биринчи ва учинчи мисралардаги қофияларни шаклда бир хил, маънода икки хил тарзда бериб сўз ўйини ҳосил қилган. Биринчи мисрадаги “Оладур” сўзи феъл кесим бўлиб, “олмоқ” маъносида, учинчи мисрадаги унга шаклдош сўз ранг билдирувчи лексик бирликдир. “Олакўз” бирикмаси халқона ўхшатиш бўлиб, жоду маъносини беради.

“Бахт уйини бозор қилмоқ” ибораси фразеологик ифода бўлиб, “бахт-саодатни мўл-қўл қилиш” деган маъно-мазмунга эга.

Ушбу тоифадаги кўшиқлар шоира-халфа ижодида анчагина топилади:

*Оқ юзинда қўшадан хол,  
Ёр йўлинда бу қаддим дол,  
Озор чекарман моҳусол,  
Олма билан норим келди. (“Анаш халфа”, 7-б.)*

Мисралардаги “қўша хол”, “қаддим дол”, “Олма билан нор” каби ташбеҳлар шеърнинг бадиий-эстетик таъсирчанлигини кучайтиради.

Онажон Собированинг ҳаётда ва ижодда юксакликка кўтаришган пайти 20-йилларга тўғри келади. Бу даврлар ниҳоятда мураккаб эди. Хоразмда шўро ҳукумати ўрнатилгандан сўнг ҳам шоира-халфа анча вақт кувғинда бўлиб Амударёнинг ўнг соҳилидаги ҳудудларда яшаб юрди. Аммо яна Хивага қайтиб, янги даврни мақташга, барча янгиликларга пешвоз чиқишга қарор берди. Бошқа илож ҳам йўқ эди. Шу сабабли коллективлаштириш, паранжи ташлаш каби тадбирларда фаол қатнашди. Ўша давр сиёсатини маъқуллади. Бу ҳодисалар янгиликлар унинг шеърларида ҳам ўз ифодасини топди:

*Магазинчи келиб дўконни очди,  
Золотой яхшими, раковой яхшими,  
Ирисни шираси ичимни ёқди,  
Ҳайронман, ҳайронман, шугун ҳайронман,  
Қийма гўзмма пишган уйга меҳмонман. (“Анаш халфа”, 11-б.)*

Мисралар ичидаги “Золотой”, “Раковой”, “Ирис” каби русча сўзлар конфет номларини англатиб, ўша даврда тилимизга кириб келган неологизмлардир.

Онажон Собирова репертуарида бир неча дostonлар ҳам бўлган. “Анаш халфа” мажмуасига унинг севиб куйлайдиган дostonларидан бири “Ошиқ Маҳмуд” киритилган.

Шоира-халфа кўп ҳолларда турли тўй-маъракаларда, асосан, дoston қўшиқларидан парчалар ижро этишган. Аксарият ҳолларда “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Ошиқ Албанд”, “Тоҳир ва Зуҳра” дostonлари таркибидаги қўшиқлар улар репертуарини безаган. Махсус аудиториялардагина ушбу дostonларнинг матни тўлалигича ижро этилган.

Шоира-халфалар орасида Онажон Собирова ўзининг муносиб ўрнига эга. У оилапарвар аёл. Шоира-халфанинг авлодлари ҳозирда бахтли ҳаёт кечирашмоқда. Онажон она 1956 йилда вафот этган. Хива шаҳрида унинг номига битта кўча қўйилган.

**Онабиби Отажонова – Ожиза.** Хоразм халфачилик анъаналарининг йирик вакилларида бири Ожиза тахаллуси билан танилган Онабиби Отажоновадир. Ожиза ўзида шоирлик, хонандалик, созандалик, бастакорлик, дostonчи-сухандонлик талантларини мужассамлаштирган истеъдод соҳибасидир. У 1901 йилда Хива туманининг Қушчи Каттабoғ қишлоғида туғилган. Унинг отаси Полвонмуродбой деган кишининг шоли дапмаси (тегирмон)да хизмат қилган. Онабиби тахминан етти ёшлигида уларнинг оиласи Хива шаҳрига кўчиб келади. Онабининг кўзи 2 – 3 ёшларга кирганда чечак касали билан оғриб, кўрмайдиган бўлиб қолади. Ёшлигидан ногирон бўлиб қолган қизининг келгуси тақдири ҳақида қайғурган отаси уни бирор касб эгаси бўлиб етиштириш учун гандимиёнлик Бибижон халфага шогирд қилиб беради. Бу ерда Онабиби Бибижоннинг отаси Қосим девондан шеърият сирларини ўрганади ва айни пайтда шу қишлоқлик Худойберган муҳркон ёрдамида соз чалиш малакасини эгаллайди. Онабининг истеъдоди ёшлигиданоқ кишиларнинг диққатини ўзига тартади. Унинг ширин овози ва ақли идрокидан воқиф бўлган Муҳаммад Раҳимхон – Феруз авлодига мансуб бўлган Дармонжон бика



исмли аёл уни ўз ҳомийлигига олади. Бўлажак шоиранинг бундан кейинги ҳаётида унга катта моддий ва маънавий ёрдам беради. Бу ҳол унинг тақдирида катта рол ўйнайди. Ожиза кўзи ожизлиги сабабли, кейинчалик игна билан ёзиладиган махсус ёзувни ҳам аъло даражада ўзлаштирган. Ушбу ёзувда бемалол ўқиган ва ёзган.

Онабиби тиришқоқ ва зеҳнли қиз бўлганидан 10-12 ёшларидаёқ халқ кўшиқларини ва Фузулий, Навоий, Машраб, Огаҳийларнинг ғазалларидан кўпларини ёддан айта бошлайди, ўзининг ёқимли овози билан тўй-томошаларда кўшиқ куйлаб, халқ орасида шуҳрат қозонди.

Онабиби Отажонова машҳур хонанда бўлиш билан бирга, истеъдодли шоира ҳамдир. У халқ кўшиқларига ҳамоҳанг бўлган кўплаб термалар ва кўшиқлар ижод қилди ҳамда уларни зўр маҳорат билан куйга солиб, халқ орасига ёйди. Шоира кўзи ожизлигига ишора қилиб, ўзига Ожиза тахаллусини танлайди.

Онабиби Отажонованинг айрим шеърлари шогирдлари ва унинг мухлислари тилидан ёзиб олинган. Шу сабабдан уларнинг айримлари маълум даражада ўзгаришларга ҳам учраган.

Ожиза ижодида эркин муҳаббат мавзуси катта ўринни ишғол қилади. Унинг бундай асарлари кўпроқ лапар ва яллалар шаклида ижод этилган бўлиб, мазкур кўшиқлар ниҳоятда нафис ўйноқи ва самимийдир. Уларда ёр гўзаллиги, садоқати, меҳрибонлиги, вафодорлиги юксак эҳтирос билан тараннум этилади.

Унинг шеърларидаги лирик қаҳрамон севганига ўз садоқати ҳақида дангал ва аниқ гапиради. Бу аниқлик ва дангаллик халққа хос иборалар орқали конкрет шаклда ифода этилади.

*Дилбар, бу жаҳон ичра ўлгунча сени дерман,  
Урмининг гули, токи сўлгунча сени дерман.  
Бўйнимга қилич келса, кесгунча сени дерман,  
Кўнглингга малол олма, ўлгунча сени дерман.*

Ожизанинг “Уяламан”, “Тар ғунча”, “Галмади галмади” каби шеърларида ҳам севги-муҳаббат мотивлари жуда нозик, ўйноқи ва мазмундор мисраларда ифода этилган.

Бинобарин, унинг севги-муҳаббат мавзусидаги шеърларида ёрнинг гўзаллиги ва вафодорлигини куйлаш биринчи ўринда туради. Ожиза шеърлари ғоявий-бадий томондан баркамол асарлардир. Унинг шеърларининг асосий хусусиятларидан бири уларнинг халқ кўшиқлари билан чамбарчас боғлиқлигидир. Шоира шеърларининг айримларигина аруз вазнида яратилган. Аксарият шеърлари эса бармоқ вазнида ижод қилинган.

Ожиза шеърларининг кўпчилиги мураббаъ шаклида (а, а, а, б), баъзилари эса рубоий шаклида қофияланган.

Ожизанинг шеърлари Хоразм халқ мусиқалари, дoston куйлари билан чамбарчас боғлангандир. Чунки шоира юқорида таъкидлаганимиздек халқ дostonларини тўла ёддан билган ва уларни маромига етказиб куйлай олган.

Ана шу дostonлар таркибига кирган мисралар таъсирида Ожиза тахаллуси билан шеърлар яратган. Унинг дастлабки ижоди дoston кўшиқлари билан узвий боғланиб кетади. Буни исботлаш учун шоиранинг “Келмади, келмади” шеъридан бир парча олиб кўрайлик:

*Ошиқ деган кеч келами дўстина,  
Кўз тикибди жон олмоқни қасдина,  
Босган қадамлари дийдим устина,  
Келмади, келмади, нечун келмади.*

“Хурлиқо Ҳамро” дostonининг 1908 йилда чоп этилган тошбосма нусхасида қуйидаги мисралар кўзга ташланади:

*Киши мунча кеч келурми дўстина,  
На йигитсан жон олмоқни қасдина,  
Кўйғон қадамларинг дийдам устина,  
Асиринг бўлойин, қайдин келурсан?*

Ожиза ижодида қуйидаги машхур мисралар бор:

*Овози санамлардек, донишда Искандардек,  
Қаҳр айласа аждардек, чин писта даҳон келди.*

Ушбу мисраларга ҳамоҳанг сатрларни “Ройи Чин” достонида ҳам учратиш мумкин:

*Урушда Музаффардек,  
Донишда Искандардек,  
Қаҳр айласа аждардек,  
Ҳам хушнишон ўғлондир.*

Кўринадики, шоиранинг илк ижоди дoston қўшиқларининг кучли таъсири остида шакллана борган. У ўзининг қатор шеърларида дostonларга хос бадий тасвир воситаларидан, стилистик қаторлардан, тайёр мисралардан унумли ва ижодий фойдаланади. Анъанавий сатрларни синтезлаштириб оригинал мисралар яратади.

Шоира халфа ижодида шундай шеърлар учрайдики, улар аруз вази қонун-қоидаларига тўла мос келади.

*Билмай учраш/ган эканман/ илки марта/ бемахал,*

*V - - - V - - - V - - - - V -*

*Интизорликда мадорим бўлди кун кундин бадтар,*

*Ёр ҳижронинг била бўлди юрак хуни жигар,*

*Найлайн ҳасратдаман ёр ҳолима солмас назар,*

*На манго ёрдин хабар бор, на манго ёрдин асар,*

*Ёр бепарво кезар, ёдинда йўқманми магар.*

Ғазал рамали мусаммани маҳзуф рукнига тўғри келади. Унинг парадигмаси фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун тарзида жипслашади.

Ожиза Хоразмда кенг тарқалган уч-тўрт кишидан иборат халфалар ансамблини бошқарган. Шу сабабдан унинг интим лирик шеърлари орасида ўйин билан ижро этиладиган яллалар кўпроқ кўзга ташланади. Масалан, унинг “Тар ғунча” “Қайси боғдан олдингиз” каби яллалари ҳозиргача муваффақиятли равишда куйланиб, халқнинг олқишларига сазавор бўлиб келмоқда.

Ожиза ўз умри давомида ажойиб шеърлари, ёқимли овози билан халққа, Ватанга сидқидилдан хизмат қилди. Онабиби Жума-

ниёзова, Назира Собирова, Уллибиби Бойжонова каби истеъдодли шогирдлар етиштирди. Шоира Хоразм инқилобидан кейинги ўтказилган барча тадбирларда фаол иштирок этди. 1923 йили Москвада очилган Бутунроссия қишлоқ хўжалик кўргазмасида машхур хонандалар Сафо Муғанний, Мадрахим Шерозийлар билан бирга қатнашиб, ўзининг жозибадор санъатини намойиш этди. У халқ театрларининг шаклланиши ва ривожланишида кўмаклашди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида юксак ташвиқот кучига эга бўлган шеърлари билан халқни саафарбарликка ундади.

Ожиза нафақат Хоразмда, балки Туркменистонда ҳам машхур бўлган. У Тошовуз шаҳрида халфалар ансамблини тузган ва уларга анча йиллар раҳбарлик қилган.

Шу сабабдан унинг номи ҳозир халқ орасида ҳурмат билан тилга олинади.

Ожиза 1951 йил 22 август куни Хива шаҳрида вафот этган.

Шоира ҳақида сўнги йилларда ёзма адабиётда унинг хизматларини, хислатларини таърифловчи кўплаб дoston ва шеърлар ҳам яратилди. Уллибиби Отаеванинг “Бармоқлар сеҳри” достони, Эркин Самандарнинг “Қорачуғсиз кўриб дунёни” каби шеърлари фикримизга далил бўла олади.

Ожизанинг ижодий мероси ҳали тўлалигича тўпланиб, ўрганилган эмас. Унинг бир қисми маҳаллий матбуот саҳифаларида ва айрим тўпламлар орқали, баъзилари эса 30-йилларда ташкил этилган фольклор экспедицияси аъзолари томонидан ёзиб олинган қўлёзмалар орқали етиб келган. Аксарият қисми эса унинг шогирдлари репертуарида сақланиб қолган ва кейинги йилларда ёзиб олинган. Унинг қўлимизга киритилган ижодий меросининг бир қисми 1987 йилда Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида “Хуршиди жаҳон келди” номи билан чоп этилди. Кейинги даврларда унинг кўпгина янги шеърлари топилди. Унинг 2003 йилда Тошкентда чоп этилган шеърлар тўплами ана шу шеърлар билан тўлдирилган. Бироқ унинг ижодини тўплаш ҳали охирига етгани йўқ, шоира ижодига мансуб бўлган барча асарларни излаш ва халққа ҳавола қилиш ҳар бир зиёлининг муқаддас бурчидир.

Бинобарин, Ожизанинг асарлари ҳозиргача оз топилган бўлса-да, шу мавжуд шеърларнинг ўзи ҳам унинг истеъдодини аниқ белгилашга ёрдам бера олади. Шоира шеърларини излаб топишни давом эттириш, ёзиб олиш ва илмий томондан тадқиқ қилиш галдаги кечиктирилмас вазифалардандир. Айниқса, унинг истеъдоди дostonларни ёд олиш ва уларни соз жўрлигида кўйлаш борасида алоҳида кўзга ташланади. Онабиби опа “ОшиқҒариб”, “Ошиқ Албанд”, “Хурлиқо-Ғамро”, “Асли Карам”, “Юсуф-Зулайҳо”, “Ройичин”, “Хирмондали”, “Бозиргон” каби кўплаб дostonларни ёд билган ва халқ орасида маҳорат билан ижро этган.

**Шукур Оллоқули қизи.** Шукур шоира Оллоқули қизи ҳақида дастлабки маълумотлар адабиётшунос Т.Жалолов тадқиқотларида кўзга ташланади<sup>277</sup>. Адабиётшунос олим Шукур шоиранинг қизи Шодмон Сафоева ва шоиранинг замондоши Зулайҳо ая билан учрашиб ижодкор халфанинг ҳаёт йўли ва ижодий мероси ҳақида суҳбатлашган. Т.Жалоловнинг ёзишича, шоира халфа тахминан 1857 йилда Хонқа яқинидаги Дошлар ўрамида (ҳозирги Дурғадик қишлоғида) туғилиб, 1932 йилнинг август ойида, 75 ёшида юрак касалидан вафот этган. Унинг ҳозир шу ерда жуда кўп набира ва эвара-чеваралари бор.

Шукур шоира ҳақида шундай маълумотлар бор: Шукурнинг эри Сафо ака бевақт вафот қилиб, Раҳмонберган исмли тўнғич ўғли, Ўғилжон, Шарифа, Шодмон исмли ёш қизлари билан бева қолади. Оила ташвиши она билан ёш Раҳмонберганнинг зиммасига тушади. Раҳмонберган ёш ва она тажрибасиз бўлгани учун тузук деҳқончилик қила билмай, оила тобора қашшоқлаша боради. Раҳмонберган бой ва судхўрлардан қарз кўтариш йўли билан ҳам оилани муҳтожликдан қутқараолмайди, аксинча, аҳволи ёмонлаша беради. Раҳмонберган Қаландан дош деган савдогарнинг хизматига кириб кемачилик қила бошлайди. У мазкур савдогарнинг кемасида Хоразмдан Чоржўйга, Чоржўйдан Хоразмгача бир неча йил эшкак эшиб, солдов тортади. Аммо унинг солдов тортиб топган сариқ чақаси оиланинг тирикчилиги учун етмайди.

<sup>277</sup> Жалолов Т. Ўзбек шоиралари. – Тошкент: “Адабиёт ва санъат”, 1970. –Б.242.

Охир-оқибат Раҳмонберган беш йил бутун хат-хабарсиз кетиб, Туркистон-Сибирь темир йўли қурилишида, жумладан, Чоржўй ёнида Амударё темир йўл кўприги қурилишида ишлайди.

Шукур шоиранинг қизи Шодмон ая шу даврни эслаб: “Она-миз кеча-кундуз акамиз йўлига кўз тикиб, қўшиқ айтар эдилар. У киши қўшиқ айта-айта, охири шоира бўлдилар”, – дейди.

Шукур шоиранинг ижоди аксари ўғли Раҳмонберган номи билан боғланган бўлиб, жабри жафо, айрилиққа қарши, висол ва фарзандга муҳаббат мотивларидан иборатдир.

Хоразмликларнинг таъкидлашларига қараганда, халфалар мамлакатда, шаҳар ва қишлоқларда рўй берган ҳар хил воқеа ва ҳодисалар тўғрисида дарҳол қўшиқ тўқиб, буни тўй-томошаларда куйлаб, одамларни мамнун этар эканлар: бугина эмас, баъзан тўй-томошаларда рўй берган одобга хилоф, ғайри табиий ҳолларни ҳам дарров сатира остига олиб, жамият орасида ўзини тутолмаган одамларнинг шармандасини чиқарар эканлар.

Шукур шоирани халфалиқдан шоиралиқ даражасига кўтарган куч-финоқдир. Ҳа, шундай ҳам бўлади: баъзан шоир ёхуд шоира ўзи чеккан дард-аламдан, омонсиз жудоликдан илҳом олиб, кўз ёши билан шеър ёзади. Шукур шоира ёлғиз боласидан айрилиб, қанот-қуйруқсиз қолган қуш ҳолатига тушади. Шўрлик она боласига қараб қанот қоқади-учолмайди, толпинади-етолмайди... Ана шунда ожиз, нотавон она:

*Узоқдан-узоқ маконим,  
Учай десам йўқ имконим,  
Ўзинг этиш меҳрибоним,  
Онанг сенинг интизоринг, – деб зор-зор йиғлайди.*

Шукур шоиранинг “Кўзимжон галсин!” ва “Соғ галгийсан, кўзимжон!” деб тугалланадиган мураббаълари меҳр-шафқат билан тўла она қалбининг хазин садосидир.

*Гамага миндинг-да, она, хўш дадинг  
Она, сенинг бағринг надан бўш дадинг?*

*Ёлғиз боланг кўзи мудом ёш дадинг...  
Омон бориб, соғ галгисан, кўзимжон...*

Шукур шоиранинг поэтик ижоди, аксари ўзи билан ўғли Раҳмонберган (хоразмча Рамонбарган) орасидаги жудолик аламларини куйлашдан иборат. Афсуски, шоиранинг бу мавзудаги кўп шеърларидан айрим бандларгина сақланиб қолган, холос.

Халфалар айни замонда моҳир бастакорлардир. Улар ўз ижроларидаги ашулалар учун ўзлари куй яратганлар. Ҳозир радиода ва концертларда ижро этилаётган қувноқ куйларнинг бир қисми ана шу бастакор халфалар ижодидир. Шулар жумасидан:

“Бу кулбаи эҳzona ул моҳи тобон галди”,

лапарининг шеъри ҳам, куйи ҳам машҳур халфалардан Онабиби-Қори-шоира Ожизанинг ижодий маҳсулидир.

Афсуски, ўзларининг юксак зако ва истеъдодлари билан санъатнинг кўп турларида из қолдирган бу улуғ санъаткорларнинг ижодлари ўрганилмаган.

### **Қироатхон-қиссахон ва созанда-ижрочи халфалар**

**Ниёзжон халфа.** Қироатхон-қиссахон халфаларнинг барчаси маърифатли оилалардан етишиб чиққан. Бу табиий ҳол. Феодал тузум ҳукмронлиги даврида аёлларнинг таълим олиши ниҳоятда қийин эди.

Шовот туманининг Кат қишлоғи бир вақтлари Амударёнинг ўнг қирғоғидаги Хоразмнинг собиқ пойтахти билан алоқадор бўлиб, у ердан аҳолининг бир қисми Фил қалъа емирилгач, чап қирғоққа кўчиб, кичкина қалъа қуришган. Шу сабабли бу қишлоқдан кўпгина маърифатли кишилар етишиб чиққан. 1910 йилда ўша қишлоқда туғилган Ниёзжон халфанинг авлоди саводхон, ўқимишли, маданиятли кишилар бўлиб, акаси мулла Сайидхон номи билан элда эъзозли шахс сифатида танилган. У синглисига хат-савод ўргатган, кейинчалик қишлоқдаги Эшназарбой масжидида мулла Сотимдан таҳсил олишга кўмаклашган. Ниёзжон иқтидорли аёл бўлиб, Қуръонни яхши ўзлаштирган, шу

билан бирга Сўфи Оллоёр асарларидан баҳраманд бўлган. Фузулий, Навоий асарларини мустақил мутолаа қилган.

Хотин-қизлар даврасида диний маросимларни ўтказиш билан бирга қиссахонлик билан шуғулланган. Унинг репертуарида диний-тасаввуфий дostonлардан: “Сўфи Оллоёр”, “Иброҳим Адҳам”, “Бобо Равшан”, “Қулхўжа Аҳмад”; Ишқий-романик дostonлардан: “Тоҳир ва Зухра”, “Зайнулараб”, “Қумри билан Тўти”, “Хиромон пари”, “Юсуф ва Зулайҳо”; Жангнома ва қахрамонлик-романик дostonлардан: “Юсуф ва Аҳмад”, “Давлатёрбек”, “Бозиргон”, “Хирмондали”, “Тулумхўжа”; Одоб-ахлоқ мавзусидаги дostonлардан: “Шоҳ Машраб”, “Девони ҳикмат”, “Маҳтумқули”, Мифологик-эртак типисидаги дostonлардан: “Хурлиқо-ҳамро”, “Маликаи Дилором” каби қисса-дostonлар ўрин олган. Ниёзжон халфа дostonларни қироат билан ёддан ўқийди. Юқорида кўрсатилган дostonларнинг барчаси унинг ёдаки ижросида ёзиб олинган. Шунингдек, талантли халфа Урганч давлат университети филология факультети фольклор заҳирасига бир қанча қўлёзмаларни тақдим қилган. Унинг шоиралик таланти ҳам бўлган. Овози тиниқ, ёқимли, таъсирчан эканлиги ундан дoston ёзиб олувчилар томонидан алоҳида таъкидлаб кўрсатилган. У шомонликка хос фаолият билан шуғулланмаган.

**Розия Оллоёрова.** Хоразмнинг Хонқа тумани Хива шаҳридан кейинги энг катта маърифат маркази бўлиб, бу ҳудудда қиссахон-қироатхон халфалар кўплаб учрайди. Розия халфа ана шу ҳудуддаги туман марказига яқин Саропоён қишлоғида 1910 йилда туғилган. Унинг ота-оналари маърифатли, саводхон, адабиёт ва санъатни қадрловчи инсонлар бўлишган. Шу боисдан қизларини ўша қишлоқ масжиди имомлари Мулла Саъдулла ва Мулла Қурбонбойлар кўлига таҳсил олиш учун топширадilar. Розияхон диний таҳсил олиш билан бир қаторда Фузулий, Навоий, Сўфи Оллоёр асарларини ҳам мутолаа қилади. Шу жараёнда дoston ўқишга қизиқиб, кўплаб қўлёзма, тошбосма китобларни топиб олади, уларни қироат билан ўқишни ўрганади. Унинг репертуарида ишқий-романик дostonлардан: “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Тоҳир ва Зухра”, “Лайли ва Мажнун” “Хиромон пари”; ди-



ний-тасаввуфий дostonлардан “Бобо Равшан”, “Иброҳим Адҳам”, Жангнома-қахрамонлик-романик дostonлардан; “Хирмондали”, “Бозиргон”, Мифологик-эртак тип дostonлардан: “Гул Санобар”, “Маликаи Дилором” каби қисса дostonлар мавжуд. Розия Оллоёрова фақат азалардагина эмас, тўйларда, турли маъракаларда ҳам хизмат қилиб келган. Аза маросимларида асосан диний-тасаввуфий дostonларни ўқиган, тўй ва турли йиғинларда, аёллар ўтиришмаларида “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Гўрўғли” туркуми дostonларидан айримларини қироат билан ўқиб эшиттирган, қиссахонлик билан шуғулланиб, Бибижон Султонова, Онабиби Қўчқорова каби шогирдларни тарбиялаб етиштирган. Унинг репертуаридаги барча дostonлар ёдаки ўқитиб ёзиб олинган.

Розия Оллоёрованинг нутқий малакаси юқори бўлиб, шеърларни ярим куйлаш (речитатив) усулида маромига етказиб ижро қилган. Шу сабабли халқ орасида унинг мухлислари кўп бўлиб, доимо йиғинларга таклиф қилиб туришган. Халфа узок йиллар китобхонлик қилиб, элга маърифат тарқатган, шогирдларига бой ва ранг-баранг адабий мерос қолдирган. У 1990 йилда вафот этган.

**Сўна Эшматова.** Сўна халфа ҳам Хонқа туманининг марказига яқин Қирқёп қишлоғида 1919 йилда тафаллуд топади. Унинг ҳаёти шўро даврининг шиддатли йилларига тўғри келади. Дастлаб масжидда эски усулда таҳсил олиб, кейинчалик янги мактабда ўқиб 7 йиллик маълумот олади. Унинг қишлоғи Амударё бўйига яқин бўлиб, уйдаги айрим кишилар ўша жойда ўрнашган пристанда ишлашади. Бу ерга турли томонлардан келган кишилар товар билан бирга китоб ҳам олиб келишади. Сўнажоннинг оила аъзолари китобхонликка қизиққанидан ўша китобларни олиб келиб ўқишади. Ушбу китоблар орасида турли дostonлар ҳам мавжуд эди. Сўнажон уларни ўқиб ёд олади. У 16 йил давомида хат-саводи яхши бўлганлиги учун ҳисобчилик қилади. Бўш вақтларида қишлоқдаги халфалар таъсирида ушбу касбга иштиёқ кўяди. У халфалардан китобларни олиб, араб алифбосида кўчира бошлайди. Қизиғи шундаки, қоғоз топа олмасдан Пристандан келтирилган ҳисоб-китоб дафтарларининг ёзилмаган орқа тарафига дoston ёзувларини кўчиради. Шу тариқа у каттагина китоб

бойлигига эга бўлади. У лотин ва кирил ёзувларини ҳам мукам-мал ўзлаштирган.

Сўна халфа репертуарида ишқий-романик дostonлардан: “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Ҳилола пари ва Ғарибжон”, “Фарҳод ва Ширин”, “Ошиқ Албанд”, “Маликаи Завриё”, “Юсуф ва Зулайхо”, “Асли-Карам”, “Мискин ва Гулқанд” “Шаҳриёри олам”, Жангнома-қаҳрамонлик-романик дostonлардан: “Юсуф ва Аҳмад”, “Гўрўғли” дostonларидан “Бозиргон”, “Хирмондали”, диний-та-саввувий дostonлардан: “Иброҳим Адҳам”, “Бобо Равшан”, мифо-логик-эртак тип дostonлардан: “Ройи чин”, “Маликаи Дилором” каби қўлёзма ва тошбосма нусхадаги китоблар мавжуд. Уларнинг барчасини Сўна халфа ёддан билади ва ёдаки тарздаги ижрода ёзиб олинган. Халфанинг қироати бурро, овози ёқимли, ярим куйлаш оҳангида дoston ижро қилган.

Сўна халфада шомонликка алоқадор хусусиятлар йўқ. У кўпроқ тўй-маракаларда дoston ўқиб, келин саломлар, ёр-ёрлар куйлаб келган.

**Розия Қозоқова.** Хонқа шаҳри атрофида халфаларнинг усто-злик-шогирдлик алоқалари мустаҳкам сақланган бўлиб, ҳозирга-ча давом этиб келмоқда. Розия халфа ҳам ўша муҳит доирасида Хонқа шаҳрига яқин Намуна қишлоғида 1920 йилда туғилган. Мактабда бошланғич маълумот олган. Колхозда ишлаган. Бўш вақтларида ўша қишлоқлик Бибисора халфадан араб ёзувини ўр-ганиб, ўша алифбода битилган турли китобларни мустақил му-толаа қилган. Юксак иқтидор, бурро нутқ соҳиби бўлган Розия халфа 20 га яқин дostonларни ёд билан.

Розия халфа фаолиятини бошлаган пайтлар қизил империя-нинг қатоғони авж олган йиллар эди. Шу сабабли у жуда эҳтиёт-корлик билан иш олиб борди. Китобларни яширин ҳолда сақла-ди, аёллар йиғини хуфия тарзида эшикни тамбалаб, қоровул, пойлоқчи қўйиб ўтказилди.

Розия халфа репертуарида ишқий-романик дostonлардан: “Тоҳир ва Зухра”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Ошиқ Албанд”, “Юсуф ва Зулайхо”, “Лайли ва Мажнун”, “Маликаи Завриё”; жан-гнома, қаҳрамонлик романик дostonлардан: “Юсуф ва Аҳмад”,

“Отам Сафо”, диний-тасаввуфий дostonлардан: “Бобо Равшан”, “Иброҳим Адҳам”, “Кул хўжа аҳмад”, одоб-ахлоқ мавзусидаги дostonлардан: “Девони ҳикмат”, “Махтумқули”, “Шоҳ Машраб”; мифологик-эртақ тип дostonлардан “Гул-Санобар”, “Маликаи Дилором” каби китоблар бўлган. Халфа уларни қироат-ярим куйлаш билан таъсирчан ўқиш қобилиятига эга бўлган.

Қисса-дostonларни халқ орасида тарғиб қилиш каттагина маърифий-маданий аҳамиятга эга. Кўпчилик саводсиз, аксига бадий китоблар кам, бошқа кўнгил очар воситалар йўқ пайтларда маданий-маърифий тарбияни олиб бориш айнан ўша халфалар зиммасига тушган. Кучли тазйиқ, босимларга қарамай ушбу китобларни ўқиш ва қизил империя исковучларидан сақлаб қолишнинг ўзи бир жасорат эди.

Юқорида номлари кўрсатилган дostonларнинг барчаси халфанинг ёдаки ўқиши жараёнида ёзиб олинган ва аксарияти нашр қилинган.

Розия халфа 1996 йилда вафот этган.

**Созанда – ижрочи халфалар. Сорахон Оллаберганова.** Халфалар орасида биринчи бўлиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонини олган санъаткор Сорахон Оллабергановадир.

Сорахон халфа 1911 йилда Хива шаҳрида ҳунарманд оиласида туғилган. Етти йиллик мактабда ўқиб юрган пайтлариданоқ ашула ва рақсга қизиқиб бадий ҳаваскорлик тўғарақларида фаол иштирок этган. Кейинчалик Жони халфага шогирд тушган.

Ўша йилларда Хивада театр фаолият кўрсатиб, унда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Шерозий Ёқубов, Бола бахши Қурбонназар Абдуллаев, Қурбон ота Исмоилов, Юсуф Жабборов, Раҳим масхарабоз, Султонпошша Раҳимова каби истеъдодли санъаткорлар ишлаётган эди. Сорахон истеъдодини сезган машҳур санъаткор Шерозий уни Ашхабоддаги қисқа муддатли актёрлар курсига ўқишга юбортиради. Ўқишни тугаллаб келган Сорахон театр саҳнасида актёрлик қилади ва қўшиқ ижро қилиб элга танилади. Уруш йилларига келиб бу театр-группага Комилжон Отаниёзов ҳам келиб қўшилди.

Сорахон Оллаберганова ўша театрда гармон чалиб ашула айта бошлади ва тезда халқ орасида Сори халфа номи билан танилди.

1939 йилда Хоразм гармончилар ансамбли ташкил этилди. Унинг таркибида Шерозий-Мадраҳим Ёқубов, таниқли созанда Матюсуф Харратов, раққоса ва гармон жўрлигида қўшиқ куйлайдиган Онажон Собирова (Анаш халфа), доирачи Раима Бекжонова, Раққоса Ровия Отажонова ва бошқа талантлар бор эди. Ансамблни ташкил этиш ва раҳбарлик қилиш машҳур санъаткор Гавҳар Раҳимова зиммасига юклатилди.

Ансамбл Тошкентда фаолият кўрсатиб, 1940 йилда сафини ёш санъаткорлар ҳисобига тўлдириш учун Хоразмга келади. Ана шу пайтда ансамблга Сорахон Оллаберганова ҳам қабул қилинади.

Гавҳар Раҳимова ўзининг “Қутлуғ йўлда” номли мемуар китобида шундай ёзади:

“Шерозий Ёқубовнинг шогирдларидан бири Сорахон Оллобергановадир. Сорахон ҳам устози сингари гармонни яхши чалар эди. У ўз устозидан кўп нарса ўрганган. У бизнинг ансамблимизга келиб қўшилган пайтида туппа-тузук артист эди. Оллоберганова санъатнинг кўп сирларини билар эди. Кўпинча, мен Сорахоннинг жонқуярлигига. Жасоратига қойил қолар эдим.

Биз уруш йилларида Ангрен шахтёрларига концерт кўрсатишга бордик. Ўшанда Сорахон Оллоберганова шахтёрлар билан бирга забойга тушиб, иш пайтида уларга қўшиқ айтиб берди. Яна бир воқеа ҳали ҳам эсимда. Ангренда ер юзасида кўмир қатламларини сув босиб кетган эди. Одамлар кўкракларигача сувга ботиб ишлар эдилар. Ана шундай пайтда Сорахон ҳам кўкрагидан сув кечиб гармонни бошига кўтарганича ишчилар орасига кириб, уларга қўшиқлар айтиб берди.

Ҳукуматимиз Сорахон Оллоберганованинг матонатли меҳнатини тақдирлаб, унга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” унвонини берди”<sup>278</sup>.

Сорахон Оллаберганова узоқ йиллар Хива педагогика билим юртидаги қизлар ансамблига бошчилик қилди, кўплаб шогирдлар чиқарди. Унинг репертуарида “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Ошиқ Албанд”, “Асил ва Карам”, “Гўрўғли” дostonлари таркибидаги қўшиқлар, шунингдек, “Диғажон”, “Мен банданг бўлай”,

<sup>278</sup> Раҳимова Г. Қутлуғ йўлда. – Тошкент: “Ёш гвардия” 1973. – Б.96.

“Жангчи қахрамонлар”, “Ёр-ёр”лар, терма кўшиқлар мавжуд бўлиб, уларни талантли халфа иштиёқ билан куйлаган.

Соракон Оллаберганова ўз навбатида Ожиза – Онабиби Отажонова билан ҳам яқин ижодий муносабатда бўлиб, унинг кўплаб шеърларини ёддан билган ва севиб куйлаган. У ёзма адабиёт вакилларида Фузулий, Навоий, Махтумқули, Машраб, Муллонафас каби шоирларнинг шеърларини мутолаа қилиб, ўз репертуарига киритган. Бу кўшиқларни концертларда, тўй ва сайилларда мароқ билан ижро этиб олқишларга сазовор бўлган.

Таниқли санъаткор 1973 йилда Хива шаҳрида вафот этган.

**Назира Собирова.** Хива лапарлари, Хоразм халқ кўшиқларининг моҳир ижрочиларидан бири Назира Собирова Хива шаҳридаги заргар маҳалласида Совуржон заргар оиласида 1922 йили 15 июнь куни таваллуд топган. Назира опа ўрта мактабда ўқиб юрган пайтида, тўсатдан бир оқшомда ёруғ дунёни кўришдан бенасиб бўлиб қолади. Қайғули хабарни эшитган Ожиза Назиранинг ширин овозга эгаллиги, истеъдодли қиз эканидан хабар топиб унинг дардига шерик бўлиб, ҳамдардлик билдириш ниятида уйига келади. Бу воқеа 1943 йилда содир бўлган. Ожиза Назирага “Қизим кўп қайғурма. Мен 28 шогирд тайёрладим. Сени 29-шогирд қилиб оламан”, – деб уни уйига олиб кетади. Шу тариқа Назира 8 йил Ожиза қўлида тарбияланиб, куй-кўшиқларни кунт билан ўрганади. Устоз ёнида тўйларда хизмат қилади.

1950 йилда Ожиза шогирди Назирага фотиҳа беради. У энди мустақил тўйларга чиқишга йўлланма олади. Ожиза 1951 йил боқий дунёга кетар экан, ўз сози, доирасини ҳам энг сеvimли шогирди Назира халфага мерос қилиб қолдиради. Устоз “Шунча шогирд қўлимдан ўтди бироқ шулар орасида биргина сени ўзимга ўхшатдим. Шунинг учун созимни сенга қолдираман” – деб Назиранинг қалбида олам-олам орзу умидлар уйғота олган.

Ожизанинг шогирдлари орасида Назира халфадек ўз устозига меҳр қўйган, унинг ҳаёти ва ижодини тарғиб қилган шогирд бўлмаса керак. У ҳар кунги офтобни Ожиза номи билан кутиб, ҳар намозини устоз руҳларига бағишлаб ўқийди.

Назира халфадан ижоди ҳақида сўрасангиз, у даставвал сўзни Ожизадан бошлайди. “Ҳали ҳали эсимда бир тўйга аравада бораётган эдик ҳеч ким эшитмаётир деб “Оқ олма, қизил олма” шеърини бузиб ижро қилибман. Устоздан бир шапалоқ едим. Умрим бино бўлиб эсимдан чиқмас – аравада қўшиқни бузган ижрочи, тўйда ҳам бузади, одобни эсдан чиқардинг”, – бу танбеҳи менга сабоқ бўлган”.

Устознинг Навоий, Огаҳий ғазалларига ижро қилинадиган суворалари бора-бора Назира халфа репертуаридан ўрин ола бошлайди.

Назира халфа Собирова кўзи ожиз бўлганлигидан халққўшиқлари ва дostonларини ёдаки ўзлаштирган. Ўзи ҳам кўпгина қўшиқлар тўқиган. Унинг репертуарида “Хирмондали”, “ОшиқҒариб ва Шоҳсанам”, “Тоҳир ва Зухра”, “Сайёд ва Ҳамро”, “Ошиқ Албанд” каби дostonлардан парчалар ва жуда кўп тўй маросим қўшиқлари бўлган. Назира халфа Хоним сувчининг “Асилхон” дostonи ва ўша дostonдаги шеърларни, айниқса, севиб куйлаган. Халфа 2001 йилда вафот этган.

**Сорахон халфа Машарипова.** Сорахон (Сори халфа) Машарипова 1922 йили Ғозовот қишлоғининг “Элгалди” маҳалласида қассоблар ўрамида дунёга келади. Сорахоннинг отаси ғозовотлик қассоблардан бўлса, онаси хивалик моҳир уста Рўзмат арбоб деган кишининг синглиси бўлади. Такдирни қарангки, Сорахон уч яшар пайтида кўзига “меҳмон тушиб”, кўзи ожиз бўлиб қолади. У 5-6 яшарлик пайтида онаси ва отасидан ҳам жудо бўлади. Етим бўлиб қолган опа-сингилларни хивалик тоғаси Рўзмат арбоб ўз қарамоғига олиб тарбиялай бошлайди. Сорахоннинг кўзи ожизлиги сабаб, унда қўшиқ айтишга мойилликни сезган тоғаси Рўзмат арбоб бирон касб-корли бўлсин, деб ўша даврнинг машҳур халфаси Онабиби қори (Ожиза) га шогирдликка беради. Шогирдлик даврида Сорахон Машарипова устозидан соз, доира чалишни, қолаверса, Хоразм халфа йўлларини ўрганиб олади. У устози вафотидан сўнг Шарифа қори қўлида шогирдликни ўтайди ва моҳир Сорахон халфа (Сори халфа) бўлиб етишади.

Сорахон халфа 15-16 ёшларида аёллар даврасида қўшиқ айтиб танилади. Хиванинг энг машҳур халфаларидан бири бўлиб етиша-

ди. Уни 16 яшар пайтида Хивага турмушга беришади. 1940 йили Пўлатбой исмли ўғил фарзанди туғилади. Шу орада уруш бошланиб турмуш ўртоғи армияга кетади. Бир яшар ўғли билан қолган Сорахон халфа эрини узоқ кутади. Аммо уруш қурбонсиз бўлмайди деганларидек, эрининг бедарак йўқолганлиги ҳақида хат келгач, 1947 йили ота юрти Ғозовотга кўчиб кетади. Урушдан кейинги қийинчилик, очарчилик даврлар, Сорахон халфани Ғозовотда яхши кутиб олишади. Унинг моҳир халфа созанда эканлигини билган қишлоқ аҳли санъатидан баҳраманд бўлиб тўйларга, аёллар базмларига таклиф қила бошлашади. Сорахон ҳам жон дили билан куйлаб муҳлисларини шод қилади. Сора халфадаги иқтидорни пайқаган ўша даврдаги колхоз раиси Олтибой Қурбонов хўжаликка кичик бир ансамбил тузади. Ансамблга Сорахон халфа, Шариф сурнайчи, Ашир доираси, Саид бахши, Бакпошша раққоса каби талантлар таклиф этилиб, хўжаликнинг истироҳат боғида ҳафтада уч кун концерт дастурларини колхозчиларга намоиш қилишади.

1956 йили Сорахон халфа Хивага кўчиб келиб, шу ерда яшаб қолишади. Ўша даврлар Хивада кўзи ожизлар учун гилам цехлари, кўрпа, тўшак тикувчи цехлар очилади. Сорахон у ерда ишлаб ҳам қўлида сози билан тирикчилик қила бошлайди. Бир муддат Хива театрида, маданият уйларида фаолият кўрсатади.

Сорахон халфа 1984 йили бетоб бўлиб ётиб қолади. Шу ётишида тўрт йил ётади.

Сорахон халфа Машарипова оғир касалликдан сўнг 66 ёшида 1988 йили бу ёруғ дунёни тарк этади.

**Уллибиби Бойжонова.** Хива мумтоз қўшиқлари ва лапарларининг моҳир ижрочиси Уллибиби Бойжонова 1933 йил 21 августда Хива шаҳрида косиб оиласида туғилган. У Аваз Ўтар номли умумтаълим мактабида ўқиб юрган пайтларида халфа қўшиқларини айтиб мактаб кечаларида шаҳар анжуманларида қатнашиб Хивада танилади. 15 ёшида Уллибиби аммаси Ожиза халфага шогирд тушади ва унинг тарбиясини олади. Ожиза репертуарини тўлиқ ижро қиладиган Уллибибинини 18 ёшида Хива колхоз –совхоз театрига ишга олишади. Театрда унга Сорахон Оллаберганова, Азиз ака Жуманиёзов, Зариф ота Латиповлар устозлик қиладилар.

1959 йили Хива колхоз-совхоз театри фаолияти тугатилгач, Уллибиби Бойжонова 1988 йилгача Хива шаҳар маданият уйи бадиий раҳбар бўлиб ишлайди. Уллибиби Бойжонова ўзбек классик кўшиқларидан “Феруз”, “Фарёд”, “Шитоб айлаб”, “Муножот” кўшиқларни қиёмига етказиб ижро этган.

У 1972 йили ўтказилган телевизион фестивал, 1973-мақомчилар кўригида, Хоразм қурултойларида Қорақалпоғистонда Хоразм адабиёти ва санъати декада кунларидаги концертларда қатнашган.

1972-1975 йилларда Тошкентда ўтказилган “Марҳабо талантлар” фестивалининг мутлақ ғолиби бўлишга эришди. Уллибиби ўзининг ижодий муваффақиятлари учун ташаккурномалар, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Ўзбек мусиқа санъати тарихида Уллибиби Бойжонованинг фидойи меҳнатлари 1976 йили Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан Фахрий ёрлиқ билан тақдирланган. Уллибиби Бойжонова ва Комилжон Отаниёзовларнинг айтишувлари санъаткор ижодидаги энг ёрқин хотиралардан биридир.

Уллибиби Бойжонова фаолиятига разм солинса, унда Хоразм санъатининг икки қирраси намоён бўлади. Биринчиси, ўз аммаси Ожиза халфанинг қадимий соз жўрлигида куйланадиган халқ кўшиқ ва лапарларида намоён бўлади. Иккинчиси Хоразмнинг ўлмас мақомлари, сувора йўлларига айтиладиган мумтоз ашулалардир. Уллибиби Бойжонова юксак профессионалликка эга бўлган хонандалардан бўлиб, мусиқа ансамбли жўрлигида Феруз”, “Сувора” йўлларини зўр маҳорат билан куйлай олиш қобилиятига эга эди. Шу сабабдан ҳам у машҳур ҳофиз Комилжон Отаниёзовнинг назарига тушиб, унинг эътирофига сазовор бўлди. Уллибиби бундай тоифа кўшиқларни куйлаганда зал титраб кетар, овози нариги маҳалладан бемалол эшитилар, мухлисларнинг жисми қулоққа айланиб қолар, зал сув сепгандай жим бўлиб қолар эди.

Бинобарин, Уллибиби Бойжонова фақатгина халфа кўшиқлари ижрочисигина эмас, балки мумтоз ва замонавий кўшиқчилик санъатини эгаллаган профессионал ижрочи хонандалар сафидан муносиб ўрин эгаллаган санъаткор эди.



**Раъно Оллаберганова.** Хива лапарларининг истеъдодли ижрочиларидан бири Раъно Оллаберганова 1961 йили Хива шаҳрида ишчи оиласида туғилди. Онаси Назира опа Хива лапар ва қўшиқларини кичик қизи Раънога ёшлигидан ўргата бошлаган. Раъно Хивадаги ўрта таълим мактабининг еттинчи синфида ўқиб юрган чоғида мусиқа мактабига Эгам Каримов синфи бўйича рубоб чолғу асбобида ҳам таълим ола бошлайди.

1979 йили Урганчдаги Матюсуф Харратов номидаги мусиқа билим юртининг вокал бўлимига, Манзура Ҳикматова синфи бўйича ўқишга киради. Ўқиш пайтида Раъно билим юрти концертларида, мақом ансамблига қатнаб ўзбек халқ мусиқаси ва композиторлар ижодидан намуналар куйлаб танила бошлайди. Ўқиш пайтида Қорақалпоғистонда бўлиб ўтган Хоразм адабиёти ва санъати кунлари концертларда қатнашиб диплом олган.

1983 йили Тошкент Давлат маданият институтининг хор дирижёр бўлимига ўқишга киради. Унинг меҳнат фаолияти Хива болалар боғчасида мусиқа раҳбари, кейинчалик мусиқа мактабида давом қилади. Хивадаги пионерлар уйида дуторчилар ансамбли ташкил қилиб, бу жамоа билан 1984 йили Москвада дўстлик форумида қатнашиб Большой театрнинг дипломи билан қайтади. Шу йили Раънодаги халфа қўшиқлари ижрочиси бўлиш ораси уни Шукуржон халфага шогирд тушишга даъват қилади. Бир неча йил у тўй маросимларда Шукуржон халфа билан қатнашиб юради. Устозидан фотиҳа олгач Раъно мустақил жамоа ташкил қилиб Аноржон Жуманиязова билан тўйларда, концертларда қатнашади.

Раъно Хива халфалари орасида биринчи бўлиб диатоник создан кечиб, хроматик товуш қаторидан иборат аккордеон чолғу асбобида ижро қила бошлади. Боиси, Раъно нафақат ўзбек халқ мусиқаси балки Ожиза репертуари қатори ўзи басталаган қўшиқлар ва товуш қатори кенг диапазонли репертуардан фойдаланади. У “Хоразм тупроғи”, “Кўзга тўтиё”, “Яхши галин галди”, “Раққоса қиз”, “Бизни Хиволи қиз кичик” каби қўшиқларга куйлар басталаган. Нота ёзуви ва оғзаки ижодни яхши ўзлаштирган Раъно Оллаберганованинг ижрочилик маҳорати кундан-кунга ошиб, Хива халфаси деган номни олишга мушарраф бўлди.

**Санобар Қиличева.** Санъаткорга оилавий муҳитнинг таъсири ниҳоятда каттадир. Чунки бўлажак санъаткор туғилиши билан оҳанглар оғушида камол топади. Санобарнинг онаси профессионал халфа, хонанда ва чолғувчидир.

Санобар Қиличева ана шу санъаткор оилада Янгиариқ тумани марказида 1970 йилда туғилди. Мактабга боргунча у соз чашиш, ашула айтиш малакасига эга эди. Мактабда эса бадий ҳаваскорлик тўгарагининг фаол аъзоси бўлди. Онасидан ўрганган халфачилик анъаналарини янада такомиллаштириш мақсадида Хивадаги Назира халфага шогирд тушди. Назира халфа Ожизанинг барча қўшиқларини ўрганган тажрибали санъаткор бўлганидан Санобарга халфачиликнинг барча сир-синаотларини ўргатади. Ёш халфанинг репертуари халқ қўшиқ ва лапарлари, дoston қўшиқлари намуналари билан бойиди. Шу жараёнда Санобар Тошкент Давлат Маданият институтига кириб, замонавий қўшиқчилик асосларидан таҳсил олди. Тажрибали профессионал ижодкорлардан кўплаб санъат сирларини ўрганди ва олий ўқув юртини муваффақиятли тугатди. Санобар Хивадаги санъаткорлар билан яқин алоқада бўлиб келмоқда.

Унинг санъаткорлик маҳоратида ҳам икки муносиб қирра кўзга ташланади. Аввало у Хоразм сози жўрлигида халфа қўшиқлари, ёр-ёрлар, лапарларнинг моҳир ижрочисидир. Қолаверса, ёш халфа Хоразм мақомлари, сувора йўллари, “Феруз” туркуми қўшиқларини ўрганишга киришди ва бу соҳада катта муваффақиятга эришиб профессионал хонандалар сафидан жой эгаллади. Уни халқ орасида “Феруз” ашуласининг моҳир ижрочиси Назира Юсуповага тенглашади. Чунки Хоразмда қўшиқнинг авж пардасига катта эътибор қаратилади. Бу борада “Феруз” ашуласининг авжи энг юқори саналади ва унинг кульминациясига чиқиш ҳамма хонандалар кўлидан ҳам келавермайди. Аммо Санобар ўша чўққини забт этиб, халқ қалбидан мангуга жой олди.

Санобар Қиличева ҳозирда ўз репертуарини янада бойитиб, кўпгина сайл-фестивалларда ғолиб бўлди, унинг ашулалари халқ қалбидан жой олди.

**Нодира Боғибекова.** Нодира Боғибекова 1976 йилда Хива шаҳрининг Эски Қиёт маҳалласида туғилган. Унинг онаси Ойбиби халфа Матякубова қизини халфачилик санъатига қизиқишида асосий ролни ўйнади. Нодира ўрта мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ мусиқа мактабига қатнаб, санъатга ихлос қўйди, Равшан Юсупов, Одамбой Раҳимовлардан гармон чалиш ва халфа ижрочилиги сирларини ўрганди. Шунингдек, Назира халфа Собирова, Назира Бойжонова, Улибиби Бойжонова ва Амина Қурёзовалар билан ҳамкорлик қилиб, мумтоз халфачилик сирларидан воқиф бўлди.

1989–1990-йилларда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” Гавҳар Раҳимова Хивага келиб, “Гармончи қизлар ансамбли”ни тузади. Ушбу ансамблга Нодирани ҳам қабул қилади. Шу аснода ёш гармончи Нодира, Гавҳар опадек буюк санъаткордан сабоқ олишга мушарраф бўлди.

“Ошиқ Ғариб ва Шохсанам”, “Гўрўғли” дostonлари таркибидаги қўшиқларни ўрганди. Ожиза халфа репертуаридаги тўй-маросим қўшиқларини иштиёқ билан куйлаб юрди.

Нодира ҳозирда халқнинг энг севимли созанда халфаси сифатида танилди. Республика ва вилоят доирасида ўтказилаётган барча тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Нодира Боғибекова ҳозирги даврнинг энг ёш, энг талантли халфаларидан биридир. Унинг ижоди замонавий қўшиқчилик анъанавий қўшиқчилик анъаналари билан қоришиқ ҳолда намоён бўлади. Унинг чолғу асбоби аккардеонга ўзгарган. Эски Хоразм сози ҳозирда анчагина истеъмолдан чиқиб бораётир. Чунки аккардеоннинг имконияти каттароқ дейишади, ҳозирги халфалар.

Ҳозирги халфачилик санъати замона билан боғлиқ ҳолда айрим ўзгаришларга юз бурмоқда бу хусусият Нодира ижодида ҳам кўзга ташланади.

Айрим халфалар синтезатор воситасида куйлаш анъанасига ўтишган. Баъзи халфалар замонавий қўшиқ ва термалар, лапарлар айтиш хусусиятини тобора такомиллаштираётирлар. Халфачилик билан шуғулланувчи айрим ёшлар ёр-ёрлар куйлаш, келин саломлар айтиш санъатини ҳам эгаллашган. Хуллас, замонага, жамиятга қараб санъат ва санъаткорлар ҳам мослашиш тенденциясига эга. Дарвоқе, халфачилик барҳаёт анъанадир.

## Мазкур боб бўйича келинган хулосалар:

1. Ҳар бир жамият ўзига хос мафкурасини яратади. Уни тарғиб қилиш зиёлилар зиммасига тушади. Мафкура маънавиятни белгилайди. Аммо шундай маънавий қадриятлар борки, улар қайси жамиятда бўлмасин инсониятга доимий хизматда бўлади. Булар диний, ахлоқий, инсоний омиллардир. Ана шу омилларни ҳаракатга келтирувчи куч маълум бир оқил, дониш инсонлар зиммасига тушади. Уларга Тангри таолозукколик, юксак тафаккур, беқиёс қобилият ато этади. Булар бахшилар ва халфалардир. Ушбу сифатлар муболағадай туюлиши мумкин, аммо минг саҳифалик китобга жой бўлган “Алпомиш” достонини ёд билиш ҳазилакам иш эмас. Инсонларда ишонч уйғотиш, уларни ўз измига бўйсундириш ҳамманинг қўлидан ҳам келавермайди. Бахши ва халфалар инсоният ҳаётида ана шундай олийжаноб вазифаларни бажариб келишмоқда.

2. Диний ғояларни, ибодатни тарғиб қилиш, халқ маънавиятини юксалтириш мақсадида майдонга чиққан бизларнинг бахши ва халфаларимизга монанд талантлар бошқа халқларда ҳам мавжуд. Масалан, исланд сагалари XIII асрда ёзувга кўчирилиб махсускишилар томонидан ўқилиб, улар sagmads деб аталган. Унинг маъноси “ҳикоя қилмоқ”ни англатади.

Бизда тарқалган “қисса-достонлар” XVI-XVII асрлардаёқ ўзининг ривожланиш босқичига қадам қўйган. Аммо диний ёзма манбаларни ўқиш, “Авесто”гоҳларини оғзаки ижро қилиш тарихи қарийб уч минг йил бурун бошланган. Бу анъана қиссахон-қироатхон халфалар томонидан ҳозиргача давом қилиб келмоқда.

Муқаддас китобларни махсус кишилар томонидан ёдаки ўқишда эркаклар ҳам, аёллар ҳам тенг иштирок этишган. Бу анъана деярлик барча халқлар учун муштаракдир. Аёл ижрочилар эса биз сўз юритаётган халфаларнинг қадимги аждодларидир.

3. Албатта, ижрочиларнинг ҳар бир тоифаси ўз аудиториясига эга бўлган. Эрлар аудиторияси кенг ва оммавий бўлиб, диний ақидалар билан бирга кўнгил очар томошалар ташкил этишган, аёл ижрочилар эса хотин-қизлар орасида маиший маросимларни ташкил қилишда асосий ролни ўйнашган. Энг қадимда улар

фаолиятида илгариди шомонлик, турли даволаш функциялари бўлганлиги табиийдир.

Жамият тараққиёти, цивилизациянинг ривожланиши ҳар қандай анъанага ҳам таъсир қилмасдан қолмайди. Сўнгги даврларга келиб мусулмон динининг кириб келиши ҳар иккала соҳада ҳам ўзгариш ясади. Энди улар мусулмон дини ақидаларини тарғиб қилишга ўтишди. Аммо турли қоришиқ ақидалар улар репертуарида ҳозиргача сақланиб келмоқда. Аммо пўрхонлик халфачилик анъанасидан чиқиб алоҳида соҳага айланган. Ўтган асрлар ўрталарида эса батамом таназзулга юз бурган.

4. Халфалар фаолиятига ҳам жамият катта таъсир кўрсатиб уларнинг вазифасида дифференциация юз берди. XIX асрга келиб Хоразм халфалари уч тоифага ажралиб фаолият кўрсата бошлади.

Шоира-достончи халфалар етишиб чиқди. Хива хони саройида Хоним халфа катта нуфузга эга бўлди. Достонларни қироат билан ўқиб эшиттиришдан ташқари мусиқа жўрлигида куйлади. Соз чалиш санъатини эгаллади. Хон ҳатто, унга Петербургдан орган асбобини олдириб берди. Халфа уни чалиш малакасини ҳам эгаллаб олди. Шеърлар ижод қилди. Қуръонни тўлалигича ёд олди. Ўша аёлга эргашиб Анаш халфа ва Ожизалар ҳам шеър ижод қилишди, соз жўрлигида достон куйлашди. Бундай талант-ли аёллар жуда кам бўлади.

XX асрга келиб халфалар, диний урф-одатлар тазйиққа учради. Натижада улар яшрин фаолият кўрсата бошладилар.

5. Эндиликда тўй ва аза, оилавий маросимларда хизмат қилувчи қиссахон-халфалар фаолияти яширинча бўлса-да, давом этди, созанда-ижрочи халфалар фаолияти ривожлана бошлади. Қиссахон халфалар барча маросимларда қатнашиб вазиятга мос достон ва жангнома қиссалар, агиологияга оид асарлар ўқиб эшиттиришда давом этишди. Улар тўй-томошаларда дунёвий характердаги “Ошиқ” туркуми достонларини қироат билан ўқиб, аёллар даврасини мамнун қилиш билан бирга ёр-ёрлар, келин саломлар, дуо-фотиҳалар ўқиб тадбирни тўла бошқара бошлашди.

Аза маросимларида эса агиологияга оид “Иброҳим Адҳам”, “Бобо Равшан” каби қиссаларни, Сўфи Оллоёр ва Сулаймон

Боқирғоний шеърларини ёдаки ўқишади. Ўз навбатида Куръон оятларини ўқиб дуо-фотиҳа қилишади.

6. Халфалар бисотидаги дуо-фотиҳаларнинг ўзи тадқиқотга лойиқ масаладир. Дуо-фотиҳалар бадий жиҳатдан юксак, сажъ усулига асосланган махсус матнлардан ташкил топган. Айниқса, тўй мавзусидаги фотиҳалар бадий-эстетик устуворлиги билан ажралиб туради. Халфалар ёр-ёр, келин салом айтишда ҳам маҳорат кўрсатишади. Ушбу ташкилотчилик, бадиҳагўйлик кишидан катта талант ва маҳоратни талаб қилади. Азадаги ташкилотчилик, вазиятни мотамона ўтказиш, таъсирчан дуо-фотиҳалар қилиш ҳам халфанинг истеъдодига боғлиқ. Аёллар жамоасини ўзига ром қилиш, тадбирни ўз маромида ўтказиш халфа маҳоратининг асосини ташкил қилади. Буларнинг барчаси қиссахон-қироатхон халфалар зиммасига тушади. Ўткан асрнинг ўрталаригача улар фаолиятида шомонликка хос хусусиятлар ҳам сақланиб келган. Ҳозирда эса шомонлик, пўрхонлик анъаналари бутунлай йўқолиб кетган.

7. Феодал тузум даврида фақат хон саройида фаолият кўрсатган созанда-ижрочи халфалар XX асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб тўлалигича халқ оммаси хизматида ўтди. Бу ҳолат хотин-қизлар озодлиги масаласи билан боғлиқ. Халқ орасида биринчи бўлиб халфа кўшиқлари, дostonлардан парчаларни соз жўрлигида куйлаган халфалар Анаш халфа – Онажон Собирова ва Ожиза – Онабиби Отажоновалардир. Улардан кейин Сорахон Оллаберганова бу соҳада катта хизматлар қилиб “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” унвонига сазовор бўлди.

Уллибиби Бойжонова, Санобар Қиличевалар фаолияти бу болада алоҳидаликка эга. Улар халфа ва дoston кўшиқлари билан бирга Хоразм мақомлари, сувора ва “Феруз” туркуми ашулаларининг ҳам профессионал ижрочилари даражасига ўсиб етишдилар.

Ҳозирда Раъно Оллаберганова, Нодира Боғибекова ва бошқа созанда-ижрочи халфалар элга хизмат қилиб, анъанавий халфа кўшиқ ва лапарларини ўз ансамбллари орқали замонавий тарзда тарғиб қилишда давом этмоқдалар.

## ХУЛОСА

Хоразм бахшичилик ва халфачилик санъати, Хоразм дostonчилиги анъаналари билан танишиш, репертуаридаги асарларни ёзиб олиш, ҳудуддаги поэтик мактаблар ва уларнинг ўзаро алоқасини ўрганиш, ҳар бир дostonчилик мактабининг тарқалиш доирасини, репертуаридаги ўзига хосликларни, устоз-шоғирдчилик муносабатларини тадқиқ этиш ва ҳудуд дostonчилигини, халфачилик санъатини, унинг ҳозир оғзаки жараёндаги асосий хусусиятларни кузатиш, республикамиздаги бошқа дostonчилик мактаблари билан ўхшаш ва фарқли жиҳатларини қиёсий таҳлиллаш, анъанага муносабати, қуйидаги хулосаларга келиш учун асос бўлди.

1. Инсон маънавиятининг илк илдизлари тил ва тафаккур қадар қадимийдир. Кишилар ибтидоий тузум давридаёқ одамларни маърифатга, эзгуликка ундаш йўлларини излашган ва ибодатни, динни кашф қилганлар. Ибодат, маросим ва инончлар шеъриятнинг туғилишини тақозо этган. Уларни қироат билан ўқишни коҳинлар амалга оширган.

“Авесто” “гоҳ”ларини ўқиган коҳинлар бизга фан орқали маълумдир. Улар оддий ва тасодифий кишилар эмас, балки иқтидорли, туғма қобилиятга эга бўлишган. “Худо берган”, илоҳий қудрат соҳибигина коҳинлик даражасига етишган. Аксарият ҳолларда бандай кишиларга илоҳий қудрат тушида ато этилган. Бу борада жаҳоннинг турли ҳудудларидаги турли халқлар орасида турфа асотирлар яратилган. Шулардан бири англосакс шоири ва коҳини Кэдмондир. Унинг Худога бағишланган гимн-мадҳияси англосакс тилида ҳозиргача сақланган.

2. Шарқ халқларида ҳам бахшиларга тушида илоҳий қудрат ато этилиши ҳақида кўплаб афсоналар тарқалган.

Куйчи-бахшиларга тушида талант-идрок инъом этилиши аслида шомонлик давридан қолган анъаналар давомидир. Соз ва сўз усталарининг ибтидоий шомонлик, табиблик, афсунгарлик соҳаларига алоқадорлиги реал ҳаётда ҳам юз берган. Эргаш Жуманбулбул бахшилик санъатини “қўшноч” ва “қоқимчилик”

касб-корлари билан қўшиб олиб борганлиги хусусида ишончли далиллар мавжуд.

Бахши атамаси негизида ҳам кўплаб синкретик маънолар мужассамлашган. Ушбу атамага синоним тарзида “оқин”, “санновчи”, “соқи”, “созчи”, “чечан”, “булбул” каби сўзлар ҳам ишлатилади. Бу атамалар орасида “бахши” шакли асосий ном бўлиб қолмоқда. Унинг этимологияси ҳақида турли фикрлар айтилган. Туркий халқлар орасида унинг турли шакллари қўлланилади. Бизнингча, Бартольд шарҳлаган санскритча **бхидкшу** шакли тўғридир.

Бинобарин, унинг санъаткор, устод, руҳоний, коҳин, маърифатчи, йўлбошчи, табиб каби кўплаб маънолари мавжуд.

3. Профессионал бахшиларнинг шаклланиши, уларнинг эпик асарлар ижросига ўтиши жуда мураккаб жараённи бошдан кечирган. Хоразм бахшичилик санъати илдизлари ҳақида гапирганда уни “Авесто”нинг “Яшт” китобидаги илоҳлар ва қаҳрамонларга аталган алқовлардан бошлаш лозим. X-XI асрларга келиб Хоразмшоҳлар саройида созанда ва гўяндалар фаолият кўрсатганлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Кейинчалик Чингиз истилоси сабабли, бу соҳада таназзул бошланиб, XIX аср бошларида бахшичилик санъатига эътибор яна кучайган, қиссахонлик ривожланган. Буни Н.Муравев ва Ҳ.Вамберилар берган маълумотлар тасдиқлайди. Хоразмда бахшичилик санъатининг қадимданоқ оммавийлашганини уларнинг ҳомий-пири Ошиқ Ойдин фаолияти ҳам исбот қилади. Бу шахс ҳақида турли афсоналар тўқилганига қарамай унинг тарихий шахс эканлиги маълум. Воҳадаги ўзон-бахшилар ҳақида тарқалган ривоятларнинг яна бири Кўрқуд ота бўлиб, ушбу эпоснинг яратилиши ҳам Хоразм билан алоқадордир.

4. Коҳин, шомон, ўзон, котиб, бахши номлари билан узоқ йиллар аталиб келинган ижодкор ва ижрочи шахсларнинг вазифаси деярлик ўхшаш бўлса-да, ҳудудий ва этногенетик омиллар уларнинг қуйлаш манераси ва репертуаридаги асарларга муайян таъсирини ўтказмасдан қолмаган. Ушбу ҳолат бахши-ижросида ҳам намоён бўлади ва турли бахши мактаблари рўёбга чиқади. Хо-



разм аҳолиси турли этногенетик чагишувлар натижасида уюшган халқлардан иборат бўлганлиги учун воҳа ҳудудидаги бахшилар ижроси ҳам муайян фарқларга эга.

Хоразмнинг жанубий қисмида қадимги хоразмийлар билан гибридлашган ўғуз қабилаларига мансуб, ўзини сарт деб атовчи аҳоли истиқомат қилади. Улар ўғуз лаҳжасида сўзлашади. Бу ҳудуд бахшилари дутор, бўламон, ғижжак ва доирадан иборат ансамбл шаклида уюшган. Кейинчалик дутор ўрнига гармон ва тор кириб келиб, кейинги асбоб фаол оммалашган.

5. Жанубий Хоразмда бахшилар ташқи овозда куйлашади. Хоразм бахшилари ишлатадиган мусиқа куйлари шўх ва ўйноқи уларда баъзан мақом уфорилари ҳам қўлланилади. Достон куйлашда конкретлаштириш тамойили устуворлик қилади. Достон ижроси 2-2,5 соатга мўлжалланган. Асосан «Гўрўғли» туркуми шохобчалари ва ишқий-саргузашт характеридаги достонлар оммалашган.

Достонларнинг аксарияти китобий хусусият касб этади. Махсус “Бахши китоблари”ни ижрочилар ёнида олиб юришади. Шу боис оғзаки вариантлар ҳам қисса-достонлар негизида ўзлаштирилган.

Бахшиларда икки тиллилик анъанаси мавжуд. Улар орасида туркман, қорақалпоқ тилларида достон айтувчилар ҳам учрайди. Жанубий Хоразм бахшилари ўз мусиқа йўлларини ширвоний деб юритишади ва ҳар бир куйни махсус ном билан аташади. Уларнинг достонни бошлаш ва тугаллашдаги анъаналари ҳам ўзгачалик касб этади. Айрим ижрочилар, хусусан Бола бахши достон ижросида насрий қисмни ўзи баён қилиб, кўшиқ қисмига келганда ансамблдаги яна бир шериги билан жўровозликда куйлайди.

6. Шимолий Хоразмда XVI аср бошларида воҳага кўчиб келган шайбоний ўзбеклари яшайди. Улар ўз этник таркибига кўра, достон куйлашда ҳам муайян фарқларни сақлаб келмоқдалар.

Шимолий достончилик вакиллари дутор, бўламон ва ғижжак жўрлигида куйлашади. Достон ижросида жўровозлик йўқ, доира ишлатилмайди. Ушбу ҳудуд бахшилари то XIX аср ўрталаригача бўғиз орқали ички товушда куйлашган. Шу сабабли Феруз

саройидаги Ризо бахши, ҳам жиров, ҳам бахши сифатида фаолият кўрсатган. XX аср бошларига келиб, улар тўла ташқи овозда куйлашга ўтганлар.

Шимолий дostonчилик куйларида анча ўзгачаликлар бор. Улар ўз мусиқий куйларини эроний деб номлашади. Ҳар бир куй Жанубий Хоразм бахшиларидаги каби махсус номларга эга. Уларнинг бир қисмигина ширвоний услубдаги куйларга монанд келади. Дostonни бошлаш ва тугаллашда ҳам ўзгачаликлар намоён бўлади. Аммо ширвоний услубда ҳам эроний йўналишда ҳам финал рақс билан тугайди.

7. Шимолий дostonчиликда бахшилар репертуари унчалик фарқларга эга бўлмаса-да, ижро услубида ўзгачаликлар анчани ташкил этади. Аввало, бадиҳагўйлик устуворлик қилади, оғзаки баёнда халқ сўзлашув тилига оид ташбеҳлар, фразеологик иборалар кўпроқ намоён бўлади. Аудитория билан мулоқотда бўлиш учун ички медиал формулаларга фаолроқ мурожаат қилинади. Бу услуб Турсун бахши ва Сакрак бахшилар ижросида яққол кўринадди. Уларда сўроқ, даъват, хитоб, буйруқ каби сўзларга эътибор кучли.

Шимолий худуднинг Шаббоз (Беруний), Тўрткўл туманлари худудидаги бахшиларда яна бир анъана учрайди. Худуддаги Мусо бахши, Қўшақўр, Қурбонбой жировлар айни пайтда қўбиз чалиб, жировлик хунарини ҳам эгаллашган. Бу икки анъананинг қоришиқ ҳолда учраши бахшиларнинг ўзаро таъсир ва устозлик-шогирдлик анъаналари билан боғлиқдир.

8. Бахши сифатида шаклланиш, ижро маҳоратини эгаллаш ниҳоятда мураккаб жараёндир. Чунки ушбу касб эгаси, аввало, юксак хотира соҳиби бўлиши, соз ва сўз санъатини мукамал эгаллаши зарур. Бунинг учун Худо берган идрок ва талант лозим. Шу сабабдан ҳам бахшиларнинг илоҳий қудратга эгаллиги хусусида кўплаб ривоятлар тарқалган. Дарвоқе 50-60 дostonни ёд билиш ҳазилакам иш эмас. Қолаверса, бахши дostonни халойиқ онгига етказиш учун юксак маҳоратни эгаллаши зарур. Бу эса устозлик-шогирдлик анъанаси дoston куйлаш тартиби, миллий тилнинг чексиз имкониятларидан хабардор бўлишини тақозо

қилади. Ҳар қандай бахши эпик асарлар андозасини, бадихағўйликнинг сир-асрорларини мукаммал билиши лозим. Муқадди-ма, хотимадаги анъанавий клишеларни, медиал формулаларни ишлата билиши усулларини ўрганиши ҳар жиҳатдан муҳимдир. Бу борада Жанубий дostonчиликда Бола бахши, Шимолий до-стончиликда Аҳмад бахши машҳурлик қозонган.

9. Хоразмдаги дoston ижрочилари ҳақида гапирганда қис-са ва қиссахонлик санъатига ҳам назар ташлашга тўғри келади. Негаки, ўзбек дostonчилигини қиссахонликсиз тасаввур қилиш қийин. Қиссахонлик тадқиқотларда кўрсатилишича XV-XVIII аср-ларда юксалиш даврига қадам қўйган. Аслида унинг дебочаси энг қадимги диний алқовларни китоб орқали ижро этиш билан ула-ниб кетади. Хоразмда қиссағўйлик XIX аср бошларида юксалиш сари юз бурган ва ўша аср охирида юксак чўққига чиққан. Буни XIX аср ўрталарида воҳага келган Ҳ.Вамберининг кузатишлари ва унга шерик бўлган Мулла Исҳоқ фаолияти тўла тасдиқлайди. Хи-вада Муҳаммад Амин иноқ даврида (XVIII аср охири) “Шоҳнома”-хонлик бошланган. Муҳаммад Раҳим I давридан бошлаб саройда қиссахон ва бахшилар сақлаш анъанага айланган. Шу муносабат билан дostonларни ёзувга кўчириш анъанаси кучайган. Мадраса таълимини олган ижодкор зиёлилар дoston матнларини ёзувга олиб, унинг таркибига ғазал, мухаммас, мусаддас, туюқ каби ёзма адабиётга хос жанрларни олиб киритганлар ва асар тилини ўша давр адабий тилига мослаганлар.

10. Қиссаларни махсус қироатгўй шахслар “ярим куйлаш” оҳангида ижро этишган. Улар эркак ва аёл қиссахонлар бўлиб, эрлар даврасида ва аёллар йиғинида фаолият кўрсатишган. Қис-са-дostonлар дунёвий ва агиологик (диний) характерда бўлиб, уларни ўқиш маросимнинг турига қараб амалга оширилган. Ки-тоб ўқиш тор ва кенг давраларда олиб борилган. Ушбу қиссағўй-ликка бахшилар ҳам келиб, айрим дostonларни ўрганиб, оғзаки ижрога мослашган. Дostonлар қисса шаклига ўтар экан, улар-нинг лексикаси тантановор бадий нутққа хос ифодалар билан бойитилган, турли сажъ усуллари, вазнли наср элементлари, по-этизмларнинг гўзал намуналари кашф этилган. Матн асар мазму-

нига мос ҳолда тантанавор, сокин, мунгли оҳангларда қироат қилинган. Шеърлар эса куй оҳангида ижро этилган. Бу ҳолат ижро-чидан катта маҳоратни талаб қилган. Шу боисдан қиссахонлик ҳам тасодифий кишилардан ҳоли бўлган.

Бинобарин, қиссахонлик халқ маънавиятини, миллий менталитетни юксалтиришда ўзига хос ижобий рол ўйнаган. Аммо бахши ижрочилигининг оммавийлиги ва таъсирчанлиги алоҳида аҳамиятга моликдир.

11. Хоразм қадимий маданият ўчоқларидан бири бўлиб, унинг тарихида кўплаб истеъдодли, буюк шахслар учрайди. Айниқса бахшичилик, халфачилик санъати ўзининг қадимийлиги ва лоқал хусусиятлари билан алоҳида ажралиб туради.

Хоразм халфачилиги бахшичилик анъаналари билан тенгдош соҳа бўлса-да, унинг оммавийлиги касб этиши феодализм қонуниятлари доирасида чекланиб келди. Унинг ривожланиши XIX асрга тўғри келади. Шуни таъкидлаш зарурки, халфаларнинг диний ақидаларни тарғиб қилувчи соҳаси тазйиққа учрамади. Шу сабабли бу соҳа мунтазам давом этиб келди.

Халфачиликнинг ўрганилиш тарихи XIX асрдан бошланиб, дастлаб А.Вамбери асарларида намоён бўлади. Ундан кейинги тадқиқот Ҳоди Зарифга тегишли бўлиб ўткан асрнинг 30-йилларига тўғри келади. Ўша асрнинг 60 йилларига келиб, бу соҳадаги тадқиқотларни янги поғонага кўтарган киши фольклоршунос Ж.Қобулниёзовдир.

12. XX асрнинг II ярмидан бошлаб халфалар ижодини тадқиқ ва тарғиб қилиш янги босқичга кўтарилди, истиқлолдан кейин эса янада кенг доирада амалга оша бошлади. Н.Сабуров, М.Муродов, Т.Қиличев, О.Собиров, С.Р.Рўзимбоев, Ҳ.Ж.Абдуллаев, Т.Мирзаев, Т.Жалолов, Н.Қуронбоеваларнинг қатор тадқиқотлари юзага келди. Халфаларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида айрим рисоалар чоп этилди.

С.Оллаберганова халфаларнинг ўзбек фольклоридаги ўрни ҳақида номзодлик диссертациясини ёзди. Ишда анча муваффақиятли ўринлар билан бирга саёз фикрлар, асосланмаган далиллар ҳам учрайди. Худди шундай юзакичилик Ў.Ўтаев ва Отаёрлар томонидан эълон қилинган рисолада ҳам кўзга ташланади.

Тадқиқот ишлари орасида А.Матниёзовнинг мақоласи ўз илмийлиги билан эътиборни тортади. Унинг халфа атамаси хусусидаги фикрларига тўла қўшилиш мумкин. Бу масалада унинг “Авесто”-га мурожаат қилиши, шу аснода ҳинд манбаларидан иқтибос келтириб фикрини исботлаши ҳар томонлама илмийлик касб этади.

13. Халфачиликнинг илдизларининг диний ақидалар, ибодат, шеърият, маросим тақозосида рўёбга чиққанлигини эътироф этиш зарур. Аждодларимиз ҳамиша маънавият, маданият, одоб-ахлоқни барча нарсадан устувор қўйганлар. Қолаверса, Хоразмда ўтроқ ҳаёт эрта бошланиб, цивилизацияга қадам қўйилган. Бу ҳодисани Тупроққалъадан топилган арфа чалувчи, ноғорачи ва раққоса аёл расмлари, ўша жойдан топилган торли чолғу асбоби қолдиқлари тасдиқлайди.

Халфачиликнинг илк илдизлари ибодат, қалбни поклантиришни асосий мақсад қилиб қўйган. Шу билан бирга шомонлик билан ҳам шуғулланишган. Кейинчалик уларнинг касбида дифференциация бошланиб, шомонлик пўрхонлик шаклида ажралиб чиққан. Ўрта асрларга келиб, қиссахонлик тараққий қилган. Созанда-ижрочи халфалар саройда хизмат қилишда давом этишган.

XX асрга келиб шоира-достончи, қиссахон-қироатхон ва созанда-ижрочи халфалар фаолият кўрсатишган. Кейинги даврларда улардан профессионал артистлар етишиб, мақом, сувора, “Феруз” туркуми ашулаларини ижро қилиш ҳоллари ҳам учрайди. Бинобарин, ушбу қадимий анъана айрим ўзгаришлар билан барҳаёт сақланиб келмоқда.

Хуллас, Хоразм бахшичилик ва халфачилик санъатининг сўниш жараёнини секинлатишда Республикамиз Президенти ва ҳукуматимизнинг бахшичилик ва халфачилик санъатини ривожлантириш соҳасидаги қатор Қарорларда белгиланган тадбирларни изчил бажариб бориш муҳим аҳамият касб этади. Давлат миқёсидаги бахшиларга ва халфаларга бўлган ва бўлаётган бу раҳнамоликлар сўнаётган бахшичилик санъатини хушёр тортишга ундаб, ривожлантиришга, янги ўзгаришларга учраган тақдирда ҳам, узоқ асрлик анъаналарга суюнган ҳолда яна кўп йиллар давом этишига ишонамиз.

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

### I. Президент асарлари ва қарорлари

1. Mirziyoyev Sh. M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. – Toshkent: "O'zbekiston", 1995.–23-b.

2. Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга чиқарамиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2018. –592 б.

3. Мирзиёев Ш. М. “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги президент қарори // Халқ сўзи. – Тошкент, 2018 йил 2 ноябрь.

### II. Илмий адабиётлар ва манбалар

1. Абдуллаев Ҳ. Махтумкули ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: “Фан”, 1983. –Б. 32.

2. Абдуллаев Ҳ. Сўз сеҳри. – Тошкент: ТДПУ нашриёти, 2005. –Б. 4-11.

3. Абдуллаев Ҳ. Халфалар репертуари ва фольклор алоқалари // Адабий мерос, 1982.–№2. –Б.30-37.

4. Абдуллаев Р. Байсун: традиционная музыкальная культура.– Ташкент, 2016. – 180 б.

5. Авазхон ота юртида. Достон. Айтувчи Боборайим бахши Маматмуродов. – Термиз: Жайхун, 1999. – 220 б.

6. Авесто. Яшт китоби. –Тошкент:“Шарқ”, 2001. –Б.28.

7. Адабиёт назарияси. Икки томлик. II том. – Тошкент: “Фан”, 1979. –Б.180.

8. Алп Кўнғиротбек. Достон. Айтувчи Чори бахши Умиров. – Тошкент: Тафаккур, 2014.– 200 б.

9. Аимбетов Каллы. Каракалпакские народные сказители. Традиции, новаторство, репертуар сказителей, взаимоотношение (связь и взаимовлияние) их творчества с творчеством других народов, соотношение фольклора и письменной литературы.

Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора филологических наук. –Ташкент, 1965. –С.74.

10. Айымбетов Қ. Халық даналығы. –Нөкис, “Қарақалпақстан”, 1988. –Б.491.

11. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати, III том. –Тошкент: “Фан”, 1984. –Б.605. (622)

12. “Алпомиш” ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. – Тошкент: “Фан”, 1999. –218 б.

13. Алпомиш. Достон. Фозил Йўлдош ўғли варианты. Ёзиб олувчи М.Зарифий. Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Зарифов, Т.Мирзаев. – Тошкент: “Шарқ”, 1999. –832 б.

14. Алпомиш. Достон. Айтувчи Умир шоир Сафаров. Ёзиб олувчилар О.Собиров, Қ.Муҳаммедов. Нашрга тайёрловчилар: Т.Мирзаев, Ж.Эшонқулов, Р.Чориев. – Тошкент: Академнашр, 2019. – 400 б.

15. Алпомиш. Достон. Айтувчи Хушвақт Мардонақулов. Нашрга тайёрловчи Т.Турдиев. – Тошкент: Ёзувчи, 1998. – 300 б.

16. Акимов М. Художественные особенности героических и любовных дастанов Азербайджана. –Баку, “Знание”, 1986. –С.64.

17. Анаш халфа. Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. (Нашрга тайёрловчилар: С.С.Рўзимбоев, Н.Э.Собирова). (86)

18. Аристотель. Поэтика. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004.– 196 б.

19. Ауэзов М.О. “Манас” – киргизская героическая поэма. – Алматы, 2011. – С. 120-130.

20. Афзалов М. Ўзбек халқ шоирлари // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1946. – №10-11. – Б.140-144.

21. “Ашык-Айдын-94. –Дашховуз, “Хыял”, 1994. (29-30 август) –Б.30.

22. Бакчиев Т.А. Кыргызские эпические сказители. – Бишкек, 2015.– 140 с.

23. Бартольд В.В. Бахши.Сочинения. –М.,1968. –Т.5. –С.501.

24. Бартольд В.В. Коркуд.Соч. т.v-М.,1968, С.41.

25. Басилов В, Н. Избранники духов. – М., Политиздат, 1980. –208 с.

26. Басилов В.Н., Ниязклычев К. Пережитки шаманства у туркмен – човдуров//Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М., 1975. –125 с.

27. Басилов В.Н. Культ святых в исламе. – М.: Наука, 1970. –144 с.
28. Басилов В.Н. Исламированное шаманство народов Средней Азии и Казахстана. АДД. – Москва,1991. – 46 с.
29. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. - М.: Наука, 1965, -С. 485.
30. Бертельс Е.Э. История литературы и культуры Ирана. –М.: Наука, 1988. –С.558.
31. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. –Тошкент: Ўқитувчи, 2002.-180 б.
32. Боровков А.К. Героический поэма об Алпамыше // Об эпосе Алпамыш. – Ташкент, 1959. – С.61-86.
33. Вамбери Х. Чиғатой тили дарслиги. –Лейпциг, 1867. –Б.33-34.
34. Веселовский А.Н. Историческая поэтика. Москва, Высшая школа, 1989.– с.406.
35. Гацак В.М. Эпический певец и его текст // Текстологическое изучение эпоса. – М.: Наука, 1971. – С.107–118.
36. Гөроғлы. –Ашгабат,“Туркменистан”, 1980. –Б.638.
37. Гринцер. Эпос древнего мира // Типология и взаимосвязи литературы древнего мира.–М.: Наука, 1971.–С.134–205.
38. “Гўрўғли”. –Урганч:“Хоразм”, 2004. –Б.476.
39. Гўрўғлининг туғилиши. Достон. Айтувчи Пўлкан шоир. Қайта нашрга тайёрловчи, иқтибос ва изоҳларни киритувчи Э. Матёқубов. – Тошкент, 2019. – 140 б.
40. Далли. Достон. Айтувчи Эргаш Жуманбулбул ўғли. Нашрга тайёрловчи М.Алавия // Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972.– 320 б.
41. Дурдиева Г. Хива аёллари. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2002. –Б.97-108. (144)
42. Диваев А. Несколько слов о могиле Хорхут-ата-ЗВО РАО, т.Х., СПб, 1896. –С.193-194.
43. Древнетюркский словарь. –Ленинград, Наука, 1969. –С.82.
44. Дўмбирам. Терма. Айтувчи Умир шоир Сафаров // Келиной кўшиқлари. Ёзиб олувчи ва нашрга тайёрловчи О.Собиров. –Тошкент, 1981.–Б.80–88.
45. Ёдгор. Достон. Айтувчи Чоршанби бахши Раҳматуллаев. Ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи Н.Тўраев. – Термиз: Жайхун, 2000. – 108 б.



46. “Ёзи билан Зебо” (достон). Айтувчи Ёрмат бобо. Ёзиб олувчи Рафиқ Мўмин. Нашрга тайёрловчи М.Жўраев // Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 100 жилдлик. 15-жилд. “Ёзи билан Зебо” (достон). Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи М.Жўраев. – Тошкент, 2020. – Б.17-34.

47. Ёрматов И. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси бадиияти. – Тошкент: Фан, 1994. – 200 б.

48. Ёқуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари. –Тошкент: “Фан”, 2005. –Б.162.

49. Жалолов Т.Ўзбек шоирлари. I китоб, –Тошкент: Ғ.Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриёти, 1970. –Б.239-241.

50. Жирмунский. Тюркский героический эпос//Избранные труды. –Л.:Наука. 1974. – С.725.

51. Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. - М., ГИХЛ, 1947. – С.536.

52. Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. –Л.: Наука, 1979. –С. 494.

53. Жорхун мастон. Достон. Айтувчи Қодир бахши Раҳимов // Нурали. Достонлар. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – 208 б.

54. Жуманиёзов О. Халпа // Илм сарчашмалари. Урганч: 2002, №4. –Б.71-72.

55. Жуманиёзова М. Хоразм халқ кўшиқлари лексикаси. НДА. –Тошкент: 1999. –Б.22.

56. Жуманиёзов Р. Қадимги Хоразм тарихи. –Урганч: “Мураббий”, 1993. –Б. 122.

57. Жуманазаров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. – Тошкент: “Фан”,1991. –Б. 15-18.

58. Жўраев М. The Uzbek public heroic epos “Alpomish”: genesis, epic evolution and modern variants // InternationalSammit on Epik Studies: Toward Diversity, Creativity and Sustainability. November, 2012. – Beijing, 2012. – P.74-75.

59. Жўраев М.Dastan “Alpamush” and its place in the context of epic thinking of the people of Central Asia // Arts & Humanities conference of the Silk Road. – Daegu, 2015. – P. 151-165.

60. Жўраев М. “Ёзи билан Зебо” достони вариантларининг ўзига хос хусусиятлари // Тафаккур зиёси. – Жиззах, 2019. –1-сон. – Б.59-62.

61. Жўраев М. Қўшиққа айланган муҳаббат қиссаси // Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 100 жилдлик. 15-жилд. “Ёзи билан Зебо” (достон). Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи М.Жўраев. – Тошкент, 2020. – Б.4-16.

62. Жўраев М., Ынкёнг О. Қадимги шомон мифологияси ва эпик мотивлар генезиси // Илм сарчашмаси. – Урганч, 2013. – №1. – Б.45-51.

63. Зарифов Ҳ.Т. Ўзбек фольклори. Педагогика институтлари учун хрестоматия. II китоб. – Тошкент, 1941. – 400 б.

64. Зарифов Ҳ.Т. Бахши. Ўзбек энциклопедияси. -Т.2. -С.98-99.

65. Зарифов Ҳ.Т. Основные мотивы эпоса “Алпамыш” // Об эпосе “Алпамыш”. – Ташкент, 1959. – С.8–20.

66. Зарифов Ҳ. Ўзбек фольклоршунослиги тарихидан // Ўзбек фольклори масалалари. – Тошкент: “Фан”, 1970. – Б.264-267.

67. Зарифов Ҳ. Улкан халқ санъаткорлари // Эргаш шоир ва унинг дostonчиликда тутган ўрни. – Тошкент: “Фан”, 1971.– Б.79-88.

68. Зарифов Ҳ. Фозил шоир – машхур дostonчи // Фозил шоир. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. 3-китоб. – Тошкент: “Фан”, 1974. – Б.4-15.

69. Зарифов Ҳ. Ўзбек халқ дostonларининг тарихий асослари бўйича текширишлар // Пўлкан шоир. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. 4-китоб. – Тошкент: “Фан”, 1976. – Б.76.

70. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. –400 б.

71. Илларионов В. В. Якутское сказительство и проблемы возрождения олонхо. – Новосибирск: Наука, 2006. –С.67-77.

72. Имомов К. ва бошқ. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1990. – Б.256.

73. Имомов К. Дostonларда эртақ мотивлари // Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. 3-китоб. – Тошкент: “Фан”, 1973. – Б.97.

74. Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси.– Тошкент: “Фан”, 2008. – 320 б.

75. Исломова М. Отам ҳақида // Ислом шоир замондошлари хотирасида. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – Б.89.

76. Исмоилов С. Қадимги Хоразм қалъалари. –Тошкент:А.Навой номисидаги миллий кутубхона нашриёти, 2007. –Б. 96.

77. Йўлдошев Б. Қашқадарё бадиияти. – Тошкент:Шарқ, 1998. – 300 б.

78. Кароматли Ф. О музыке узбекских дастанов и особенностях ее проявления в “Алпамыше” / “Алпомиш” – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 50-63.

79. Кароматов Ф. Узбекская домбровая музыка. – Ташкент, 1962. – С.78-86.

80. Карриев Б.А. Эпические сказания о Кёроглы у тюркоязычных народов.– М.: Восточная литература, 1968. – 268 с.

81. Колер И., Ранке И., Ратцель Ф. История человечества. (До исторический период), Санк-Петербург, “Полигон”, 2003. –Б.329.

82. Крюкова В. Авестийский жрецкий кодекс “видевдат”, историко-этнографические реалии. / “Авесто” ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. –Тошкент –Урганч: “Фан”, 2001. –Б.120-124.

83. Китоби дадам Қўрқут.–Урганч: УрДУ нашриёти 2019. –Б.140.

84. Короғлу –Бакы, “Элм”, 1959. –Б.508.

85. Косвен М. Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. –Тошкент:Фан, 1960. –Б.240.

86. KHAZRAI Babak. BAKHSHI. // Жаҳон цивилизациясида бахшичилик санъатининг ўрни. (Термиз, 2019 йил 5-10 апрель). – Тошкент, 2019. –Б.38-39

87. Карриев Б.А. Эпические сказание Кероглы у тюркоязычных народов. –М.: Вост.лит. 1968. –С.258.

88. КороглыХ.Г. Взаимосвязи эпоса народов Средней Азии, Ирана и Азербайджана. –М.: Наука, 1983, С.61.

89. Короглы Х.Г. Новые данные о героическом эпосе огузов // ЎТА, 1986, №4, 41-бет.

90. Кононов А.Н. Родословная туркмен.Сочинение Абу-л-Газы хана хивинского. –М.,-Л.: Изд. Ан, 1958.

91. Короглы Х.Г. Шаман, полководец, озан (эволюция образи деде –Коркута). // Советская тюркология. –Баку, 1972, №2. –С.48-62.

92. Кузнецова З.С. Легенда об олене: фольклорный характер источника // Исследования и публикации по истории античного мира. Вып.2. – СПб., 2003. – С.321-334.

93. Кунтуғмиш. Достон. Айтувчи Эргаш Жуманбулбул ўғли. Нашрга тайёрловчи Ҳоди Зариф. – Тошкент: “Шарқ”, 2011. – 280 б.

94. Кыдырбаева Р.З. Сказительское мастерство манасчи. – Фрунзе: Илим, 1984. –120 с.

95. Лазутин С. Г. Поэтика русского фольклора.–М.: Высшая школа, 1989. –208 с.

96. Лаффасий. Тазкираи шуаро. –Урганч, “Хоразм”, 1992. –Б.120

97. Лорд Альберт. Сказитель. –М.: Восточная литература, 1994. –368 с.

98. Мадраҳимов З., Нурметов С. Тарғунча. –Урганч, 1999. (Муҳаррир: С.Рўзимбоев, мусиқа муҳаррири: Қ.Раҳимов) –Б.40.

99. Матниёзов А. Халфа номининг этимологияси хусусида // Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. 2016.–№4. –Б.43-47.

100. Маҳмудова Р. Халқ китоблари ва айрим қиссалар. // Адабий мерос. –: Фан, 1971. –Б.254-258.

101. Маҳмуд баҳши. –Урганч, “Хоразм”, 2008. –Б.46 (Нашрга тайёрловчи: И.Оллоберганов)

102. Матёқубов Б. Достон наволари. –Тошкент: “BUILDING PRINT” 2009. –Б. 342

103. Мадраҳимова Н.Я. “Ширин билан шакар” достонининг қиёсий –типологик таҳлили. номзод. дисс. авторефер. –Тошкент, 1996. –Б.27.

104. Мақсетов Қ.Қарақалпақ қаҳарманлық дэстанлариндағы проза // Эмиўдэрья. – Нөкис, 1965. – №4.– Б. 114-125.

105. Мақсетов Қ.М. Дэстанлар, жыраўлар, бақсылар. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1992. – 348 б.

106. Мақсетов Қ.М. Каракалпакский эпос. – Ташкент, 1976. – 112 с.

107. Мақсетов Қ.М. Қарақалпақ жыраў бақсылары. –Нөкис: Қарақалпақстан, 1992. – 200 б.

108. Maturqubov B., E.Altinkaynak. Alpamis destani.– Ankara, 2017. – S.70–92.

109. Мелетинский Е.М. “Эдда” и ранние формы эпоса. – М.: Наука, 1958.

110. Мелетинский Е.М. Семантическая организация мифологического повествования и проблемы семиотического указателя мотивов и сюжетов // Ученые записки Тартуского государственного университета. Вып. 635. – Тарту, 1983. – С.115-128.

111. MetinEkici.DestanArastirmaveIncelemelerindeKullanilanBaz iTerimlerHakkinda // Milliyfolklor. – Ankara,2002. – p.54.

112. Мирзаев Т. “Алпомиш” достонининг ўзбек вариантлари. – Тошкент: Фан, 1968. – 152 б.

113. Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Тошкент: Фан, 1979. – 160 б.

114. Мирзаев Т. Ўзбек достончилиги ва “Алпомиш” достонининг Бекмурод Жўрабой ўғли варианты ҳақида // Алпомиш. Достон. Бекмурод Жўрабой ўғли варианты. – Тошкент, 1999. – Б.5.

115. Мирзаев Т. Бахшиларнинг эстетик қарашлари // “Жаҳон цивилизациясида бахшичилик санъатининг ўрни” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция тезислар тўплами. – Б. 5-6.

116. Мирзаев Т. Бахшилар эпик репертуарининг шаклланиши ва бойиб бориши масалалари // “Қодир бахши абадияти” мавзусида ўтказилган республика илмий-амалий конференция мате­риаллари. – Қарши, 2012. – Б.10.

117. Мирзаев Т. Ҳоди Зариф суҳбатлари. – Тошкент, 2010. – 360 б.

118. Мирзаев Т., Саримсоқов Б. Достон, унинг турлари ва тарихий тараққиёти // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: Фан, 1981. – Б.22.

119. Мирзаев Т., Жўраев М. “Китоби дадам Қўрқут” ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1999. – №5. – Б.33-38.

120. Мирзаев Т. Эпос и сказитель. – Тошкент: “Фан”, 2008. – С.410.

121. Мирзаев Т. Қахрамонлик эпосининг юзага келиши // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: “Фан”, 1981, 43-бет.

122. Мирзаев Т. Фольклор ижодкорлари ва ижрочилари. // Ўзбек фольклори очерклари. I том. – Тошкент: “Фан”, 1988. – Б.16-17.

123. Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Тошкент: “Фан”, 1979.

124. Мирзаева С. Ўзбек халқ романик достонлари поэтикаси. – Тошкент: “Фан”, 2004. – 200 б.

125. Михайлов Т.М. Шаманизм и эпос. Эпическое творчество народов Сибири. – Улан-Удэ, 1973. – 406 с.
126. Мифы народов мира. В двух томах. 1-том.–Москва:Советская энциклопедия, 1991. –672 с.
127. Мифы народов мира. В двух томах. 2-том.–Москва: Советская энциклопедия,1992. –720 с.
128. Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси.–Тошкент: “Фан” 1995. –168 б.
129. Муҳаммад Қурбон Б. Ғозовотлик навозандалар. –Урганч: “Хоразм”, 2015. –Б.46-71. (120)
130. Мурадов М. Эпос “Гороглы” сокровищница душа и чаяний народа. – Ташкент, 1990. – 130 с.
131. Муродов М., Эргашев А. Алпомишнома. 1- китоб. Сурхондарё талқини. – Тошкент: Меҳнат, 1999. –500 б.
132. Муродов М., Эргашев А. Алпомишнома. 2-китоб. – Тошкент: Меҳнат, 2000.– 420 б.
133. Муродов М., Эргашев А. Қодир бахши Шеробод дostonчилик мактабининг буюк вакили // Алпомишнома. Сурхондарё талқини. – Тошкент: Меҳнат, 1999. –Б.178-188.
134. Мусақулов А. Терма // Ўзбек фольклори очерклари. Учтомлик 1-том. – Тошкент: “Фан”, 1988. – Б.262.
135. Мустафоқулов Р., Ёриев Б. “Алпомиш” талқинлари. Она тили ва адабиёти ўқитувчилари учун қўлланма. – Термиз, 2000.
136. Мустафоқулов Р., Ёриев Б. Шер боласи шер бўлар // Хурсўна. Дoston. Айтувчи Чоршанби бахши Раҳматуллаев. – Термиз: Жайхун, 1999. – Б.3.
137. Мусина Ғ. Ўзбек халқ дostonларида хотин-қизлар образи. –Тошкент.: “Ўқитувчи”, 1983.
138. Назаров Б. “Қўрқут ота китоби” ҳақида // “Ёшлик”.–Тошкент, 1988. –№5. –Б.40.
139. Е.Е. Об этнических процессах в раннесредневековом и средне вековом Хорезме. // Материалы к этнической истории населения Средней Азии. –Тошкент: “Фан”,1986. –С.42.
140. Невелева С.Л. Махабхарата. Изучение древнеиндийского эпоса.–М.: Наука, 1991.–228 с.

141. Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий. Қиссаси Рабғузий. Иккинчи китоб.–Тошкент: “Ёзувчи”, 1991. –272 б.

142. Неклюдов С.Ю. О некоторых аспектах исследования фольклорных мотивов // Фольклор и этнография: у этнографических истоков фольклорных сюжетов и образов. – Л., 1984. – С.221-229.

143. Новиков Ю.А. Сказитель и былинная традиция. – СПб., 2000.

144. Нормулой. Достон. Айтувчи Қодир бахши Раҳимов. Ёзиб олиб нашрга тайёрловчи А.Эргашев. – Қарши, 2011.

145. Нурали ва қари Аҳмад. Достон. Айтувчи Боймурод Боймат ўғли // Нурали. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – Б.195.

146. Нуралининг банди бўлиши. Достон. Айтувчи Саъдулла бахши Тоҳир ўғли. Ёзиб олувчи: Эгамберди Худойбердиев. Нашрга тайёрловчилар А.Қаҳҳоров, А.Эргашев. – Қарши: Насаф, 1993. –Б.30–80.

147. Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. XIXтом. –Тошкент: “Фан”, 1982. –Б.310.

148. Очиллов Насим Камолович. XX асрнинг 60-80-йилларида Жанубий Ўзбекистон воҳасида халқ эпик анъаналарининг сақланиш ҳолати (Қодир бахши Раҳимов ижоди ва репертуари асосида). Филология фанлари илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация Автореферати.–Тошкент,2004.–Б. 20.

149. Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам. –Тошкент: Ғ.Ғулом номли нашриёт, 2015. (Нашрга тайёрловчи: О.Пирматов). –Б.329-338.

150. “Ошиқ Маҳмуд. Авазхон. –Тошкент: “Фан”, 1970. (Нашрга тайёрловчи Ж.Қобулниёзов)

151. Оллаберганова С.Х. Халфалар ижодининг ўзбек фольклоридаги ўрни. Филол. фан. ном. дисс. авторефер. –Тошкент: 2007. –Б.23.

152. Оллаберганова С. Халфалик анъанаси ва локал хусусиятлар // Бадий тафаккур ва адабий жараён. –Тошкент: ТДПУ нашриёти, 2003 –Б.41-43.

153. Оллаберганова С. Халфа айтимларининг бир хусусияти ҳақида. // Филологик тадқиқотлар. –Тошкент: ТДПУ нашриёти,2004. –Б.26-27.

154. Оллаберганова С. Адабий анъана ва ижодкор аёллар. // Бадий тафаккур ва ижодий жараён. –Тошкент: ТДПУ нашриёти, 2003. –Б.25-27.

155. Отажон Ҳошим. Ўзбек фольклори тўғрисида // Совет адабиёти. 1935.-№ 7-8. –Б.95-98.

156. Ожиза. –Тошкент, 2003. –Б.3-8.

157. “Ошиқнома”. I китоб.–Урганч: “Хоразм”, 2006. –Б.454.

158. “Ошиқнома”. II китоб.–Урганч: “Хоразм”, 2006. –Б. 431.

159. “Ошиқнома”. III китоб.–Урганч: “Хоразм”, 2008. –Б.240.

160. “Ошиқнома”. IV китоб. –Урганч:“Хоразм”, 2009. –Б.354.

161. Ойпарча. Достон. Айтувчилар Умир шоир Сафаров ва Бўри бахши Аҳмедов. Нашрга тайёрловчилар М.Жўраев, М.Жўраева // Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 100 жилдлик. 8-жилд. Сўзбоши, илмий изоҳлар ва резюме муаллифи М.Жўраев. – Тошкент: Фафур Гулом номидаги НМИУ, 2016.

162. Обидова М. “Рустам” туркумидаги достонлар. – Тошкент: “Фан”, 1982.– 80 б.

163. Оллоназар Олчинбек. Достон. Айтувчилар Мардонакул Авлиёқул ўғли ва Қахҳор бахши Раҳимов. Сўз боши ва луғат билан нашрга тайёрловчи Н. Очиллов. – Қарши: Насаф, 2020. – 200 б.

164. Ойсулув. Достон. Айтувчи Рўзиқул бахши Қултўра ўғли. – Тошкент: Сано-стандарт, 2013.– 98 б.

165. Ойчинор. Достон. Айтувчи Қодир бахши Раҳимов. Ёзиб олиб нашрга тайёрловчи А.Қахҳоров // Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. – Тошкент:Адабиёт ва санъат, 1987. – Б.128-220.

166. Оқ олма, қизил олма // Қўшиқлар. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. – Тошкент, 1972. –180 б.

167. Очиллов К. Қалдирғочни қўндирган қўшиқ. – Самарқанд: Зарафшон, 1992.– 200 б.

168. Очиллов Н. Бахшичилик санъати ва эпик репертуар. – Тошкент: “Фан”, 2020. –240 б.

169. Пардаев Т. Ўзбек достончилик мактабларининг теран илдизлари маънавиятимиз асоси. / Жаҳон цивилизациясида... –Б.117.

170. Потапов Л.П. Порханы. / Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. –Тошкент: Фан, 2010. –Б.233-245.

171. Потапов Л.П. Узбекские народные поверья и приметы // Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. III том. –Тошкент: “Фан”, 2010. –Б.230-245.



172. Потанин Г.Н. Примечания // Никифоров Н.Я. Аносский сборник. – Омск, 1915. – С.221-224.
173. Пропп В. Я. Фольклор и действительность.–М.,1976.327 с.
174. Пропп В. Я. Морфология сказки.–М., 1969.–168 с.
175. Пропп В.Я. Русские аграрные праздники.–Санкт–Петербург: 1995.–176 с.
176. Пропп В.Я. Историческое корни волшебной сказки.–Л.: Изд-во ЛГУ, 1986. –366 с.
177. Путилов Б.Н. Мотив как сюжетобразующий элемент// Типологические исследования по фольклору.–М.,1975.–С.141–181.
178. Путилов Б. Эпическое сказительство.–М.:Восточная литература, 1997. –295 с
179. Путилов Б. Искусства былинного певца (из текстологических наблюдений над былинами // Принципы текстологического изучения фольклора. – М., 1966.– С.223.
180. Путилов Б.Н. Веселовский и проблемы фольклорного мотива // Наследие Александра Веселовского. Исследования и материалы. – М., 2016. – С.74-85.
181. Радлов В.В. Образцы народной литературы северных тюркских племен. Ч.5. Наречие дикокаменных киргизов. – СПб., 1885.
182. Ражабова Х. Аёл бахшилар ҳам бўладими? // Маърифат” газетаси, 2002 йил, 2 феврал.
183. Райхл К. Тюркский эпос: традиции, формы, поэтическая структура. – М.: Восточная литература, 2008. – 400 с.
184. Раҳмонов Б. Ўзбек фольклори анъанавий жанрларининг ҳозирги аҳволи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2003.– №5. – Б.55-58.
185. Раҳмонов Б. Халқ эпоси ва замон // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2004. – 4-сон. – Б.91-96;
186. Раззоқов Ҳ. Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор. – Тошкент: “Фан”, 1965. –Б. 40.
187. Рифтин Б.Л. Из наблюдений над мастерством восточно-монгольских сказителей (Магтал коню и всаднику) //Фольклор: Поэтика и традиция. – М.: Наука, 1982. – С.70-92.

188. Рўзимбоев С. Хоразм дostonлари. – Тошкент, “Фан”, 1985, 134-бет.

189. Рўзимбоев С. Халқ дostonлари ва халфалар ижоди // Адабий мерос, 1984, –№2. – Б.9-13.

190. Рўзимбоев С. “Тўрўғли” эпосининг Хоразм версияси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти.–Тошкент, 1989.–№2. –Б. 60.

191. Рўзимбоев С. Сайланма. (монография, мақолалар, хотира-лар). Урганч-2009. 257 б.

192. Рўзимбоев С. Мулла Исҳоқ, –Урганч:“Университет”, 2005. –Б. 24.

193. Рўзимбоев Х.С. Хоразм фольклорининг хорижда ўрганилиши тарихидан (XIX аср ХХ аср боши) НДА. –Тошкент: 1996. –Б.23.

194. Рўзимбоев С.Р. Эпос ҳақида қайдлар. // Сайланма. –Урганч: “Хоразм”, 2012. –Б. 222-295.

195. Рўзимбоев С. Хоразм дostonчилиги эпик анъаналари. – Урганч, “Университет”, 2008. –Б.58.

196. Рўзимбоев Х.С. Рўзимбоев С.Р. Хоразм “Тўрўғли” эпоси. – Урганч, “Хоразм”, 2016. –Б. 192.

197. Рўзимбоев С. Хоразм дostonларининг спецификаси, типологияси ва поэтикаси докторлик дисс.) –Тошкент,1990.

198. Рўзимбоев С. Юсуф масҳарабоз. –Урганч: “Хоразм”, 1995. –Б.22.

199. Рўзимбоев С. Халқ ижодининг ноёб дурдоналари // “Ошиқнома”. Вики-тоб. –Урганч:“Хоразм”, 2013. –Б. 3-12.

200. Рўзимбоев С. Хоразм дostonчилиги эпик анъаналари.– Урганч: “Университет”, 2008. –Б.58.

201. Рўзимбоев С. Халқ дostonлари ва халфалар ижоди // Адабий мерос. –Тошкент: Қўлёмалар институти нашриёти, 1984. –Б. 9-13.

202. Рўзимбоев С.Р. Халфа ва халфачилик ҳақида // “Тафаккур зиёси” 57-том. –Б. 3-4.

203. Рўзимбоев С.Р. Сайланма. –Урганч:“Хоразм”, (60) 2012. –Б.198. (266)

204. Рўзимбоев С. “Ошиқ” туркуми дostonларининг ғоявий-бадий хусусиятлари. –Тошкент: ТДПИ нашриёти, 1987. –Б.21-24 (52)

205. Рўзимбоев С. “Ошиқ” туркуми дostonларининг ғоявий-бадий хусусиятлари. –Б.23-24.

206. Рўзимбоев С. Хоним халфа ҳаётининг янги саҳифалари // Ўзбек тили ва адабиёти.–Тошкент, 2017.– №1. –Б.84-87.

207. Рўзимбоев С. Хоразм воҳаси ўзбек халқ кўшиқларининг гоъвий-бадий хусусиятлари. –Тошкент,1972. (номзолик дисс)

208. Рузимбоев С. Идейно-художественные особенности Узбекских народных песен Хорезмского оазиса. АҚД. –Тошкент: 1971. –С.22 (30)

209. Рузимбоев С. Специфика, типология и поэтика хорезмских дастанов. АДД. –Тошкент: 1990. –С. 46.

210. Рустамов А. Қофия нима? – Тошкент: “Фан”, 1975. – Б.77.

211. Саидов М. Ўзбек халқ дostonларида бадий маҳорат масаласи. – Тошкент: “Фан”, 1969. – 232 б.

212. Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. – Тошкент: “Фан”, 1978. – 152 б.

213. Саримсоқов Б. “Алпомиш” дostonи ҳақида уч этюд // “Алпомиш” – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. – Тошкент: “Фан”, 1999. – Б.135-136.

214. Саримсоқов Б. “Алпомиш” классик эпос намунаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1999. –№4. – Б.7.

215. Сат С.М. Текст учителя и текст ученика (Опыт сопоставления художественно– определительных констант тувинского сказания) // Фольклор: Поэтика и традиция. – М.: Наука, 1982. – С.50-70.

216. Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Дарслик. – Тошкент: “Муסיқа”, 2010. – 220 б.

217. Сайфуллоҳ Сайфиддин. Халқ севган қиссалар. / “Иброҳим Адҳам”, “Амири Аҳтам” ва “Бобо Равшан” қиссалари. –Тошкент: “Мовароуннаҳр”, 2005. –Б. 208.

218. Саримсоқов Б. Вазнли наср ҳақида мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1975.–№4. – Б.73-77.

219. Саидов М. Халқ дostonларида эпик қолип ва анъанавий формулалар. // Ўзбек филологияси масалалари. /Научные труды ТашГУ. вып. 362. –Тошкент: 1970. –С.52.

220. Саидов М. Ўзбек халқ дostonчилигида бадий маҳорат. –Тошкент: Фан, 1969. –Б. 264.

221. Сазонова М.В. Традиционное хозяйство узбеков Южного Хорезма. –Л.: Наука, 1978. –С.80.

222. Садоков И.Л. Тысяча осколков золотого саза. –М.: Наука, 1981. –С. 210.

223. Самойлович А.Н. Краткий отчёт о поездке в Ташкент и Бухару и в Хивинское ханства в 1908 году. //Известие русского комитета для изучения Средней и Восточной Азии в историческом, лингвистическом и этнографическом отношениях. СПб., 1909, №9, 21-22-бетлар

224. Сабуров Н. Халфалар репертуаридаги янги қўшиқлар // Ўзбек совет фольклори масалалари. –Тошкент: “Фан”, 1970. –Б.70-77.

225. Собирова С., Солаев Ҳ. Хива булбуллари. –Хива, 2000 йил. (64)

226. Собиров О. Хоразм воҳаси театрлари 1917-1941 йиллар. –Тошкент: “Адабиёт ва санъат”, 1991. –Б.176.

227. Собиров О. Ўзбек совет фольклори очерки. –Тошкент: Фан, 1971. –Б.109-115. (200)

228. Стеблин –Каменский М.И. Мир саги. Становление литературы. –Л.: Наука, 1984. –С.47. (246)

229. Снесарев Г.П. Хоразмликларнинг мусулмонликдан аввалги маросимлари ва урф-одатлари. –Урганч:УрДУ нашриёти, 2018. –Б.348.

230. Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. –Москва: “Наука”, 1969. –С.336.

231. Sedat Tamay, V.Matyakubov. Timur ve Bayezid Destani. DestanMetni – Notalar – MuzikAnalizleri. – Ardahan, 2019. – 240 s.

232. Собиров О. “Ёзи билан Зебо” достони // Ёзи билан Зебо. Достон. Ёзиб олувчи ва нашрга тайёрловчи О.Собиров. – Тошкент, 1979. – Б.4-5.

233. Соҳибқироннинг туғилиши. Достон. Айтувчи Рўзи бахши Қултўраев. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифлари А.Қаҳҳоров ва А.Эргашев. – Қарши, 1993. – 120 б.

234. Tamay S., Matyaqubov V. Timur ve Bayezid destani. Destan Metni– Notalar– Muzik Analizleri. – Ardahan, 2019.– 360 s.

235. Тайлор Э.Б. Первобытная культура.–М.: Политеской литературы, 1989. –573 с.

236. Тимофеев Л.И. Основы теории литературы.–М.: Просвещение,1971.–404 с.

237. Токарев С.А. Ранние формы религии. –М.: Полтических литературы, 1990. –622 с.

238. Топоров В.Н. Миф. Ритуал.Символ. Образ: Исследования в области мифопоэтического: Избранное. — М.: Изд.Группа “Прогресс” — “Культура”, 1995.

239. Тўмарис ҳақида дoston // Ойсулов. Дoston. Айтувчи Рўзикул бахши Қултўра ўғли. – Тошкент: Сано- стандарт, 2013. – Б.9-10.

240. Турдимов Ш. “Гўрўғли” дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. – Тошкент: “Фан”, 2011. – 308 б.

241. Турдимов Ш. Эпос ва этнос. – Тошкент: “Фан”, 2012. – 120 б.

242. Турдимов Ш. Бахши шахси, анъана ва янгиланиш тажрибалари // “Жаҳон цивилизациясида бахшичилик санъатининг ўрни” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари. – Термиз, 2019. – Б.15.

243. Турсунов С. ва бошқалар. Ўзбекистонда бахшичилик санъатининг шаклланиши ва тараққиёти тарихи. – Тошкент: “Тафаккур”, 2015. – 220 б.

244. Турсунов Аббас. Биографические и автобиографические произведения в узбекском фольклоре и их идейно-художественные особенности. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. –Тошкент: 1985. –С.18.

245. Толстов С.П. Қадимги Хоразм цивилизациясини излаб. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2014. –Б.378.

246. Тимофеев И. Бируни. –Москва, “Молодая гвардия”, 1986. – Б.41,42, 88, 107,167,198.

247. Успенский В., Беляев В. Туркменская музыка. –М.: ;Госизд. Музсектор”, 1928. –С. 380.

248. Фидакар Селами. Ўзбек дostonчилик анъанасида ва бошқа туркий халқлар дostonчилик мактабларида номлаш ва тасниф // “Фольклор, тил ва маданият масалаларини илмий ўрганишда фан ва инновациялар уйғунлиги” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2009. – Б.40 –44.

249. Халыпа (методик журнал). –Ашгабат, 2003. –Б.2.

250. Хоразм халқ кўшиқлари. –Тошкент: “Фан”, 1965. (Нашрга тайёрловчи: Ж.Қобулниёзов) –Б.397.

251. Хуршиди жаҳон келди. –Тошкент: “Адабиёт ва санъат”, 1987. (Ожиза шеърларини тўплаб нашрга тайёрловчи: С.Р.Рўзимбоев)

252. Худойберганов С. Соз ва сўз соҳиби. –Тошкент: “ILMZIYO”, 2015.

253. Хон Далли. Достон. Айтувчи Шодмон бахши Хўжамбердиев. – Қарши: Насаф, 2010. – 110 б.

254. Хуршидой. Достон. Айтувчи Муҳаммадқул Жомрод ўғли Пўлкан. Ёзиб олиб нашрга тайёрловчи Ҳоди Зариф // Ойсулув. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1984. –Б. 80 – 160.

255. Чичеров В.И. Школа сказителей Заонежья. – М, 1982. – 80 с.

256. Чистов К. В. Народный традиции и фольклор. Очерки теории. –Л.: Наука, 1986. –280 с.

257. Шайбонийхон. Айтувчи Муҳаммадқул Жомрод ўғли Пўлкан. Ғози Олим таҳрири остида. – Самарқанд, 1928.– 180 б.

258. Шермуҳаммад Мунис ва Муҳаммадризо Огаҳий. “Фирдавс ул-иқбол”. –Тошкент: “Ўқитувчи”, 2010. –Б. 382.

259. Эргашев А. Қашқадарё-Сурхондарё достончилиги. – Тошкент: “Фан”, 2008. – 200 б.

260. Эргашев А. Шодмон бахши термалари // Сурхонданман Сурхондан. Термалар. – Қарши: Насаф, 2012. – Б.4.

261. Эргашев А. Оилавий бахшилар сулоласи. –Термиз:Сурхон, 2019. – 220 б.

262. Эргашев А., Халилова Д. “Ёзи билан Зебо” – ишқ достони. – Қарши: Насаф, 2000. – 98 б.

263. Эргаш шоир ва унинг достончиликдаги ўрни // Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. – Тошкент: “Фан”, 1971. 148 б.

264. Эшонқулов Ж. Мардлик ва жасорат улуғланган достон // Алпомиш. Ўзбек халқ достони. Айтувчи Умир шоир Сафаров, Мардонақул Авлиёқул ўғли. – Тошкент, 2019. – Б.11-12.

265. Эшонқулов Ж. Эпик тафаккур тадрижи. – Тошкент: “Фан”, 2008. –120 б.

266. Юлдашев И. Ўзбекистонда бахшичилик ва унга оид айрим терминлар этимологияси хусусида // “Фольклор, тил ва маданият масалаларини илмий ўрганишда фан ва инновациялар уйғунлиги” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2019. – Б.16.

267. Ўзбек миллий энциклопедияси, 8-том. – Тошкент: “Ўзбек миллий энциклопедияси”, 2004. – Б.184-185- бетлар.

268. Ўзбек адабиёти тарихи. III том. – Тошкент: “Фан”, 1978. –Б. 378.

269. Ўзбек халқ музыкаси, VII, VIII, IX томлар. –Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1959-62. –Б.590.

270. Ўзбек халқ музыкаси. IX том. – Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1962. –Б.590.

271. Ўзбек халқи музика мероси. –Тошкент: “Адабиёт ва санъат”, 1978. –Б.154.

272. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5 жилдлик, 4-жилд. –Тошкент: “Ўзбек миллий энциклопедияси”, 2008. –Б.381.

273. Ўтаев Ў. Бахшилар сардори. – Қарши: Насаф, 1998. – 80 б.

274. Ўтаев Ў., Отаёр. Дунёга тенгдош хазина. –Тошкент: Ёзувчи, 1994. –Б.3–8.

275. Қирқ минги бахшидир, қўлинда сози. – Тошкент: “Шарқ юлдузи”, 1992. – №. 2. –Б.190.

276. Қўшмоқов М. Чечанликда сўзга сувдайин оқиб. –Тошкент: “Адабиёт ва санъат”, 1978.– Б. 168.

277. Қўшмоқов М. Бахшилар хазинаси. –Тошкент: “Адабиёт ва санъат”, 1981. –Б.114.

278. Қаҳҳорова Ш. Бахши эстетик идеали ҳақида // Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. V том. –Тошкент: 2015. –Б.40-44.

279. Қобулниёзов Ж. Хоразм халқ қўшиқлари. –Тошкент: “Фан”, 1965. –Б.23-27.

280. Қуронбоева Н. Хоразм тўй қўшиқлари. Филол. Фан. номзоди. Дисс. Автореферати. –Тошкент, 1998.

281. Қуронбоева Н. Тебранади бешик Хоразмда. –Тошкент: “Чўлпон”, 2002. –Б. 87.

282. Қуронбоева Н. Хоразм тўй қўшиқлари ҳақида // Республика ёки адабиётшуносларининг анъанавий илмий конференцияси материаллари. –Тошкент, 1993. –Б.74-76.

283. Қуронбоева Н. “Хоразм бешик тўйи маросими фольклори // Ўзбекистон ёш адабиётшуносларининг анъанавий илмий конференцияси материаллари. –Тошкент, 1995. –Б.64-65.

284. Қиличев Т. Хоразм халқ театри. –Тошкент: “Адабиёт ва санъат”, 1988. –Б.182.

285. Қурёзов Т. Нотекис йўллар. – Тошкент, 2014. –Б.126.

286. Қахҳор бахши Раҳимов. Самодан томган томчилар. Термалар. – Қарши: Насаф, 2016.– 98 б.

287. Қахҳоров А. Янги достонлар. – Тошкент: Фан, 1984.– 240 б.

288. Қахҳорова Ш. Эпик анъана ва “Оллоназар Олчинбек” достони. – Тошкент: Муҳаррир, 2011. – 128 б.

289. “Қодир бахши абадияти” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари. – Қарши, 2012. – 400 б.

290. Қодир бахши термалари. Нашрга тайёрловчи А.Эргашев. – Қарши, 2013. – 108 б.

291. Қора бахши Умиров. Сулув кўрсатар. Термалар. – Қарши: Насаф, 2002.– 80 б.

292. Қўнғирот. Достон. Айтувчи Қахҳор бахши Раҳимов. Ёзиб олувчи ва нашрга тайёрловчи А.Эргашев. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – 180 б.

293. Қуронов Д. ва бошқ. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2013. – 360 б.

294. Қўшжонов М. Адабиётда эстетик категориялар // Ижод масъулияти. – Тошкент, 1981. – Б.316-317.

295. Қўшмоқов М. Бахшилар хазинаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – 148 б.

296. Khazrai V. Bakshi // “Жаҳон цивилизациясида бахшичилик санъатининг ўрни” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2019. – Б.37.

297. Ҳасанхон. Достон. Айтувчи Ислон Назар ўғли. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1976. – Б.3–208.

298. Хурсўна. Достон. Айтувчи Чоршанби бахши Раҳматуллаев. Ёзиб олувчи ва нашрга тайёрловчи Р.Мустафақулов. – Термиз: Жайхун, 1999. – 136 б.

299. Ҳикояти Гўрўғли Султон. –Тошкент: “Adabiyot uchgunlari”, 2013.–Б.222. (Нашрга тайёрловчи Т.Мирзаев)

300. Ҳомидов Б.Ҳ. Боқий бўстон таровати. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. –Б.216.



301. Ҳоди Зариф. Улкан халқ санъаткори // Эргаш шоир ва унинг дostonчиликдаги ўрни. –Тошкент: Фан, 1971. –Б.8-40.

302. Ҳайдаров А. Бахшилиқ ва дostonчилик тараққиётининг долзарб масалалари / Жаҳон цивилизациясида бахшичилик санъатининг ўрни. –Б.62.

303. Нәкимов М. Азәрбајжан ашыг әдәбијјаы. Бақы, “язычы”. 1983. –Б.240.

304. Эгамбердиева Г.М. Эртак тип сюжетли Хоразм дostonлари поэтикаси АНДА. –Тошкент,2005. –Б. 22.

305. Эшжонова Г. Хоразм халфачилиги ҳақида қайдлар // Хоразм фольклори. –Урганч:УрДу нашриёти, 1999. –Б.47-49.

306. Юсупов Ж. Эпик анъаналар генезиси. –Урганч:2008. –Б.24.

307. Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. –Тошкент: “Адабиёт ва санъат”, 1988. –Б. 117.

# МУНДАРИЖА

КИРИШ .....	3
-------------	---

## **Биринчи боб** **Эпик санъатнинг қадимий илдизлари**

Бахши ижрочилигининг юзага келишидаги дастлабки омиллар .....	10
Бахшичилик санъатининг тарихий тараққиёти.....	30

## **Иккинчи боб** **Бахшичилик санъатида эпик анъана ва локал хусусиятлар**

Жанубий Хоразм дostonчилик анъаналари .....	49
Шимолий Хоразм дostonчилиги анъаналари .....	70

## **Учинчи боб** **Дoston ижрочилари репертуари ва эпик маҳорат**

Бахшилар репертуари ва ижрочилик маҳорати.....	92
Қиссахон репертуари ва унинг эпик анъанага таъсири.....	117

## **Тўртинчи боб** **Эпик анъанада халфачилик санъати**

Хоразм халфачилик санъатининг ўрганилиши.....	137
Халфачиликка оид манбалар талқини .....	160

## **Бешинчи боб** **Халфа ижрочилиги йўналишлари**

Шоира-дostonчи халфалар ижодий фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари .....	182
Қироатхон-қиссахон ва созанда-ижрочи халфалар.....	206
ХУЛОСА.....	222
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	229

**НАСИБА САБИРОВА**

**ХОРАЗМ БАХШИ ВА ХАЛФАЧИЛИК  
АНЪАНАЛАРИ**

*Илмий монография*

Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси  
“Фан” нашриёти  
Тошкент – 2021

Муҳаррир Сардор Мустафоев  
Бадий муҳаррир Баҳром Ёғду  
Мусахҳиҳ Фаҳриддин Ҳасанов  
Саҳифаловчи Муродилло Раҳмонов

Нашриёт лицензияси № 1385, 21.01.2021 й.  
--...2021 йилда босишга рухсат этилди.  
Қоғоз бичими 60×84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. «Cambria» гарнитураси.  
Шартли босма табағи 15,75 Адади -- нусха.  
Бунортма рақами №: --. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
«Фан» нашриёти давлат корхонасида нашрга  
тайёрланди ва чоп этилди.  
100047, Тошкент ш., Яҳё Ғуломов кўчаси, 70-уй.  
Тел.: +99899 7917555, +99871 2622154;  
email: fan\_ndk@mail.ru



## НАСИБА САБИРОВА

Насиба Сабилова Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида туғилган. Урганч давлат университетининг филология факультетида таҳсил олган. 2018 йилда “Хоразм халқ лирик кўшиқларида поэтик рамзларнинг бадиий-эстетик вазифалари” мавзусидаги докторлик ишини ҳимоя қилди ва филология фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасига эга бўлди, доцент. Ҳозирги кунда Хоразм вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказида “Тилларни ўқитиш методикаси” кафедраси мудири лавозимида ишлаб келмоқда. Илмий изланишлари республика ва хорижий нашрларда чоп этилган. 100 дан ортиқ илмий, илмий-оммабоп мақолалар муаллифи



ISBN 978-9943-19-548-6



9 789943 195486